ISSN 2091-5659

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТЎПЛАМИ

СОБРАНИЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

№ 11

2026 йил 16 - 21 март

Расмий нашр

Официальное издание

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари жойлаштирилади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

БИРИНЧИ БЎЛИМ

233. «Давлат мулкини хусусийлаштириш соҳаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 17 мартдаги ЎРҚ-1122-сон Қонуни

ИККИНЧИ БЎЛИМ

234. «Муборак Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 17 мартдаги ПҚ-106-сон қарори

УЧИНЧИ БЎЛИМ

235. «Атоқли давлат ва жамоат арбоби Қаллибек Камалов таваллудининг 100 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 16 мартдаги 103-сон қарори

236. «Кўчмас мулкдан фойдаланишда илғор ахборот технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 16 мартдаги 104-сон қарори

237. «Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 16 мартдаги 105-сон қарори

238. «Ўзбекистон миллий табиий мерос объектлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 16 мартдаги 106-сон қарори

239. «Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятида иш жараёнларини рақамлаштириш доирасида қоғоздан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 18 мартдаги 109-сон қарори

240. «Ирригация тизимларида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда сув танқислигининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 19 мартдаги 111-сон қарори

241. «Андижон вилоятида давлат ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 19 мартдаги 112-сон қарори

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

242. “O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi huzuridagi Oliy malaka komissiyasi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 16-mart ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2166-10-son)*

243. “Davlat boshqaruvi tizimi takomillashtirilishi munosabati bilan vazirlik va idoralar tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 16-mart ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3788-son)*

244. “Davlat boshqaruvi tizimi takomillashtirilishi munosabati bilan vazirlik va idoralar tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 16-mart ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3789-son)*

245. “Ko‘chmas mulk va transport vositalarining oldi-sotdi shartnomalari bo‘yicha hisob-kitoblarni amalga oshirish uchun notariuslar va banklar o‘rtasida elektron ma’lumotlar almashish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi, O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining qarori *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 16-mart ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3790-son)*

246. “Бизнес соҳаси учун суғурта хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартлари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг буйруғи *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 19 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1891-2-сон)*

247. “O‘rta maxsus ta’lim tashkilotlarida yakuniy davlat attestatsiyasini o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 19-mart ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2011-5-son)*

248. “5-11-sinf o‘quvchilarining bilimlari sifatini nazorat qilishning reyting tizimi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi maktabgacha va maktab ta’limi vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 19-mart ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2117-3-son)*

249. “«Ветеринария дори воситаларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган импорт қилишда қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган хом ашёлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг қарори *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 19 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2502-1-сон)*

250. ““Auditorlik faoliyati to‘g‘risidagi ma’lumot shakli va uni to‘ldirish qoidalarini tasdiqlash haqida”gi buyruqqa o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 19-mart ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2515-6-son)*

251. “Sug‘urtalovchilar tomonidan yillik moliyaviy hisobotni e’lon qilish tartibi to‘g‘risidagi nizomning 1-bandiga o‘zgartirishlar kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi direktorining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 19-mart ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2564-3-son)*

252. “Davlat yong‘in nazorati organlari faoliyatini tashkil etish va amalga oshirish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga o‘zgartirishlar kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi Favqulodda vaziyatlar vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 19-mart ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3097-11-son)*

253. “Budjet jarayonining ochiqligini ta’minlash maqsadida rasmiy veb-saytlarda ma’lumotlarni joylashtirish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 19-mart ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3299-2-son)*

254. “Суғурта хизматларини электрон шаклда кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг буйруғи *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 19 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3571-1-сон)*

255. “Bir yillik statistika dasturini hisoblash metodikasiga o‘zgartirishlar kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo‘mitasining qarori *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 19-mart ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3582-1-son)*

256. ““Jasorat maktablari”ga o‘quvchilarni qabul qilish va o‘quv-tarbiyaviy jarayonni tashkil etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish haqida” O‘zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi, O‘zbekiston Respublikasi Maktabgacha va maktab ta’limi vazirligining qarori *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 19-mart ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3636-1-son)*

257. “Атом электр станциясида водородли портлашдан ҳимояни таъминлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитасининг қарори *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 19 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3791-сон)*

258. “O‘zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligining ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlariga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi direktorining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 19-mart ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3792-son)*

259. “O‘zbekiston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 19-mart ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3793-son)*

260. “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирининг буйруғи *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 19 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3794-сон)*

261. “O‘zbekiston Respublikasi Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 19-mart ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3795-son)*

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИ

QMMB: 03/26/1122/0250-son
17.03.2026-y

11 (1239)-сон
233-модда

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING
QONUNI

Давлат мулкини хусусийлаштириш соҳаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил 8 июлда қабул қилинган
Сенат томонидан 2025 йил 31 октябрда маъқулланган

Мамлакатимизда давлат мулкини хусусийлаштириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш, хусусий сектор улушини ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай инвестициявий муҳитни яратиш, давлат активларини хусусийлаштириш орқали хусусий мулкчиликни кенгайтириш юзасидан тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек бўш турган ва самарасиз фойдаланилаётган объектларни, шу жумладан давлат иштирокидаги корхоналарнинг носоҳавий активларини хусусий секторга беришни жадаллаштириш мақсадида давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнлари соддалаштирилмоқда, бу борадаги тўсиқлар бартараф этилмоқда.

Шу билан бирга соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар негизида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалдаги қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш зарурияти юзага келмоқда.

Ушбу Қонун билан «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги, «Ижара тўғрисида»ги, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги, «Тижорат сири тўғрисида»ги, «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги, «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги, «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»ги, «Давлат мулкини бошқариш тўғрисида»ги, «Давлат мулкини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига ва Солиқ кодексига давлат активларини хусусийлаштириш ҳамда ижарага беришни соддалаштиришга, соҳада тадбиркорлар учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

QMMB: 03/26/1122/0250-son
17.03.2026-y

Ушбу Қонун давлат мулкини хусусийлаштириш соҳасини такомиллаштиришга, мазкур соҳадаги ваколатли органларнинг ваколатларини белгилаш ҳамда давлат активлари ва ер участкаларини хусусийлаштириш ҳамда ижарага бериш орқали хусусий мулкчиликни кенгайтиришга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1990 йил 31 октябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»**ги 152–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1990 йил, № 31–33, 371-модда; 1993 йил, № 5, 235-модда; 1994 йил, № 11–12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 510-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2023 йил, № 10, 795-модда; 2024 йил, № 9, 958-модда; 2025 йил, № 2, 188-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **5-модда 1-бандининг тўртинчи хатбошисидаги** «(коммунал мулкдан)» деган сўзлар «(муниципал мулкдан)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **15-модданинг 1-бандидаги** «территориал» деган сўз «ҳудудий» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) **18-модданинг**:

1-бандидаги «(коммунал мулк)» деган сўзлар «(муниципал мулк)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2-бандидаги «маъмурий-территориал» деган сўзлар «маъмурий-ҳудудий» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Ўзбекистон Республикаси ўз маъмурий-ҳудудий тузилмаларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Маъмурий-ҳудудий тузилма эса Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди»;

4) **22-модданинг**:

номидаги «**(коммунал мулк)**» деган сўзлар «**(муниципал мулк)**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

матнидаги «коммунал мулк» деган сўзлар «муниципал мулк» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **23-модданинг**:

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**23-модда. Маъмурий-ҳудудий тузилма мулкининг субъектлари (муниципал мулк)**»;

матнидаги «коммунал мулкнинг» деган сўзлар «муниципал мулкнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

QMMB: 03/26/1122/0250-son
17.03.2026-y

6) **27^1-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг ёки маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг мулки (муниципал мулк) бўлган давлат кўчмас мулк объектлари, давлат улушлари (акциялари) ва давлат муассасалари давлат мулкини хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунчиликда белгилаб қўйилган тартиб ва шартлар асосида жисмоний ҳамда нодавлат юридик шахсларга тўлиқ ёки қисман хусусий мулк қилиб реализация қилиниши мумкин, бундан давлат мулкини бошқариш тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган, хусусийлаштирилмайдиган давлат мулки мустасно».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 31 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»**ги 336–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 11, 246-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, 4-сонга илова) **9-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг мулкини тасарруф этиш давлат мулкини бошқариш тўғрисидаги ва давлат мулкини хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади. Республика ҳудудида жойлашган, Иттифоқ қарамоғида бўлиб келган давлат корхоналарини хўжалик жамиятлари этиб ўзгартириш, уларни мулкнинг бошқа шаклларига ўтказиш фақат Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган шартлар асосида ва тартибда амалга оширилади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган **«Ижара тўғрисида»**ги 427–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 45-модда; 1993 йил, № 9, 329-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5–6, 153-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, 4-сонга илова; 2023 йил, № 10, 795-модда; 2024 йил, № 3, 246-модда; 2025 йил, № 2, 188-модда) **31-моддасининг матни** «суд томонидан ҳал этилади» деган сўзлардан кейин «бунда давлат активларини ижарага бериш бўйича тузилган шартномалар доирасида юзага келадиган низолар ва даъволарга нисбатан медиация тартиб-таомили амалга оширилиши мумкин» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 598–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5–6, 82-модда; 2003 йил, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4,

QMMB: 03/26/1122/0250-son
17.03.2026-y

224-модда, № 7, 432-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 161-модда, № 4, 199-модда, № 8, 469-модда, № 11, 792-модда; 2020 йил, № 9, 540-модда; 2021 йил, № 1, 3-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда; 2022 йил, № 6, 570, 577-моддалар; 2023 йил, № 10, 795-модда, № 11, 919-модда; 2024 йил, № 7, 629-модда, № 8, 831-модда, № 9, 958-модда, № 10, 1072-модда, № 11, 1193-модда; 2025 йил, № 2, 188-модда, № 5, 643, 644-моддалар) **9-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартириш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Халқаро аҳамиятга молик автомобиль йўллари бўйида замонавий хизмат кўрсатиш мажмуаларини ва сервис объектларини, жумладан жойлаштириш воситаларини, савдо-кўнгилочар марказларини мастер-режа асосида жойлаштириш бўйича бўш турган ер участкаларини электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқариш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори асосида қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг қарори Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда ер тоифасини бошқа тоифага ўзгартириш учун асос бўлади»;

саккизинчи, **тўққизинчи** ва **ўнинчи қисмлар** тегишинча **тўққизинчи**, **ўнинчи** ва **ўн биринчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган **«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»**ги 258–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9–10, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда, № 12, 598-модда; 2008 йил, № 4, 184, 187-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 7, 389-модда, № 8, 469-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар; 2022 йил, № 4, 337-модда, № 6, 570-модда; 2023 йил, № 4, 269-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда, № 8, 827-модда, № 10, 1073-модда; 2025 йил, № 4, 522-модда) **46-моддасининг 1-банди** «мол-мулкига қаратиш» деган сўзлардан кейин «(бундан давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган бўш турган ер участкалари мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»**ги 712–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 июлда қабул қилинган ЎРҚ–483-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 428-модда; 2019 йил, № 11, 791-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 214-модда, № 4, 337-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 8, 823-модда, № 10, 1079-модда; 2025 йил, № 2, 188-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

QMMB: 03/26/1122/0250-son
17.03.2026-y

1) **25-модда иккинчи қисмининг олтинчи хатбошисидаги** «давлат мулки объектларини «ноль» харид қиймати бўйича олиш» деган сўзлар «давлат мулкини хусусийлаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **31-модданинг учинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлда қабул қилинган **«Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»**ги ЎРҚ–163-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 3 июнда қабул қилинган ЎРҚ–387-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 6, 227-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 3, 166-модда, № 4, 199-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 10, 968, 973-моддалар; 2022 йил, № 3, 217-модда; 2023 йил, № 4, 272-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда, № 10, 1079-модда; 2025 йил, № 2, 188, 191-моддалар, № 4, 519-модда) **15-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қимматли қоғозларнинг қиймати Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ифодаланади, бундан халқаро облигацияларни жойлаштириш ҳамда давлат акция пакетларини хорижий инвесторларга фонд биржаси орқали сотиш ҳоллари мустасно».

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 11 сентябрда қабул қилинган **«Тижорат сири тўғрисида»**ги ЎРҚ–374-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 9, 245-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2024 йил, № 2, 111-модда; 2025 йил, № 2, 188-модда) **5-моддаси биринчи қисмининг ўнинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«давлат мулкини хусусийлаштириш шартлари ҳақидаги».

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрда қабул қилинган **«Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»**ги ЎРҚ–598-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 12, 892-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 570-модда, № 12, 1190-модда; 2023 йил, № 10, 795-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда) **34-моддасининг биринчи қисмига** қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи ва **тўртинчи хатбошилар** тегишинча **иккинчи** ва **учинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969,

QMMB: 03/26/1122/0250-son
17.03.2026-y

972, 973-моддалар, № 12, 1199-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 5, 461, 464, 467-моддалар, № 6, 570-модда, № 7, 664, 666-моддалар, № 12, 1190-модда; 2023 йил, № 6, 444, 446-моддалар, № 7, 540-модда, № 12, 1011-модда; 2024 йил, № 2, 106, 110, 111-моддалар, № 4, 346-модда, № 5, 458, 459-моддалар, № 8, 822, 831-моддалар, № 9, 958-модда, № 10, 1076-модда, № 11, 1190-модда, № 12, 1283, 1284, 1296, 1297-моддалар; 2025 йил, № 2, 188, 194-моддалар, № 4, 519, 520, 521, 522-моддалар, № 5, 644, 645-моддалар) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **412-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **4-банд** билан тўлдирилсин:

«4) давлат кўчмас мулк объектини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олган харидорга мол-мулк солиғи, агар мазкур объект учун унга «тасарруф этиш ҳуқуқисиз» белгисини қўйган ҳолда давлат ордери берилган бўлса, объектнинг харидор томонидан мазкур объект бўйича сотиб олиш тўловларининг тўланган қисмига мутаносиб равишдаги улушга (фоизга) тенг ўртача йиллик қолдиқ қиймати.

Бунда солиқлар давлат кўчмас мулк объекти бўйича сотиб олиш тўловларини бўлиб-бўлиб тўлаш графигига амал қилган ҳолда ундирилади. Ушбу график Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан Солиқ қўмитасига ахборот тизимлари орқали тақдим этилади»;

2) **420-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи** ва **бешинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«давлат кўчмас мулк объектини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олган харидорга мол-мулк солиғи, агар мазкур объект учун унга «тасарруф этиш ҳуқуқисиз» белгисини қўйган ҳолда давлат ордери берилган бўлса, объектнинг харидор томонидан мазкур объект бўйича сотиб олиш тўловларининг тўланган қисмига мутаносиб равишдаги улушга (фоизга) тенг ўртача йиллик қолдиқ қиймати.

Бунда солиқлар давлат кўчмас мулк объекти бўйича сотиб олиш тўловларини бўлиб-бўлиб тўлаш графигига амал қилган ҳолда ундирилади. Ушбу график Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан Солиқ қўмитасига ахборот тизимлари орқали тақдим этилади»;

3) **427-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи** ва **бешинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«давлат кўчмас мулк объектини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олган харидорга мазкур объект эгаллаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер учун солиқ, агар мазкур объектга «тасарруф этиш ҳуқуқисиз» белгисини қўйган ҳолда давлат ордери берилган бўлса, ер участкасининг харидор томонидан мазкур объект бўйича сотиб олиш тўловларининг тўланган қисмига мутаносиб равишдаги улушга (фоизга) тенг майдони.

Бунда солиқлар давлат кўчмас мулк объекти бўйича сотиб олиш тўловларини бўлиб-бўлиб тўлаш графигига амал қилган ҳолда ундирилади. Ушбу графиг Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан Солиқ қўмитасига ахборот тизимлари орқали тақдим этилади»;

QMMB: 03/26/1122/0250-son
17.03.2026-y

4) **435-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Давлат кўчмас мулк объектини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олган харидорга мазкур объект эгаллаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер учун солиқ, агар мазкур объектга «тасарруф этиш ҳуқуқисиз» белгисини қўйган ҳолда давлат ордери берилган бўлса, ер участкасининг харидор томонидан мазкур объект бўйича сотиб олиш тўловларининг тўланган қисмига мутаносиб равишдаги улушга (фоизга) тенг майдони.

Бунда солиқлар давлат кўчмас мулк объекти бўйича сотиб олиш тўловларини бўлиб-бўлиб тўлаш графигига амал қилган ҳолда ундирилади. Ушбу график Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан Солиқ қўмитасига ахборот тизимлари орқали тақдим этилади».

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралда қабул қилинган **«Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»**ги ЎРҚ–604-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 2, 106-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 570-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 105-модда, № 12, 1293-модда; 2025 йил, № 1, 7-модда, № 2, 188-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **6-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Махсус иқтисодий зонани ривожлантириш дастурини молиявий жиҳатдан таъминлаш зонанинг ўз ресурслари, хусусий манбалар, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг, халқаро молия институтлари ва чет эл ҳукумат молия ташкилотларининг маблағлари, шунингдек қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади, бунда махсус иқтисодий зонада ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан инфратузилма билан таъминлаш ишлари белгиланган тартибда хусусий инвесторлар томонидан амалга оширилган тақдирда, ушбу харажатларнинг ўрни кейинчалик махсус иқтисодий зонанинг маблағлари ҳисобидан қопланади»;

2) **7-модданинг олтинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Махсус иқтисодий зона бош режасига мувофиқ инфратузилма билан таъминланганидан ва давлат қабул комиссияси томонидан қабул қилинганидан кейин Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарори билан тасдиқланган инвестиция буюртманомасида кўрсатилган ўлчамдаги ер участкаси электрон онлайн-аукцион ўтказишни бошқа ташкилотлар билан келишиб олиш заруратисиз махсус иқтисодий зона дирекциясининг қарори билан электрон онлайн-аукционга қўйилади. Мазкур тартиб махсус саноат зоналари ҳудудидаги ер участкасини беришга нисбатан татбиқ этилмайди».

QMMB: 03/26/1122/0250-son
17.03.2026-y

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 15 ноябрда қабул қилинган **«Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»**ги ЎРҚ–728-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 11, 1060-модда; 2022 йил, № 6, 577-модда; 2023 йил, № 10, 795-модда; 2024 йил, № 2, 107-модда; 2025 йил, № 5, 643-модда) **39-моддасининг матни** «белгиланган тартибда ҳал этилади» деган сўзлардан кейин «бунда давлатга тегишли ер участкаларини хусусийлаштириш бўйича тузилган шартномалар доирасида юзага келадиган низолар ва даъволарга нисбатан медиация тартиб-таомили амалга оширилиши мумкин» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

13-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 9 мартда қабул қилинган **«Давлат мулкини бошқариш тўғрисида»**ги ЎРҚ–821-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2023 йил, № 3, 183-модда; 2024 йил, № 2, 107-модда, № 10, 1079-модда; 2025 йил, № 2, 188-модда, № 5, 643-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартириш киритилсин:

1) **19-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** «корхоналар ва ташкилотлар» деган сўзлардан кейин «миллий эталонлар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **25-модданинг учинчи** ва **тўртинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Муниципал мулк бўлган давлат муассасалари ва хўжалик жамиятларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улушларини хусусийлаштириш дастурлари Агентлик ҳамда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан тасдиқланади.

Муниципал мулк бўлган давлат кўчмас мулк объектларини хусусийлаштириш дастурлари тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланади».

14-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 14 февралда қабул қилинган **«Давлат мулкини хусусийлаштириш тўғрисида»**ги ЎРҚ–907-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2024 йил, № 2, 107-модда; 2025 йил, № 1, 7-модда, № 2, 188-модда) **34-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Хусусийлаштириладиган давлат мулкининг олди-сотди шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, тарафлар медиация тартиб-таомилларини ўтказиши мумкин».

QMMB: 03/26/1122/0250-son
17.03.2026-y

15-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

16-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

17-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри,
2026 йил 17 март
№ ЎРҚ–1122

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРИ

QMMB: 07/26/106/0251-son
18.03.2026-y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
QARORI

2026 yil «17» март № ПҚ–106

Муборак Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида

Мамлакатимизда бу йилги муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар туфайли жойларда маҳаллий ҳокимликлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, кекса ва ногирон инсонларга ғамхўрлик кўрсатиш, ифторлик маросимлари ҳамда хайрия тадбирларини ихчам ва тартибли ташкил этишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси Янги Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасини ошириш, инсон қадрини юксалтириш, жамиятда тинчлик, дўстлик, ўзаро ҳурмат, саховат, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини таъкидлаш лозим.

Ана шундай эзгу ва савоб ишларни изчил давом эттирган ҳолда, муқаддас Рамазон ҳайитини ҳар томонлама муносиб кутиб олиш, унинг инсонпарварлик моҳиятини кенг тарғиб этиш мақсадида **қарор қиламан**:

1. Жорий йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни **20 март –** жума кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилиниб, мамлакатимизда 2026 йил **20 март** куни Рамазон ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.

2. Қуйидагилар:

(а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Рамазон ҳайитини ҳудудларда халқимизнинг **миллий анъана ва урф-одатларига** ҳамда Наврўз умумхалқ байрамига **уйғун ҳолда** кўтаринки руҳда нишонлаш,

QMMB: 07/26/106/0251-son
18.03.2026-y.

байрам кунларида аҳоли ўртасида меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлашга қаратилган маданий-маърифий ҳамда хайрия тадбирларини ташкил этиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин;

(б) Туризм қўмитаси Транспорт вазирлиги билан биргаликда юртдошларимиз учун Рамазон ҳайити кунларида **мўътабар зиёратгоҳлар ва тарихий қадамжоларга зиёратларни ташкил этиш** мақсадида қулай шароит ва имкониятлар яратсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти — **Ш.Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ

QMMB: 09/26/103/0240-son
16.03.2026-y.

11 (1239)-сон
235-модда

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 16 » mart № 103 Toshkent sh.

Атоқли давлат ва жамоат арбоби Қаллибек Камалов таваллудининг 100 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида

Ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг азалий дўстлиги ва қардошлигини мустаҳкамлаш йўлида фидокорона хизмат қилган, ижтимоий-сиёсий фаолияти билан мамлакатимиз тараққиётига катта ҳисса қўшган атоқли давлат ва жамоат арбоби Қаллибек Камалов таваллудининг 100 йиллигини муносиб нишонлаш ва хотирасини абадийлаштириш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда кенг жамоатчилик вакилларининг **2026 йилда атоқли давлат ва жамоат арбоби Қаллибек Камалов таваллудининг 100 йиллигини** нишонлаш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватлансин.

2. Атоқли давлат ва жамоат арбоби Қаллибек Камалов таваллудининг 100 йиллигини кенг нишонлаш бўйича **ташкилий қўмита** (кейинги ўринларда – Ташкилий қўмита) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита (А. Орынбаев) **уч кун муддатда** Қаллибек Камалов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни назарда тутувчи **дастурни**, уни молиялаштиришнинг аниқ манбаларини белгилаган ҳолда, ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

муқаддас Рамазон ойи муносабати билан ҳамда Қаллибек Камалов таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб **2026 йил 18 март** куни Нукус шаҳридаги “Оқ қуш” мажмуасида **ифторлик дастурхонини** ташкил этиш;

“9 май – Хотира ва қадрлаш куни” ҳамда Қаллибек Камаловнинг бир асрлик юбилейига бағишланган “**Уч авлод учрашуви**” тадбири ҳамда ушбу тадбир доирасида илмий-амалий конференцияни Нукус шаҳридаги “Оқ қуш” мажмуасида ўтказиш;

Қаллибек Камаловнинг ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳақида **ҳужжатли фильм** яратиш;

Қаллибек Камаловнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган **китоб-альбомни** нашрга тайёрлаш ва чоп этиш;

QMMB: 09/26/103/0240-son
16.03.2026-y.

Қаллибек Камалов яшаган хонадонда **ёдгорлик лавҳаси** ўрнатиш;

таниқли сиёсатшунос ва олимлар ҳамда нуронийлар иштирокида **хотира тадбирлари, давра суҳбатлари ва учрашувлар** ташкил этиш.

Белгилансинки, ушбу бандниng:

иккинчи, учинчи ва бешинчи хатбошиларидаги вазифалар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети ҳисобидан;

тўртинчи хатбошисидаги вазифалар Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Кинематография агентлигига Давлат бюджетидан фильмлар ишлаб чиқариш учун ажратилган маблағлар доирасида;

олтинчи хатбошисидаги вазифалар Ўзбекистон Бадиий академиясига Давлат бюджетидан ҳайкалтарошлик асарларини яратиш учун ажратилган маблағлар доирасида қопланади.

4. Ташкилий қўмитага атоқли давлат ва жамоат арбоби Қаллибек Камалов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш доирасида ўтказиладиган тадбирларни юксак савияда ташкил этиш, мазкур қарор ва чора-тадбирлар дастурининг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ амалга оширилишини мувофиқлаштириб бориш вазифаси юклансин.

5. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига атоқли давлат ва жамоат арбоби Қаллибек Камалов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Ф.У. Эрманов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

А. Арипов

QMMB: 09/26/103/0240-son
16.03.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил "16" мартдаги 103-сон қарорига
илова

Атоқли давлат ва жамоат арбоби Қаллибек Камалов таваллудининг 100 йиллигини кенг нишонлаш бўйича ташкилий қўмита

ТАРКИБИ

1.	А.Т. Орынбаев	–	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, *Ташкилий қўмита раҳбари (келишувга асосан)*
2.	Ф.У. Эрманов	–	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси
3.	О.А. Атаниязова	–	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси
4.	М.К. Камалов	–	Қаллибек Камаловнинг фарзанди
5.	А.Б. Таджиханов	–	Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг биринчи ўринбосари
6.	А.Я. Хайдаров	–	Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари
7.	Б.Б. Алимов	–	Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари
8.	Ф.Э. Ташмухамедов	–	Ўзбекистон Бадиий академияси раиси ўринбосари
9.	Ш.Т. Ризаев	–	Кинематография агентлиги бош директори в.б
10.	М.А. Сафаров	–	Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси ўринбосари
11.	М.М. Ҳожиматов	–	Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари
12.	С.Т. Турманов	–	Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқарма бошлиғи
13.	К.К. Каримов	–	Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси
14.	Т. Абдужаббаров	–	"Нуроний" жамғармаси Қорақалпоғистон бўлими бошлиғи
15.	У.А. Жалменов	–	Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг Қорақалпоғистон Кенгаши раиси

QMMB: 09/26/103/0240-son
16.03.2026-y.

16. Т.Ж.Атамуратов – Республика Маънавият ва маърифат маркази Қорақалпоғистон бўлими раҳбари

17. А.М. Реймов – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими раиси

18. Б.Б. Жоллыбеков – Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ректори

19. А.С. Данияров – Нукус шаҳри ҳокими

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING
QAROR

20 26 yil « 16 » mart № 104 Toshkent sh.

Кўчмас мулкдан фойдаланишда илғор ахборот технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Кўчмас мулкдан фойдаланишда замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали аҳоли учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, рақамли технологияларни жадал ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг юридик ва жисмоний шахсларга ўз кўчмас мулкларини комплекс бошқаришни таъминловчи “Кўчмас мулкни комплекс бошқариш ахборот тизими” дастурий маҳсулотини (кейинги ўринларда – “Uzmulk” тизими) жорий этиш, бунда “Uzmulk” тизими мобил илова ҳамда веб-сайт кўринишида бўлиб, юридик ва жисмоний шахсларга белгиланган тартибда тақдим этилиши тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилансинки, “Uzmulk” тизимида юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги техник имкониятлар яратилади:

кадастр паспортини шакллантириш ва кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, кўчмас мулкни бўлиш, бирлаштириш ва унинг янги чегараларини белгилаш, кўчмас мулк объектларига манзиллар олиш, уларни ўзгартириш учун ариза бериш;

кўчмас мулкка оид кадастр маълумотларини олиш;

кўчмас мулк тарихи тўғрисида маълумот олиш;

кўчмас мулкнинг техник параметрларини, шу жумладан, бино схемасини олиш;

кўчмас мулк жойлашган жойнинг рақамли харитасини олиш;

кўчмас мулкка бўлган тақиқлар бўйича маълумот олиш;

кўчмас мулк тўғрисида маълумот олингани тўғрисида хабарнома олиш;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ юзага келгани, бошқа шахсларга ўтгани, чеклангани ва бекор қилингани давлат рўйхатидан ўтказилганда ариза берувчининг “Uzmulk” тизимидаги шахсий кабинетида бу тўғрисида маълумот олиш;

кўчмас мулк бузилишга тушгани ёки тушмагани тўғрисида маълумотнома олиш;

доимий фойдаланиш (эгалик қилиш), ижара ва мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш;

кўчмас мулкни коммунал хизматларга (газ, электр энергияси, сув) улаш;

кўчмас мулк солиқларини тўлаш (ер ва кўчмас мулк солиқлари);

фуқаролар ўртасида тузилган бино ёки иншоотни ёхуд унинг бир қисмини ижарага бериш шартномасини давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш;

нотариус қабулига ёзилиш;

ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномани видеоконференция алоқа режими орқали нотариал тасдиқлаш.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2026 йил 20 июндан** бошлаб:

жисмоний шахслар – коммунал хизматлар истеъмолчилари Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва “Uzmulk” тизими орқали коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан шартномалар тузиш ва уларни мулк эгаси ўзгарганлиги тўғрисида хабардор қилиш;

жисмоний шахслар – маиший эҳтиёжлари учун электр энергияси ва табиий газ истеъмолчилари Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва “Uzmulk” тизими ёрдамида электр энергияси ва табиий газ таъминоти шартномаларини тузишга, шахсий ҳисобни очишга ва қайта расмийлаштириш ҳуқуқига эга бўлади.

4. Адлия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ушбу қарорнинг 2-бандида келтирилган хизматларни кўрсатиш учун **уч ой муддатда** “Uzmulk” тизими билан тегишли ахборот тизимларини ўзаро “Электрон ҳукумат” тизимининг Рақамли маълумотлар платформаси орқали қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ интеграция қилинишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматнинг **иловага** мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда ушбу қарор мақсади ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси раиси Ш.Д. Кудбиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил "16" мартдаги 104-сон қарорига
илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат кадастри соҳасида давлат хизматлари нархларини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартибини такомиллаштириш тўғрисида" 2014 йил 10 июлдаги 186-сон қарорига илованинг "IV. Кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқлар ва улар бўйича тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш" бўлими қуйидаги мазмундаги 20-позиция билан тўлдирилсин:

"

20.	Давлат реестридан янгиланган электрон кўчирмани юклаб олиш	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 фоизи

".

2. Вазирлар Маҳкамасининг "Кадастр соҳасида айрим давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида" 2020 йил 2 сентябрдаги 535-сон қарорида:

а) 1-иловада:

2-бандниг биринчи хатбошиси "электрон" сўзидан кейин "ва пластик" сўзлари билан тўлдирилсин;

5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"5. Кадастр паспорти шакллантирилиши натижасида кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юзага келадиган ҳолларда, кадастр паспортини олиш ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш композит хизмат тарзида амалга оширилади.

Белгиланган тартибда келишилган лойиҳа ҳужжатларига кўра объектнинг қурилиши (реконструкцияси) тугалланган тақдирда, битта сўровномага асосан кадастр паспорти, қурилиши (реконструкцияси) тугалланган объектдан фойдаланиш учун рухсатнома, кўчмас мулк давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги реестрдан кўчирма бир вақтда берилади.

Тасдиқланган лойиҳа ҳужжатларига асосан бир ер участкасида бир нечта кўп квартирали уйлар қурилиши мўлжалланган бўлса, фойдаланишга қабул қилинаётган ҳар бир кўп квартирали уйга алоҳида аризага асосан кадастр паспорти расмийлаштирилади.

Тасдиқланган лойиҳа ҳужжатларига асосан бир ер участкасида бир нечта кўп квартирали уйлар қурилиши мўлжалланган бўлса, ҳар бир кўп квартирали уй жойлашган ва унга туташ ер участкасининг лойиҳада кўрсатилган чегараси асосида Давлат кадастрлари палатасининг туман (шаҳар) филиаллари (кейинги ўринларда – филиаллар) ер участкасини бўлиш ишларини амалга оширади.

Лойиҳа ҳужжатларига асосан бир ер участкасида бир нечта кўп квартирали уйларни ягона турар жой мажмуаси сифатида назарда тутилган бўлса ёки уларни алоҳида ер участкаларига бўлиш имконияти бўлмаса ер участкаси умумий (биргаликда) фойдаланишдаги ер участкаси сифатида кадастр паспорти расмийлаштирилади.

Кўп квартирали уйнинг кадастр паспортида кўп квартирали уйлардаги турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган (нотурар) жойлар, умумий мол-мулк рўйхати ҳамда кўп квартирали уй жойлашган ва унга туташ ер участкаси тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Кўчмас мулк объектига бўлган мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар вужудга келганда, бошқа шахсга ўтганда, бекор бўлганда ёки кўчмас мулк объектининг ҳуқуқий ҳолати ўзгарганлигини тасдиқлаш ёки қурилиши (реконструкцияси) тугалланган бино ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш бўйича мурожаат қилинганда, қоғоз ва пластик шаклдаги кадастр паспорти берилади";

6-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

"Бунда пластик шаклдаги кадастр паспорти филиаллар томонидан тайёрланиб, почта хизмати орқали ариза берувчига етказилади";

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

"Давлат кадастрлари палатаси томонидан ушбу хизматни кўрсатишда бажариладиган ишлар Давлат кадастрлари палатасининг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) филиаллари ўртасида белгиланган муддатдан чиқмаган ҳолда тақсимланиши мумкин";

18-бандниг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Бунда қоғоз шаклидаги кадастр паспорти ЯИДХП ёки Давлат хизматлари марказлари орқали, пластик шаклдаги кадастр паспорти филиаллар томонидан тайёрланиб, почта хизмати орқали ариза берувчига етказилади";

20-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"20. Тўлов миқдори қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этганда:

7 фоизи – Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси шахсий ҳисобварағига;

5 фоизи – Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси шахсий ҳисобварағига;

2 фоизи – Кадастр агентлигининг "Компьютерлаштириш, геоахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш маркази" ДУК шахсий ҳисобварағига;

0,25 фоизи (давлат хизмати Ягона биллинг тизими орқали кўрсатилганда) – Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги "Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази" давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар тўлиқ миқдорда Давлат кадастрлари палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳисобварағига ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

5 фоизи (шундан 0,25 фоизи – давлат хизмати Ягона биллинг тизими орқали кўрсатилганда) – Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги "Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази" давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига;

5 фоизи – Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси шахсий ҳисобварағига;

2 фоизи – Кадастр агентлигининг "Компьютерлаштириш, геоахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш маркази" ДУК шахсий ҳисобварағига;

қолган маблағлар тўлиқ миқдорда Давлат кадастрлари палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳисобварағига ўтказилади;

в) риелторлик ташкилотлари орқали мурожаат этилганда:

5 фоизи – Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси шахсий ҳисобварағига;

2 фоизи – Кадастр агентлигининг "Компьютерлаштириш, геоахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш маркази" ДУК шахсий ҳисобварағига;

0,25 фоизи (давлат хизмати Ягона биллинг тизими орқали кўрсатилганда) – Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги "Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази" давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар тўлиқ миқдорда Давлат кадастрлари палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳисобварағига ўтказилади";

г) "Кўчмас мулкни комплекс бошқариш ахборот тизими" (кейинги ўринларда – "Uzmulk" тизими) орқали мурожаат этилганда:

5 фоизи – Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси шахсий ҳисобварағига;

2 фоизи – Кадастр агентлигининг "Компьютерлаштириш, геоахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш маркази" ДУК шахсий ҳисобварағига;

0,25 фоизи (давлат хизмати Ягона биллинг тизими орқали кўрсатилганда) – Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги "Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази" давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар тўлиқ миқдорда Давлат кадастрлари палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳисобварағига ўтказилади";

21-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"21. Хабарномада кўрсатилган йиғим тўлиқ тўлангандан сўнг:

Давлат хизматлари марказлари ходими томонидан тизимда кадастр паспортини юклаб олиш (қоғоз шаклда чоп этиш) имкони пайдо бўлади ва ариза берувчига қоғоз шаклида кадастр паспорти берилади;

филиалларнинг масъул ходимлари томонидан пластик шаклдаги кадастр паспорти тайёрланиб, ариза берувчига почта хизмати орқали етказиб берилади.

Сўровномада ариза берувчи томонидан давлат хизматларини кўрсатишнинг натижасини олиб кетишга масъул шахс кўрсатилган ҳолатларда давлат хизматларини кўрсатишнинг натижасини ушбу шахсга тақдим этишда тегишли ишончнома талаб этилмайди";

2-илованинг "III. Кадастр паспортини тайёрлашнинг мақсади:" бўлими "Кадастр паспорти шакли:" позицияси чиқариб ташлансин;

б) 2-иловада:

5-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

"Давлат кадастрлари палатаси томонидан ушбу хизматни кўрсатишда бажариладиган ишлар Давлат кадастрлари палатасининг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) филиаллари ўртасида белгиланган муддатдан чиқмаган ҳолда тақсимланиши мумкин";

12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"12. Йиғимлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) Давлат хизматлари марказлари орқали мурожаат этилганда:

7 фоизи – Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси шахсий ҳисобварағига;

5 фоизи – Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси шахсий ҳисобварағига;

2 фоизи – Кадастр агентлигининг "Компьютерлаштириш, геоахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш маркази" ДУК шахсий ҳисобварағига;

0,25 фоизи (давлат хизмати Ягона биллинг тизими орқали кўрсатилганда) – Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги "Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази" давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига;

қолган маблағнинг 10 фоизи рўйхатдан ўтказувчи орган ҳисобварағига, 90 фоизи тегишлилиги бўйича ҳудудий бошқармаларнинг ҳисобварағига ўтказилади;

б) нотариал идоралар ёки нотариуслар орқали мурожаат этилганда:

5 фоизи – Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси шахсий ҳисобварағига;

5 фоизи – Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси шахсий ҳисобварағига;

2 фоизи – Кадастр агентлигининг “Компьютерлаштириш, геоахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш маркази” ДУК шахсий ҳисобварағига;

0,25 фоизи (давлат хизмати Ягона биллинг тизими орқали кўрсатилганда) – Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига;

қолган маблағнинг 10 фоизи рўйхатдан ўтказувчи орган ҳисобварағига, 90 фоизи тегишлилиги бўйича ҳудудий бошқармаларнинг ҳисобварағига ўтказилади;

в) Давлат активларини бошқариш агентлиги, риелторлик ташкилотлари ва тижорат банклари орқали мурожаат этилганда:

5 фоизи – Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси шахсий ҳисобварағига;

2 фоизи – Кадастр агентлигининг “Компьютерлаштириш, геоахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш маркази” ДУК шахсий ҳисобварағига;

0,25 фоизи (давлат хизмати Ягона биллинг тизими орқали кўрсатилганда) – Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига;

қолган маблағнинг 10 фоизи рўйхатдан ўтказувчи орган ҳисобварағига, 90 фоизи тегишлилиги бўйича ҳудудий бошқармаларнинг ҳисобварағига ўтказилади;

г) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

5 фоизи (шундан 0,25 фоизи – давлат хизмати Ягона биллинг тизими орқали кўрсатилганда) – Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига;

5 фоизи – Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси шахсий ҳисобварағига;

2 фоизи – Кадастр агентлигининг “Компьютерлаштириш, геоахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш маркази” ДУК шахсий ҳисобварағига;

қолган маблағнинг 10 фоизи рўйхатдан ўтказувчи орган ҳисобварағига, 90 фоизи тегишлилиги бўйича ҳудудий бошқармаларнинг ҳисобварағига ўтказилади;

д) “Uzmulk” тизими орқали мурожаат этилганда:

5 фоизи – Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси шахсий ҳисобварағига;

2 фоизи – Кадастр агентлигининг “Компьютерлаштириш, геоахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш маркази” ДУК шахсий ҳисобварағига;

0,25 фоизи (давлат хизмати Ягона биллинг тизими орқали кўрсатилганда) – Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига;

қолган маблағнинг 10 фоизи рўйхатдан ўтказувчи орган ҳисобварағига, 90 фоизи тегишлилиги бўйича ҳудудий бошқармаларнинг ҳисобварағига ўтказилади.

Кўп квартирали уй жойлашган ва унга туташ ер участкаси ҳамда кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни мулкдорларнинг номига давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўловларни мулкдорлар ёки тегишли кўп квартирали уйнинг бошқариш органи икки йил давомида тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлаши мумкин.

Доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш учун давлат божи суммаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 октябрдаги 845-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш жойи ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низом ҳамда 2019 йил 28 декабрдаги 1049-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда тақсимланади”;

в) 3-иловада:

18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“18. Йиғимлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этганда:

18 фоизи – Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

20 фоизи – Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Республика марказининг шахсий ҳисобварағига;

5 фоизи – Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси шахсий ҳисобварағига;

2 фоизи – Кадастр агентлигининг “Компьютерлаштириш, геоахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш маркази” ДУК шахсий ҳисобварағига;

қолган маблағлар тўлиқ миқдорда Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармаларининг ҳисобварағига ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи – Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

20 фоизи – Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Республика марказининг шахсий ҳисобварағига;

11,75 фоизи (шундан 0,25 фоизи – давлат хизмати Ягона биллинг тизими орқали кўрсатилганда) – Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига;

5 фоизи – Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси шахсий ҳисобварағига;

2 фоизи – Кадастр агентлигининг “Компьютерлаштириш, геоахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш маркази” ДУК шахсий ҳисобварағига;

қолган маблағлар тўлиқ миқдорда Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармаларининг ҳисобварағига ўтказилади;

в) “Uzmulk” тизими орқали мурожаат этилганда:

20 фоизи – Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Республика марказининг шахсий ҳисобварағига;

5 фоизи – Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси шахсий ҳисобварағига;

2 фоизи – Кадастр агентлигининг “Компьютерлаштириш, геоахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш маркази” ДУК шахсий ҳисобварағига;

0,25 фоизи (давлат хизмати Ягона биллинг тизими орқали кўрсатилганда) – Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар тўлиқ миқдорда Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармаларининг ҳисобварағига ўтказилади.

Тўловлар давлат хизматлари кўрсатилгани учун тўланган давлат божлари ва йиғимлар суммаси ҳисобини юритувчи Ягона биллинг тизими орқали тўланади”;

г) 4-иловада:

19-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“19. Йиғимлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этганда:

18 фоизи – Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

20 фоизи – Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Республика марказининг шахсий ҳисобварағига;

5 фоизи – Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси шахсий ҳисобварағига;

2 фоизи – Кадастр агентлигининг “Компьютерлаштириш, геоахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш маркази” ДУК шахсий ҳисобварағига;

қолган маблағлар тўлиқ миқдорда Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармаларининг ҳисобварағига ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи – Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

20 фоизи – Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Республика марказининг шахсий ҳисобварағига;

11,75 фоизи (шундан 0,25 фоизи – давлат хизмати Ягона биллинг тизими орқали кўрсатилганда) – Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига;

5 фоизи – Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси шахсий ҳисобварағига;

2 фоизи – Кадастр агентлигининг “Компьютерлаштириш, геоахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш маркази” ДУК шахсий ҳисобварағига;

қолган маблағлар тўлиқ миқдорда Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармаларининг ҳисобварағига ўтказилади;

в) “Uzmulk” тизими орқали мурожаат этилганда:

20 фоизи – Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Республика марказининг шахсий ҳисобварағига;

5 фоизи – Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси шахсий ҳисобварағига;

2 фоизи – Кадастр агентлигининг “Компьютерлаштириш, геоахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш маркази” ДУК шахсий ҳисобварағига;

0,25 фоизи (давлат хизмати Ягона биллинг тизими орқали кўрсатилганда) – Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар тўлиқ миқдорда Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармаларининг ҳисобварағига ўтказилади.

Тўловлар давлат хизматлари кўрсатилгани учун тўланган давлат божлари ва йиғимлар суммаси ҳисобини юритувчи Ягона биллинг тизими орқали тўланади”;

д) 5б-илованинг 18-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“18. Йиғимлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этганда:

18 фоизи – Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

20 фоизи – Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Республика марказининг шахсий ҳисобварағига;

0,5 фоизи – "Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази" давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги шахсий ҳисобварағига (Ягона биллинг тизими орқали тўловлар тўланганда);

5 фоизи – Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

2 фоизи – Кадастр агентлигининг "Компьютерлаштириш, геоахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш маркази" ДУК шахсий ҳисобварағига;

қолган маблағлар тўлиқ миқдорда Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармаларининг ҳисобварағига ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи – Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

20 фоизи – Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Республика марказининг шахсий ҳисобварағига;

11,75 фоизи (шундан 0,25 фоизи – давлат хизмати Ягона биллинг тизими орқали кўрсатилганда) – Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги "Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази" давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги шахсий ҳисобварағига;

5 фоизи – Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

2 фоизи – Кадастр агентлигининг "Компьютерлаштириш, геоахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш маркази" ДУК шахсий ҳисобварағига;

қолган маблағлар тўлиқ миқдорда Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармаларининг ҳисобварағига ўтказилади;

в) "Uzmulk" тизими орқали мурожаат этилганда:

20 фоизи – Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Республика марказининг шахсий ҳисобварағига;

5 фоизи – Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

2 фоизи – Кадастр агентлигининг "Компьютерлаштириш, геоахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш маркази" ДУК шахсий ҳисобварағига;

0,25 фоизи (давлат хизмати Ягона биллинг тизими орқали кўрсатилганда) – Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар тўлиқ миқдорда Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармаларининг ҳисобварағига ўтказилади.

Тўловлар давлат хизматлари кўрсатилгани учун тўланган давлат божлари ва йиғимлар суммаси ҳисобини юритувчи Ягона биллинг тизими орқали тўланади”;

е) 5в-илованинг 16-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“16. Йиғимлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этганда:

18 фоизи – Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

20 фоизи – Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Республика марказининг шахсий ҳисобварағига;

0,5 фоизи – “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги шахсий ҳисобварағига (Ягона биллинг тизими орқали тўловлар тўланганда);

5 фоизи – Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

2 фоизи – Кадастр агентлигининг “Компьютерлаштириш, геоахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш маркази” ДУК шахсий ҳисобварағига;

қолган маблағлар тўлиқ миқдорда Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармаларининг ҳисобварағига ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи – Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

20 фоизи – Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Республика марказининг шахсий ҳисобварағига;

11,75 фоизи (шундан 0,25 фоизи – давлат хизмати Ягона биллинг тизими орқали кўрсатилганда) – Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги шахсий ҳисобварағига;

5 фоизи – Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

2 фоизи – Кадастр агентлигининг “Компьютерлаштириш, геоахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш маркази” ДУК шахсий ҳисобварағига;

қолган маблағлар тўлиқ миқдорда Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармаларининг ҳисобварағига ўтказилади;

в) “Uzmulk” тизими орқали мурожаат этилганда:

20 фоизи – Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Республика марказининг шахсий ҳисобварағига;

5 фоизи – Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

2 фоизи – Кадастр агентлигининг “Компьютерлаштириш, геоахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш маркази” ДУК шахсий ҳисобварағига;

0,25 фоизи (давлат хизмати Ягона биллинг тизими орқали кўрсатилганда) – Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар тўлиқ миқдорда Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармаларининг ҳисобварағига ўтказилади.

Тўловлар давлат хизматлари кўрсатилгани учун тўланган давлат божлари ва йиғимлар суммаси ҳисобини юритувчи Ягона биллинг тизими орқали тўланади”.

11 (1239)-сон
237-модда

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 16 » mart № 105 Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экология ва туризм соҳаларида аҳоли талабларига тезкор жавоб бера оладиган бошқарув тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 18 ноябрдаги ПФ–217-сон Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси фаолиятини ташкил этиш ва туризм соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 19 ноябрдаги ПҚ–348-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экология ва туризм соҳаларида аҳоли талабларига тезкор жавоб бера оладиган бошқарув тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 18 ноябрдаги ПФ–217-сон Фармонига асосан Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитаси **Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси** (кейинги ўринларда – Туризм қўмитаси) **сифатида қайта ташкил этилгани** маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

Туризм қўмитасининг мақоми, тизими, асосий вазифалари ҳамда функциялари;

Туризм қўмитасининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги;

Туризм қўмитаси раҳбарларининг асосий функционал вазифалари ҳамда жавобгарлиги;

Туризм қўмитаси фаолиятини ташкил этиш, унинг республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги;

Туризм қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини молиялаштириш ҳамда ходимларини моддий рағбатлантириш тартиби.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **2-иловага** мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **3-иловага** мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Туризм қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **икки ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси раиси А.Ў. Аққулов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

11 (1239)-сон
237-модда

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил "16" мартдаги 105-сон қарорига
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитасининг (кейинги ўринларда – Қўмита) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги, фаолиятини ташкил этиш ва ҳисобот бериш тартибини, шунингдек, унинг раҳбарларининг функционал вазифаларини белгилайди.

2. Қўмита туризм соҳасини тартибга солиш ва ривожлантириш бўйича ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи алоҳида мустақил мақомга эга республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади.

3. Қўмита Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига (кейинги ўринларда – Вазирлар Маҳкамаси) бўйсунади.

4. Қўмита ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

5. Қўмита ўз ваколатлари доирасида умуммажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқига эга.

6. Қўмита, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар туризм бошқармалари (кейинги ўринларда – ҳудудий бўлинмалар) Қўмитанинг тузилмасига кирувчи ташкилотлар юридик шахслар ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида шахсий ғазна ҳисобварақларига, банк ҳисобварақларига, шу жумладан, хорижий валютадаги шахсий ғазна ҳисобварақларига эга бўлади.

7. Қўмитанинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи – Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси, қисқартирилган номи – Туризм қўмитаси;

б) рус тилида:

тўлиқ номи – Комитет по туризму Республики Узбекистан, қисқартирилган номи – Комитет по туризму;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи – Tourism Committee of the Republic of Uzbekistan, қисқартирилган номи – Tourism Committee.

8. Қўмитанинг жойлашган манзили (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 107б-уй.

2-боб. Қўмитанинг тузилмаси

9. Қўмита тизимига қуйидагилар киради:

Қўмитанинг марказий аппарати;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри туризм бошқармалари;

Қўмитанинг хорижий мамлакатлардаги ваколатхоналари;

“Миллий PR-маркази” давлат муассасаси;

“Туризм хизматларини сертификатлаштириш маркази” давлат муассасаси;

“Туристларга хизмат кўрсатиш маркази” давлат муассасаси;

“Ипак йўли офиси” давлат муассасаси;

“Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети ва унинг ҳузуридаги Халқаро туризм академияси Самарқанд кампуси;

“Туризмни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти” давлат муассасаси;

“Белдирсой-Чимён-Нанай” халқаро умуммавсумий курортини қуриш ва эксплуатация қилиш бўйича лойиҳа офиси” давлат муассасаси.

3-боб. Қўмита, унинг марказий аппарати ва ҳудудий бошқармаларининг асосий вазифалари ва функциялари

1-§. Қўмитанинг асосий вазифалари ва функциялари

10. Қуйидагилар Қўмитанинг асосий вазифалари ҳисобланади:

туризм турларини диверсификация қилиш, энг аввало, ички ва зиёрат туризми, экологик туризм, этнотуризм, ишбилармонлик туризми, спорт, гастрономик, тиббий, таълим ва илмий туризмни ҳар томонлама ривожлантириш, ташқи ва ички туризмни ҳар томонлама кенгайтириш, янги туризм йўналишларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни туризм бозорларида жорий қилиш;

туризм хизматларининг ташқи ва ички бозорларида маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, мамлакатнинг туризм соҳасини янада ривожлантириш, бебаҳо туризм салоҳиятини оммалаштириш ва тарғиб қилиш, миллий туризм маҳсулотлари ва брендларининг халқаро туризм бозорларига кириб боришига йўналтирилган фаол реклама-ахборот сиёсатини амалга ошириш;

туризм инфратузилмасини шакллантириш, шу жумладан, туризм объектларини жойлаштириш учун имконият юқори бўлган ҳудудларда режалаштириш ва лойиҳалаштириш ишларини ташкил этиш, инвесторларни жалб қилиш, туризм соҳасида тадбиркорлик фаоллиги ошишига ҳар томонлама кўмаклашиш, туризм объектларини давлат-хусусий шериклик асосида самарали бошқариш ҳамда соҳани босқичма-босқич тўлиқ рақамлаштириш;

мамлакатнинг туризм салоҳиятини тубдан ошириш, туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини бериш, туризм соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш мақсадида туризмни ривожлантиришнинг яхлит концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминлаш;

республика ҳудудларининг туризм салоҳиятидан келиб чиқиб, туризмнинг истиқболли йўналишларини белгилаш, янги туризм маҳсулотларини яратиш, уларни паспортлаштириш, туризм соҳасидаги ягона реестрларни шакллантириш;

туризм объектларида, овқатланиш жойларида, республика ҳудуди бўйлаб ҳаракатланиш вақтида ва ташрифларни ташкил этишда туристлар хавфсизлиги ҳамда соғлиғини таъминлашга йўналтирилган туризм хизматларини кўрсатиш сифати ва хавфсизлигининг стандартларини ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш;

туризм бўйича нуфузли халқаро ва миллий ташкилотлар, биринчи навбатда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бутунжаҳон туризм ташкилоти, шунингдек, хорижий компаниялар билан халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, халқаро ва давлатлараро стандартлар ҳамда нормаларни туризм фаолияти ва амалиётига жорий этиш;

туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш бўйича таклифлар киритиш, туризм соҳаси субъектлари ходимларини мунтазам қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни юқори даражада ташкил этиш, соҳада илм-фанни ривожлантиришга кўмаклашиш;

туризм соҳасини давлат томонидан ва бозор орқали тартибга солишни мақбуллаштириш, туризм хизматлари бозорида рақобатни ривожлантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

республика кинолокацияларини, шу жумладан, жамоат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда хорижда тарғиб қилиш.

11. Қўмита ўзига юкланган асосий вазифалардан келиб чиқиб қуйидаги функцияларни амалга оширади:

1) туризм турларини диверсификация қилиш, энг аввало, ички ва зиёрат туризми, экологик туризм, этнотуризм, ишбилармонлик туризми, спорт, гастрономик, тиббий, таълим ва илмий туризмни ҳар томонлама ривожлантириш, ташқи ва ички туризмни ҳар томонлама кенгайтириш, янги туризм йўналишларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни туризм бозорларида жорий қилиш юзасидан:

туризм турларини кўпайтириш, энг аввало, ички ва зиёрат туризми, экологик туризм, этнотуризм, ишбилармонлик туризми, спорт, гастрономик, тиббий, таълим ва илмий туризм соҳасини барқарор ривожлантириш учун норматив-ҳуқуқий базани ишлаб чиқади ва такомиллаштиради;

халқаро миқёсда ва республикада туризм ривожланишининг асосий тенденцияларини ўрганади ва таҳлил қилади ҳамда унинг асосида туризм турларини кўпайтириш ҳамда туризм хизматларини янада диверсификациялашга қаратилган таклифларни ишлаб чиқади;

республика ҳудудларининг туризм салоҳиятидан келиб чиқиб туризмнинг истиқболли йўналишларини ривожлантириш бўйича таклифлар киритади;

туризм соҳасидаги давлат дастурларининг, шунингдек, соҳада иқтисодий, ижтимоий ва маъмурий ислоҳотларнинг амалга оширилишини тизимли таҳлил қилади, ўтган давр билан қиёсий ўрганади ва истиқболни белгилайди;

Ўзбекистон Республикасининг хилма-хил ҳамда йилнинг турли фаслларида жозибадор ва рақобатбардош янги туризм маҳсулотларини яратиш бўйича дастурларни ишлаб чиқади;

туризм соҳасининг турли йўналиш ва турларининг ривожланиш тенденциялари бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

ички, кириш ва чиқиш туризмини комплекс ривожлантириш бўйича миллий ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади, шунингдек, туризм турлари ва инфратузилмасини халқаро стандартларга мос равишда ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади;

мавжуд туризм салоҳияти, туризм хизматлари бозорининг ҳамда туризм соҳасидаги инфратузилмалар ҳолатини тизимли асосда таҳлил қилади, шунингдек, ушбу соҳадаги халқаро стандартларни ўрганади;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар иштирокида ички, кириш ва чиқиш туризмини комплекс ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқади;

туризмни ривожлантириш бўйича миллий ва ҳудудий дастурлар бажарилишини мувофиқлаштиради, туризмни ривожлантириш дастурларининг амалдаги ижросини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлари ишлаб чиқади, уларнинг бажарилиши ҳақида самарали мониторинг юритади;

2) туризм хизматларининг ташқи ва ички бозорларида маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, мамлакатнинг туризм соҳасини янада ривожлантириш, бебаҳо туризм салоҳиятини оммалаштириш ва тарғиб қилиш, миллий туризм маҳсулотлари ва брендларининг халқаро туризм бозорларига кириб боришига йўналтирилган фаол реклама-ахборот сиёсатини амалга ошириш юзасидан:

туристлар оқимининг салоҳиятли ва истиқболли бозорларини ўрганади, туризм соҳасида реклама-ахборот сиёсатини юритишнинг самарали услуб ва механизмларини белгилайди, унинг натижаларига кўра тегишли комплекс чоралар кўради;

мамлакатнинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида хорижий туристлар нимани афзал кўришини ўрганиш ва талаб юқори бўлган туризм маҳсулотларини аниқлашга қаратилган маркетинг тадқиқотларини ташкил этади;

миллий туризм маҳсулотлари ва брендларини халқаро туризм бозорларида тақдим этишга кўмаклашади;

туризм фаолияти субъектлари ва бошқа манфаатдор шахсларни халқаро туризм бозорларида мамлакатнинг туризм салоҳиятини тарғиб қилишда иштирок этишга рағбатлантиришни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикасида хорижий туроператорлар, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ташкилотлар иштирокида ахборот турларини (инфотурларни) ташкил этади;

туристларнинг мақсадли тоифалари орасида туризм зоналарининг салоҳиятини тарғиб қилиш бўйича маркетинг ишларини амалга оширади;

3) туризм инфратузилмасини шакллантириш, шу жумладан, туризм объектларини жойлаштириш учун имконият юқори бўлган ҳудудларда режалаштириш ва лойиҳалаштириш ишларини ташкил этиш, инвесторларни жалб қилиш, туризм соҳасида тадбиркорлик фаоллиги ошишига ҳар томонлама кўмаклашиш, туризм объектларини давлат-хусусий шериклик асосида самарали бошқариш ҳамда соҳани босқичма-босқич тўлиқ рақамлаштириш юзасидан:

туризм инфратузилмасини шакллантириш, энг аввало, туризм йўналишлари бўйлаб меҳмонхоналар ва кемпинглар, умумий овқатланиш объектлари ва туризмнинг бошқа инфратузилмаларини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

туризм салоҳияти юқори бўлган ҳудудларни ўрганиш асосида туризм зоналари ва кластерларини ташкил этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

туризм инфратузилма объектларини жойлаштириш учун салоҳиятли ҳудудларда режалаштириш ва лойиҳалаштириш ишларини ташкил этади;

туризм зоналарининг самарали бошқарувини ташкил қилиш чораларини кўради;

туризм зоналари ҳудудида туризм инфратузилмаси объектларини барпо этиш ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур инвестиция шарт-шароитларини яратишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

шаҳарлар ва туманлар бош режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш жараёнида уларнинг туризм инфратузилмасини ривожлантириш қисми юзасидан таклифларни ишлаб чиқади ва ушбу йўналишда давлат органлари билан ҳамкорлик қилади;

туризм инфратузилмасини халқаро стандартларга мос равишда ривожлантиришга хорижий инвестициялар, шунингдек, халқаро молия институтлари ва бошқа ташкилотларнинг кредитлари ва грантларини жалб қилади;

туризм инфратузилмасини ривожлантириш учун тақдим этилган маблағлар, грантлар, бошқа молиявий ва моддий ресурслардан оқилона ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш бўйича чоралар кўради;

туризм объектларини давлат-хусусий шериклик асосида самарали бошқариш, соҳани босқичма-босқич тўлиқ рақамлаштириш ва замонавий ахборот технологияларини жорий этиш бўйича чоралар кўради;

4) мамлакатнинг туризм салоҳиятини тубдан ошириш, туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини бериш, туризм соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш мақсадида туризмни ривожлантиришнинг яхлит концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминлаш юзасидан:

туризмни ривожлантиришнинг асосий тенденциялари ва прогнозларини таҳлил қилишни инобатга олган ҳолда, туризм соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва вазифаларини белгилашда иштирок этади;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, туризм фаолияти субъектлари томонидан туризм соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалий ижросини таъминлайди;

туризм соҳасида давлат томонидан тартибга солиш ва бошқарув механизмлари ҳамда тузилмасини ташкилий-ҳуқуқий такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

туризмни ривожлантириш масалаларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритади;

5) республика ҳудудларининг туризм салоҳиятидан келиб чиқиб, туризмнинг истиқболли йўналишларини белгилаш, янги туризм маҳсулотларини яратиш, уларни паспортлаштириш, туризм соҳасидаги ягона реестрларни шакллантириш:

туризм соҳасидаги ташкилотлар, шунингдек, республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширади, шу жумладан, уларнинг туризм соҳасидаги ишларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда ҳудудларда янги туризм йўналишларининг ишлаб чиқилишини ҳамда ички ва ташқи туризм бозорларида тарғиб қилинишини таъминлайди;

туризм фаолиятининг белгиланган стандартларига мувофиқ туризм йўналишларини паспортлаштиради;

туроператорлар ва турагентлар, гидлар (гид-таржимонлар), экскурсия етакчилари ҳамда йўриқчи-йўл бошловчилар, жойлаштириш воситалари, тоғ чанғиси трассалари ва пляжлар, шунингдек, туризм йўналишлари ҳамда туризм объектларининг ягона реестрларни шакллантиради ва юритади;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларга туризм соҳасини иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари билан биргаликда ривожлантириш бўйича таклифлар киритади;

6) туризм объектларида, овқатланиш жойларида, республика ҳудуди бўйлаб ҳаракатланиш вақтида ва ташрифларни ташкил этишда туристлар хавфсизлиги ҳамда соғлиғини таъминлашга йўналтирилган туризм хизматларини кўрсатиш сифати ва хавфсизлигининг стандартларини ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш:

туризм хизматлари сифати ва хавфсизлигига қўйиладиган талабларни шакллантириш учун туризм хизматларини кўрсатиш жараёнини ва улардан туристларнинг қониқиш ҳосил қилишини мониторинг қилиб боради;

миллий ўзига хосликлар, иқлим шароитлари ва илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда, туризм хизматларининг сифати ва хавфсизлиги бўйича миллий стандартлар ишлаб чиқилишини мувофиқлаштиради, шунингдек, уларнинг доимий такомиллаштириб борилишини таъминлайди;

туризм фаолиятини белгиланган тартибда лицензиялайди;

сертификатланаётган туризм хизматларининг белгиланган талаблар ва стандартларга мувофиқлиги устидан инспекция назорати амалга оширилишини таъминлайди;

оммавий ахборот воситалари ҳамда Қўмитанинг расмий веб-саҳифасида тегишли маълумотларни жойлаштириш орқали туризм соҳаси субъектлари ва иштирокчиларини муайян вақтда ташриф буюриш туристлар хавфсизлиги учун хатарли бўлган мамлакатлар (жойлар) тўғрисида хабардор қилади;

туризм соҳасида “ишонч телефонлари” ишлашини ташкил этади;

7) туризм бўйича нуфузли халқаро ва миллий ташкилотлар, биринчи навбатда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бутунжаҳон туризм ташкилоти, шунингдек, хорижий компаниялар билан халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, халқаро ва давлатлараро стандартлар ҳамда нормаларни туризм фаолияти ва амалиётига жорий этиш юзасидан:

халқаро туризм ташкилотлари, чет давлатларнинг ваколатли органлари, шунингдек, туризм соҳасидаги хорижий компаниялар билан халқаро ҳамкорлик, ўзаро самарали ҳаракат қилиш механизмларини ривожлантириш ва такомиллаштириш соҳасида таклифларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

белгиланган тартибда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Туризм ва бошқа халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ифода этади ва туризм масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлик қилади, туризм соҳасини тартибга солувчи универсал халқаро конвенциялар ва шартномаларда Ўзбекистон иштирокини таъминлайди;

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Туризм ҳужжатлари қоидаларининг ижроси мониторингини ташкил этади, белгиланган тартибда тегишли ахборотларни тайёрлайди;

туризмни ривожлантиришга йўналтирилган чет эл донорлари ва кредит ташкилотлари маблағларининг белгиланган тартибда жалб қилиниши ва улардан фойдаланилишини ташкил этади;

ҳар йили Тошкент шаҳрида Тошкент халқаро туризм ярмаркаси ўтказилишини таъминлайди;

хорижий мамлакатларда ўтказиладиган халқаро туризм ярмаркалари, кўргазмалари ва бизнес учрашувларда мамлакатнинг туризм соҳаси субъектлари иштирокини ташкил этиш бўйича тайёргарлик чора-тадбирларини мувофиқлаштиради, шунингдек, халқаро туризм ташкилотлари, хорижий давлатларнинг ваколатли органлари ва хорижий компаниялар билан ўзаро ҳамкорликда халқаро туризм тадбирларини ўтказади ва уларда иштирок этади;

8) туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш бўйича таклифлар киритиш, туризм соҳаси субъектлари ходимларини мунтазам қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни юқори даражада ташкил этиш, соҳада илм-фанни ривожлантиришга кўмаклашиш соҳасида:

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда туризм соҳасидаги ўрта махсус таълим, профессионал таълим ҳамда олий таълим битирувчиларининг бандлиги бўйича тадқиқотлар олиб боради, таълим муассасаларида кадрлар ва мутахассисларнинг касбий тайёргарлик йўналишларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

туризм, айниқса, менежмент ва маркетинг соҳасида касбий тайёрлаш, гид (гид-таржимон), экскурсия етакчиси ва йўриқчи-йўл бошловчиларнинг малакасини оширишга кўмаклашади;

кадрларнинг мунтазам малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этишни таъминлайди, Қўмита, унинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларининг раҳбарлари ва мутахассисларини аттестациядан ўтказади, шу жумладан, уларнинг тегишли хорижий ўқув марказлари ва таълим муассасаларида стажировкадан ўтишини таъминлайди;

туризм соҳасида илм-фанни ривожлантириш чораларини кўради ва илмий-тадқиқот, экспертлик ишларини ташкил этади;

туризм соҳасида кадрлар малакасини оширишни, уларни қайта тайёрлашни, тажриба орттиришини, шу жумладан, чет элда малакасини оширишини таъминлайди.

9) туризм соҳасини давлат томонидан ва бозор орқали тартибга солишни мақбуллаштириш, туризм хизматлари бозорида рақобатни ривожлантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш юзасидан:

туризм соҳасида давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш, бозор тамойилларини кенг жорий этиш ва ортиқча маъмурий тўсиқларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

туризм хизматлари бозорида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, монопол ҳолатларни чеклаш ва хизматлар сифати ҳамда турларини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида имтиёзлар, преференциялар, институционал ва ташкилий қўллаб-қувватлаш чоралари бўйича таклифлар киритади;

10) республика кинолокацияларини, шу жумладан, жамоат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда хорижда тарғиб қилиш юзасидан:

республика кинолокацияларининг салоҳияти, инфратузилмаси ва фойдаланиш имкониятлари тўғрисидаги маълумотларни тизимлаштиради ҳамда янгилаб боради;

республика кинолокацияларини халқаро киноиндустрия бозорида тарғиб қилиш бўйича тақдимотлар, каталоглар, рақамли платформалар ва бошқа ахборот-тарғибот воситаларини ишлаб чиқади;

кинолокацияларни тарғиб қилиш ишларига жамоат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари, ижодий уюшмалар ва бошқа манфаатдор ташкилотларни жалб этиш чораларини кўради;

хорижий продюсерлик марказлари, киностудиялар, кино комиссиялар ва бошқа ташкилотлар билан республика кинолокацияларидан фойдаланишни кенгайтириш мақсадида ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашади.

2-§. Қўмита марказий аппаратининг асосий вазифалари ва функциялари

12. Қуйидагилар Қўмита марказий аппаратининг асосий вазифалари ҳисобланади:

1) Қўмитанинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари билан биргаликда Қўмитага юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилишини таъминлаш;

2) туризм соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш;

3) Қўмита ва унинг таркибий ҳамда ҳудудий бўлинмалари фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларига эришилишини таъминлаш;

4) Қўмита фаолияти соҳасига кирадиган масалалар бўйича вазирликлар ва идоралар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсатлари мажлисларида тегишлилиги бўйича масалаларни кўриб чиқишда иштирок этиш;

5) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;

6) Қўмита ходимларини тизимли қайта тайёрлаш ва уларнинг малакаси оширилишини ташкил қилиш;

7) марказий аппарат ва ҳудудий бўлинмалар фаолияти самарадорлиги ҳамда натижадорлигини танқидий таҳлил қилиш, таҳлил якунларига кўра зарур чоралар кўриш;

8) Қўмита ҳамда унинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари ишини ташкил этишнинг замонавий шаклларини жорий этиш;

9) давлат хизматлари самарадорлиги, сифати ва қулайлигини таъминлаш;

10) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга доир самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш;

11) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорликни, уларнинг фаолиятида Қўмита ходимлари ва раҳбарларининг фаол иштирок этишини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

12) туризм ташкилотларининг моддий-техник базасини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

13) туризмни ривожлантириш бўйича мақсадли дастурлар, туризм соҳасига оид дастурий-методик ҳамда бошқа норматив ҳужжатларни белгиланган тартибда тасдиқлаш;

14) халқаро майдонларда халқаро ва давлатлараро алоқаларни кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, туризм соҳасида хорижий инвестициялар ва грантларни жалб этиш борасидаги ишларни ташкил қилиш бўйича тадбирларда Ўзбекистонга оид тематик иштирокни таъминлаш;

15) Қўмита ҳайъати қарорларининг, Қўмита раисининг буйруқ ва топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

16) таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш чораларини кўриш, таркибий бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

17) Қўмитанинг туризм соҳасида оммавий тадбирларининг календарь режасини шакллантириш, манфаатдор ташкилотлар ва идоралар билан биргаликда унинг амалга оширилишини таъминлаш;

18) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг хорижда ўтказиладиган турли халқаро муносабатларда ҳамда Ўзбекистон Республикасида ўтказиладиган халқаро тадбирларида туризм соҳаси вакилларининг иштирок этиш масалаларига доир қарорлари лойиҳаларини тайёрлаш;

19) туризм соҳасида истеъдодли ва истиқболли кадрларни саралаш, ўқитиш ҳамда малакасини оширишда муваффақиятли иштирок этишини таъминлаш;

20) туризмни ривожлантиришни рағбатлантириш, илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда илғор технологияларни туризм соҳасига жорий қилиш, миллий тадбирлар даражаси ва сифатини ошириш, халқаро ҳамда ҳудудий тадбирларни ташкил этиш бўйича тизимли чораларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

21) конференциялар, семинарлар, симпозиумлар, кўргазмалар, ярмаркалар ва бошқа тадбирларнинг ўтказилишини ташкил қилиш, шунингдек, бошқа ташкилотлар томонидан уюштирилган шундай тадбирларда қатнашишни таъминлаш;

22) туризм соҳасида зарур маълумотларни ягона тизим орқали тўплаш мақсадида манфаатдор идораларнинг тизим ва маълумотлар базалари билан интеграция қилиш, шунингдек, ушбу тизим тўлиқ ишлашини таъминлаш учун маълумотларни рақамлаштириш чораларини кўриш;

23) Қўмита олдида турган вазифаларни ҳал этишни таъминлаш, мавжуд талаблар ва эҳтиёжларни қаноатлантириш, шунингдек, давлат харидлари учун ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш, шу жумладан, товарларни (ишларни, хизматларни) олишдан кўрилган наф, уларнинг сифати ва қиймати ўртасидаги мақбул нисбатни (фойдаланиш даври харажатларини ҳисобга олган ҳолда) таъминлаш, давлат харидларини мақбул муддатларда ўтказиш имконини берадиган оқилона ва тежамкор усулда амалга ошириш;

24) туризм зоналари ва кластерларини ташкил этиш ва уларда туризм соҳаси субъектлари фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилаш, уларда комплекс туризм хизматларини кўрсатиш, туризм фаолиятининг рақобатбардошлиги ва сифатини ошириш мақсадида туризм маҳсулотларини шакллантириш, тарғиб этиш ва реализация қилиш, туризм зоналари ва кластерларининг ривожланишини рағбатлантириш;

25) туризм бозорининг турли сегментларига йўналтирилган туризм маҳсулоти ва хизматларини диверсификация қилиш;

26) туризм соҳасидаги нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаолиятига кўмаклашиш;

27) туризм соҳасидаги фаолиятнинг рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини таъминлаш, уларнинг бузилиш хавфини аниқлаш ва олдини олиш бўйича комплаенс назорат тизимини жорий этиш, ички аудит хизматини йўлга қўйиш;

28) туризм объектларида замонавий санитария-гигиена шохобчаларини яратиш, туризм ахборот марказларини ташкил этиш.

13. Қўмита марказий аппарати унга юкланган асосий вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

1) Қўмита ва унинг раҳбарияти фаолиятини ташкилий ва ахборот-таҳлилий жиҳатидан таъминлайди;

2) Қўмитанинг таркибий, ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек, Қўмита ҳайъати қарорлари, Қўмита раисининг буйруқлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бажарилиши устидан мунтазам назоратни таъминлайди;

3) Қўмита томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ва Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган ҳужжатларнинг сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилишини, уларнинг иқтисодий, молиявий ҳамда ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишини ташкил этади;

4) Қўмитанинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларига раҳбарлик қилади, улар фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

5) Қўмитанинг фаолияти, шу жумладан, қонун ижодкорлиги соҳасидаги фаолияти ҳуқуқий таъминланишини ташкил этади;

6) Қўмита ваколатига тегишли оператив, ташкилий, кадрлар, молия, ишлаб чиқариш-хўжалик масалалари ва бошқа масалалар билан шуғулланади;

7) Қўмита ва унинг таркибий ҳамда ҳудудий бўлинмалари фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишнинг сўзсиз таъминланиши бўйича амалий чораларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

8) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси таркибий бўлинмалари ва Вазирлар Маҳкамаси, шунингдек, тегишли вазирликлар ва идоралар билан Қўмита фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ўзаро алоқаларнинг йўлга қўйилишини таъминлайди;

9) Қўмитанинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари ишини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этилишини таъминлайди;

10) илғор хорижий тажрибани эътиборга олган ҳолда республикада туризмни ривожлантириш, замонавий технологияларни жорий қилиш, туризм бўйича миллий тадбирлар даражаси ва сифатини ошириш, халқаро тадбирларни ташкил этиш билан боғлиқ тизимли чоралар кўрилиши бўйича тадбирлар ўтказилишини таъминлайди;

11) манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда туризм ташкилотларининг моддий-техник базасини ривожлантириш бўйича таклифларни тайёрлайди;

12) туризм соҳасидаги ягона тадбирларнинг календарь режасида назарда тутилган, қонунчиликда белгиланган маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган тадбирларда соҳалар вакиллари иштирок этишини аниқлаш бўйича таклифлар тайёрлайди;

13) Қўмитанинг самарали фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

14) туризм соҳасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятига кўмаклашиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

15) туризмни ривожлантириш мониторингини амалга оширади, ушбу соҳани янада ривожлантириш бўйича ҳар йилги прогнозларни шакллантиради;

16) туризм соҳасидаги истеъдодли ва истиқболли кадрларни танлаш, ўқитиш ҳамда уларнинг малака оширишда муваффақиятли иштирок этишини, шунингдек, узлуксиз саралаш тизимини яхшилашни таъминлайди, кадрлар захирасини шакллантиради;

17) туризм соҳасидаги халқаро ташкилотларга ва бошқа ташкилотларга аъзолик бадалларини белгиланган тартибда тўлайди;

18) юқори малакали кадрлар ва уларнинг захирасини тайёрлаш ҳамда туризм, ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш чора-тадбирларини ташкил қилади;

19) Ўзбекистон ҳудудида ва унинг ташқарисида конференциялар, семинарлар, симпозиумлар, кўргазмалар, ярмаркалар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш ишларини амалга оширади;

20) туризм соҳасида зарур маълумотларни ягона тизим орқали тўплаш мақсадида манфаатдор идораларнинг тизим ва маълумотлар базалари билан интеграция қилиш, шунингдек, ушбу тизим тўлиқ ишлашини таъминлаш учун маълумотларни рақамлаштириш чораларини кўради;

21) Қўмита олдида турган вазифаларни ҳал этишни таъминлаш, мавжуд талаблар ва эҳтиёжларни қаноатлантириш, шунингдек, давлат харидлари учун ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш, шу жумладан, товарларни (ишларни, хизматларни) олишдан кўрилган наф, уларнинг сифати ва қиймати ўртасидаги мақбул нисбатни (фойдаланиш даври харажатларини ҳисобга олган ҳолда) таъминлаш ишларини, давлат харидларини мақбул муддатларда ўтказиш имконини берадиган оқилона ва тежамкор усулда амалга оширади;

22) туризм зоналари ва кластерларини ташкил этиш ва уларда туризм соҳаси субъектлари фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилаш бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади, туризм зоналари ва кластерларининг ривожланишини рағбатлантириш чораларини кўради;

23) туризм бозорининг турли сегментларига йўналтирилган туризм маҳсулоти ва хизматларини диверсификация қилиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

24) соҳаларни бозор механизмлари асосида бошқариш бўйича самарадорликка эришиш чораларини кўради;

25) туризм соҳасини рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини таъминлайди, уларнинг бузилиш хавфини аниқлаш ва олдини олиш бўйича комплаенс назорат тизимини жорий этади, ички аудит хизматини йўлга қўяди;

26) туризм ва моддий маданий мерос объектларида замонавий санитария-гигиена шохобчаларини яратиш, туризм ахборот марказларини ташкил этиш чораларини кўради.

3-§. Ҳудудий бўлинмаларнинг асосий вазифалари ва функциялари

14. Қуйидагилар ҳудудий бўлинмаларнинг асосий вазифалари ва функциялари ҳисобланади:

туризмни ривожланиш ҳолати мониторингини олиб боради, уларни ҳудудда янада ривожлантириш бўйича ҳар йиллик прогнозларни шакллантиради;

туризм турларини кўпайтириш, энг аввало, ички ва зиёрат туризми, экологик туризм, этнотуризм, ишбилармонлик туризми, спорт, гастрономик, тиббий, таълим ва илмий туризмни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича таклифларни тайёрлайди;

туризм инфратузилмасини шакллантириш, энг аввало, туризм йўналишлари бўйлаб меҳмонхоналар ва кемпинглар, умумий овқатланиш объектлари ва туризмнинг бошқа инфратузилмаларини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

туризмни ривожлантириш бўйича миллий ва ҳудудий дастурлар бажарилишини, туризмни ривожлантириш дастурларининг амалда ижросини таъминлаш чораларини кўради;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар иштирокида ички, кириш ва чиқиш туризмини комплекс ривожлантириш дастурлари ижросини таъминлайди;

туризм соҳасининг турли йўналиш ва турларининг ривожланиш тенденциялари бўйича чора-тадбирларга таклифлар ишлаб чиқади;

ҳудуднинг туризм салоҳиятидан келиб чиқиб, туризмнинг истиқболли йўналишларини ривожлантириш бўйича таклифларни Қўмитага киритади;

туризм фаолиятини ривожлантиришни мувофиқлаштириш, ҳудудларда янги туризм йўналишлари очилишини таъминлаш, уларни паспортлаштириш, туризм соҳасидаги ягона реестрларни шакллантириб боради;

туризм фаолиятини белгиланган тартибда лицензиялайди;

ҳудудда вазирлик ва идораларнинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда бошқа ташкилотларнинг туризм соҳасидаги ишини мувофиқлаштиради;

ҳудудда туризм соҳасига тегишли бўлган дастурий-методик ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлайди;

туризм соҳасида илмий тадқиқотларни ривожлантириш, шунингдек, илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга жорий этади ва ушбу ишлар ҳудудда ўтказилишини мувофиқлаштиради;

ҳудуддаги туризм фахрийлари ва бошқа мутахассисларни давлат бошқарувининг бошқа ҳудудий органлари билан биргаликда ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этади;

ҳудудда туризмни ривожлантириш истиқболларини белгилайди;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари билан биргаликда туризм соҳасини оммалаштириш ишларини ташкил қилади;

жаҳон илмий-техник тараққиёти ютуқлари, хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаси умумлаштирилишини ҳамда бу ютуқларнинг ҳудудда жорий қилинишини таъминлайди;

ҳудудда туризм соҳасига доир конференциялар, кўргазмалар ва тадбирларни ўтказади;

туризм соҳасига тегишли нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти ривожланишига ёрдам беради;

кадрларни миллий ва умуминсоний қадриятлар, инсонпарварлик, юксак маънавият ва профессионализм руҳида тайёрлаш бўйича ишларни ташкил этади, ҳудудда аҳолининг ўз жисмоний, умумтаълим ва маданий даражасини оширишга бўлган интилишларини рағбатлантиради;

халқаро алоқаларни амалга ошириш ва ривожлантириш, ҳамкорлик бўйича халқаро лойиҳаларни ишлаб чиқишда, соҳага хорижий инвестициялар ҳамда грантларни жалб қилишда иштирок этади;

тегишли ҳудудда туризмни ривожлантириш тўғрисидаги ахборотни тўплайди ва таҳлил қилади ва уни Қўмитага, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тақдим этади;

туризм ресурсларини сақлаш ва ривожлантириш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорлик қилади;

тегишли ҳудудда туризм фаолияти ривожланишини таъминлайди, янги туризм йўналишларини ташкил этишга кўмаклашади;

туризм соҳаси субъектларига уларнинг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларда методик ва маслаҳат ёрдамини кўрсатади;

тегишли ҳудудда ҳаракатланиш вақтида туристлар ва экскурсантларнинг туризм ресурсларига монеликсиз киришини таъминлашга кўмаклашади;

туризм салоҳиятини ривожлантириш, туризмни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган ғовларни бартараф этиш, шунингдек, туризм соҳасида тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш бўйича белгиланган тадбирларда ҳамда ҳудуднинг таълим муассасаларини юқори малакали кадрлар ва бошқа мутахассислар билан таъминлашда иштирок этади;

ҳудудда туризм соҳасидаги дастурларни ташкил қилиш, оммавий адабиётларни чоп этишга ҳамда ушбу соҳаларда мавжуд видео ва кино материаллар ишлаб чиқилишига ёрдам кўрсатади ва иштирок этади;

халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, жумладан, молиявий институтларнинг грантлари, кредитлари ва ҳомийлик хайрияларини жалб этиш чораларини кўради.

4-боб. Қўмита, унинг марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмаларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

1-§. Қўмитанинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

15. Қўмита ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, Қўмитага юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ёки Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

2) Қўмита ваколатига кирадиган масалаларда республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини белгиланган тартибда мувофиқлаштириш;

3) Қўмита ваколатига кирувчи масалаларни ҳал қилиш учун зарур ахборотни республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

4) Қўмита ваколатига кирадиган масалалар бўйича зарур статистика ахборотини давлат статистика органларидан бепул олиш;

5) Қўмита ва унинг идоравий мансуб тузилмаларининг давлат мол-мулкини ташкилий тузилма доирасида белгиланган тартибда тасарруф этиш;

6) Қўмита ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимларини улар томонидан тегишли соҳада ўз фаолиятининг асосий кўрсаткичлари параметрлари бажарилишини ҳисобга олган ҳолда моддий рағбатлантириш тартиби, миқдорлари ва шартларини белгилаш;

7) Қўмита ваколатига кирувчи масалалар бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига, республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига киритиш;

8) Қўмита ваколатига кирувчи масалалар бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда халқаро шартномаларни тузиш;

9) Қўмита ваколатига кирувчи масалалар бўйича халқаро даражада Ўзбекистон Республикаси манфаатларини белгиланган тартибда ифодалаш;

10) туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва оммалаштириш учун шарт-шароитлар яратишда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф қилиш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномаларни республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига юбориш;

11) туризм соҳасини мамлакатда, шу жумладан, ҳудудларда ривожлантириш ишлари ва лойиҳаларини молиялаштиришга оид республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг харажатлар сметаларини кўриб чиқиш ва келишишда иштирок этиш;

12) маслаҳатлар бериш, илмий ва экспертлик ишларини ўтказиш, туризм соҳасининг долзарб масалаларини ишлаб чиқиш учун шартнома асосида олимларни, вазирликлар, идоралар, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларнинг юқори малакали мутахассисларини, шунингдек, Қўмита тизимига кирувчи таълим муассасаларида дарс бериш ва маҳорат дарслари ўтказиш учун хорижий малакали мутахассисларни шартнома асосида таклиф қилиш;

13) туризм соҳасидаги тадбирлар ўтказилишини белгиланган тартибда ташкил этиш;

14) Қўмита тизимига кирувчи ташкилотлар ва таълим муассасалари, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлар учун зарур техник ускуна, инвентарь ва бошқа зарур жиҳозларни белгиланган тартибда харид қилиш;

15) туризм соҳасидаги халқаро ва республика тадбирларини ўтказишда ғолиб ва совриндорларни, номинантларни мукофотлаш учун зарур миқдорда дипломлар ва совринларни белгиланган тартибда харид қилиш;

16) туризм соҳаси вакилларини кўкрак нишонлари, дипломлар, ёрлиқлар ва совринлар билан мукофотлаш;

17) ўз ваколати доирасида конференциялар, семинарлар, симпозиумлар, кўргазмалар, ярмаркалар ва бошқа тадбирларни ўтказиш, шунингдек, бошқа ташкилотлар томонидан ўтказиладиган шу каби тадбирларда иштирок этиш;

18) туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган тадбирларни биргаликда ишлаб чиқиш мақсадида халқаро, хорижий ва республика ташкилотлари билан белгиланган тартибда алоқаларни йўлга қўйиш;

19) туризм соҳасини тарғиб қилувчи реклама ва бошқа тусдаги маҳсулотларни (аудио, видео материаллар, рисола, хариталар ва бошқа реклама-ахборот материалларини) чоп этиш, нусхасини кўпайтириш, яратиш чораларини кўриш;

20) Вазирлар Маҳкамаси ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишган ҳолда, Қўмитанинг марказий аппарати ва идоравий мансуб ташкилотларида ишлаш учун етакчи хорижий мутахассисларни шартномалар асосда жалб қилиш;

21) туризм соҳасида виза режимини такомиллаштириш ва соддалаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

22) туризмнинг ривожлантирилишини мувофиқлаштириш, янги туризм йўналишлари ташкил этилишини таъминлаш, уларни паспортлаштириш;

23) туризм соҳасидаги ягона реестрларни юритиш тартибини белгилаш;

24) туризм фаолиятини лицензиялашни, туризм соҳасидаги хизматларни сертификатлашни, туризм хизматларининг белгиланган талаблар ва стандартларга мувофиқлигини назорат қилиш, шу жумладан, турли ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги меҳмонхоналарнинг (мотелларнинг) таснифини белгилаш;

25) жойлаштириш воситалари, тоғ-чанғи трассалари ва пляжлар таснифини қонунчиликда белгиланган тартибда белгилаш;

26) туризм соҳасидаги миллий танитиш белгисидан фойдаланиш тартибини белгилаш;

27) Қўмита балансида турган кўчмас мулкдан фойдаланиш учун ўзининг идоравий мансуб ташкилотларини текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштириш;

28) алоҳида фидокорлик, меҳнатсеварликни намоён қилган, ўзининг профессионал фаолиятида юксак натижаларга эришган туризм соҳасидаги намояндалар ва ходимларнинг номзодларини белгиланган тартибда давлат мукофотларига тақдим этиш;

Қўмита қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

16. Қўмита:

унга юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши, шунингдек, туризм соҳасида ягона давлат сиёсати самарали амалга оширилиши;

ўз фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга сўзсиз эришилишини таъминлаш;

Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларнинг ишлаб чиқиладиган лойиҳалари, шунингдек, Қўмита томонидан қабул қилинадиган буйруқларни ўз муддатларида ва сифатли тайёрлаш;

туризм соҳасини ривожлантириш, шунингдек, ушбу соҳада ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва муаммоли масалаларни ҳал қилиш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, “йўл хариталари” ва бошқа дастурий ҳужжатларни самарали амалга ошириш учун жавоб беради.

2-§. Қўмита марказий аппаратининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

17. Қўмитанинг марказий аппарати ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) Қўмитанинг ҳудудий бўлинмаларидан ва идоравий мансуб ташкилотларидан таҳлил қилиш ва қайта ишлаш учун зарур бўлган масалалар бўйича материаллар ва маълумотларни, шунингдек, Қўмитанинг марказий аппаратида кўриб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини сўраш ва олиш;

3) Қўмитанинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларидан улар томонидан киритилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ишлашни талаб қилиш, зарурат бўлганда уларни қайта ишлаш учун қайтариш;

4) Қўмитанинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

5) Қўмитанинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарларига тезкор ҳал қилиниши талаб этиладиган ва Қўмитага юкланган вазифалар ҳамда функцияларни бажариш билан боғлиқ масалалар юзасидан топшириқлар бериш;

6) қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари, шунингдек, Қўмита раиси буйруқларининг Қўмита ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари томонидан бажарилиши юзасидан уларнинг фаолиятини белгиланган тартибда ўрганиш ва текшириш;

7) Қўмитанинг халқаро ва республика даражаларидаги оммавий тадбирларининг календарь режасини шакллантириш;

8) Қўмита марказий аппаратининг бошқармалари ва ходимларининг фаолиятини тасдиқланган лавозим йўриқномаларига мувофиқ ташкил этиш;

9) Қўмитанинг таркибий ташкилотлари ва муассасаларидаги бошқармаларнинг фаолиятига доир масалалар ўрганилишини ташкил қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш, шунингдек, уларга амалий ёрдам кўрсатиш;

10) амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ Қўмита тизимида бухгалтерия ҳисоби юритилиши ташкил этилишини таъминлаш, шунингдек, замонавий техника воситалари ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, тизимга кирувчи ташкилотларда бухгалтерия ҳисоби юритилишини назорат қилиш;

11) бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни харажатлар сметасига киритилган аниқ вазифаларга мақсадли сарфлаш, шунингдек, маблағлар ва моддий бойликларнинг сақланишини мунтазам назорат қилиш;

12) асосий воситалар ва бошқа моддий бойликларнинг улар сақланадиган жойларда мавжудлигини ва улардан фойдаланишни мунтазам назорат қилиш;

13) илмий ва экспертлик ишларини амалга ошириш, маслаҳат бериш, туризм соҳасидаги долзарб масалаларни ишлаб чиқиш учун олимларни, вазирликлар, маъмурий, таълим муассасалари ва бошқа муассасаларнинг юқори малакали мутахассисларини таклиф этиш;

14) туризм соҳасида оммавий тадбирлар ўтказилишини белгиланган тартибда ташкил этиш;

15) идоравий мансуб ташкилотлар учун зарур ускуналар, инвентарь ва бошқа зарур жиҳозларни харид қилиш;

16) туризм соҳасида танловлар ғолиб ва совриндорларини мукофотлаш учун зарур миқдорда дипломлар ва бошқа совринларни харид қилиш;

17) туризм соҳаси вакиллари ва бошқа мутахассисларни мукофотлаш, уларга унвонлар ва малака тоифаларини бериш бўйича таклифларни белгиланган тартибда киритиш;

18) Қўмита тизимида коррупцияга қарши ички назоратни (“комплаенс-назорат”) ҳамда ички аудит тизими фаолиятини самарали йўлга қўйиш;

19) туризм соҳасидаги тадбирлар, танловлар, жумладан, идоравий мансуб ташкилотларда ўтказиладиган турли танловлар ва бошқа тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларда иштирок этишни молиялаштириш.

Қўмитанинг марказий аппарати қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

18. Қўмитанинг марказий аппарати:

Қўмитанинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, идоравий мансуб ташкилотлари билан биргаликда Қўмитага юкланган вазифалар ва функциялар сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

Қўмита фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни таъминлаш бўйича Қўмита марказий аппарати бўлинмаларининг ишини ташкил этиш;

Қўмита томонидан кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек, Қўмита раиси томонидан қабул қилинадиган буйруқларнинг ўз вақтида ва сифатли тайёрланиши;

туризм соҳасини ривожлантириш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, "йўл хариталари" ва бошқа дастурий ҳужжатлар таркибий ва ҳудудий бўлинмалар томонидан амалга оширилишини ташкил этиш;

Қўмита тизимида коррупцияга қарши ички назоратни ҳамда ички аудитни амалга оширишда қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган тартибда жавоб беради.

3-§. Ҳудудий бўлинмаларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

19. Ҳудудий бўлинмалар уларга юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун:

1) республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан ўз ваколатига кирадиган масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

2) ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича таклифларни республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳудудий бўлинмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига кўриб чиқиш учун киритиш;

3) туризм инфратузилмасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш доирасида йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномаларни республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмаларининг ҳудудий бўлинмаларига, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига юбориш;

4) туризм соҳасини ривожлантириш масалаларида, шу жумладан, ҳудудларни ривожлантириш бўйича ишлар ва лойиҳаларни молиялаштириш масалаларида республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳудудий бўлинмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг харажатлар сметаларини кўриб чиқиш ва келишишда иштирок этиш;

5) илмий ва экспертлик ишларини амалга ошириш, маслаҳат бериш, туризм соҳасидаги долзарб масалаларни ишлаб чиқиш учун олимларни, вазирликлар, маъмурий, таълим муассасалари ва бошқа муассасаларнинг юқори малакали мутахассисларини таклиф этиш, шунингдек, Қўмита билан келишган ҳолда идоравий мансуб таълим муассасаларида дарс бериш ва маҳорат дарслари ўтказиш учун малакали мутахассисларни таклиф этиш;

6) туризм соҳасида оммавий тадбирлар ўтказилишини белгиланган тартибда ташкил этиш;

7) идоравий мансуб ташкилотлари учун ускуналар, инвентарь ва бошқа зарур жиҳозларни харид қилиш;

8) вилоят миқёсидаги туризм соҳасидаги танловлар ғолиб ва совриндорларини мукофотлаш учун дипломлар ва бошқа совринларни харид қилиш;

9) ҳудуддаги туризм намояндалари ва бошқа мутахассисларни мукофотлаш, шунингдек, уларга унвонлар ва малака тоифаларини бериш бўйича таклифларни белгиланган тартибда киритиш;

10) туризм соҳасида оммавий тадбирлар ўтказилишини, шунингдек, ҳудуднинг туризм соҳаси вакилларини, шу жумладан, идоравий мансуб ташкилотлар томонидан ўтказиладиган турли танловлар ва бошқа тадбирларга тайёрлашни ва иштирок этишни молиялаштириш;

11) ҳудуддаги туризм соҳасида фестиваллар, танловлар, оммавий тадбирларнинг ғолиб ва совриндорлари, шунингдек, бошқа иштирокчи, мутахассисларни эсдалик дипломлари ва қимматли совринлар билан мукофотлаш бўйича Қўмитага таклифлар киритиш;

12) ўз ваколатлари доирасида конференциялар, семинарлар, симпозиумлар, кўргазмалар, ярмаркалар ва бошқа тадбирларни ўтказиш, шунингдек, бошқа ташкилотлар томонидан ўтказиладиган шундай тадбирларда иштирок этиш;

13) ҳудудда туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган тадбирларни биргаликда ишлаб чиқиш мақсадида халқаро, хорижий ва республика ташкилотлари билан белгиланган тартибда алоқа қилиш;

14) ҳудуднинг туризм соҳаси салоҳиятини тарғиб қилувчи реклама ва тарғибот маҳсулотларини (реклама тусидаги аудио ва видео материаллар, рисолалар, хариталар ва бошқа реклама материалларини) тайёрлашга буюртма бериш;

15) туризм соҳасида ишлаш учун етакчи хорижий мутахассисларни шартнома асосда жалб қилиш;

16) ҳудуднинг туризм соҳасида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлари ва вакилларини давлат мукофотларига тақдим этиш тўғрисида Қўмитага таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

Қўмитанинг ҳудудий бўлинмалари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

20. Ҳудудий бўлинмалар:

ўзларига юкланган вазифалар ва функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши таъминланиши;

Қўмитанинг ҳудудий бўлинмалари фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришилиши таъминланиши;

Қўмитага киритиладиган ҳужжатлар лойиҳалари ва таклифларнинг сифати;

ҳудудларда аниқланган муаммоларни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш ҳамда умумлаштириш асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида туризмни ривожлантиришга доир таклифлар тайёрланиши;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида туризм соҳасини ривожлантириш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, "йўл хариталари" ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида самарали амалга оширилиши, муаммоли масалалар ҳал этилиши;

тизимдаги ташкилотлар томонидан бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар мақсадли ва самарали ишлатилиши учун жавоб беради.

5-боб. Қўмита раҳбариятининг асосий функционал вазифалари

21. Қўмита раисининг асосий функционал вазифалари:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиш;

2) якка бошчилик тамойилига асосланган ҳолда Қўмита фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан Қўмитага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини ташкил этиш;

3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан туризм соҳасини янада такомиллаштириш бўйича тасдиқланган концепциялар, комплекс дастурлар ва тадбирлар ижросини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

4) Қўмита ва унинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари ҳамда идоравий бўйсунувидаги ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича амалий чораларни ишлаб чиқиш ва кўриш;

5) Қўмита фаолияти соҳасига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси таркибий бўлинмалари, шунингдек, тегишли вазирликлар ва идоралар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида масалаларни кўриб чиқишда иштирок этиш;

6) ўз ўринбосарлари ваколатларини белгилаш, улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, Қўмитанинг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини белгилаш, Қўмита фаолиятининг алоҳида участкаларига раҳбарлик қилиш учун ўз ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлик даражасини белгилаш;

7) Қўмита фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, Қўмита ва ўз ўринбосарларининг ҳар чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши назорат қилинишини таъминлаш;

8) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари бажарилишини таъминлаш, Қўмита фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон ҳамда "Давлат органлари ва ташкилотларда ижро интизомини янада мустаҳкамлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" 2025 йил 25 июлдаги ПФ–117-сон фармонларига ҳамда "Ijro.gov.uz" ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон қарорига, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини назорат қилишнинг янги механизмларини жорий этиш тўғрисида" 2025 йил 30 сентябрдаги 616-сон қарорига мувофиқ таркибий ва ҳудудий бўлинмалар ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

9) Қўмита ходимларини тизимли қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

10) Қўмита тизимида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, Қўмитанинг кадрлар захирасини шакллантириш;

11) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси номенклатурасига кирадиган бўш лавозимларга таклиф этилган кадрларнинг, шунингдек, Қўмитага ишга қабул қилинаётган бошқа кадрларнинг профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш;

12) фаолият соҳасига кирадиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқилишини, улар "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида", "Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талабларига қатъий мувофиқ равишда ўз вақтида киритилишини ташкил этиш, уларнинг Вазирлар Маҳкамасида пухта ишланишида, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти ҳузурида ҳимоя қилинишида ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида кўриб чиқилишида иштирок этиш;

13) "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида", "Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига мувофиқ Қўмитанинг қонун лойиҳаларини тайёрлаш фаолиятини ташкил этиш;

14) Қўмита ваколатига кирувчи масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, зарурат бўлганда, бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда тегишли қарорларни қабул қилиш;

15) Қўмитага тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тўлиқ ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида белгиланган муддатларда келишиш (виза қўйиш);

16) Қўмита раҳбарлари ва ходимлари хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида" 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон қарори талабларига мувофиқ ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

17) ўз ўринбосарлари ҳамда таркибий ва ҳудудий бўлинмалар раҳбарлари фаолияти самарадорлигини ва натижадорлигини мунтазам танқидий таҳлил қилиш, Қўмита ҳайъати мажлисларида уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг якунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

18) Қўмита ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, ўз ўринбосарларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимда қолишининг мақсадга мувофиқлигига доир масалаларни кўриб чиқиш тўғрисида таклифлар киритиш, уларнинг шахсий масъулиятини оширишга доир тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

19) Қўмита ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари асосида тасдиқланган Қўмита ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлашни назорат қилиш;

20) "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Қўмита тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчиликни такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

21) Ўзбекистон Республикасининг "Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида"ги Қонуни ва манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга доир ишларга раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш;

22) Қўмита ҳамда унинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари ишини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этилишини таъминлаш;

23) аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлик қилишда, шу жумладан, “ягона дарча” принципини жорий этиш орқали давлат хизматлари сифати ва самарадорлигини ҳамда улардан эркин фойдаланишни ошириш ҳамда “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;

24) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга доир самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомда белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

25) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорликни, уларнинг фаолиятида Қўмита ходимлари ва раҳбарларининг фаол иштирок этишини ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

26) давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

27) Қўмита марказий аппарати штат жадвалини ходимларнинг тасдиқланган штат бирликларининг белгиланган сони асосида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган марказий аппарат ва идоравий мансуб ташкилотларнинг харажатлар сметасини тасдиқлаш;

28) Қўмитанинг ҳудудий бўлинмалари низомлари, идоравий мансуб ташкилотлар уставларини белгиланган тартибда тасдиқлаш;

29) марказий аппарат ходимларини, идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш;

30) Қўмита ҳайъатига ва марказий аппарат йиғилишларига раҳбарлик қилиш;

31) туризм соҳасидаги ташкилотларни ривожлантириш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, асбоб-ускуналар ва инвентарлар маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилиши кенгайтирилишини ташкил этиш бўйича манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишилган таклифлар тайёрланишини ташкил этиш;

32) туризм соҳасида истеъдодли ва истиқболли кадрларни танлаш, тайёрлаш чора-тадбирлари қабул қилинишини таъминлаш, уларнинг маҳоратини ошириш;

33) туризм соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, тегишли вазирликлар ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

34) туризм соҳасида кадрларни тайёрлаш чораларини кўриш, қайта тайёрлаш ва малака оширишни ташкил этиш, таълим муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш;

35) туризм соҳаси ходимлари ва мутахассисларини, уларнинг кўп йиллик ва самарали фаолияти, алоҳида ўрнак кўрсатгани, хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотларига тақдимномалар белгиланган тартибда киритилишини таъминлаш ва тавсиялар бериш;

36) туризм соҳасида Ўзбекистон делегацияларининг халқаро тадбирларда иштирокини таъминлаш;

37) туризм соҳасида халқаро ва давлатлараро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, хорижий инвестициялар ва грантларни жалб қилиш бўйича халқаро тадбирларда республика вакилларининг иштирокини таъминлаш;

38) ҳудудий бўлинмалар тузилмалари ва низомларини тасдиқлаш, шунингдек, улар бошқарув ходимларининг чекланган сонини белгилаш;

39) Қўмитанинг хорижий мамлакатлардаги ваколатхоналари фаолияти тартибини белгилаш.

Қўмита раиси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функционал вазифаларига ҳам эга бўлиши мумкин.

22. Қуйидагилар инфратузилмага масъул Қўмита раиси ўринбосарининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиш;

2) Қўмита раиси вақтинча бўлмаганда тегишли буйруқ асосида унинг вазифаларини бажариш;

3) Қўмитанинг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва уларга бевосита раҳбарлик қилиш, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва тадбирлар ижросини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

5) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар томонидан прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш чораларини кўриш, бўлинмалар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам эшитиш ва ушбу кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш;

6) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларнинг иш режаларини тасдиқлаш, улар бажарилиши устидан назоратни таъминлаш;

7) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари бажарилишини таъминлаш, мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмаларида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон ҳамда "Давлат органлари ва ташкилотларда ижро интизомини янада мустаҳкамлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" 2025 йил 25 июлдаги ПФ–117-сон фармонларига ҳамда "Ijro.gov.uz" ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон қарорига, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини назорат қилишнинг янги механизмларини жорий этиш тўғрисида" 2025 йил 30 сентябрдаги 616-сон қарорига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши учун таркибий бўлинмалар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

8) Қўмита ҳайъати қарорлари, Қўмита раисининг буйруқлари ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

9) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича Қўмита раисига таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш чораларини кўриш, мутасаддилик қилинадиган бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

10) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар томонидан сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, Қўмитанинг таркибий бўлинмаларида тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва улар кейинчалик Қўмита раҳбари томонидан кўриб чиқилиши, имзоланиши (виза қўйилиши) учун виза қўйиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талабларига қатъий мувофиқ равишда Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда Қўмита раҳбари топшириғига биноан иштирок этиш;

11) хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон қарори талабларига тўлиқ мувофиқ ташкил этиш, хизмат сафарларининг асослангани, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

12) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам танқидий таҳлил қилиш, Қўмита ҳайъати мажлисларида уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг якунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

13) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар фаолияти соҳасига тегишли масалалар бўйича Қўмита фаолиятини такомиллаштиришга доир амалий чора-тадбирлар кўриш, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни Қўмита раисига киритиш;

14) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимда қолиши мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиш бўйича таклифларни Қўмита раисига киритиш, функционал вазифалар ва юкланган вазифалар бажарилиши учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

15) Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидаларига асосан тасдиқланган Қўмита ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этиш, кўрсатиб ўтилган қоидаларга мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимлари томонидан риоя этилишини таъминлаш;

16) ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчиликни такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни ва коррупцияга қарши курашишга доир бошқа қонунчилик ҳужжатларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Қўмита тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш, шунингдек, манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга доир ишларни мувофиқлаштириш;

17) давлат хизматлари самарадорлиги, сифати ва улардан эркин фойдаланишни оширишга доир таклифларни Қўмита раисига киритиш;

18) давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

19) вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларнинг туризм соҳасидаги ишларини мувофиқлаштиришда иштирок этиш;

20) туризм инфратузилмаларини ривожлантириш ва ушбу соҳалардаги хизматларни диверсификациялаш;

21) Қўмитанинг халқаро ва республика даражаларидаги оммавий тадбирларнинг календарь режасини шакллантиришда иштирок этиш, уни манфаатдор ташкилотлар ва идоралар билан биргаликда амалга ошириш;

22) республикада туризм соҳаси ривожланиши мониторингини олиб бориш ҳамда ушбу соҳаларни янада ривожлантириш бўйича ҳар йиллик прогнозларни шакллантириш;

23) туризм соҳасида истеъдодли ва истиқболли кадрларни танлаш, тайёрлаш ва уларнинг маҳоратини ошириш;

24) туризм соҳасига инвестицияларни жалб қилиш, ушбу соҳалардаги ҳудудий дастурлар ижросини таъминлаш;

25) туризм соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича халқаро, республика ташкилотлари билан биргаликда ишлашни таъминлаш.

23. Қуйидагилар миллий туризм маҳсулотларини оммалаштиришга масъул Қўмита раиси ўринбосарининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиш;

2) Қўмита раиси вақтинча бўлмаганда тегишли буйруқ асосида унинг вазифаларини бажариш;

3) Қўмитанинг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва уларга бевосита раҳбарлик қилиш, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

4) Қўмита фаолиятининг мутасаддилик қилинадиган йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Қўмита фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва тадбирлар ижросини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

5) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар томонидан прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш чораларини кўриш, бўлинмалар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам эшитиш ва ушбу кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш;

6) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларнинг чораклик иш режаларини тасдиқлаш, улар бажарилиши устидан назоратни таъминлаш;

7) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари бажарилишини таъминлаш, мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмаларида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон ҳамда “Давлат органлари ва ташкилотларда ижро интизомини янада мустаҳкамлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 25 июлдаги ПФ–117-сон фармонларига ҳамда “Ijro.gov.uz” ижро

интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон қарорига, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини назорат қилишнинг янги механизмларини жорий этиш тўғрисида” 2025 йил 30 сентябрдаги 616-сон қарорига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши учун таркибий бўлинмалар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

8) Қўмита ҳайъати қарорлари, Қўмита раисининг буйруқлари ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

9) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича Қўмита раисига таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш чораларини кўриш, мутасаддилик қилинадиган бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

10) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар томонидан сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, Қўмитанинг таркибий бўлинмаларида тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талабларига қатъий мувофиқ равишда Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда Қўмита раисининг топшириғига биноан иштирок этиш;

11) Қўмитага тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш;

12) хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон қарори талабларига тўлиқ мувофиқ ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

13) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам танқидий таҳлил қилиш, Қўмита ҳайъати мажлисларида уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг якунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

14) туризм соҳасига тегишли масалалар бўйича Қўмита фаолиятини такомиллаштиришга доир амалий чоралар кўриш, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни Қўмита раисига киритиш;

15) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимда қолиши мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиш бўйича таклифларни Қўмита раисига

киритиш, функционал вазифалар ва юкланган вазифалар бажарилиши учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

16) Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидаларига асосан тасдиқланган Қўмита ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этиш, кўрсатиб ўтилган қоидаларга мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимлари томонидан риоя этилишини таъминлаш;

17) ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчиликни такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни ва коррупцияга қарши курашишга доир бошқа қонунчилик ҳужжатларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ Қўмита тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш, шунингдек, манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга доир ишларни мувофиқлаштириш;

18) давлат хизматлари самарадорлиги, сифати ва улардан эркин фойдаланишни оширишга доир таклифларни Қўмита раисига киритиш;

19) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга доир самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

20) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

21) давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

22) "Миллий PR-маркази" ДМ ҳамда хорижий мамлакатлардаги ваколатхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда миллий туризм маҳсулотларининг самарали маркетингини назорат қилиш.

24. Қуйидагилар Қўмита марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этиш;

2) таркибий бўлинмалар фаолиятига бевосита раҳбарлик қилиш, ушбу бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

3) Қўмитанинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятини ўз ваколатлари доирасида мувофиқлаштириш;

4) прогноз кўрсаткичларнинг бажарилишини мунтазам таҳлил қилиш ҳамда таркибий ва ҳудудий бўлинмалар ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришишини таъминлашга қаратилган қўшимча чоралар кўриш бўйича таклифларни Қўмита раисининг мутасаддилик қиладиган ўринбосарларига киритиш;

5) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари бажарилишини таъминлаш, Қўмита таркибий бўлинмаларида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон ҳамда "Давлат органлари ва ташкилотларда ижро интизомини янада мустаҳкамлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" 2025 йил 25 июлдаги ПФ–117-сон фармонларига ҳамда "Ijro.gov.uz" ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон қарорига, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини назорат қилишнинг янги механизмларини жорий этиш тўғрисида" 2025 йил 30 сентябрдаги 616-сон қарорига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун таркибий бўлинмалар ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

6) ҳайъат қарорлари ҳамда буйруқлар, Қўмита раиси ва унинг ўринбосарлари топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

7) таркибий бўлинмаларнинг иш режалари ишлаб чиқилишини таъминлаш, уларни тасдиқлаш учун киритиш, уларда кўрсатилган вазифалар ва тадбирлар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

8) таркибий бўлинмаларга юкланган вазифалар бажарилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш, Қўмитанинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятига амалий ва методик ёрдам кўрсатиш;

9) таркибий бўлинмалар фаолиятига оид масалалар юзасидан қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун Қўмита раҳбариятига киритиш;

10) таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда Қўмита раҳбариятига таклифлар тақдим этиш, профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш, уларнинг касб малакасини ошириш чораларини кўриш, таркибий бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

11) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари таркибий бўлинмалар томонидан сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, Қўмитанинг таркибий бўлинмаларида тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини кейинчалик Қўмита

раҳбарияти томонидан кўриб чиқиш, имзолаш (виза қўйиш) учун кўриб чиқиш ва виза қўйиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талабларига қатъий мувофиқ равишда Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, Қўмита раҳбарларининг топшириғи бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасида ишлаб чиқишда иштирок этиш;

12) Қўмитага тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш;

13) хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон қарори талабларига мувофиқ ташкил этиш, хизмат сафарлари асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

14) таркибий бўлинмалар ходимлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равишда танқидий таҳлил қилиш, йиғилишларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг якунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

15) таркибий бўлинмалар ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этишини таъминлаш;

16) таркибий бўлинмаларда Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни ва коррупцияга қарши курашишга доир бошқа қонунчилик ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида"ги Қонуни талабларига риоя қилинишини таъминлаш;

17) давлат хизматларининг самарадорлиги, сифати ва улардан эркин фойдаланишни оширишга доир таклифларни Қўмита раҳбариятига киритиш;

18) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомда белгиланган муддатларда ва тартибда аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқиш;

20) давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

21) халқаро ва республика даражаларидаги оммавий тадбирларнинг календарь режасини шакллантиришда иштирок этиш;

22) таркибий бўлинмалар ходимлари фаолиятини тасдиқланган лавозим мажбуриятларига мувофиқ ташкил қилиш;

23) бошқармалар ваколатига кирувчи масалалар юзасидан Қўмита раҳбариятига таҳлилий материаллар тайёрлаш;

24) Қўмитанинг таркибий бўлинмалари фаолиятини ўрганишни ташкил этиш ва уларга амалий кўмаклашиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

25. Қуйидагилар ҳудудий бўлинмалар раҳбарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиш;

2) ҳудудий бўлинмалар фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш ва назорат қилиш, уларга Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатлари ва Қўмитанинг буйруқлари билан юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

3) ҳудудий бўлинмалар фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари бажарилишини таъминлаш, ҳудудий бўлинмаларда ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон ҳамда “Давлат органлари ва ташкилотларда ижро интизомини янада мустаҳкамлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 25 июлдаги ПФ–117-сон фармонларига ҳамда “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон қарорига, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини назорат қилишнинг янги механизмларини жорий этиш тўғрисида” 2025 йил 30 сентябрдаги 616-сон қарорига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун ҳудудий бўлинмалар ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

5) Қўмита ҳайъати қарорлари, буйруқлари, Қўмита раиси ва унинг ўринбосарларининг топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

6) туризм соҳасига кирадиган масалалар бўйича маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳамкорлик қилиш;

7) ўз ўринбосарлари ваколатларини белгилаш, улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, ҳудудий бўлинмаларнинг бошқа мансабдор шахсларининг ваколатларини белгилаш, Қўмита ҳудудий бўлинмалари фаолиятининг алоҳида участкаларига раҳбарлик қилиш учун ўз ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлиги даражасини белгилаш;

8) Қўмитанинг ҳудудий бўлинмалар фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, ўз ўринбосарларининг чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилишини назорат қилишни таъминлаш;

9) Қўмитанинг ҳудудий бўлинмаларида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ҳудудий бўлинмаларнинг кадрлар захирасини шакллантириш;

10) Қўмита марказий аппарати номенклатурасига кирадиган бўш лавозимларга таклиф этилган кадрларнинг, шунингдек, ҳудудий бўлинмаларга ишга қабул қилинаётган бошқа кадрларнинг профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш;

11) ҳудудий бўлинмалар ходимларини, ўз ўринбосарларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, шу жумладан, улар эгаллаб турган лавозимда қолиши мақсадга мувофиқлигига доир масалаларни кўриб чиқиш, уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни белгиланган тартибда амалга ошириш;

12) ҳудудий бўлинмалар ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этишини таъминлаш;

13) ҳудудий бўлинмаларда Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни ва коррупцияга қарши курашишга доир бошқа қонунчилик ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни талабларига риоя қилинишини таъминлаш;

14) прогноз кўрсаткичларнинг бажарилишини мунтазам таҳлил қилиш ҳамда ҳудудий бўлинмалар томонидан ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришишни таъминлашга қаратилган қўшимча чоралар кўриш бўйича таклифларни Қўмитага киритиш;

15) ҳудудий бўлинмалар ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини тизимли равишда танқидий таҳлил қилиш, йиғилишларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг якунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

16) ҳудудий бўлинмалар фаолиятига оид масалалар бўйича қонунчиликни такомиллаштириш, шунингдек, давлат хизматлари самарадорлиги, сифати ва улардан эркин фойдаланишни ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни кўриб чиқиш учун Қўмитага киритиш;

17) Қўмитанинг ҳудудий бўлинмалари таркибига кирадиган ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

18) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан белгиланган муддатларда ва тартибда аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган барча мурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқиш;

20) ҳудудий бўлинмалар ходимлари лавозим маошига мукофотлар, устамалар тўлаш, уларга моддий ёрдам бериш, уларни тақдирлаш, рағбатлантириш ва уларга интизомий чора қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш, уларни давлат мукофотлари ва идоравий мукофотлар билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифларни Қўмитага киритиш;

21) давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш.

6-боб. Қўмита раҳбариятининг жавобгарлиги

26. Қўмита раиси:

Қўмитага юкланган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши;

Қўмитанинг ушбу Низомда кўрсатилган жавобгарлик соҳалари бўйича ҳамда ўз функционал вазифалари сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

27. Қўмита раиси ўринбосарлари:

мутасаддилик қилинадиган йўналиш ва таркибий бўлинмаларда Қўмитага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

ушбу Низомда кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб берадилар.

28. Марказий аппарат таркибий бўлинмалари раҳбарлари;

тегишли таркибий бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

ушбу Низомда кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб берадилар.

29. Ҳудудий бўлинмалар раҳбарлари:

ҳудудий бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

ушбу Низомда кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб берадилар.

7-боб. Қўмита фаолиятини ташкил этиш

1-§. Қўмита раҳбарияти

30. Қўмитага Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган Қўмита раиси раҳбарлик қилади.

31. Қўмита раисининг икки нафар ўринбосари бўлади. Қўмита раисининг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

32. Қўмита раиси моддий таъминоти, тиббий ва транспорт хизматидан фойдаланиш борасидаги шарт-шароитларига кўра – вазирга, Қўмита раиси ўринбосарлари – вазир ўринбосарларига тенглаштирилади.

33. Қўмита раиси бўлмаган вақтда унинг ваколатлари Қўмита раисининг тегишли буйруғига асосан унинг ўринбосарларидан бири томонидан бажарилади.

34. Қуйидагилар:

Қўмита раисининг маслаҳатчилари белгиланган тартибда Қўмита раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар туризм бошқармалари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари белгиланган тартибда Қўмита раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

35. Қўмита раиси Қўмита тизимига кирадиган идоравий мансуб ташкилотларнинг раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимидан озод этади, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

36. Қўмита раиси Қўмита марказий аппаратининг бошқармалари ва бўлимлари, бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, идоравий мансуб ташкилотларнинг уставларини белгиланган тартибда тасдиқлайди.

2-§. Қўмита марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг Қўмита ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби

37. Қўмита марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг Қўмита ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари томонидан таъминланади.

38. Қўмита марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари Қўмитанинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлар билан ўз фаолияти йўналишлари бўйича ҳамкорлик қилиб:

топшириқларни ҳудудий бўлинмаларга ва идоравий мансуб ташкилотларга етказади ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилади;

Қўмитанинг ҳудудий бўлинмаларига ва идоравий мансуб ташкилотларга таркибий бўлинмаларнинг бевосита фаолияти масалалари бўйича сўровлар юборади ҳамда уларнинг ижро этилишини назорат қилади;

Қўмитанинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолияти амалиётини текширади ва ўрганади, умумлаштиради, уни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва қабул қилади;

Қўмитанинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятини ташкил этиш ва фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот ва ахборот материаллари, статистика ва бошқа маълумотлар ўрганилишини ташкил этади;

Қўмитанинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлар иш режаларини таҳлил қилади, уларнинг фаолиятини режалаштиришни такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар кўради;

Қўмитанинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлардан тушган таклифларни кўриб чиқади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда Қўмитанинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлар иштирокини ташкил этади, туризм соҳасида қонунчиликни такомиллаштириш бўйича улардан тушган таклифларни кўриб чиқади.

39. Қўмитанинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари Қўмита марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари билан ҳамкорлик қилади, шу жумладан:

берилган топшириқлар ижроси ҳақида Қўмита раҳбариятига ахборот беради;

қонунчиликни амалга ошириш бўйича ўз фаолияти натижалари тўғрисида марказий аппаратга ахборот тақдим этади;

уларнинг фаолиятини текшириш ва ўрганиш натижасида аниқланган ишдаги камчиликларни ва қоидабузарликларни бартараф этиш натижалари тўғрисида маълумот беради;

ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, шу жумладан, аҳолининг туризм соҳасига оид мавжуд долзарб муаммоларини бартараф этиш юзасидан Қўмитанинг марказий аппаратига таклифлар киритади;

ваколатли органлар томонидан ўтказилган ўз фаолиятини текшириш натижалари тўғрисида хабар беради.

40. Қўмита марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва унинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда идоравий мансуб ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги жараёнида юзага келадиган келишмовчиликлар Қўмита раисининг топшириғига биноан унинг тегишли ўринбосари ва маслаҳатчиси томонидан кўриб чиқилади. Агар кўрсатиб ўтилган кўриб чиқишдан кейин келишмовчиликлар тартибга солинмаса, у бўйича қарор бевосита Қўмита раиси томонидан қабул қилинади.

41. “Миллий PR-маркази” давлат муассасаси бир вақтда Қўмитанинг ахборот хизмати вазифасини бажаради ҳамда Қўмита раисининг ахборот сиёсати бўйича маслаҳатчиси – ахборот хизмати раҳбари ушбу муассасанинг директори ҳисобланади.

3-§. Қўмитанинг бошқа республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги

42. Қўмита ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда бошқа республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

43. Қўмитанинг ҳудудий бўлинмалари ўз ваколатлари доирасида бошқа республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

4-§. Қўмита ҳайъати

44. Қўмитада Қўмита раиси (ҳайъат раиси), унинг ўринбосарлари, маслаҳатчилари, шунингдек, Қўмита фаолиятининг асосий йўналишларини мувофиқлаштирувчи таркибий бўлинмалар раҳбарларидан иборат таркибда ҳайъат тузилади.

Ҳайъат таркибининг сони ва шахсий таркиби белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

45. Ҳайъатга қуйидаги вазифалар юкланади:

Қўмита фаолиятининг ушбу Низомда белгиланган асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгиланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш учун Қўмита тизими ходимлари ва раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш чораларини кўрган ҳолда, ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари ҳисоботлари мунтазам равишда эшитилишини ташкил этиш;

Қўмита фаолияти соҳасидаги ҳудудий ва тармоқ дастурлари амалга оширилишининг натижадорлигини ҳар чоракда ва мунтазам кўриб чиқиш;

жойларда Қўмита фаолиятига оид долзарб масалалар муҳокама қилинишини таъминлаган ҳолда ҳайъатнинг кенгайтирилган сайёр мажлислари ўтказилишини ташкил этиш, шунингдек, юзага келган муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

Қўмита марказий аппаратига ва унинг тизимига кирадиган лавозимлар номенклатурасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

Қўмита марказий аппарати номенклатурасига кирадиган лавозимларга кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш масалаларини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари билан белгиланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун Қўмита раҳбарлари ва ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш ва шахсий жавобгарлигини ошириш.

Ҳайъат Қўмита ваколатига киритилган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқишга ҳақли.

46. Ҳайъат мажлисига қўмита ваколатига кирадиган масалалар юзасидан республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари таклиф этилиши мумкин.

47. Ҳайъат, агар унинг мажлисида ҳайъат таркибининг ярмидан кўпи қатнашса, ваколатли ҳисобланади. Кўриб чиқилаётган масалалар юзасидан қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

48. Ҳайъат қарорлари Қўмита раисининг буйруқлари билан амалга оширилади.

49. Қўмита раиси ва ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, Қўмита раиси юзага келган келишмовчиликлар ҳақида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берган ҳолда мустақил равишда қарор қабул қилади. Шунингдек, ҳайъат аъзолари ҳам Вазирлар Маҳкамасига ўз фикрини маълум қилиши мумкин.

50. Ҳайъат фаолияти тартиби ҳайъат томонидан тасдиқланадиган унинг регламенти билан белгиланади.

8-боб. Қўмита фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторлари

51. Қўмита фаолиятининг самарадорлиги мунтазам баҳоланиши лозим.

52. Қўмита фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигига берилган баҳолар белгиланган тартибда тасдиқланадиган Қўмита фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторларига асосланади.

53. Қўмита фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунлари бўйича:

Қўмита раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жавобгарликка тортиш;

Қўмита фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари кўрилади.

Қўмита фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби ва методикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

9-боб. Қўмитани молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш

54. Қўмита фаолиятини молиялаштириш ва унинг ходимларини моддий рағбатлантириш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

55. Қўмита марказий аппаратига 4 та шахсан бириктирилган (Қўмита раиси, унинг ўринбосарлари ва ахборот хизмати раҳбари учун), 2 та махсус (йўлсиз жойларда юра оладиган 1 та, меҳмонларни кутиб олиш учун 1 та), 1 та навбатчи автотранспорт воситаси ва 1 та микроавтобус лимити ажратилиши назарда тутилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар туризм бошқармаларига 1 та шахсан бириктирилган ва 1 та махсус автотранспорт воситаси лимити ажратилиши назарда тутилади.

Қўмитага тегишли хизмат автотранспорт воситасига Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган йиллик километр масофа лимити татбиқ этилмайди.

56. Қўмита ходимларининг иш ҳақи қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган лавозим маоши, мукофот пуллари, қўшимча тўловлар, устамалар ва рағбатлантириш тўловларидан ташкил топади.

57. Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, Қўмита ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар Қўмита ходимларининг иш ҳақларини тўлаш ва моддий рағбатлантириш манбаи ҳисобланади.

58. Қўмита марказий аппарати, унинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари ходимлари қўшимча қуйидаги шаклларда моддий рағбатлантирилади:

1) Қўмита марказий аппарати ходимлари Қўмита ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан, ҳудудий бўлинмалар ходимлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидаги миқдорда кўп йиллик ишлаганлик учун ҳар ойлик устама тўланади (рағбатлантириш коэффициентини инобатга олган ҳолда лавозим маошига нисбатан коэффициентларда):

1 дан 3 йилгача – 0,3;

3 дан 5 йилгача – 0,6;

5 дан 10 йилгача – 0,8;

10 дан 15 йилгача – 1,0;

15 дан 20 йилгача – 1,2;

20 дан юқори – 1,5.

Кўп йиллик ишлаганлик учун устама олиш ҳуқуқини берувчи иш стажи Қўмита раиси томонидан тасдиқланадиган тартиб асосида амалга оширилади;

2) Қўмита ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан:

а) чорак якуни бўйича энг ташаббускор ва натижадор ходимларни устамани (рағбатлантириш коэффициентини) ҳисобга олган ҳолда, бир ойлик иш ҳақи жамғармасининг юз фоизигача бўлган миқдорда бир йўла мукофотлаш;

б) энг ташаббускор ва самарали ишлаган ходимларни устамани (рағбатлантириш коэффициентини) ҳисобга олган ҳолда, бир ойлик иш ҳақи жамғармасининг юз фоизигача бўлган миқдорда моддий рағбатлантириш;

в) жамоа шартномасига мувофиқ меҳнат натижалари билан боғлиқ бўлмаган компенсация тўловлари ва бир йўла бериладиган мукофотлар;

г) ўз хизмат фаолияти самарадорлигини ошириш ва хизмат вазифаларини оқилона бажариш тизимини жорий этиш мақсадида Қўмитанинг жавобгарлиги юқори бўлган Қўмита марказий аппарати ходимлари учун Қўмита раиси томонидан тайинланадиган шахсий устамалар.

Ушбу бандниng "а" ва "б" кичик бандларида назарда тутилган тўловлар суммаси бир чоракда устамани (рағбатлантириш коэффициентини) ҳисобга олган ҳолда, бир ойлик иш ҳақи жамғармасининг икки баравари миқдоридан ошмаслиги керак.

Қўмита раиси томонидан махсус ва шахсий устамалар белгиланиши мумкин.

Ходимларни қўшимча моддий рағбатлантириш тўғрисидаги низом Қўмита раиси томонидан тасдиқланади.

Қўмита ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ходимларга қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа тўловлар ҳам тўланиши мумкин.

Бунда ушбу бандда назарда тутилган тўловлар Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси молиявий ҳолатидан келиб чиқиб тўланади.

59. Қўмитанинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини таъминлаш ва молиялаштириш (шу жумладан, ходимларни моддий рағбатлантириш) ишлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджети, шунингдек, қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ходимлари учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари ҳудудий бўлинмалар раҳбарлари (ходимлари) учун даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган маблағлардан ва бюджетнинг орттириб бажарилган қисми ҳисобига қўшимча моддий рағбатлантириш турларини (устама ҳақ, қўшимча ҳақ, мукофотлар ва иш ҳақига бошқа тўловлар) белгилаш ҳуқуқига эга.

60. Қўмитанинг марказий аппарати ҳамда ҳудудий бўлинмалар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари ушбу Низомга 1 ва 2-иловаларга мувофиқ белгиланади.

10-боб. Қўмитанинг Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркибий бўлинмаларига ва Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот бериши

61. Қўмита раҳбарлари ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркибий бўлинмаларига, Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

Қўмита Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси билан ўзаро ҳамкорлик қилиш доирасида:

ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини белгиланган тартибда киритади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш учун республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари билан биргаликда ўз фаолияти соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш, давлат бошқаруви тизимини мақбуллаштиришга қаратилган таклиф, тавсия ва таҳлилий маълумотлар тайёрланишини таъминлайди;

туризм соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда мавжуд тизимли муаммо ва камчиликларнинг мунтазам равишда кўриб чиқилиши ва бартараф этилишини ташкил қилади;

белгиланган тартибда бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

62. Қўмита раиси Қўмита раҳбарларига юкланган вазифалар самарали бажарилиши учун уларнинг фаолияти бўйича мунтазам мониторинг юритади, Қўмита фаолияти самарадорлигига холисона баҳо беради.

63. Мониторинг ва баҳолаш якунлари бўйича Қўмитанинг алоҳида ўрнак кўрсатган раҳбарлари, мансабдор шахслари ва ходимлари рағбатлантирилади ёхуд йўл қўйилган жиддий камчиликлар учун эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жавобгарликка тортилади.

11-боб. Якунловчи қоидалар

64. Қўмита қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

65. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси
Туризм қўмитаси тўғрисидаги низомга
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси марказий аппарати ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш

РАЗРЯДЛАРИ

Лавозимлар номи	Ягона тариф сеткаси бўйича разрядлар
Раис	19
Раис ўринбосари	18
Раис маслаҳатчилари, ижро аппарати раҳбари	17
Бошқарма бошлиғи	16
Бошқарма бошлиғи ўринбосари	16 (-5%)
Бўлим бошлиғи, хизмат бошлиғи, раис ёрдамчиси	14
Бўлим бошлиғи ўринбосари, девонхона мудири	13
Бош мутахассис	12
Етакчи мутахассис	11

Ўзбекистон Республикаси
Туризм қўмитаси тўғрисидаги низомга
2-илова

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар туризм бошқармалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш РАЗРЯДЛАРИ

Лавозимлар номи	Ягона тариф сеткаси бўйича разрядлар			
	Тоифадан ташқари	I тоифа	II тоифа	III тоифа
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар туризм бошқармаси бошлиғи	19 (-5%)	18	17	16
Бошқарма бошлиғининг ўринбосари	16	15	14	13
Бўлим бошлиғи, бош ҳисобчи	14	13	12	11
Бўлим бошлиғининг ўринбосари	14 (-5%)	13 (-5%)	12 (-5%)	11 (-5%)
Бош мутахассис, юрисконсульт	12	11	10	9
Етакчи мутахассис	11	10	9	8

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил "16" мартдаги 106 -сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2020 йил 10 июлдаги 433-сон қарорида:

а) 1-бандниng тўққизинчи хатбошисидаги "Туризм ва маданий мерос вазирлигининг" сўзлари "Туризм қўмитасининг" сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-бандда:

"б" кичик бандниng биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"б) Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси ҳузуридаги "Туристларга хизмат кўрсатиш маркази" давлат муассасаси (кейинги ўринларда – "Туристларга хизмат кўрсатиш маркази" ДМ) туризм ахборот марказлари (кейинги ўринларда – Марказ) фаолиятини мувофиқлаштиради ва қуйидаги вазифаларни амалга оширади:";

"г", "д", "е" ва "з" кичик бандлардаги тегишли келишикдаги "Туризм ва маданий мерос вазирлиги" сўзлари тегишли келишикдаги "Туризм қўмитаси" сўзлари билан алмаштирилсин;

5 ва 11-бандлардаги тегишли келишикдаги "Туризм ва маданий мерос вазирлиги" сўзлари тегишли келишикдаги "Туризм қўмитаси" сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-иловада:

4-банддаги "Туризм қўмитаси" сўзлари "Туризм хизматларини сертификатлаштириш маркази" ДМ (кейинги ўринларда – Марказ)" сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банддаги "Туризм хизматларини сертификатлаш маркази" ДУКга (кейинги ўринларда – Марказ)" сўзлари "Марказ" сўзи билан алмаштирилсин;

49 ва 50-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"49. Марказ инспекция назоратини ўтказиш даврини белгилайди ва Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси веб-сайтида Инспекция назоратини ўтказиш режасини жойлаштиради.

50. Инспекция назоратини ўтказиш учун Марказ раҳбарининг буйруғи билан комиссия таркиби, инспекция назоратини ўтказиш муддати ва дастури тасдиқланади.

Марказнинг сифат бўйича эксперт-аудиторлари орасидан комиссия раиси тайинланади";

51-бандниng биринчи ва иккинчи хатбошилари, 52-банд, 53-бандниng иккинчи хатбошиси, 54-бандниng учинчи хатбошиси, 56-банд, 58-бандниng биринчи ва тўртинчи хатбошиси, 60-бандниng иккинчи хатбошиси, 62-бандниng биринчи хатбошиси, 63-банд, 64-бандниng "д", "е", "з" ва "и" кичик бандлари, 68-бандниng "б" кичик банди, 69 ва 70-бандлардаги тегишли келишикдаги "Туризм қўмитаси" сўзлари тегишли келишикдаги "Марказ" сўзи билан алмаштирилсин;

г) 3-илованинг 2-банди иккинчи хатбошисидаги "Туризм ва маданий мерос вазирлиги" сўзлари "Туризм қўмитаси" сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 4-илованинг 9-бандидаги "Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги "Туризм хизматларини сертификатлаштириш маркази" ДУК" сўзлари "Туризм қўмитаси ҳузуридаги "Туризм хизматларини сертификатлаштириш маркази" давлат муассасаси" сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 6-илованинг 2-банди учинчи хатбошисидаги "Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги" чиқариб ташлансин;

ж) 8-иловада:

2-бандниng учинчи ва тўртинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"**ваколатли давлат органи** – Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси;

Марказ – Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси ҳузуридаги "Туризм хизматларини сертификатлаш маркази" давлат муассасаси";

11-бандниng биринчи хатбошиси ва 18-бандниng олтинчи хатбошисидаги "Туризм ва маданий мерос вазирлиги" сўзлари "Туризм қўмитаси" сўзлари билан алмаштирилсин;

з) 10-иловада:

3-бандидаги "Туризм ва маданий мерос вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик)" сўзлари "Туризм қўмитаси (кейинги ўринларда – Қўмита)" сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банд, 10-бандниng биринчи хатбошиси ва 31-банддаги "Вазирлик" сўзи "Қўмита" сўзи билан алмаштирилсин;

и) 13-иловада:

4-бандда:

биринчи хатбошидаги "Туризм ва маданий мерос вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик)" сўзлари "Туризм қўмитаси (кейинги ўринларда – Қўмита)" сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги "Вазирликка" сўзи "Қўмитага" сўзи билан алмаштирилсин;

5-бандниng биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги “Вазирликнинг” ва “Вазирликка” сўзлари тегишлича “Қўмитанинг” ва “Қўмитага” сўзлари билан алмаштирилсин;

6, 9 ва 10-бандлардаги тегишли келишикдаги “Вазир” сўзи тегишли келишикдаги “Қўмита раиси” сўзлари билан алмаштирилсин;

11, 12 ва 15-бандлардаги тегишли келишикдаги “Вазирлик” сўзи тегишли келишикдаги “Қўмита” сўзи билан алмаштирилсин;

иловaнинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

““Туризм фидойиси” кўкрак нишони билан тақдирлаш СХЕМАСИ

Босқичлар	Масъуллар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотлар Республика даражасидаги давлат органлари ва ташкилотлар	Кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича номзодларни тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар туризм бошқармаларига тақдим этади. Кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича номзодларни Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитасига тақдим этади.	Ҳар йили 1 августга қадар
2-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар туризм бошқармалари	Номзодлар бўйича тақдим этилган ҳужжатларни белгиланган тартибда ўрганиб чиқади ва номзодлар юзасидан хулосаларни Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитасига тақдим этади	Ҳар йили 20 августга қадар
3-босқич	Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитасининг кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифларни кўриб чиқиш бўйича комиссияси	Кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича номзодларнинг тегишли ҳужжатларини ўрганиб чиқади ва якуний хулосани чиқаради.	Ҳар йили 15 сентябрга қадар

4-босқич	Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси	Кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси раиси буйруғини чиқаради	Ҳар йили 20 сентябрга қадар
5-босқич	Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси	“Туризм соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” кўкрак нишони билан тақдирлайди	Ҳар йили 27 сентябрь арафасида

”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ички ва зиёрат туризмини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 24 февралдаги 100-сон қарорида:

а) 1-бандниng “б” кичик банди бешинчи хатбошисидаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 3-бандда:

бешинчи хатбошидаги “Туризм ва маданий мерос вазирлиги” (кейинги ўринларда – Вазирлик) сўзлари “Туризм қўмитаси” (кейинги ўринларда – Қўмита) сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги “Туризм ва маданий мерос вазирлиги” сўзлари “Қўмита” сўзи билан алмаштирилсин;

в) 6-бандниng иккинчи хатбошиси, 7-бандниng “а” кичик банди биринчи хатбошиси, 9-бандниng биринчи хатбошисидаги “Вазирлик” сўзи “Қўмита” сўзи билан алмаштирилсин;

г) 5-иловада:

33-бандниng биринчи хатбошисидаги “Туризм ва маданий мерос вазирлиги” (кейинги ўринларда – Вазирлик) сўзлари “Туризм қўмитаси” (кейинги ўринларда – Қўмита) сўзлари билан алмаштирилсин;

35, 36-бандлар, 37-бандниng иккинчи хатбошиси, 39-бандниng биринчи хатбошиси, 41-банд, 42-бандниng биринчи ва иккинчи хатбошилари, 43 ва 45-бандлардаги тегишли келишикдаги “Вазирлик” сўзи тегишли келишикдаги “Қўмита” сўзи билан алмаштирилсин;

3-илованиng матнидаги “Туризм ва маданий мерос вазирлигига” сўзлари “Туризм қўмитасига” сўзлари билан алмаштирилсин;

4-илованиng матни “Субъектлар” ва “Тадбирлар” устунларидаги тегишли келишикдаги “Вазирлик” сўзи тегишли келишикдаги “Қўмита” сўзи билан алмаштирилсин;

д) 6-иловада:

1-банддаги “А. Абдухакимов – экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири” сўзлари “А. Аққулов – Туризм қўмитаси раиси” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

5-банд “молия” сўзидан олдин “иқтисодиёт ва” сўзлари билан тўлдирилсин;

6-банддаги “А. Мирзарахимов – Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари “лавозимига кўра – ” сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 6а-илованинг 5-бандидаги “У. Шадиев – Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари “А. Аққулов –” сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Евроосиё” халқаро театр санъати фестивалини ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 23 апрелдаги 235-сон қарорида:

а) 6-бандниng биринчи хатбошисидаги “Туризм ва маданий мерос вазирлиги” сўзлари “Туризм қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-илованинг 6-позициясидаги “У.Р. Шадиев – Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари “А.Ў. Аққулов –” сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Самарқанд шаҳрида ҳар йили “Samarkand Marathon” халқаро хайрия ярим марафонини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида” 2021 йил 4 майдаги 277-сон қарорида:

а) 4-бандда:

учинчи хатбошидаги “Туризм ва маданий мерос вазирлиги” сўзлари “Туризм қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги “Туризм ва маданий мерос вазирлигидан” сўзлари “Туризм қўмитасидан” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-илованинг 10-бандидаги “У. Шадиев – Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари “А. Аққулов –” сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 25 августдаги 475-сон қарорида:

а) номидаги “Туризм ва маданий мерос вазирлиги” сўзлари “Туризм қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси кенгаши таркиби 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туристик (меҳмонхона) йиғимни ундириш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин";

в) 5-банддаги "Бош вазирининг ўринбосари – туризм ва маданий мерос вазири А.А. Абдухакимов" сўзлари "Туризм қўмитаси раиси А.Ў. Аққулов" сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

д) 2-иловада:

илова белгисидаги "2-илова" сўзлари "1-илова" сўзлари билан алмаштирилсин;

номи ва 1-банддаги "Туризм ва маданий мерос вазирлиги" сўзлари "Туризм қўмитаси" сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банддаги "Туризм ва маданий мерос вазирлигида (кейинги ўринларда – Вазирлик) юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, маблағлардан кейинчалик туризм ва маданий мерос соҳаларини" сўзлари "Туризм қўмитаси (кейинги ўринларда – Қўмита) юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, маблағлардан кейинчалик туризм соҳасини" сўзлари билан алмаштирилсин;

3-бандда:

саккизинчи хатбошидаги "Вазирлик" сўзи "Қўмита" сўзи билан алмаштирилсин;

ўн биринчи – ўн учинчи хатбошилардаги "Вазирликнинг" сўзи "Қўмитанинг" сўзи билан алмаштирилсин;

ўн бешинчи хатбошидаги "туризм ва маданий мерос соҳаларидаги" сўзлари "туризм соҳасидаги" сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўн саккизинчи хатбоши ўн еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

5-банддаги "Вазирлик" сўзи "Қўмита" сўзи билан алмаштирилсин;

6-банддаги "Вазирлик" ва "Молия вазирлиги" сўзлари тегишлича "Қўмита" ва "Иқтисодиёт ва молия вазирлиги" сўзлари билан алмаштирилсин;

7-бандда:

иккинчи хатбошидаги "туризм ва маданий мерос соҳаларидаги" сўзлари "туризм соҳасидаги" сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги "туризм ва маданий мерос объектлари" сўзлари "туризм объектлари" сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги "туризм ва маданий мерос соҳаларида" сўзлари "туризм соҳасида" сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги "туризм ва маданий мерос объектлари" сўзлари "туризм объектлари" сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги "Жаҳон Туристик" сўзлари "Бутунжаҳон Туризм" сўзлари билан алмаштирилсин;

саккизинчи, тўққизинчи, ўнинчи ва ўн иккинчи хатбошилардаги “Вазирлик” сўзи “Қўмита” сўзи билан алмаштирилсин;

ўн биринчи хатбошидаги “туризм ва маданий мерос соҳаларини” сўзлари “туризм соҳасини” сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Қўмита ҳузуридаги Туризмни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти фаолиятини молиялаштириш”;

ўн бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга ошириладиган лойиҳаларни молиялаштириш, улар фаолиятини рағбатлантириш, туризм соҳасидаги лойиҳаларга грантлар ажратиш, шунингдек, фаолияти туризм соҳаси билан бевосита боғлиқ бўлган жамоат ташкилотларининг халқаро ташкилотларга аъзолик бадалларини Туризм қўмитаси раисининг қарори билан тўлаб бериш”;

ўн олтинчи хатбошидаги “туризм ва маданий мерос соҳаларидаги” сўзлари “туризм соҳасидаги” сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн еттинчи хатбошидаги “Вазирлик” сўзи “Қўмита” сўзи билан алмаштирилсин;

ўн саккизинчи хатбошидаги “Вазирлик ҳузуридаги “Миллий PR-марказ” ДУК, Вазирликнинг” сўзлари “Қўмита ҳузуридаги “Миллий PR-марказ” давлат муассасаси, Қўмитанинг” сўзлари билан алмаштирилсин;

йигирманчи хатбоши чиқариб ташлансин;

йигирма биринчи – йигирма еттинчи хатбошилар тегишлича йигирманчи – йигирма олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

йигирманчи хатбошидаги “10” рақами “5” рақами билан алмаштирилсин;

йигирма биринчи ва йигирма олтинчи хатбошилардаги “Вазирлик” сўзи “Қўмита” сўзи билан алмаштирилсин;

йигирма бешинчи хатбошидаги “туризм ва маданий мерос соҳаларидаги” сўзлари “туризм соҳасидаги” сўзлари билан алмаштирилсин;

8-банддаги “Вазир” сўзи “Туризм қўмитаси раиси” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги 3^1-боб билан тўлдирилсин:

“3^1-боб. Жамғарма кенгаши ва унинг фаолиятини ташкил этиш

8^1. Жамғарма кенгаши (кейинги ўринларда – Кенгаш) Вазирлар Маҳкамаси томонидан тузилади.

8^2. Кенгаш:

Жамғарманинг режалаштирилган лойиҳалар бўйича кейинги йил учун тарғибот ва мақсадли дастурларга оид харажатлар сметасини маъқуллайди;

Жамғарманинг йил якуни бўйича тарғибот ва мақсадли дастурларга оид харажатлари тўғрисидаги ҳисоботларини кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини мониторинг қилади.

Кенгаш Жамғарманинг тарғибот ва мақсадли дастурларга оид харажатлар сметасига ўзгартиришлар киритиши мумкин.

8^3. Кенгаш йиғилишлари заруратга кўра, лекин ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади. Кенгаш йиғилишлари шахсан иштирок этиш, видеоконференцалоқа ёки сўров шаклида ўтказилади. Кенгаш котиби, қоида тариқасида, Кенгаш йиғилишидан камида бир кун олдин Кенгаш йиғилишининг кун тартиби ва барча тегишли материалларни Кенгаш аъзоларига электрон ёки қоғоз шаклда етказади.

8^4. Кенгаш йиғилиши унда Кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашганда ваколатли ҳисобланади.

Йиғилишни ўтказиш учун кворум ёки раис бўлмаганда, Кенгаш йиғилишини ўтказишнинг янги санаси эълон қилинади.

8^5. Кенгаш қарорлари Кенгаш йиғилиши баённомаси билан расмийлаштирилади.

Кенгаш йиғилиши баённомаси Кенгаш котиби томонидан тузилади, уни йиғилишда қатнашган Кенгаш аъзолари имзолайди ҳамда Кенгаш раиси томонидан тасдиқланади.

Кенгаш қарорлари йиғилишда қатнашаётган Кенгаш аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган ҳолларда, Кенгаш раиси овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Кенгаш аъзолари овоз бериш жараёнида бетараф қолишга ҳақли эмас.

Кенгаш йиғилиши баённомасидан норози бўлган Кенгаш аъзосининг ёзма фикри Кенгаш баённомасига илова қилинади.

Кенгаш баённомалари Кенгаш котиби томонидан белгиланган тартибда рўйхатга олинади ва сақланади.

8^6. Жамғарма ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳаларнинг самарадорлиги ва натижадорлиги молиялаштириш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин, заруратга кўра – лойиҳани амалга ошириш жараёнида ҳамда у якунлангандан сўнг баҳоланади.

8^7. Кенгаш баҳолаш натижаларига кўра маблағларнинг кейинги босқичини (траншини) ажратиш, молиялаштириш ҳажмини қисқартириш, лойиҳа параметрларини қайта кўриб чиқиш ёки молиялаштиришни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин”;

9-банддаги “Молия вазирлиги” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

10-банддаги “Вазир” сўзи “Туризм қўмитаси раиси” сўзлари билан алмаштирилсин;

11-банддаги “Вазирлик” ва “Молия вазирлигига” сўзлари тегишлича “Қўмита” ва “Иқтисодиёт ва молия вазирлигига” сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банддаги “Вазир” сўзи “Туризм қўмитаси раиси” сўзлари билан алмаштирилсин;

е) қуйидаги мазмундаги 2-илова билан тўлдирилсин:

“Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 25 августдаги 475-сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси кенгаши ТАРКИБИ

1. Г.О. Умерова	–	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Креатив иқтисодиёт ва туризм бўйича департаменти бошлиғи, *Кенгаш раиси*
2. А.Ў. Аққулов	–	Туризм қўмитаси раиси, *Кенгаш раиси ўринбосари*
3. Б.Г. Абдикаримов	–	Маданий мерос агентлиги директори
4. С.Ш. Таджиев	–	Туризм қўмитаси раиси ўринбосари
5. С.Р. Бобокалонов	–	Туризм қўмитаси раиси ўринбосари
6. *лавозими бўйича*	–	Туризм қўмитаси раисининг стратегик режалаштириш бўйича маслаҳатчиси
7. Ш.Б. Махмудов	–	Туризм қўмитасининг молия-иқтисодий бошқармаси бошлиғи, *Кенгаш котиби*

Изоҳ.

Кенгаш аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.

Кенгаш таркибига Кенгаш раиси томонидан ўзгартиришлар киритилиши мумкин”;

ж) 3-иловада:

2-бандда:

иккинчи хатбошидаги “Туризм ва маданий мерос вазирлиги” сўзлари “Туризм қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбошидаги “Туризм ва маданий мерос вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик)” сўзлари “Туризм қўмитаси (кейинги ўринларда – Қўмита)” сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банднинг олтинчи ва еттинчи хатбошиларидаги “Вазирликка” сўзи “Қўмитага” сўзи билан алмаштирилсин;

5-банднинг биринчи хатбошиси ва 7-банддаги “Вазирлик” сўзи “Қўмита” сўзи билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 3 апрелдаги 139-сон қарори билан тасдиқланган Давлат муассасаси ва масъулияти чекланган жамият сифатида қайта ташкил этиладиган давлат иштирокидаги корхоналар рўйхатининг 14-позициясидаги “Экология атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар фаолиятини ташкил этиш, ушбу соҳада давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2023 йил 27 ноябрдаги 622-сон қарорида:

а) 3 ва 4-бандларнинг биринчи хатбошилари, 5-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари ҳамда 6-банддаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 8-банддаги “экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А. Абдухакимов” сўзлари “Туризм қўмитаси раиси А.Ў. Аққулов” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-иловада:

2-банддаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин;

2–9 иловаларнинг матнларидаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 30 ноябрдаги 635-сон қарори билан тасдиқланган Айрим турдаги малака сертификатини бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг ягона маъмурий регламентига 5-илованинг 3-позицияси учинчи устунидаги “Туризм қўмитаси (Маданий мерос объектлари муаммоларини ўрганиш ва туризмни ривожлантириш илмий тадқиқот институти)” сўзлари “Туризм қўмитаси ҳузуридаги Туризмни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти” сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ўрмон фонди ер майдонларидан фойдаланишда ижара муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 21 декабрдаги 674-сон қарорининг 7-бандидаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг “Ёшларни касбга (мутахассисликка) ва чет тилларига ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 17 апрелдаги 213-сон қарорининг 8-банди “а” кичик банди учинчи хатбошисидаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг “Сурхондарё вилоятида янги меҳмонхона қуриш ва уни жиҳозлаш учун инвесторларга Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида” 2024 йил 18 апрелдаги 218-сон қарорида:

а) 1-бандниng тўртинчи хатбошиси “йиғимлар” сўзидан кейин “ҳамда туристик (меҳмонхона) йиғим” сўзлари билан тўлдирилсин;

б) иловада:

5-бандниng иккинчи хатбошиси “йиғимлар” сўзидан кейин “ҳамда туристик (меҳмонхона) йиғим” сўзлари билан тўлдирилсин;

7-банддаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин;

2-илова номидаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг “Қорақалпоғистон Республикасида меҳмонхона хизматларини ривожлантириш ҳамда қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 16 майдаги 287-сон қарорида:

а) 2-бандниng биринчи хатбошиси ва 3-банддаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 4-банддаги “экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А. Абдухакимов” сўзлари “Туризм қўмитаси раиси А.Ў. Аққулов” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) илованиng 1 ва 3-бандларидаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг “Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолашни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 31 июлдаги 463-сон қарорига 1-илованиng 26-бандидаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг “Тўсиқсиз туризм орқали туризм имкониятларини янада кенгайтириш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 12 августдаги 498-сон қарорида:

а) 2-бандниng биринчи хатбошисидаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) иловада:

1-банддаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин;

2-илованиng матнидаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг “Меҳмонхона хўжалиги фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш соҳасидаги айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2024 йил 7 сентябрдаги 550-сон қарорида:

а) 3-банддаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 1-иловада:

4-банднинг иккинчи хатбошиси “йиғимлар” сўзидан кейин “ҳамда туристик (меҳмонхона) йиғим” сўзлари билан тўлдирилсин;

2 ва 3-иловаларнинг матнларидаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 3-иловада:

6-банднинг биринчи хатбошисидаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин;

2-иловадаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг “Модулли меҳмонхонани қуриш ва жиҳозлаш учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида” 2024 йил 13 сентябрдаги 572-сон қарорида:

а) 3-банднинг учинчи хатбошисидаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) иловада:

6-банднинг иккинчи хатбошиси “йиғимлар” сўзидан кейин “ҳамда туристик (меҳмонхона) йиғим” сўзлари билан тўлдирилсин;

8-банддаги “Экология атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин;

2-илованинг матнидаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг “Туризмнинг янги турларини жорий қилиш ҳамда мамлакатимизнинг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2024 йил 18 сентябрдаги 582-сон қарорининг 2-банди еттинчи хатбошисидаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” ички туризм ярмаркасини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 7 октябрдаги 646-сон қарорида:

а) 4-банднинг биринчи хатбошисидаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 10-банддаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А. Абдухакимов” сўзлари “Туризм қўмитаси раиси А.Ў. Аққулов” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-илованинг 3-банди биринчи хатбошисидаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш ва уларнинг қонуний ишлаши учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 7 ноябрдаги 745-сон қарорининг 4-бандидаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг “Туризм соҳасини рақамлаштириш ва туристик хизматларни ягона платформага бирлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 7 декабрдаги 820-сон қарорининг 3-банди иккинчи хатбошисидаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин.

21. Вазирлар Маҳкамасининг “Туристик кластерлар фаолиятини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” 2024 йил 30 декабрдаги 915-сон қарорида:

а) 3-бандниng тўртинчи хатбошисидаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) илованинг 5-бандидаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин.

22. Вазирлар Маҳкамасининг “Туроператорларнинг халқаро туризм ярмаркаси ва кўргазмаларидаги павильон ижараси харажатларини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2024 йил 30 декабрдаги 918-сон қарорида:

а) 1-банддаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) илованинг 1-бандидаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин.

23. Вазирлар Маҳкамасининг “Тарихий объектлар ва туризм ривожланмаган ҳудудларда меҳмонхоналар фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 30 декабрдаги 919-сон қарорида:

а) 3-бандниng биринчи хатбошисидаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 4-банддаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А. Абдухакимов” сўзлари “Туризм қўмитаси раиси А.Ў. Аққулов” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-иловада:

9-банддаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин;

Низомга 1-илованинг “1-босқич” позицияси “Тадбирлар” устунидаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин;

Низомга 2-илованинг матнидаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин.

24. Вазирлар Маҳкамасининг “Хоразм вилоятида янги меҳмонхона қуриш ва уни жиҳозлаш учун инвесторларга Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида” 2025 йил 17 апрелдаги 233-сон қарорида:

а) 3-банддаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 5-банддаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А. Абдухакимов” сўзлари “Туризм қўмитаси раиси А.Ў. Аққулов” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) иловада:

5-бандниng иккинчи хатбошиси “йиғимлар” сўзидан кейин “ҳамда туристик (меҳмонхона) йиғими” сўзлари билан тўлдирилсин;

7-банддаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин;

Низомга 2-илованинг матнидаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин.

25. Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш ва бюджетдан ташқари жамғармаларни шакллантириш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2025 йил 21 майдаги 325-сон қарорига 2-илованинг 31-позицияси “Бюджетдан ташқари жамғармалар” устунидаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин.

26. Вазирлар Маҳкамасининг “Тоғли ва чўл ҳудудларда туризм хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 19 июндаги 383-сон қарорида:

а) 2-бандниng “б” кичик банди ва 3-банддаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 1-иловада:

2-бандниng тўртинчи хатбошисидаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин”;

Низомга 2-илованинг матнидаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин.

27. Вазирлар Маҳкамасининг “Туризм объектлари ҳамда жойлаштириш воситаларида атроф-муҳитга салбий таъсири камайтирилган маҳсулотлардан фойдаланиш ва экологик талабларга мувофиқ кўрсатиладиган хизматларни рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 24 июндаги 385-сон қарорида:

а) 4-бандда:

“в” кичик банддаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири” сўзлари “Туризм қўмитаси раиси” сўзлари билан алмаштирилсин;

“д” кичик банддаги “Экология вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 6-банддаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А. Абдухакимов” сўзлари “Туризм қўмитаси раиси А.Ў. Аққулов” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) иловада:

3-банддаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири” сўзлари “Туризм қўмитаси раиси” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банддаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин;

10-бандда:

иккинчи хатбошидаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири” сўзлари “Туризм қўмитаси раиси” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “Туризм қўмитаси раиси, унинг ўринбосари ва маслаҳатчиси” сўзлари “Туризм қўмитаси раиси ўринбосарлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

26-бандниng иккинчи хатбошисидаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда” сўзлари чиқариб ташлансин;

Низомга илованинг “2-босқич” позицияси “Тадбирлар” устунидаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 16 ” мартдаги 105-сон қарорига
3-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган қарорлари

РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Сурхондарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 3 майдаги 324-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Туризм ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқарувининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2022 йил 20 майдаги 278-сон қарорига 1-илованинг 3-банди.

QMMB: 09/26/106/0245-son
17.03.2026-y

11 (1239)-son
238-modda

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 16 » mart № 106 Toshkent sh.

Ўзбекистон миллий табиий мерос объектлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 31 майдаги ПҚ–171-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда мамлакатимизда миллий табиий мерос объектларини сақлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Ўзбекистон миллий табиий мерос объектлари тўғрисидаги низом** иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Ўзбекистон миллий табиий мерос объектлари **рўйхатини шакллантириш** тартиби;

Ўзбекистон миллий табиий мерос объектлари рўйхатига киритилган объектларнинг **ҳудудлари ва чегараларини аниқлаш** тартиби;

Ўзбекистон миллий табиий мерос объектларини **муҳофаза қилиш** тартиби;

халқаро стандартларга мувофиқ Ўзбекистон миллий табиий мерос объектларининг **тақиқланган ва буфер зоналарини белгилаш** тартиби;

Ўзбекистон миллий табиий мерос объектлари ҳудудларида **қурилиш ишларини амалга ошириш** тартиби.

2. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Ўзбекистон миллий табиий мерос объектларини асл ҳолатида сақлаш учун масъул ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси **2026 йил 1 апрелдан** бошлаб Ўзбекистон миллий табиий мерос объектларига хорижий ва маҳаллий сайёҳларни белгиланган тартибда жалб қилиш чораларини кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **2-иловага** мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

QMMB: 09/26/106/0245-son
17.03.2026-y

5. Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси **икки ой муддатда**:

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, оммавий ахборот воситалари билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва ижтимоий тармоқлар орқали кенг жамоатчиликка тушунтирилишини таъминласин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов зиммасига ҳамда Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/106/0245-son
17.03.2026-y

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил "16" март даги 106-сон қарорига
1-илова

Ўзбекистон миллий табиий мерос объектлари тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон миллий табиий мерос объектларининг мақоми, турлари, рўйхатини шакллантириш ҳамда ҳудудларида қурилиш ишларини амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ваколатли орган – Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси;

Глобал геопарклар тармоғи – ЮНЕСКОнинг Халқаро геологик фанлар ва геопарклар дастурининг Глобал геопарклар тармоғига киритилган объектлар;

диққатга сазовор табиий жойлар – фан, табиатни муҳофаза қилиш ёки табиий гўзаллик нуқтаи назаридан беқиёс умуминсоний қадриятга эга бўлган қуруқлик ёки сув ҳавзасининг ноёб ҳудудлари;

Рамсар конвенцияси объектлари – Сувда сузувчи қушларнинг асосий яшаш манзили бўлган халқаро аҳамиятга эга сувли-ботқоқ ерлар тўғрисидаги конвенция талаблари асосида аниқланган ва унинг рўйхатига киритилган объектлар;

табиий геологик тузилма (ҳосила) – қўшни тоғ жинсларидан ажратиб турадиган физик хусусиятларга эга бўлган жинсларнинг қатламлари (метеорит кратерлари, ғорлар, карстлар, ерусти тоғ жинслари, рельеф шакллари);

табиий ёдгорликлар – эстетик ёки илмий нуқтаи назардан алоҳида универсал қийматга эга бўлган физик ва биологик тузилмалар, табиий ёдгорликлар, шунингдек, йўқолиб кетиш хавфи остидаги ҳайвонлар ва ўсимликлар ареалини ташкил этувчи геологик ва физиографик тузилмалар, қатъий чекланган табиий муҳофаза қилиш ҳудудлари ҳамда табиий гўзаллик нуқтаи назаридан диққатга сазовор жойлар;

табиий ландшафтлар – хўжалик ва бошқа фаолият натижасида ўзгармаган ҳамда бир хил иқлим шароитида шаклланган релъеф, тупроқ, ўсимликлар айрим турларининг аралашмаси (комбинацияси) билан тавсифланган ҳудуд;

табиий мерос объектлари – табиий ёдгорликлар, геологик ва физиографик тузилмалар, қатъий чекланган зоналар, диққатга сазовор табиий жойлар, табиий ландшафтлар, беқиёс умуминсоний қадрият мезонларига мос келувчи ҳамда Умумжаҳон маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция талаблари асосида аниқланадиган табиий объектлар;

QMMB: 09/26/106/0245-son
17.03.2026-y

табиий объектлар – келиб чиқиши табиий тизимлар билан ўзаро боғлиқ бўлган, экологик, иқтисодий, маданий ва рекреацион функцияларни бажара оладиган табиий муҳитнинг таркибий қисмлари;

физиографик тузилмалар – ўзига хос иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига эга бўлган ер юзасининг ноёб ҳудудлари;

ядро зонаси – табиий мерос объекти жойлашган ҳудуднинг энг марказий ва дахлсиз қисми бўлиб (тақиқланган ёки қатъий муҳофаза ҳудуди), табиат инсон аралашувисиз ўз ҳолича ривожланган, шунингдек, ушбу ҳудуднинг асосий вазифаси экотизимларни, ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини дастлабки ҳолатида асраб қолиш мумкин бўлган ҳудуд;

Ўзбекистон миллий табиий мерос объектлари рўйхати – ваколатли орган томонидан шакллантириладиган ва тасдиқланадиган табиий мерос объектлари тўғрисидаги очиқ ахборот ресурси;

қатъий чегараланган зоналар – фан ёки табиатни муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан беқиёс умуминсоний қадриятга эга бўлган, йўқолиб кетиш ҳавфи остида турган ҳайвонлар ва ўсимликлар ареали;

қўриқланма (буфер) зона – табиий мерос объектининг жойлашган ҳудудига туташган ва уни ўраб турган, ундан фойдаланиш ва ривожлантириш бўйича қўшимча қонуний ва умумий қабул қилинган чекловларга эга бўлган ҳудуд.

3. Ўзбекистон миллий табиий мерос объектлари қуйидаги турларга бўлинади:

биологик – 50 йиллик ва ундан ортиқ ёшдаги дарахтлар, реликт дарахтзорлар, қимматбаҳо дарахт турлари бўлган ўрмонлар, табиий ландшафтлар ва экотизимлар, Бутунжаҳон биосфера қўриқхоналари, Рамсар конвенцияси объектлари, диққатга сазовор табиий жойлар, мавсумий табиий ҳодисалар, қатъий чегараланган зоналар (ўсимлик ва ҳайвонларнинг муҳим ўсиш ҳамда яшаш ареаллари, муҳим орнитологик ҳудудлар, муҳим биологик хилма-хил ҳудудлар);

геологик – геологик кесимлар, геоморфологик объектлар, табиий геологик тузилма (ҳосила), глобал геопарклар, физиографик тузилмалар (жарликлар, каньон, даралар, рельеф шакллари ва музликлар), шифобахш конлар ёки ётқизиқли жойлар, табиий ёдгорликлар (лойли, тузли);

гидрологик – табиий сув ҳавзаси, шаршара, булоқ, кўл ва дарёлар;

палеонтологик – қадимги ҳаёт шакллари қолдиқлари.

4. Ўзбекистон миллий табиий мерос объектларига муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд мақоми қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда берилади.

Давлат қўриқхоналари, мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари, табиат боғлари, давлат буюртма қўриқхоналари, давлат табиат ёдгорликлари, шунингдек, давлат биосфера резерватлари миллий табиий мерос объектлари рўйхатига киритилади.

QMMB: 09/26/106/0245-son
17.03.2026-y

5. Ўзбекистон миллий табиий мерос объектларининг илмий, экологик, маданий ва табиий ноёблиги, алоҳида қиймати муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

6. Ўзбекистон миллий табиий мерос объектлари Умумжаҳон маданий ва табиий мероси ҳамда Рамсар конвенцияси объектлари рўйхатига, шунингдек, Бутунжаҳон биосфера қўриқхоналари ва Глобал геопарклар тармоғига киритилиши мумкин.

7. Ўзбекистон миллий табиий мерос объектлари рўйхатининг шакли ваколатли орган томонидан тасдиқланади.

8. Ўзбекистон миллий табиий мерос объектлари рўйхати ушбу Низомга иловага мувофиқ схема асосида шакллантиради.

2-боб. Ўзбекистон миллий табиий мерос объектлари рўйхатини шакллантириш тартиби

9. Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, фуқаролар (кейинги ўринларда – таклиф этувчи) табиий объектни Ўзбекистон миллий табиий мерос объектлари рўйхатига киритиш масаласини кўриб чиқиш бўйича ёзма ёки электрон шаклда таклифларни ваколатли органнинг ҳудудий бўлинмасига (кейинги ўринларда – ҳудудий бўлинма) тақдим қилади.

Таклифга ушбу табиий объект тўғрисида маълумотнома, унинг геолокацияси, фото ва видео тасвирлари электрон шаклда илова қилинади.

10. Ҳудудий бўлинма таклиф келиб тушган кундан бошлаб ўн беш иш куни ичида уни кўриб чиқади. Бунда ушбу муддат табиий объектнинг географик жойлашуви ва об-ҳавонинг ноқулайлигидан келиб чиқиб, ваколатли органнинг рухсати билан ўн иш кунигача узайтирилиши мумкин.

Ушбу Низомнинг 9-банди иккинчи хатбошисида кўрсатилган ҳужжатлар ва маълумотлар таклифга тўлиқ илова қилинмаган тақдирда, ҳудудий бўлинма томонидан таклиф келиб тушган кундан бошлаб икки иш куни ичида уни кўриб чиқишни рад этиш тўғрисида таклиф этувчига ёзма ёки электрон шаклда хабарнома юборилади.

Ҳудудий бўлинма томонидан таклифни кўриб чиқиш рад этилган тақдирда, таклиф этувчига беш иш куни ичида камчиликларни бартараф этиш имконияти берилади.

11. Табиий объект Ўзбекистон миллий табиий мерос объектлари рўйхатига киритилиши учун қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

биофизик жараёнлар ва рельеф шаклининг ўзига хослиги ҳамда нисбатан бузилмаган бўлиши;

табиий ҳолатда бўлган асосий ўзаро алоқа ва боғлиқлик элементларининг барчасини ёки кўп қисмини ўз ичига олиши;

объект экотизим ва биологик хилма-хилликни узоқ муддатли сақлашда аҳамиятга эга бўлган табиий жараёнларнинг зарур бўлган барча элементларини қамраб олиши;

QMMB: 09/26/106/0245-son
17.03.2026-y

биологик хилма-хилликни сақлаш нуқтаи назаридан муҳим объект бўлиши, тегишли биогеографик минтақа ва экотизимларга хос бўлган фауна ва флора яшаш ҳудудларини ҳамда уларнинг ареалларини қамраб олиши;

кўчиб юрувчи турларнинг яшаш ҳудудлари, кўпайиш ва уялаш жойлари ҳамда кўчиш йўллари мавжуд бўлиши;

биологик хилма-хиллик ёки инсоният ҳаёти учун аҳамиятли ҳисобланган гидрологик объектлар мавжуд бўлиши;

ер ривожланиши тарихини ўзида акс эттирган геологик кесим ёки тузилмани, геоморфологик объект, палеонтологик ётқизиқлар, ҳосилалар ёки объектлар ҳамда шифобахш кон ёки ётқизиқли ҳудудларни қамраб олиши.

12. Ҳудудий бўлинма табиий объектнинг ҳақиқатда ушбу Низомнинг 11-бандида белгиланган талабларга жавоб беришини жойига чиққан ҳолда ўрганиб чиқиб, натижаси бўйича икки нусхада далолатнома тузади ҳамда унинг бир нусхасини таклиф этувчига тақдим этади. Бунда далолатномага фото ва видео тасвирлар илова қилинади.

Далолатнома шакли ҳамда фото ва видео тасвирларга қўйиладиган талаблар ваколатли орган томонидан тасдиқланади.

Ҳудудий бўлинма таклифни кўриб чиқишда тегишли вазирлик ва идораларнинг ҳудудий бўлинмалари вакилларини ҳам жалб қилиши мумкин.

13. Далолатномада табиий объект ушбу Низомнинг 11-бандида белгиланган талабларга жавоб бериши қайд этилган тақдирда, ҳудудий бўлинма бир иш куни ичида уни Ўзбекистон миллий табиий мерос объектлари рўйхатига киритиш учун таклиф этувчи томонидан ушбу Низомнинг 8-бандига мувофиқ тақдим этилган таклиф, унга иловалар, далолатнома ҳамда унга оид материалларни кўриб чиқиш учун ваколатли органга тавсия этади.

14. Ҳудудий бўлинма қуйидаги ҳолларда табиий объектни Ўзбекистон миллий табиий мерос объектлари рўйхатига киритиш учун тавсия этишни рад этади:

табиий объект ушбу Низомнинг 11-бандида белгиланган талабларга жавоб бермаганда;

таклиф ва унга илова қилинган ҳужжатларда маълумотлар нотўғри кўрсатилганда.

Табиий объектни Ўзбекистон миллий табиий мерос объектлари рўйхатига киритиш учун тавсия этишни бошқа асосларга кўра рад этишга йўл қўйилмайди.

15. Ҳудудий бўлинма томонидан табиий объектни Ўзбекистон миллий табиий мерос объектлари рўйхатига киритиш учун тавсия этиш рад этилган тақдирда, таклиф этувчи камчиликларни бартараф этиб, ушбу бобда белгиланган тартибда қайта таклиф киритиши мумкин.

QMMB: 09/26/106/0245-son
17.03.2026-y

16. Ваколатли орган ҳудудий бўлинма томонидан юборилган ҳужжатларни беш иш куни ичида кўриб чиқиб, табиий объектни ваколатли органнинг буйруғи асосида Ўзбекистон миллий табиий мерос объектлари рўйхатига киритади.

17. Ваколатли орган шу куннинг ўзида табиий объект Ўзбекистон миллий табиий мерос объектлари рўйхатига киритилгани тўғрисида таклиф этувчига ёзма ёки электрон шаклда хабарнома юборади.

18. Ўзбекистон миллий табиий мерос объектлари рўйхати ваколатли органнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

19. Табиий объектнинг чегараси Ўзбекистон миллий табиий мерос объектлари рўйхатига киритилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида ваколатли орган, Ўзбекистон Республикаси Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, ҳокимлик ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар иштирокида аниқланиб, белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

Ўзбекистон миллий табиий мерос объектларининг асл ҳолатида сақланишини таъминлаш учун улар белгиланган тартибда муҳофаза қилиниши ва бошқарилиши, шунингдек, уларнинг жойлашган ҳудуди, қўриқланма (буфер) зонаси, ядро зонаси ва чегараси тўғри аниқланиши лозим.

3-боб. Ўзбекистон миллий табиий мерос объектларини муҳофаза қилиш тартиби

20. Ўзбекистон миллий табиий мерос объектларининг ҳудудларида қуйидагилар тақиқланади:

табиий ресурсларни қазиб олиш фаолияти билан шуғулланиш;

ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига зарар етказиш;

ноқонуний қурилиш ишларини амалга ошириш;

дарахт ва буталарни кесиш (парваришлаш йўсинидаги ва санитария мақсадидаги кесиш бундан мустасно);

гидрологик ва гидрогеологик режимни ўзгартирадиган ҳаракатлар;

тупроқ эрозиясини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг таназзулини келтириб чиқарувчи ҳаракатлар;

йўл ва муҳандислик-коммуникация ишларини амалга ошириш (объектга зарар етказмаган ҳолда, унинг туризм инфратузилмасини ташкил этиш билан боғлиқ ишлар бундан мустасно);

чиқиндиларни сақлаш ва кўмиш, оқова сувларни оқизиш;

заҳарли кимёвий моддаларни қўллаш;

ҳаром ўлган чорва моллар кўмиладиган жойларни ташкил этиш;

заҳарли кимёвий моддалар ва минерал ўғитлар омборларини қуриш;

QMMB: 09/26/106/0245-son
17.03.2026-y

кимё, целлюлоза-қоғоз ва металлургия саноати корхоналари фаолиятини йўлга қўйиш;

чорвачилик ва паррандачилик мажмуаларини жойлаштириш, шунингдек суғориш учун “шарбат” (суюқ гўнг) ишлатиш;

автомобиль транспортини қўйиб туриш, уларга ёнилғи қуйиш, уларни ювиш ва таъмирлаш жойларини ташкил этиш;

нефть маҳсулотлари омборларини ташкил этиш;

зиғир, каноп ва тери ювиш;

тирик организмларнинг янги ва кенжа турларини иқлимлаштириш мақсадида жойлаштириш.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд мақоми берилган Ўзбекистон миллий табиий мерос объектлари Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Қонунида белгиланган тартибда муҳофаза қилинади.

Ўзбекистон миллий табиий мерос объектлари ҳудудларидан фойдаланишда қонунчилик ҳужжатлари талабаларига риоя қилиниши шарт.

Ўзбекистон миллий табиий мерос объектлари ҳудудларида фаолият юритадиган жисмоний ва юридик шахслар ушбу бандда белгиланган талабларни бажармаган тақдирда, уларнинг ушбу ҳудудда фаолият юритишлари белгиланган тартибда тўхтатилиши мумкин.

4-боб. Ўзбекистон миллий табиий мерос объектлари ҳудудларида қурилиш ишларини амалга ошириш тартиби

21. Ўзбекистон миллий табиий мерос объектининг буфер (муҳофаза) зонасида экотуризмни ташкил этиш учун енгил турдаги қурилмалар (конструкциялар) экологик экспертиза хулосаси асосида ваколатли орган билан келишган ҳолда ўрнатилади.

Маданий ёки археологик қийматга эга бўлган Ўзбекистон миллий табиий мерос объекти ҳудудида қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги билан келишган ҳолда амалга оширилади.

Архитектура-режалаштириш топшириғида иншоотнинг баландлиги, ташқи кўриниши ва ишлатиладиган материаллари маҳаллий ландшафтга тўлиқ уйғун бўлиши лозим.

Қурилишда фақат табиий ва экологик тоза материаллардан (тош, ёғоч, шиша ва бошқалар) фойдаланишга рухсат берилади.

22. Қурилиш жараёнида рельефни ўзгартириш, дарахтларни кесиш, ўсимликларга зарар етказиш ва сув объектларининг табиий ўзанларини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

QMMB: 09/26/106/0245-son
17.03.2026-y

23. Ваколатли орган қурилиш ишлари устидан доимий инспекция назоратини амалга оширади.

Қурилиш жараёнида белгиланган талаблар бузилган тақдирда, қурилиш ишлари зудлик билан тўхтатилади ва айбдор шахсларга ҳудудни рекультивация қилиш (аввалги ҳолатига қайтариш) мажбурияти юкланади ҳамда етказилган зарарни белгиланган тартибда ундириш чоралари кўрилади.

24. Қуйидагилар учун ер ажратиш ва қурилиш ишларини амалга оширишга йўл қўйилмайди:

саноат ва ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш;

кўп квартирали уйлар ва баланд иншоотларни қуриш;

чиқинди полигонлари ва кимёвий моддалар омборларини қуриш.

25. Ўзбекистон миллий табиий мерос объектлари ядро зонасида ҳар қандай турдаги қурилиш, таъмирлаш ҳамда енгил турдаги қурилмаларни (конструкциялар) ўрнатишга йўл қўйилмайди.

5-боб. Якунловчи қоидалар

26. Ўзбекистон миллий табиий мерос объектларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар грантлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

27. Ваколатли орган Ўзбекистон миллий табиий мерос объектларининг сақланиш ҳолатини доимий мониторинг қилиб боради.

28. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

QMMB: 09/26/106/0245-son
17.03.2026-y

Ўзбекистон миллий табиий мерос объектлари тўғрисидаги низомга илова

Ўзбекистон миллий табиий мерос объектлари рўйхатини шакллантириш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, фуқаролар (кейинги ўринларда – таклиф этувчи)	Табиий объектни Ўзбекистон миллий табиий мерос объектлари рўйхатига киритиш масаласини кўриб чиқиш бўйича ёзма ёки электрон шаклда таклифларни Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасининг (кейинги ўринларда – ваколатли орган) ҳудудий бўлинмасига (кейинги ўринларда – ҳудудий бўлинма) тақдим қилади.	Заруратга кўра
2-босқич	Ҳудудий бўлинма	1. Таклифни жойига чиққан ҳолда ўрганиб чиқиб, натижаси бўйича далолатнома тузади. 2. Ўзбекистон миллий табиий мерос объектлари рўйхатига киритиш учун таклиф этувчи томонидан тақдим этилган таклиф, унга иловалар, далолатнома ҳамда унга оид материалларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси ваколатли органга тавсия этади.	Ўн беш иш куни Бир иш куни
3-босқич	Ваколатли орган	1. Ҳудудий бўлинма томонидан юборилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, табиий объектни Ўзбекистон миллий табиий мерос объектлари рўйхатига киритади ҳамда тасдиқлайди.	Беш иш куни

QMMB: 09/26/106/0245-son
17.03.2026-y

		2. Табиий объект Ўзбекистон миллий табиий мерос объектлари рўйхатига киритилгани тўғрисида таклиф этувчига ёзма ёки электрон шаклда хабарнома юборади.	Рўйхатга киритилган куннинг ўзида

QMMB: 09/26/106/0245-son
17.03.2026-y

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил "16" март даги 106-сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 августдаги 243-сон қарори билан тасдиқланган Қуйи Амударё давлат биосфера резервати тўғрисидаги низомда:

а) 1-банд "табиий ҳудуд" сўзларидан кейин "ва миллий табиий мерос объекти" сўзлари билан тўдирилсин;

б) 7-банд "иштирок этиши" сўзларидан кейин "Умумжаҳон маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенция талабларига мувофиқ Умумжаҳон мероси рўйхатига тақдим этиши" сўзлари билан тўлдирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 июлдаги 238-сон қарори билан тасдиқланган Мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари тўғрисидаги низомнинг 1-банди қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"Мажмуа буюртма қўриқхоналар миллий табиий мерос объектлари ҳисобланиб, агар Умумжаҳон маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенция талабларига мос келса, улар Умумжаҳон мероси рўйхатига тақдим этилиши мумкин".

3. Вазирлар Маҳкамасининг "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини талабларини амалга оширишга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида" 2018 йил 4 майдаги 339-сон қарорида:

а) Давлат қўриқхоналари тўғрисида низомнинг 2-банди қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"Қўриқхоналар миллий табиий мерос объектлари ҳисобланиб, агар Умумжаҳон маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенция талабларига мос келса, улар Умумжаҳон мероси рўйхатига тақдим этилиши мумкин";

б) Табиат боғи тўғрисидаги намунавий низомнинг 2-банди қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"Табиат боғлари миллий табиий мерос объектлари ҳисобланиб, агар Умумжаҳон маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенция талабларига мос келса, улар Умумжаҳон мероси рўйхатига тақдим этилиши мумкин";

QMMB: 09/26/106/0245-son
17.03.2026-y

в) Давлат табиат ёдгорликлари тўғрисидаги низомнинг 2-банди қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Табиат ёдгорликлари миллий табиий мерос объектлари ҳисобланиб, агар Умумжаҳон маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенция талабларига мос келса, улар Умумжаҳон мероси рўйхатига тақдим этилиши мумкин”;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг қўриқланма зоналарини белгилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 5 майдаги 282-сон қарорида:

а) қарорнинг номи “ҳудудларнинг” сўзидан кейин “ва табиий мерос объектларининг” сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 2-бандниng еттинчи хатбоши “ҳудудларнинг” сўзидан кейин “ва табиий мерос объектларининг” сўзлари билан тўлдирилсин;

в) Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг қўриқланма зоналари тўғрисидаги низомда:

номи “ҳудудларнинг” сўзидан кейин “ва табиий мерос объектларининг” сўзлари билан тўлдирилсин;

1-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Буюртма қўриқхоналар, табиий питомникларда курорт табиий ҳудудларда, рекреация зоналарида, сувни муҳофаза қилиш зоналарида белгиланган режим улар ҳудудида жойлашган табиий мерос объектини сақлаб қолишни таъминламаса, табиий мерос объекти ҳудудига туташган ер майдонида ушбу Низомга мувофиқ қўриқланма зоналари белгиланади”.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 18 » mart № 109 Toshkent sh.

Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятида иш жараёнларини рақамлаштириш доирасида қоғоздан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2025 йил 30 январдаги ПФ–16-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятида қоғозсиз иш юритишга ўтиш жараёнини жадаллаштириш ва электрон ҳужжат айланиш самарадорлигини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги ПФ–16-сон Фармонига мувофиқ давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида **қоғоздан фойдаланишга қатъий меъёрлар ўрнатиш** ва унинг **айланмасини тубдан камайтириш** чораларини кўриш белгиланган маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

2026–2030 йилларда республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятида иш жараёнларини рақамлаштириш доирасида қоғоздан фойдаланишни камайтириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар **1-иловага** мувофиқ;

Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятида иш жараёнларини рақамлаштириш доирасида қоғоздан фойдаланишни тартибга солиш бўйича дастур **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари:

а) **2026 йил 1 майга қадар** қуйидагиларни назарда тутувчи қоғозсиз иш юритишга босқичма-босқич ўтиш бўйича “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиб, Рақамли технологиялар вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқласин:

барча ички хизмат ёзишмалари, буйруқлар, йиғилиш баённари ва ҳисоботларни тўлиқ электрон шаклда юритиш;

принтерларни икки томонлама чоп этиш режимида ишлатиш бўйича мажбурий талабни жорий қилиш;

қайта ишланган қоғоз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан кенг фойдаланиш;

б) **2026 йил 1 июнга қадар**:

ишлатилган қоғозларни йиғиш учун **махсус чиқинди қути (контейнер)ларини ташкил этсин** ва уларни қайта ишлаш корхоналарига етказиш тизимини йўлга қўйсин;

ҳар бир таркибий бўлинмадаги ходимлар сони, иш ҳажми ва ҳақиқий эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, **қоғоз сарфи учун чеклов жорий қилсин**.

4. Белгилансинки, **2026 йил 1 майдан** бошлаб республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида:

келгуси беш йил давомида харажатлар сметасини тузиш жараёнида қоғоз, сиёҳ, принтер ва нусха кўчириш ускуналарини харид қилиш харажатлари миқдори ҳар йили **15 фоизга камайтирилган ҳолда режалаштирилади**;

принтерлардан марказлашган ҳолда умумий фойдаланиш тизими жорий қилинади. Бунда умумий фойдаланишдаги очиқ офисда (open space) фаолият юритувчи ҳар **20 нафар ходим учун 1 дона принтер** ажратилади ва уларга ҳисоб идентификаторлари ўрнатилиб, **ҳар бир ходим кесимида қоғоз сарфининг ҳисоби юритиб борилади**;

қоғозсиз иш юритиш республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг фаолиятини энг муҳим **самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) асосида баҳолаш** мезонларидан бири ҳисобланади. Бунда ушбу кўрсаткич **ҳар ой якуни бўйича** таҳлил қилиниб, ходимларнинг шахсий устамаларини белгилашда инобатга олинади;

ҳар ойда бир маротаба **“Қоғозсиз бир кун” экоакцияси** ўтказилади ҳамда ушбу кун давомида республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ҳужжатлар тўлиқ электрон шаклда юритилади;

идоравий архивлардаги ҳужжатларни тўлиқ рақамлаштириш орқали давлат архивига **электрон шаклда топшириш ва қабул қилиш** тизими йўлга қўйилади.

5. Рақамли технологиялар вазирлиги **2026 йил 1 июнга қадар** қоғозни тежаш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқсин ҳамда унинг республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига электрон шаклда етказилишини таъминласин.

6. Ушбу қарор талаблари давлат сирлари билан боғлиқ ҳужжатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

7. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда**:

идоравий архивлардаги ҳужжатларни давлат архивига электрон шаклда топшириш ва қабул қилиш тартибини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 18 ” март даги 109-сон қарорига
1-илова

2026-2030 йилларда республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятида иш жараёнларини рақамлаштириш доирасида қоғоздан фойдаланишни камайтириш бўйича

МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАР

(фоизда)

Т/р	Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари	Қоғоздан фойдаланишни камайтириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар				
		2026 йил	2027 йил	2028 йил	2029 йил	2030 йил
I. Республика ижро этувчи ҳокимият органлари						
1.	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	15	30	45	60	75
2.	Адлия вазирлиги	15	30	45	60	75
3.	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги	15	30	45	60	75
4.	Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги	15	30	45	60	75
5.	Рақамли технологиялар вазирлиги	15	30	45	60	75
6.	Энергетика вазирлиги	15	30	45	60	75
7.	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги	15	30	45	60	75

8.	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги	15	30	45	60	75
9.	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	15	30	45	60	75
10.	Сув хўжалиги вазирлиги	15	30	45	60	75
11.	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги	15	30	45	60	75
12.	Транспорт вазирлиги	15	30	45	60	75
13.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	15	30	45	60	75
14.	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги	15	30	45	60	75
15.	Спорт вазирлиги	15	30	45	60	75
16.	Маданият вазирлиги	15	30	45	60	75
17.	Ташқи ишлар вазирлиги	15	30	45	60	75
18.	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги	15	30	45	60	75
19.	Ички ишлар вазирлиги	15	30	45	60	75
20.	Мудофаа вазирлиги	15	30	45	60	75
21.	Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси	15	30	45	60	75
22.	Дин ишлари бўйича қўмита	15	30	45	60	75

23.	Туризм қўмитаси	15	30	45	60	75
24.	Давлат активларини бошқариш агентлиги	15	30	45	60	75
25.	Миллий антидопинг агентлиги	15	30	45	60	75
26.	Маданий мерос агентлиги	15	30	45	60	75
27.	Ёшлар ишлари агентлиги	15	30	45	60	75
28.	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги	15	30	45	60	75
29.	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси	15	30	45	60	75
30.	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атом энергияси агентлиги	15	30	45	60	75
31.	Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги	15	30	45	60	75
32.	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси	15	30	45	60	75
33.	Оила ва хотин-қизлар қўмитаси	15	30	45	60	75
34.	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги	15	30	45	60	75

35.	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси	15	30	45	60	75
36.	Солиқ қўмитаси	15	30	45	60	75
37.	Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмита	15	30	45	60	75
38.	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Энергия самарадорлиги миллий агентлиги	15	30	45	60	75
39.	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси	15	30	45	60	75
40.	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги	15	30	45	60	75
41.	Телекоммуникацияларни тартибга солиш агентлиги	15	30	45	60	75
II. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари						
42.	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши	15	30	45	60	75
43.	Андижон вилояти ҳокимлиги	15	30	45	60	75
44.	Бухоро вилояти ҳокимлиги	15	30	45	60	75

45.	Жиззах вилояти ҳокимлиги	15	30	45	60	75
46.	Қашқадарё вилояти ҳокимлиги	15	30	45	60	75
47.	Навоий вилояти ҳокимлиги	15	30	45	60	75
48.	Наманган вилояти ҳокимлиги	15	30	45	60	75
49.	Самарқанд вилояти ҳокимлиги	15	30	45	60	75
50.	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги	15	30	45	60	75
51.	Сирдарё вилояти ҳокимлиги	15	30	45	60	75
52.	Фарғона вилояти ҳокимлиги	15	30	45	60	75
53.	Хоразм вилояти ҳокимлиги	15	30	45	60	75
54.	Тошкент вилояти ҳокимлиги	15	30	45	60	75
55.	Тошкент шаҳри ҳокимлиги	15	30	45	60	75

Изоҳ. *Ушбу мақсадли кўрсаткичлар ҳар бир республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг 2025 йилда қоғоздан фойдаланиш кўрсаткичларига нисбатан камайиб борувчи тарзда ҳисобланади.*

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 18 ” март даги 109-сон қарорига
2-илова

Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятида иш жараёнларини рақамлаштириш доирасида қоғоздан фойдаланишни тартибга солиш бўйича

ДАСТУР

Т/р	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочи
1.	2026–2030 йилларда республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятида иш жараёнларини рақамлаштириш доирасида қоғоздан фойдаланишни камайтириш бўйича мақсадли кўрсаткичларга эришиш.	1. Қоғоздан фойдаланишни камайтириш бўйича мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун ҳар бир йил учун алоҳида ойма-ой календарь режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Мақсадли кўрсаткичларга эришиш ҳолатини ҳар ой якуни бўйича раҳбарият ҳузурида муҳокама қилиш ва йўл қўйилган камчиликлар юзасидан зарур чораларни кўриш. 3. Ҳар йил якуни бўйича мақсадли кўрсаткичларга эришиш натижаси тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиш.	2026–2030 йиллар	Маблағ талаб этилмайди	Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари
2.	Қуйидагиларни назарда тутувчи қоғозсиз иш юритишга босқичма-босқич ўтиш бўйича “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш: барча ички хизмат ёзишмалари, буйруқлар, йиғилиш баённомалари ва	1. Қоғозсиз иш юритишга босқичма-босқич ўтиш бўйича “йўл харитаси” лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. “Йўл харитаси” лойиҳасини Рақамли технологиялар вазирлиги билан келишиш. 3. “Йўл харитаси”ни белгиланган тартибда тасдиқлаш.	2026 йил 10 апрель 2026 йил 20 апрель 2026 йил 1 май	Маблағ талаб этилмайди	Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари

Т/р	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочи
	ҳисоботларни тўлиқ электрон шаклда юритиш; принтерларни икки томонлама чоп этиш режимида ишлатиш бўйича мажбурий талабни жорий қилиш; қайта ишланган қоғоз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан кенг фойдаланиш.				
3.	Ишлатилган қоғозларни йиғиш учун махсус чиқинди қути (контейнер)ларини ташкил этиш ва уларни қайта ишлаш корхоналарига етказиш тизимини йўлга қўйиш.	1. Ишлатилган қоғозларни йиғиш учун махсус чиқинди қути (контейнер)ларини белгиланган тартибда харид қилиш. 2. Махсус чиқинди қути (контейнер)ларида йиғилган қоғозларни қайта ишлаш корхоналарига топшириш. 3. Қайта ишлаш корхоналарига топширилган қоғоз чиқиндилари бўйича электрон ҳисобот юритиш.	2026 йил 1 июнь Доимий Доимий	Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар	Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари
4.	Ҳар бир таркибий бўлинмадаги ходимлар сони, иш ҳажми ва ҳақиқий эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, қоғоз сарфи учун чеклов жорий қилиш.	1. Ишчи гуруҳ тузиш. 2. Таркибий бўлинма ва ходимлар кесимида қоғоз сарфини чуқур таҳлил қилиш. 3. Ҳар бир таркибий бўлинмадаги ходимлар сони, иш ҳажми ва ҳақиқий эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, ажратиладиган қоғознинг аниқ миқдорини белгилаш.	2026 йил 15 апрель 2026 йил 15 май 2026 йил 1 июнь	Маблағ талаб этилмайди	Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари

Т/р	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочи
5.	Келгуси беш йил давомида харажатлар сметасини тузиш жараёнида қоғоз, сиёҳ, принтер ва нусха кўчириш ускуналарини харид қилиш харажатлари миқдорини ҳар йили 15 фоизга камайтирган ҳолда режалаштириш.	1. Қоғоз, сиёҳ, принтер ва нусха кўчириш ускуналарини харид қилиш билан боғлиқ харажатларни таҳлил қилиш. 2. Харажатлар сметаси лойиҳасида қоғоз, сиёҳ, принтер ва нусха кўчириш ускуналарини харид қилиш харажатлари миқдорини ҳар йили 15 фоизга камайтирган ҳолда режалаштириш. 3. Харажатлар сметасини белгиланган тартибда тасдиқлаш.	2026 йил 1 майдан бошлаб	Маблағ талаб этилмайди	Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари
6.	Принтерлардан марказлашган ҳолда умумий фойдаланиш тизимини жорий қилиш.	1. Умумий фойдаланишдаги очиқ офисда (open space) фаолият юритувчи ҳар 20 нафар ходим учун 1 дона принтер ажратиш. 2. Принтерларга ҳисоб идентификаторларини ўрнатиш. 3. Ҳар бир ходим кесимида қоғоз сарфининг ҳисобини юритиб бориш.	2026 йил 1 майдан бошлаб	Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар	Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари
7.	Қоғозсиз иш юритишни республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) асосида баҳолаш мезонларидан бири этиб белгилаш.	1. Қоғозсиз иш юритишни энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) асосида баҳолаш мезонларидан бири этиб белгилаш. 2. Ҳар ой якуни бўйича ходимларнинг қоғозсиз иш юритиш бўйича фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш. 3. Баҳолаш натижаларини ходимларнинг шахсий устамаларини белгилашда инобатга олиш.	2026 йил 1 майдан бошлаб	Маблағ талаб этилмайди	Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари

Т/р	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочи
8.	“Қоғозсиз бир кун” экоакциясини ўтказиш ҳамда ушбу кун давомида республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ҳужжатларни тўлиқ электрон шаклда юритиш.	1. Ҳар ойда бир маротаба “Қоғозсиз бир кун” экоакциясини ўтказиш. 2. Ушбу кун давомида ходимларнинг ҳужжатларни тўлиқ электрон шаклда юритишини ташкил этиш.	2026 йил 1 майдан бошлаб	Маблағ талаб этилмайди	Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари
9.	Идоравий архивлардаги ҳужжатларни тўлиқ рақамлаштириш орқали давлат архивига электрон шаклда топшириш ва қабул қилиш тизимини йўлга қўйиш.	1. Идоравий архивлардаги ҳужжатларни тўлиқ рақамлаштириш. 2. Ҳужжатларни давлат архивига электрон шаклда топшириш.	2026 йил 1 майдан бошлаб	Маблағ талаб этилмайди	Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

QMBB: 09/26/111/0253
19.03.2026-y.

11 (1239)-son
240-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 19 » mart № 111 Toshkent sh.

Ирригация тизимларида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда сув танқислигининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, суғориладиган ерларни сув билан ишончли таъминлаш, сувнинг беҳуда йўқотилишининг олдини олиш, каналлар ва суғориш тармоқларини реконструкция қилиш ва бетонлаштириш ишларини сифатли амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғоришда сув йўқотишларини камайтириш ва сув танқислигининг олдини олиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2026 йил 5 мартдаги ПҚ–79-сон мувофиқ Сув хўжалиги вазирлигига жорий йилда республика бюджетидан қўшимча **600 миллиард сўм**, шундан:

каналларни бетонлаштириш ва реконструкция қилиш учун **480 миллиард сўм**;

сув танқислигининг олдини олиш билан боғлиқ чора-тадбирлар учун **120 миллиард сўм** ажратилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг сув танқислигининг олдини олиш билан боғлиқ чора-тадбирлар учун ажратилган маблағ ҳисобидан:

сув билан барқарор таъминланмаган ҳудудларда қишлоқ хўжалиги экинларини сувни тежайдиган суғориш технологиялари орқали суғориш учун сув ҳовузларини қуриш ишларига **60 миллиард сўм**;

сув танқислигини юмшатиш билан боғлиқ чора-тадбирларга **60 миллиард сўм** йўналтириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

3. Қуйидагилар:

Каналларни бетонлаштириш ва реконструкция қилиш бўйича 2026 йилда қўшимча амалга ошириладиган лойиҳаларнинг манзилли рўйхати 1-иловага мувофиқ;

Сув билан барқарор таъминланмаган ҳудудларда қишлоқ хўжалиги экинларини сувни тежайдиган суғориш технологиялари орқали суғориш учун 2026 йилда қуриладиган сув ҳовузларининг манзилли рўйхати 2-иловага мувофиқ;

QMBB: 09/26/111/0253
19.03.2026-y.

Сув танқислигининг олдини олиш бўйича 2026 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки, ушбу қарорга:

1 ва 2-иловаларда назарда тутилган лойиҳалар (кейинги ўринларда – манзилли рўйхатлар) бўйича Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги ҳудудий "Сувқурилишинвест" давлат муассасалари буюртмачилигида;

3-иловага мувофиқ белгиланган чора-тадбирлар балансда сақловчи сув хўжалиги эксплуатация ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳудудий "Сувқурилишинвест" давлат муассасалари билан биргаликда:

уч кун муддатда лойиҳаолди бирламчи ҳужжатларни расмийлаштирсин;

ўн кун муддатда лойиҳа ташкилотларини аниқлаб, улар билан шартномалар тузсин ва молиялаштириш ишларини ташкил қилсин;

лойиҳа ташкилотлари аниқлангандан сўнг икки ой муддатда лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиб, экспертиза хулосаларини олсин;

экспертиза хулосалари олинган объектларга уч ҳафта муддатда бош пудрат ташкилотларини аниқлаб, қурилиш-монтаж ишларини бошласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

манзилли рўйхатларда назарда тутилган лойиҳалар учун олдиндан 30 фоиз аванс маблағи ҳамда бажарилган ишлар учун жорий тўловларнинг молиялаштирилишини;

сув танқислигининг олдини олиш билан боғлиқ чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан қўшимча 60 миллиард сўм маблағ Сув хўжалиги вазирлигининг тегишли эксплуатация ташкилотларига ажратилишини таъминласин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги билан биргаликда ўн кун муддатда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган суғорилмайдиган лалми, ташландиқ (бўз) ерлар, пичанзор ва яйловлардан 2 гектаргача ер участкасини сув ҳовузлари қуриш учун белгиланган тартибда ажратиб берилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари билан биргаликда бетонлаштириш ишларини амалга ошириш учун каналларда вақтинча сув очиш ва ёпиш режа-графикларини тасдиқлаб, пудрат ташкилотларига иш фронтини яратсин ва унга қатъий риоя этилишини таъминласин.

QMBB: 09/26/111/0253
19.03.2026-y.

9. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасининг тизимидаги ташкилотлар томонидан бериладиган рухсатномалар асосида лойиҳалар доирасида каналларнинг қирғоқларидаги ўрмон фондига кирмайдиган дарахт ва буталарни кўчириш, зарур ҳолларда кесиш ишлари белгиланган тўловлардан озод этилади.

10. Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири Ш.Р. Хамраев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари:

а) сув хўжалиги объектларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари сифатли ишлаб чиқилиши ҳамда уларнинг белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилишига шахсан масъул ва жавобгар эканлиги белгилаб қўйилсин;

б) суғориш тармоқлари ва гидротехника иншоотларини таъмирлаш ишлари, биринчи навбатда, бетонлаштирилган ёки бетонлаштириш бошланган каналлардан сув олувчи тармоқларда амалга оширилишини таъминласин.

Бунда “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасасига қарашли каналлар ва суғориш тармоқларини тозалаш, гидротехника иншоотлари ва гидропостларни таъмирлаш ишлари ушбу ташкилотларга қўшимча ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

11. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMBB: 09/26/111/0253
19.03.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил "19" мартдаги III-сон қарорига
1-илова

Каналларни бетонлаштириш ва реконструкция қилиш бўйича 2026 йилда қўшимча амалга ошириладиган лойиҳаларнинг

МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТ

Т/р	Объект номи	Амалга ошириш муддати	Лойиҳа қуввати, жами*		Лойиҳа (объект)нинг дастлабки қиймати*
			ўлчов бирлиги	миқдори*	
	Жами		**канал, км**	**388,5**	**480 000,0**
	шу жумладан:				
	Қорақалпоғистон Республикаси		канал, км	**21,9**	**34 000,0**
1.	Хўжайли туманидаги "Хайранли" каналини реконструкция қилиш	2026 йил	канал, км	21,9	34 000,0
	Андижон вилояти		**канал, км**	**21,0**	**34 500,0**
2.	Марҳамат туманидаги "Истиқлол" каналини реконструкция қилиш	2026 йил	канал, км	6,0	5 200,0
3.	Избоскан туманидаги "Тўрткўл канда" канални реконструкция қилиш	2026 йил	канал, км	7,3	14 000,0
4.	Бўстон туманидаги "Мустақиллик–1" каналини реконструкция қилиш	2026 йил	канал, км	7,7	15 300,0
	Бухоро вилояти		**канал, км**	**31,0**	**40 395,0**
5.	Жондор туманидаги "Хайрабодча" каналини реконструкция қилиш	2026 йил	канал, км	12,0	15 295,0
6.	Олот туманидаги "Бахт" каналини реконструкция қилиш	2026 йил	канал, км	6,4	10 500,0

QMBB: 09/26/111/0253
19.03.2026-y.

Т/р	Объект номи	Амалга ошириш муддати	Лойиҳа қуввати, жами*		Лойиҳа (объект)нинг дастлабки қиймати*
			ўлчов бирлиги	миқдори*	
7.	Ромитан туманидаги “Жўйшўр” каналини реконструкция қилиш	2026 йил	канал, км	1,5	1 500,0
8.	Бухоро шаҳридаги “Тавсанак” каналини реконструкция қилиш	2026 йил	канал, км	2,3	2 100,0
9.	Қоровулбозор туманидаги “Чўлқувар” каналини реконструкция қилиш	2026 йил	канал, км	2,7	5 000,0
10.	Пешку туманидаги “Дейдароз” каналини реконструкция қилиш	2026 йил	канал, км	6,0	6 000,0
	Жиззах вилояти		**канал, км**	**34,2**	**35 500,0**
11.	Жиззах сув омборидан “ДМ–1” каналига қуйилувчи узунлиги 14,65 км бўлган Жайилма каналини қуриш	2026 йил	канал, км	14,7	17 000,0
12.	Жиззах вилояти Мирзачўл туманидаги “Р–2” хўжаликлараро каналини реконструкция қилиш (бетонлаштириш)	2026 йил	канал, км	12,8	12 000,0
13.	Бахмал туманидаги “Нушкент” каналини реконструкция қилиш	2026 йил	канал, км	4,0	3 600,0
14.	Ғаллаорол туманидаги “Мулкуш” каналини реконструкция қилиш	2026 йил	канал, км	2,7	2 900,0
	Қашқадарё вилояти		**канал, км**	**48,3**	**46 600,0**
15.	Миришкор туманидаги “УР–10” каналини (ПК262+69 дан ПК320+69 гача қисмини) реконструкция қилиш	2026 йил	канал, км	5,8	7 800,0
16.	Муборак туманидаги “Хитой” (ПК0÷100) ва “Хитой-3” каналларини реконструкция қилиш ҳамда 2,5 км лоток тармоғи қуриш	2026 йил	канал, км	24,5	24 000,0

QMBB: 09/26/111/0253
19.03.2026-y.

T/p	Объект номи	Амалга ошириш муддати	Лойиҳа қуввати, жами*		Лойиҳа (объект)нинг дастлабки қиймати*
			ўлчов бирлиги	миқдори*	
17.	Қамаши туманидаги “Чимқўрғон” каналини реконструкция қилиш	2026 йил	канал, км	3,5	3 000,0
18.	Касби туманидаги “19–Х–4” каналини реконструкция қилиш	2026 йил	канал, км	14,5	11 800,0
	Навоий вилояти		**канал, км**	**23,5**	**40 315,0**
19.	Кармана туманидаги “Чап–Қирғоқ” ва “Касаба Дўрмон” каналларини реконструкция қилиш (2–босқич)	2026 йил	канал, км	23,5	40 315,0
	Наманган вилояти		**канал, км**	**17,0**	**27 700,0**
20.	Поп туманидаги “Найман” каналининг ПК50+00 дан ПК144+00 гача қисмини реконструкция қилиш	2026 йил	канал, км	9,4	9 850,0
21.	Чуст туманидаги “Чуст М-3” каналининг ПК34+00 дан ПК74+00 гача қисмини реконструкция қилиш	2026 йил	канал, км	4,0	3 800,0
22.	Чуст туманидаги “Чуст” каналининг ПК0+00 дан ПК80+00 гача қисмини реконструкция қилиш	2026 йил	канал, км	8,0	9 100,0
23.	Катта Наманган Магистрал каналининг ПК 89+00 да жойлашган Булоқбоши насос станциясига сув етказиб берувчи каналга Ғирвонсойдан қўшимча сув олиш бўйича янги канал 1 дона ГТИ қуриш	2026 йил	канал, км	0,8	4 950,0
	Самарқанд вилояти		**канал, км**	**74,2**	**61 810,0**
24.	Ургут туманидаги “Янги–Дарғом” каналининг ПК52+00 дан ПК102+00 гача бўлган қисмини реконструкция қилиш	2026 йил	канал, км	5,0	17 350,0
25.	Ургут туманидаги “Янгибольничний” каналини бетонлаштириш	2026 йил	канал, км	5,0	3 750,0

QMBB: 09/26/111/0253
19.03.2026-y.

T/p	Объект номи	Амалга ошириш муддати	Лойиҳа қуввати, жами*		Лойиҳа (объект)нинг дастлабки қиймати*
			ўлчов бирлиги	миқдори*	
26.	Ургут туманидаги “Испанза” каналини бетонлаштириш	2026 йил	канал, км	2,2	1 430,0
27.	Ургут туманидаги “Қозонариқ” каналини (Қайроқли) бетонлаштириш	2026 йил	канал, км	6,0	3 350,0
28.	Ургут туманидаги “Ш.Рашидов” (штоб) суғориш тармоғини бетонлаштириш	2026 йил	канал, км	2,0	1 100,0
29.	Ургут туманидаги “Манғитобод” суғориш тармоғини бетонлаштириш	2026 йил	канал, км	6,0	3 300,0
30.	Ургут туманидаги “Истиқлол” сел суғориш тармоғини бетонлаштириш	2026 йил	канал, км	7,0	4 380,0
31.	Ургут туманидаги “Ваткан–Қўзибек” суғориш тармоғини бетонлаштириш	2026 йил	канал, км	3,0	1 950,0
32.	Ургут туманидаги “Бешёғоч” суғориш тармоғини бетонлаштириш	2026 йил	канал, км	5,0	3 200,0
33.	Ургут туманидаги “Бекравот” суғориш тармоғини бетонлаштириш	2026 йил	канал, км	4,0	2 500,0
34.	Ургут туманидаги “Замбарак” суғориш тармоғини бетонлаштириш	2026 йил	канал, км	5,0	2 500,0
35.	Ургут туманидаги “Селхона” суғориш тармоғини бетонлаштириш	2026 йил	канал, км	5,0	3 000,0
36.	Ургут туманидаги “Шовшар” суғориш тармоғини бетонлаштириш	2026 йил	канал, км	2,0	1 200,0
37.	Ургут туманидаги “МОП” катта суғориш тармоғини бетонлаштириш	2026 йил	канал, км	10,0	7 500,0
38.	Нуробод туманидаги “Собирсой” сув омборидан чиқиш каналини бетонлаштириш	2026 йил	канал, км	7,0	5 300,0

QMBB: 09/26/111/0253
19.03.2026-y.

Т/р	Объект номи	Амалга ошириш муддати	Лойиҳа қуввати, жами*		Лойиҳа (объект)нинг дастлабки қиймати*
			ўлчов бирлиги	миқдори*	
	Сурхондарё вилояти		**канал, км**	**37,0**	**34 000,0**
39.	Музработ туманидаги “Р–10” каналининг 5,0 км қисмини иншоотлари билан бирга реконструкция қилиш	2026 йил	канал, км	5,0	7 000,0
40.	Музработ туманидаги “Р–1–В” каналининг 5,0 км қисмини иншоотлари билан бирга реконструкция қилиш	2026 йил	канал, км	5,0	4 000,0
41.	Шеробод туманидаги “Р–16” каналининг 15,7 км қисмини иншоотлари билан бирга реконструкция қилиш	2026 йил	канал, км	15,7	17 000,0
42.	Термиз туманидаги “Т–1” каналининг 11,3 км қисмини иншоотлари билан бирга реконструкция қилиш	2026 йил	канал, км	11,3	6 000,0
	Сирдарё вилояти		**канал, км**	**23,5**	**40 500,0**
43.	Сайхунобод туманидаги “Ўнг тармоқ–12–12” ирригация тизими каналини реконструкция қилиш	2026 йил	канал, км	8,5	7 500,0
44.	Сирдарё туманидаги “Машканал” каналини реконструкция қилиш (1–босқич)	2026 йил	канал, км	15,0	33 000,0
	Тошкент вилояти		**канал, км**	**24,0**	**26 500,0**
45.	Оҳангарон туманидаги “Шафтоли” каналини реконструкция қилиш	2026 йил	канал, км	4,0	2 500,0
46.	Оҳангарон туманидаги “Хамдам” каналидан сув олувчи Р–7 каналини (ПК8+00 дан ПК48+00 гача) 4,0 км реконструкция қилиш ва бетонлаштириш	2026 йил	канал, км	4,0	3 500,0

QMBB: 09/26/111/0253
19.03.2026-y.

Т/р	Объект номи	Амалга ошириш муддати	Лойиҳа қуввати, жами*		Лойиҳа (объект)нинг дастлабки қиймати*
			ўлчов бирлиги	миқдори*	
47.	Пискент тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи “Эски Ёрдам” каналини реконструкция қилиш	2026 йил	канал, км	6,0	9 000,0
48.	Бўка тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи “РБ-3” каналини реконструкция қилиш	2026 йил	канал, км	4,0	5 500,0
49.	Олмалиқ шаҳридан оқиб ўтувчи “Таначи–Бўка” каналини реконструкция қилиш	2026 йил	канал, км	6,0	6 000,0
	Фарғона вилояти		**канал, км**	**17,9**	**26 180,0**
50.	Фурқат туманидаги “Р” каналини реконструкция қилиш	2026 йил	канал, км	12,0	19 000,0
51.	Бағдод туманидаги “Тинчлик” каналини реконструкция қилиш	2026 йил	канал, км	2,9	4 280,0
52.	Қўштепа туманидаги “Чап–тармоқ” каналини реконструкция қилиш	2026 йил	канал, км	3,0	2 900,0
	Хоразм вилояти		**канал, км**	**10,0**	**32 000,0**
53.	Хонқа ва Урганч туманларидаги “Қуловот” каналини реконструкция қилиш (1-босқич)	2026 йил	канал, км	10,0	32 000,0

**) сув хўжалиги объектларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда экспертизадан ўтказиш якунлари бўйича лойиҳалар параметрларига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.*

QMBB: 09/26/111/0253
19.03.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил "19" мартдаги 111-сон қарорига
2-илова

Сув билан барқарор таъминланмаган ҳудудларда қишлоқ хўжалиги экинларини сувни тежайдиган суғориш технологиялари орқали суғориш учун 2026 йилда қуриладиган сув ҳовузларининг

МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ

Т/р	Туманлар номи	Ҳудудлар номи	Ҳовуз ҳажми, минг м^3	Сув билан таъминланадиган майдон, гектар	Талаб этиладиган маблағ, млн сўм	Талаб этиладиган майдон, гектар
Андижон вилояти			**110**	**36**	**2 400**	**3,8**
1.	Пахтаобод	Андижон	110	36	2 400	3,8
Бухоро вилояти			**400**	**600**	**10 000**	**16,0**
1.	Бухоро	Қумсултон	100	100	2 500	4,0
2.	Пешку	Мустақиллик	100	200	2 500	4,0
3.	Қоровулбозор	Янгиҳаёт	100	130	2 500	4,0
4.			100	170	2 500	4,0
Жиззах вилояти			**400**	**609**	**10 000**	**6,0**
1.	Ш.Рашидов	Янгиҳаёт	100	165	2 500	1,5
2.	Арнасой	Хоразм	100	141	2 500	1,5
3.		Фарғона	100	157	2 500	1,5
4.	Зафаробод	Бирлик	100	147	2 500	1,5
Қашқадарё вилояти			**200**	**400**	**6 000**	**4,0**
1.	Косон	Халқобод	50	100	1 500	1,0
2.	Нишон	Нурли келажак	50	100	1 500	1,0
3.	Қамаши	Наврўз	50	100	1 500	1,0
4.	Миришкор	Дўстлик	50	100	1 500	1,0
Навоий вилояти			**300**	**630**	**7 500**	**6,0**
1.	Конимех	Шўркўл	100	200	2 500	2,0

QMBB: 09/26/111/0253
19.03.2026-y.

T/p	Туманлар номи	Ҳудудлар номи	Ҳовуз ҳажми, минг м^3	Сув билан таъминланадиган майдон, гектар	Талаб этиладиган маблағ, млн сўм	Талаб этиладиган майдон, гектар
2.	Қизилтепа	Ал-Бухорий	100	230	2 500	2,0
3.	Навбаҳор	Бешрабод	100	200	2 500	2,0
Наманган вилояти			**150**	**510**	**4 500**	**4,9**
1.	Косонсой	Қуқумбой	50	210	1 500	1,5
2.		Тергачи	50	150	1 500	1,6
3.	Чуст	Баймоқ	50	150	1 500	1,8
Самарқанд вилояти			**200**	**425**	**5 500**	**2,2**
1.	Каттақўрғон	Мелихўжа	50	170	1 500	0,6
2.			50	200	1 500	0,6
3.	Пахтачи	Туғолон	100	55	2 500	1,0
Сурхондарё вилояти			**195**	**532**	**6 000**	**7,8**
1.	Шеробод	Таллашқон	65	160	2 000	2,6
2.	Бандихон	Ойбек Бандихон	65	172	2 000	2,6
3.	Қизириқ	Буюк Сурхонобод	65	200	2 000	2,6
Сирдарё вилояти			**180**	**432**	**5 100**	**6,3**
1.	Мирзаобод	Мустақиллик	60	135	1 700	2,0
2.	Сирдарё	Бахмал	60	161	1 700	2,0
3.	Ховос	Чамбил	60	136	1 700	2,3
Тошкент вилояти			**50**	**100**	**1 500**	**1,0**
1.	Чиноз	Ғайрат	50	100	1 500	1,0
Фарғона вилояти			**50**	**95**	**1 500**	**1,0**
1.	Бешариқ	Ариқбоши	50	95	1 500	1,0
Жами:			**2 235**	**4 369**	**60 000**	**59**

**) объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда экспертизадан ўтказиш якунлари бўйича лойиҳалар параметрларига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.*

QMBB: 09/26/111/0253
19.03.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 19 ” мартдаги III -сон қарорига
3-илова

Сув танқислигининг олдини олиш бўйича 2026 йилга мўлжалланган ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ, млн сўм	Молиялаш-тириш манбаи	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
1.	Сув танқислигининг олдини олиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда Ишчи гуруҳ тузиш ва соҳа бўйича ташкилотлар раҳбарларини туманларга амалий ёрдам бериш учун бириктириш.	1. Соҳа бўйича ташкилот раҳбарлари рўйхатини шакллантириш. 2. Ташкилот раҳбарларидан иборат бўлган Ишчи гуруҳ таркибини тасдиқлаш. 3. Ишчи гуруҳ аъзолари томонидан туманларга амалий ёрдам бериш ишларини ташкил қилиш. 4. Сувдан самарали фойдаланилиши ва суғориш ишлари мониторинги юритилишини таъминлаш.	-	-	2026 йил март Мавсум давомида доимий	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туманлар ҳокимликлари
2.	Ҳудудлар кесимида тақсимланган сув олиш лимитлари доирасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар кесимида халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари қарорлари билан сув олиш лимитларини тасдиқлаш.	1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг рўйхатини шакллантириш ҳамда сув олиш лимитларини ишлаб чиқиш. 2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилари кесимида сув	-	-	2026 йил апрель	Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари

QMBB: 09/26/111/0253
19.03.2026-y.

T/p	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ, млн сўм	Молиялаш-тириш манбаи	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		олиш лимитларини ишлаб чиқиш ва халқ депутатлари туман Кенгашларига тасдиқлашга киритиш. 3. Ишлаб чиқилган сув олиш лимитларини халқ депутатлари туман Кенгашларида тасдиқлаш. 4. Тасдиқланган сув олиш лимитларини сувдан фойдаланувчиларга етказиш.				Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари
3.	Етказиб берилган сувнинг ҳисоб ва ҳисоботининг ўз вақтида юритилишини таъминлаш.	1. Халқ депутатлари туман Кенгашлари томонидан тасдиқланган сув олиш лимитларини “Сув ҳисоби” ахборот тизимига киритиш. 2. Сув олиш лимитига асосан туман “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаси ва сувдан фойдаланувчилар ўртасида ахборот тизими орқали шартномалар тузилишини таъминлаш. 3. Сув етказиб бериш ва қабул қилиш тўғрисидаги далолатномалар “Сув ҳисоби” ахборот тизими орқали расмийлаштириб борилишини таъминлаш.	-	–	2026 йил апрель 2026 йил май Ҳар ой якуни билан кейинги ойнинг 5-санасига қадар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туманлар ҳокимликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари

QMBB: 09/26/111/0253
19.03.2026-y.

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ, млн сўм	Молиялаш-тириш манбаи	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
4.	Сувдан фойдаланувчиларни (қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, аҳоли томорқалари ва бошқалар) белгиланган сув олиш лимити асосида ўз вақтида сув билан таъминлаш.	1. “Навбатлаб суғориш тизими” асосида ҳудудлар кесимида график ишлаб чиқиб, тасдиқлаш. 2. Тасдиқланган графикларни сувдан фойдаланувчиларга таништириш, графикларга қатъий амал қилиш. 3. Далани сув олишга тайёрлаш, етарли сувчиларни жалб қилиш. 4. Тунги суғориш тадбирларини амалга ошириш. 5. Сув олиш лимити доирасида сувдан фойдаланувчиларга сув етказиб берилишини таъминлаш.	-	-	Мавсум давомида	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туманлар ҳокимликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, ҳудудий қишлоқ хўжалиги бошқармалари
5.	Сувдан самарали фойдаланиш ва суғориш ишларига жалб қилинган сувчиларга шарт-шароитлар яратиб бериш.	1. Суғориш ишларига етарли миқдорда сувчиларни жалб қилиш чораларини кўриш. 2. Сувчиларга зарур шароитлар яратиш ва уларни иш қуроллари (кетмон, бел, фонар ва бошқалар) билан таъминлаш. 3. Суғориш ишларига жалб қилинган сувчиларга иш	Ҳисоб-китобларга асосан	Фермер хўжаликлари, кластер ташкилотлари маблағлари	Мавсум давомида	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туманлар ҳокимликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, ҳудудий

QMBB: 09/26/111/0253
19.03.2026-y.

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ, млн сўм	Молиялаш-тириш манбаи	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		ҳақини ўз вақтида бериб борилишини ҳамда рағбатлантирилишини таъминлаш.				қишлоқ хўжалиги бошқармалари
6.	Каналлар ва суғориш тармоқларини тозалаш ҳамда улардаги гидротехника иншоотлари ва гидропостларни таъмирлаш-тиклаш.	1. **667 км** узунликда суғориш тармоқларини тозалаш ва таъмирлаш. 2. **625 та** гидротехника иншоотларини таъмирлаш-тиклаш. 3. **2 030 та** гидропостни таъмирлаш.	10 000 5 000 2 030	Республика бюджетидан қўшимча ажратилган маблағлар	2026 йил май	Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари
7.	Сув хўжалиги ташкилотлари ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчилар ҳисобидаги ички суғориш тармоқларини бетон қопламага ўтказиш.	1. Сув етказиб бериш хизматлари ҳисобидаги **160 км** бетонлаштириладиган каналлар бўйича тармоқ жадвалларини тасдиқлаш. 2. Бетонлаштириш ишларини сифатли ташкил қилиш мақсадида ҳар бир каналга масъуллар бириктириш. 3. Бетонлаштириш ишларини қисқа муддатларда тугатиш мақсадида ушбу суғориш тармоқларининг сув бериш графикларини тасдиқлаш ва график асосида ишларни ташкил этиш.	42 970	Республика бюджетидан қўшимча ажратиладиган маблағлар	2026 йил март 2026 йил март 2026 йил май	Сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туманлар ҳокимликлари, Қорақалпоғистон республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари

QMBB: 09/26/111/0253
19.03.2026-y.

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ, млн сўм	Молиялаш-тириш манбаи	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		4. Бетонлаштириш ишлари якунланган каналларни белгиланган тартибда фойдаланишга қабул қилиш.			2026 йил июнь	
8.	Сувдан фойдаланиш тартибига риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш.	1. Сувдан фойдаланиш тартибига риоя этилиши юзасидан тизимли назорат ўрнатиш. 2. Қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сув исрофгарчилигининг олдини олиш бўйича барча зарур чораларни кўриш. 3. Сувдан оқилона ва самарали фойдаланиш юзасидан тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириш. 4. Сувдан фойдаланиш тартибини бузганларга нисбатан кескин чоралар кўриб бориш.	-	-	Мавсум давомида	Сув хўжалиги вазирлиги, “Сувхўжаликназорат” инспекцияси ва унинг ҳудудий бошқармалари
9.	Жорий этилган сув тежовчи технологиялардан самарали фойдаланилиши бўйича назоратни амалга ошириш.	1. Сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинган ва Давлат бюджетидан субсидия ажратилган ер майдонларида жойлаштирилган экинларни мавжуд сувни тежайдиган суғориш технологиялари ёки	-	-	Мавсум давомида	Сув хўжалиги вазирлиги, “Сувхўжаликназорат” инспекцияси ва унинг ҳудудий бошқармалари

QMBB: 09/26/111/0253
19.03.2026-y.

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ, млн сўм	Молиялаш-тириш манбаи	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		уларнинг асосий қисмларини ишлатган ҳолда суғоришни ташкил этиш. 2. Мавжуд сувни тежайдиган суғориш технологиясини ишлатмай, анъанавий суғориш усулида суғоришга йўл қўймасликни таъминлаш устидан назоратни амалга ошириш.				
10.	Дарёлар ва бошқа табиий сув манбаларининг сувлилик даражасини таҳлил қилиб бориш.	1. Дарёлар ва бошқа табиий манбаларнинг мавжуд сувлилик даражасини аниқлаш. 2. Сувлилик даражасидан келиб чиқиб, белгиланган сув олиш лимитларига ўзгартириш киритиш юзасидан таклифлар тайёрлаш.	-	-	2026 йил апрель ойидан бошлаб ҳар ойда	Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари

QMMB: 09/26/112/0254-son
19.03.2026-y.

11 (1239)-son
241-modda

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 19 » mart № 112 Toshkent sh.

Андижон вилоятида давлат ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Андижон вилоятида ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2026 йил 16 февралдаги ПҚ–63-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, Андижон вилоятида замонавий менежмент тамойиллари ҳамда давлат ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик тизимини жорий этиш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагилар:

Ер участкалари негизида “Андижон Инвест компанияси” АЖ ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ;

Андижон вилояти муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва транспорт инфратузилмасини яратиш харажатларининг бир қисмини шаҳарсозлик фаолияти объектини қуриш ёки реконструкция қилишни лойиҳалаштириш учун архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш бўйича тўлов қийматига киритиш тартиби тўғрисидаги низом **2-иловага** мувофиқ;

Андижон вилоятида давлат-хусусий шериклик шартларида лойиҳаларни амалга оширишнинг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги низом **3-иловага** мувофиқ;

Андижон вилоятида шаҳарсозлик реновация лойиҳаларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом **4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Андижон вилояти ҳокимлиги “Андижон Инвест компанияси” АЖ томонидан амалга оширилиши режалаштирилган инвестиция лойиҳаларини **ҳар йили 1 майга қадар** Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги томонидан шакллантириладиган Инвестиция дастурига киритиб бориш чораларини кўрсин.

QMMB: 09/26/112/0254-son
19.03.2026-y.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/112/0254-son
19.03.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “19” мартдаги 112-сон қарорига
1-илова

Ер участкалари негизида “Андижон Инвест компанияси” АЖ ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Андижон вилоятида тижорат мақсадида фойдаланиш имкони мавжуд бўлган давлатга тегишли ер участкалари (кейинги ўринларда – ер участкалари) негизида юридик шахслар устав капиталида иштирок этиш орқали ёки оддий ширкат шартномаси асосида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

инвестиция лойиҳаси – юридик шахслар устав капиталида иштирок этиш орқали ёки оддий ширкат шартномаси асосида ер участкалари негизида иқтисодий, ижтимоий ва бошқа фойда олиш учун **10 миллион АҚШ доллари** ва ундан юқори бўлган эквивалентдаги инвестицияларни амалга оширишга ёхуд жалб этишга қаратилган, ўзаро боғлиқ бўлган тадбирлар мажмуи;

корпоратив шартнома – ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ёки амалга оширишдан ўзини тийиш (воз кечиш), жамият акциядорларининг (иштирокчиларининг) умумий йиғилишида овоз бериш, жамиятни бошқариш бўйича ҳаракатларни келишиб амалга ошириш ҳамда устав капиталидаги улушларини маълум нархда ёки муайян ҳолатларда қўлга киритиш ёки бегоналаштиришдан ўзини тийиш тартибини белгилаш мажбуриятини белгилайдиган шартнома;

оддий ширкат шартномаси – “Андижон Инвест компанияси” АЖ (кейинги ўринларда – Компания) ва аукцион ғолиби томонидан фойда олиш ёки қонунга зид бўлмаган бошқа мақсадга эришиш учун ўз ҳиссаларини қўшиш ва юридик шахс тузмасдан биргаликда ишлаш мажбуриятини белгилайдиган шартнома;

инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича буюртмачи – ер участкалари негизида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ваколатига эга юридик шахс – Компания;

аукцион ғолиби – “E-auksion” электрон савдо платформасида ўтказиладиган электрон онлайн аукцион савдоларида (кейинги ўринларда – аукцион савдолари) ғолиб деб эътироф этилган иштирокчи;

хўжалик жамияти – Компания ва аукцион ғолиби таъсисчилигида ташкил этиладиган масъулияти чекланган жамият ёки акциядорлик жамияти;

инвестиция лойиҳасини амалга оширишда иштирок этиш ҳуқуқининг бошланғич қиймати – баҳолаш ташкилоти томонидан аниқланадиган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини баҳолаш қиймати ҳамда лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш, баҳолаш ва расмийлаштириш билан боғлиқ харажатлар қиймати йиғиндиси;

инвестор – ўз маблағларини, қарзга олинган ва жалб этилган маблағларни, мулкий бойликларни ва уларга доир ҳуқуқларни инвестиция фаолияти объектларига инвестиция сифатида киритувчи инвестиция фаолияти субъекти.

3. Ер участкалари негизида инвестиция лойиҳалари юридик шахслар устав капиталида иштирок этиш орқали ёки оддий ширкат шартномаси асосида амалга оширилади.

4. Ушбу Низомнинг **3-бандида** назарда тутилган механизмлар асосида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танланган ер участкалари Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ Компанияга **49 йилдан** ошмайдиган муддатга тўғридан-тўғри ижарага берилади.

Бунда ер ижара ҳуқуқи учун тўлов ва лойиҳа қийматининг камида **10 фоизига** тенг кафолат маблағини жойлаштириш талаб этилмайди.

2-боб. Ер участкалари негизида инвестиция лойиҳасини таклиф этиш тартиби

5. Ер участкалари негизида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳасининг мастер режаси, лойиҳа ҳужжатлари ва бошқа рухсат бериш ҳужжатлари (кейинги ўринларда – лойиҳа ҳужжатлари) Компания томонидан расмийлаштирилади.

Бунда инвестиция лойиҳаси юридик шахслар устав капиталида иштирок этиш орқали амалга оширилганда – ташкил этиладиган хўжалик жамиятининг устави, таъсис шартномаси ва корпоратив шартнома, оддий ширкат шартномаси орқали амалга оширилганда – оддий ширкат шартномаси лойиҳалари ҳам тайёрланади.

6. Компания томонидан белгиланган тартибда энг яхши таклифларни танлаш йўли билан лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун профессионал лойиҳа ташкилотлари ва ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини баҳолаш учун баҳолаш ташкилотлари жалб қилинади.

7. Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишга халқаро экспертлар ва халқаро молия ташкилотлари ҳам жалб этилиши мумкин.

8. Инвестиция лойиҳасини амалга оширишда иштирок этиш ҳуқуқининг бошланғич қиймати Компания томонидан мазкур Низомга асосан белгиланади.

9. Инвестиция лойиҳасини амалга оширишда иштирок этиш ҳуқуқини мазкур Низомнинг **2-бобида** назарда тутилган ҳужжатлар расмийлаштирилгандан сўнг Компания томонидан онлайн аукцион савдоларига чиқариш бўйича буюртма берилади.

Бунда “E-auksion” электрон савдо платформасига юклаш учун баҳоловчи ташкилотнинг ҳисоботи, лойиҳа ҳужжатлари Андижон вилояти ҳокимлиги билан келишилгандан сўнг Компания томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда, инвестиция лойиҳаси юридик шахслар устав капиталида иштирок этиш орқали амалга оширилганда – ташкил этиладиган хўжалик жамиятининг устави, таъсис шартномаси ва корпоратив шартнома, оддий ширкат шартномаси орқали амалга оширилганда – оддий ширкат шартномаси “E-auksion” электрон савдо платформаси операторига тақдим этилади.

10. Инвестиция лойиҳасини амалга оширишда иштирок этиш ҳуқуқини савдога чиқаришда қуйидагилар кўрсатилади:

инвестиция лойиҳасини амалга оширишда иштирок этиш ҳуқуқининг бошланғич қиймати;

инвестиция лойиҳасини амалга оширишда иштирок этиш ҳуқуқи учун тўловларни амалга ошириш муддатлари;

лойиҳанинг фаолият тури ёки йўналиши;

лойиҳа амалга ошириладиган ер майдони ва жойлашуви (локацияси);

Компания белгилаган аудиторлик ташкилоти томонидан инвестиция лойиҳасини амалга ошириш жараёнининг аудитдан ўтказилиши;

“E-auksion” электрон савдо платформаси оператори хизматига тўловларни аукцион ғолиби томонидан тўлаш;

Компаниянинг лойиҳадаги иштирокининг фоизи (50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда).

Бунда аукционда шаклланган нархнинг 35 фоизи бир ой ичида, қолган қисми тенг улушларда ўн икки ой давомида тўланади.

11. Инвестиция лойиҳаси юридик шахслар устав капиталида иштирок этиш орқали амалга оширилганда – ташкил этиладиган хўжалик жамиятининг корпоратив шартномасида, оддий ширкат шартномаси орқали амалга оширилганда – оддий ширкат шартномасида қўшимча равишда қуйидагилар назарда тутилиши лозим:

инвестиция лойиҳасини амалга ошириш билан боғлиқ томонларнинг биргаликдаги мажбуриятлари;

QMMB: 09/26/112/0254-son
19.03.2026-y.

инвестиция лойиҳасини амалга ошириш муддати (4 йилдан кўп бўлмаган муддат);

инвестиция лойиҳаси қиймати ёки киритиладиган инвестиция ҳажми;

инвестиция ҳажмларини ўзлаштириш режа-графиги (йилига камида 25 фоиз);

инвестиция лойиҳасининг асосий самарадорлик (KPI) кўрсаткичлари;

Компания белгилаган аудиторлик ташкилоти томонидан инвестиция лойиҳасини амалга ошириш жараёнининг аудитдан ўтказилиши.

Компания томонидан мазкур бандда кўрсатилган ҳужжатларда қўшимча шартлар ва талаблар назарда тутилиши мумкин.

12. Савдо натижаларига кўра аукцион ғолиби деб топилган шахсга Компания томонидан бир томонлама қўшимча мажбуриятларни юклашга йўл қўйилмайди.

13. Инвестиция лойиҳасини амалга оширишда иштирок этиш ҳуқуқини электрон онлайн аукцион савдоларига чиқариш, аукцион савдоларини ўтказиш ва аукцион ғолибини аниқлашнинг ушбу Низом билан тартибга солинмаган қисми “E-auksion” электрон савдо платформасида электрон онлайн-аукцион ва танловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартибига мувофиқ амалга оширилади.

14. Компания савдо якунлангандан сўнг бир ой муддатда ташкил этиладиган хўжалик жамиятига ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи ва тегишли лойиҳа ҳужжатлари қайта расмийлаштирилишини таъминлайди.

3-боб. Юридик шахслар устав капиталида иштирок этиш орқали ер участкалари негизида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тартиби

15. Аукцион савдоларида шаклланган нарх, савдони ўтказиш шартларида Компаниянинг улуши 50 фоиздан кам миқдорда белгиланганда – аукцион натижаларига кўра шаклланган нархдан келиб чиққан ҳолда ҳисобланадиган суммадан кам бўлмаган маблағ аукцион ғолиби томонидан мазкур Низомнинг **10-бандида** белгиланган муддатда Компания ва аукцион ғолиби иштирокида ташкил этиладиган хўжалик жамияти устав капиталига ғолибнинг улуши сифатида йўналтирилади.

Бунда аукцион ғолиби томонидан киритиладиган маблағлар тўлиқ ҳажмда ўз маблағлари ва (ёки) ўз кафолати ҳисобига жалб қилинган (истеъмолчилар маблағларидан ташқари) бошқа маблағлар ҳисобидан шакллантирилади.

16. Томонларнинг улушлари ўзаро келишилган ҳолда, хўжалик жамиятининг устав капиталига киритган ўз маблағлари ҳисобидан оширилиши мумкин.

17. Хўжалик жамияти устав капиталига аукцион ғолиби томонидан киритиладиган маблағлар – ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқининг онлайн аукцион савдоларида шаклланган нархидан, савдони ўтказиш шартларида Компаниянинг улуши 50 фоиздан кам миқдорда белгиланганда – аукцион натижаларига кўра шаклланган нархдан келиб чиққан ҳолда ҳисобланадиган суммадан кам бўлмаслиги керак.

18. Ташкил этиладиган хўжалик жамиятининг таъсис ҳужжатларида Компаниянинг улуши сотиш ёки қурилган объектнинг бир қисмини ёки унинг қийматини олиш ҳисобидан белгиланган тартибда бегоналаштирилиши мумкин.

Бунда улуш қиймати инвестиция лойиҳасини амалга оширишда иштирок этиш ҳуқуқининг аукционда шаклланган баҳосидан кам бўлмаслиги керак.

4-боб. Оддий ширкат шартномаси асосида ер участкалари негизида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тартиби

19. Аукцион савдоларида иштирок этувчи талабгорлар савдоларда қатнашиш учун инвестиция лойиҳасини амалга оширишда иштирок этиш ҳуқуқининг бошланғич қийматининг камида 10 фоизини закалат пули сифатида кейинчалик Компания томонидан очиладиган алоҳида ҳисобварақка “E-auksion” электрон савдо платформаси оператори хизмат ҳақини чегирган ҳолда ўтказиш учун “E-auksion” электрон савдо платформаси операторига ўтказади. Бунда:

мазкур тўланган маблағлар ушбу Низомнинг **10-бандига** мувофиқ бир ой ичида тўланиши белгиланган, аукционда шаклланган нархнинг **35 фоизини** тўлашда ҳамда оддий ширкат шартномасига мувофиқ аукцион ғолиби ҳиссасини шакллантиришда ҳисобга олинади;

аукцион ғолиби томонидан амалга ошириладиган тўловлар оддий ширкат шартномасида белгиланган алоҳида ҳисобварақка ўтказилади.

20. Аукцион ғолиби томонидан тўланадиган маблағлар (“E-auksion” электрон савдо платформаси оператори хизмат ҳақи бундан мустасно) оддий ширкат шартномасида белгиланган инвестиция лойиҳасини молиялаштириш учун ишлатилади ва унинг ҳиссаси сифатида ҳисобга олинади. Бунда Компаниянинг ҳиссаси қиймати инвестиция лойиҳасини амалга оширишда иштирок этиш ҳуқуқининг аукционда шаклланган нархи миқдорида белгиланади.

21. Кўчмас мулк қурилиши бўйича харажат ва даромадларнинг ҳисоби алоҳида юритилади ва лойиҳа натижасида ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқининг қиймати тўлангандан сўнг олинган соф фойда ёки унинг бир қисми оддий ширкат шартномасида белгиланган тартибда тақсимланади.

QMMB: 09/26/112/0254-son
19.03.2026-y.

Бунда соф фойда тақсимоти мутаносиб равишда лойиҳа иштирокчиларининг улушидан келиб чиқиб ҳисоб-китоб қилиниши мумкин.

22. Оддий ширкат шартномаси шартлари инвестор томонидан бажарилмаган тақдирда, инвестор томонидан киритилган маблағлар қайтарилмайди.

23. Инвестиция лойиҳаси бўйича харажат ва даромадларнинг ҳисоби алоҳида юритилади ва аукцион ғолиби томонидан тўловлар тўлиқ тўлангандан сўнг олинган соф фойда оддий ширкат шартномасида белгиланган тартибда тақсимланади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

24. Инвестиция лойиҳасини амалга оширишда аукцион ғолиби томонидан ўз ҳиссаси (улуши) тўлиқ тўлангандан сўнг ҳиссанинг (улушнинг) бозор қийматидан келиб чиқиб, томонлар келишувига кўра уларнинг бири ёки иккаласининг қўшимча маблағлари ҳисобига инвестиция лойиҳасидаги томонларнинг ҳиссалари (улушлари) миқдори ўзгариши мумкин.

25. Ушбу Низомни бажариш жараёнида келиб чиқадиган низолар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

26. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “19” мартдаги 112-сон қарорига
2-илова

Андижон вилояти муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва транспорт инфратузилмасини яратиш харажатларининг бир қисмини шаҳарсозлик фаолияти объектини қуриш ёки реконструкция қилишни лойиҳалаштириш учун архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш бўйича тўлов қийматига киритиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Андижон вилоятида муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва транспорт инфратузилмасини яратиш харажатларининг бир қисмини шаҳарсозлик фаолияти объектини (бундан бюджет тизими бюджетлари ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар ва якка тартибдаги уй-жойлар мустасно) қуриш ёки реконструкция қилишни лойиҳалаштириш учун архитектура-режалаштириш топшириғини (кейинги ўринларда – АРТ) ишлаб чиқиш бўйича тўлов қийматига киритиш (кейинги ўринларда – йиғим) тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

муҳандислик-коммуникация тармоқлари – электр узатиш тармоқлари, алоқа линиялари, табиий газ, ичимлик суви, иссиқлик таъминоти ва сув-оқова қувурлари, темир йўл линиялари, автомобиль йўллари, каналлар, коллектор-дренаж тармоқлари ва шу каби бошқа иншоотлар;

транспорт инфратузилмаси – йўловчи ва юк ташувчи, шунингдек, ушбу ташувларни амалга оширувчи ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи барча соҳа ва тармоқлар мажмуаси;

ариза берувчи – АРТ олиш учун қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда мурожаат қилган юридик ва жисмоний шахс ёки унинг буюртмасига (шартномага асосан) мувофиқ лойиҳа ташкилоти;

жамғарма – Андижон вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Андижон вилоятини ривожлантириш жамғармаси;

компания – Андижон вилояти ҳокимлиги таъсисчилигидаги “Андижон Инвест компанияси” акциядорлик жамияти.

3. Андижон вилоятида муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва транспорт инфратузилмасини яратиш харажатларининг бир қисми шаҳарсозлик фаолияти объектини қуриш ёки реконструкция қилишни лойиҳалаштириш учун архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш бўйича тўлов қийматига ушбу Низомга **1-иловада** келтирилган схемага мувофиқ киритилади.

QMMB: 09/26/112/0254-son
19.03.2026-y.

2-боб. Йиғимни ҳисоблаш ва ундириш тартиби

4. Йиғим тўлиқ ҳажмда Жамғармага ўтказилади ва Компания томонидан қуйидаги тадбирларни молиялаштириш мақсадларига йўналтирилади:

Компания томонидан, шу жумладан, инвесторлар иштирокида инвестиция лойиҳалари, давлат-хусусий шериклик лойиҳалари, Андижон вилояти инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш;

Андижон вилоятининг алоҳида ҳудудларини ривожлантириш ва реновация дастурлари, мастер режа ва қуриладиган объектларнинг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш;

ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш;

реновация дастурларини амалга ошириш;

Андижон вилояти Андижон тумани Янги Андижон (Бобур шаҳри) шаҳарчаси, "Янги Ўзбекистон" массивлари, давлат уй-жой дастурларида кўзда тутилган массивлар, шунингдек, махсус иқтисодий зоналар, кичик саноат зоналари, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари (ичимлик ва оқова сув, электр энергияси, табиий газ тармоқлари ва автомобиль йўли) билан таъминлаш;

қиймати 200 миллиард сўмдан ошадиган, инвесторнинг ўз маблағлари улуши 25 фоиздан кам бўлмаган, инвестиция дастурларига киритилган лойиҳалар, шунингдек, халқаро ва республика аҳамиятидаги автомобиль йўллари бўйидаги яхлит ер майдонларида ташкил этиладиган йўлбўйи инфратузилма объектларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш;

Андижон вилоят ҳокимлигининг бюджет ссудаларини, тижорат банкларидан жалб қилинган кредитларни, жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулкий ва маънавий зарарларни қоплашга ҳамда шаҳар ва туманларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид тадбирларини молиялаштириш;

қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган Компания фаолияти билан боғлиқ бошқа харажатларни амалга ошириш.

5. Йиғим қуйидаги миқдорда ундирилади:

жами қурилиш ҳажмининг ҳар бир куб метри учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **0,25 баравари** миқдорида;

объектларнинг қаватлар сони белгиланган параметрлардан оширилганда қўшимча қурилиш ҳажмининг ҳар бир куб метри учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **0,25 баравари** миқдорида.

Ушбу йиғим миқдорига нисбатан Халқ депутатлари Андижон вилояти кенгаши қарори асосида мазкур Низомга **2-иловада** келтирилган Андижон вилоятида муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва транспорт инфратузилмасини яратиш харажатларининг бир қисми учун тўлов миқдорини ҳисоблашнинг намунавий механизмига мувофиқ шаклда 0,5 дан 2 гача камайтирувчи ёки оширувчи коэффициентлар қўлланилиши мумкин.

6. АРТ Архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг **маъмурий регламентига** мувофиқ берилади.

7. Ариза берувчининг аризаси Андижон вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилганидан сўнг АРТни ишлаб чиқишнинг қиймати кўрсатилган инвойс билан биргаликда:

ариза берувчига – Компанияга АРТ берилиши маъқулланганлиги ҳақидаги хабарнома (кейинги ўринларда – хабарнома) йиғим миқдори кўрсатилган ҳолда юборилади;

бошқа ариза берувчига хабарнома, Компания ва ариза берувчи ўртасида имзоланиши назарда тутилган йиғим миқдорини тўлаш тўғрисидаги шартнома лойиҳаси (кейинги ўринларда – шартнома) юборилади.

8. Ариза берувчи хабарномага жавоб беришда шартномага мувофиқ йиғим суммасини бир йўла ёки бўлиб-бўлиб тўлаш механизмини танлайди.

Шартнома Компания ва ариза берувчи ўртасида имзоланади ва йиғим миқдори тўлиқ тўлангунига қадар амал қилади.

9. Ариза берувчига АРТ қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда берилади.

10. Ариза берувчи қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқади ва келишади.

11. Йиғим миқдори қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда олинган лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертиза хулосаси натижасига мувофиқ ҳисобланади.

12. Йиғим миқдори аниқлангандан сўнг 2 иш кунида:

ариза берувчи – Компания мустақил равишда ёки шаҳарсозлик фаолияти объектини қуриш ёки реконструкция қилиш лойиҳаси юзасидан жалб қилинган инвестор билан биргаликда йиғимни тўлаш режа-графигини тасдиқлайди ва ушбу режа-график асосида йиғим тўланишини таъминлайди;

бошқа ариза берувчи йиғим миқдорининг 20 фоизи миқдоридаги олдиндан тўловни тўлаган ҳолда, шартномани имзолайди ва йиғимнинг қолган 80 фоиз миқдорини шартномага мувофиқ тўланишини таъминлайди.

3-боб. Якунловчи қоидалар

13. Мазкур Низом талабларини бузган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

QMMB: 09/26/112/0254-son
19.03.2026-y.

Андижон вилояти муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва транспорт инфратузилмасини яратиш харажатларининг бир қисмини шаҳарсозлик фаолияти объектини қуриш ёки реконструкция қилишни лойиҳалаштириш учун архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш бўйича тўлов қийматига киритиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Андижон вилояти муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва транспорт инфратузилмасини яратиш харажатларининг бир қисмини шаҳарсозлик фаолияти объектини қуриш ёки реконструкция қилишни лойиҳалаштириш учун архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш бўйича тўлов қийматига киритиш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	АРТни олиш учун Архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига мувофиқ белгиланган тартибда мурожаат қилади.	Ўз хоҳишига кўра
2-босқич	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси	Инвойс билан биргаликда: ариза берувчига йиғим миқдори кўрсатилган хабарнома юборади; ариза берувчига йиғим миқдорини тўлаш тўғрисидаги шартнома лойиҳасини юборади.	3 иш куни мобайнида
3-босқич	Ариза берувчи	Хабарномага жавоб беради ва шартномага мувофиқ йиғим суммасини бир йўла ёки бўлиб-бўлиб тўлаш механизмини танлайди.	Бир ой муддатда
4-босқич	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси	Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тартибда АРТни ариза берувчига беради.	Белгиланган муддатларда
5-босқич	Ариза берувчи	1. Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиб, келишади ва экспертизадан ўтказади.	Белгиланган муддатларда
		2. Йиғим миқдори аниқлангандан сўнг: ариза берувчи мустақил равишда ёки шаҳарсозлик фаолияти объектини қуриш ёки реконструкция қилиш лойиҳаси юзасидан жалб қилинган инвестор билан биргаликда йиғимни тўлаш режа-графигини тасдиқлайди ва ушбу режа-график асосида йиғим тўланишини таъминлайди; ариза берувчи йиғим миқдорининг 20 фоизини олдиндан тўлаган ҳолда, шартномани имзолайди ва йиғимнинг қолган 80 фоизни шартномага мувофиқ тўланишини таъминлайди.	2 иш кунида

QMMB: 09/26/112/0254-son
19.03.2026-y.

Андижон вилояти муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва транспорт инфратузилмасини яратиш харажатларининг бир қисмини шаҳарсозлик фаолияти объектини қуриш ёки реконструкция қилишни лойиҳалаштириш учун архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш бўйича тўлов қийматига киритиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Андижон вилояти муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва транспорт инфратузилмасини яратиш харажатларининг бир қисми учун тўлов миқдорини ҳисоблашнинг НАМУНАВИЙ МЕХАНИЗМИ

1. Муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва транспорт инфратузилмасини яратиш харажатларининг бир қисми учун тўлов миқдори қуйидаги формула билан аниқланади:

$$Т_и=Б_х*((Х_б+Х_ю)-(Х_а+Х_т+Х_у))*К_т*К_о*К_з*К_ж$$

Бунда:

$Т_и$ — Андижон вилоятида муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва транспорт инфратузилмасини яратиш харажатларининг бир қисми;

$Б_х$ — базавий ҳисоблаш миқдорининг ярим баравари;

$Х_б$ — бинонинг умумий ҳажми;

$Х_ю$ — рухсат этилган қаватлар сонидан юқори бўлган бино ҳажми;

$Х_а$ — бинонинг автотураргоҳ қисми умумий ҳажми;

$Х_т$ — бинонинг техник қаватлари, иншоотлар ва хоналар қисми умумий ҳажми;

$Х_у$ — тураржой биносининг умумий фойдаланишдаги қисми умумий ҳажми;

$К_т$ — қурилиш тури;

$К_о$ — объект тури;

$К_з$ — ҳудудий зоналар коэффициентлари;

$К_ж$ — объект жойлашуви.

2. Йиғим миқдорини камайтирувчи ёки оширувчи коэффициентлар қуйидаги жадвалга мувофиқ ҳисобланади.

I.	**Қурилиш тури ($К_т$)**	**Коэффициент**
1.	Янги қурилиш (реновация ва (ёки) ривожланиш)	0.5
2.	Объектни реконструкция қилиш	0,4
II.	**Объект тури ($К_о$)**	
1.	Ижтимоий хусусий объектлар (ўқув марказлари, хусусий тиббиёт муассасалари ва бошқалар)	0,3
2.	Давлат улуши 50 (эллик) фоиздан ортиқ бўлган давлат ва (ёки) муниципал мулк негизида давлат ва (ёки) мулк иштирокчиси томонидан, шу жумладан, ҳамкорликда бутун мулкий комплекс миқёсида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари доирасидаги қурилиш (реконструкция қилиш) объектлари.	0,2

3.	Саноат мақсадларида фойдаланиладиган биноларни (ишлаб чиқариш бинолари, омборхоналар, саноат-синов лабораториялари бинолари ва шу кабилар) қуришга ҳар бир қавати учун 3 (уч) метр баландликдан ошмаган ўлчамда	0,1
4.	Бошқа объектлар	0.1
III.	**Ҳудудий зоналар коэффициентлари ($К_з$)**	
1.	Вилоят маркази ва шаҳарлар	0.5
2.	Вилоят маркази ва шаҳарга яқин туманлар	0.3
3.	Вилоят марказидан 30-40 км масофадаги туманлар	0.2
4.	Вилоят марказидан 50-60 км масофадаги туманлар	0.1
IV.	**Объект жойлашуви ($К_ж$)**	
1.	Марказий қатнов кўчаларидан бошқа ҳудудларда жойлашган бино ва иншоотлар	0,1

Изоҳ.

Мазкур механизм Халқ депутатлари Андижон вилояти кенгаши томонидан ҳар чоракда камида бир марта қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Реновация лойиҳасини амалга ошириш учун реновация ҳудудида бузилган бино ва иншоотлар учун компенсация сифатида бериладиган турар ва (ёки) нотурар жой бино ва иншоотлари ҳамда саноат мақсадларида фойдаланиладиган биноларни реновация ва реконструкция қилиш учун йиғим ундирилмайди.

Саноат мақсадларида фойдаланиладиган биноларни (ишлаб чиқариш бинолари, омборхоналар, саноат-синов лабораториялари бинолари ва шу кабилар) қуришга ҳар бир қавати учун энг кўпи билан 3 (уч) метр баландликкача бўлган қисми учун йиғим ундирилади.

Андижон вилоятидаги ҳудудий зоналар белгиланган тартибда Андижон вилояти ҳокими қарори билан тасдиқланади.

*IV бўлимдан бошқа ҳолатларда **$К_ж$**=0.1 деб қабул қилинади.*

QMMB: 09/26/112/0254-son
19.03.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “19” мартдаги 112-сон қарорига
3-илова

Андижон вилоятида давлат-хусусий шериклик шартларида лойиҳаларни амалга оширишнинг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Андижон вилоятида қиймати 1 миллион АҚШ долларигача эквивалентдаги тижорат мақсадида фойдаланиш имкони мавжуд бўлган давлат-хусусий шериклик шартларида лойиҳаларни амалга оширишнинг соддалаштирилган тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

давлат-хусусий шериклик (кейинги ўринларда – ДХШ) – давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришга асосланган ҳамкорлиги;

ДХШ битимини тузиш ҳуқуқининг бошланғич қиймати – баҳолаш ташкилоти томонидан аниқланадиган ДХШ объектининг ижара ҳуқуқини баҳолаш қиймати ҳамда лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш, баҳолашни амалга ошириш ва уларни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатлар қиймати йиғиндиси;

ДХШ лойиҳаси – иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни ҳал этишга қаратилган, хусусий инвестицияларни жалб этиш ва (ёки) илғор бошқарув тажрибасини жорий этиш асосида соддалаштирилган тартибда амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи;

ДХШ объекти – мазкур Низомда **1-иловада** белгиланган объектлар негизида лойиҳалаштирилиши, қурилиши, барпо этилиши, етказиб берилиши, молиялаштирилиши, реконструкция қилиниши, модернизация қилиниши, фойдаланилиши ва хизмат кўрсатилиши ДХШ лойиҳасини рўёбга чиқариш доирасида амалга ошириладиган мол-мулк, мулкий комплекслар, ижтимоий инфратузилма, ер участкалари, шунингдек, ДХШ лойиҳасини амалга ошириш жараёнида жорий этилиши лозим бўлган ишлар (хизматлар) ва инновациялар;

давлат шериги – Андижон вилоятида ишга тушириш қиймати 1 миллион АҚШ долларигача эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик шартларида лойиҳаларни амалга ошириш ваколати берилган “Андижон Инвест компанияси” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Компания);

оператор – савдо платформасида аукционни ташкил этиш ҳамда ўтказиш ваколати берилган “Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш” акциядорлик жамияти;

хусусий шерик – Ўзбекистон Республикасининг ёки чет давлатнинг қонунчилигига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган, давлат шериги билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузган якка тартибдаги тадбиркор, юридик шахс ёки юридик шахсларнинг бирлашмаси.

3. Андижон вилояти ҳокимлиги Компания таклифи асосида Халқ депутатлари Андижон вилояти ва туман (шаҳар) кенгашларида ҳамда жамоатчилик билан очиқ муҳокама қилган ҳолда Андижон вилоятида амалга ошириладиган давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг манзилли рўйхатини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиб боради.

4. Андижон вилоятида ДХШ лойиҳаси соддалаштирилган тартибда мазкур Низомга **2-иловадаги** схемага мувофиқ амалга оширилади.

5. Хусусий шерикка ДХШ битими муддати тугагандан сўнг ДХШ объекти Андижон вилоят ҳокимлигига қайтариш шарти билан узоқ муддатли ижара ҳуқуқи асосида **10 йилгача** берилади.

6. ДХШ битимини тузиш ҳуқуқининг бошланғич қиймати Компания томонидан мазкур Низомга асосан белгиланади.

7. ДХШ битимида назарда тутилмаган ҳамда қиймати 1 миллион АҚШ доллари эквивалентидан ортиқ бўлган лойиҳаларни ушбу Низомда назарда тутилган соддалаштирилган тартибда савдога чиқаришга йўл қўйилмайди.

8. Андижон вилоятида қиймати 1 миллион АҚШ долларигача эквивалентдаги ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун унинг концепцияси ва лойиҳани баҳолаш ҳужжатини ишлаб чиқиш талаб этилмайди.

2-боб. ДХШ лойиҳаси шартларини тасдиқлаш ва ДХШ битимини тузиш ҳуқуқини аукцион савдоларига чиқариш тартиби

9. ДХШ лойиҳаси мазкур Низомга **3-иловага** мувофиқ намунавий шакл асосида Компания томонидан тасдиқланган шартларда амалга оширилади. Бунда:

ДХШ лойиҳасини амалга оширишда капитал қурилмалар қурмаслик, муҳандислик тармоқларига зарар етказмаслик ва объектлар фаолиятига тўсқинлик қилмаслик шартлари кўзда тутилиши шарт;

Компания ДХШ лойиҳасини амалга ошириш бўйича шартларни Андижон вилоят ҳокимлиги ҳамда туман (шаҳар)лар ҳокимликлари, тегишли ташкилотлар ва ДХШ объектининг балансда сақловчилари билан келишган ҳолда тасдиқлайди.

10. Ер остида муҳандислик тармоқлари ўтган ёки ташқи муҳандислик тармоқлари муҳофаза зонасида жойлашган ҳудудларда капитал қурилмалар қурмаслик, муҳандислик тармоқларига зарар етказмаслик ва объектлар фаолиятига тўсқинлик қилмаслик шартлари билан давлат-хусусий шериклик лойиҳасини ваколатли органлар билан келишилган ҳолда амалга оширишга рухсат этилади.

11. ДХШ лойиҳаси шартлари ва (ёки) ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун Компания томонидан энг яхши таклифларни танлаш йўли билан лойиҳа, консалтинг ва аудиторлик ташкилотлари жалб қилиниши мумкин.

12. ДХШ объектининг ижара ҳуқуқини баҳолаш қийматини аниқлаш учун Компания томонидан энг яхши таклифларни танлаш йўли билан баҳолаш ташкилоти жалб қилинади.

13. Компания томонидан ДХШ битими лойиҳаси тайёрланади.

14. ДХШ битимида қуйидагилар назарда тутилади:

ДХШ битимининг тарафлари тўғрисидаги маълумотлар;

ДХШ битимининг предмети;

тарафларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги;

Компания ва хусусий шерик ўртасида хавф-хатарларнинг тақсимланиши;

ДХШ объектининг техник-иқтисодий кўрсаткичларга оид умумий параметрлари ва самарадорлик бўйича талаблар, шу жумладан ДХШ битимига мувофиқ ўтказилган ёки лойиҳалаштирилиши, қурилиши, барпо этилиши, молиялаштирилиши, реконструкция қилиниши, фойдаланилиши ва (ёки) хизмат кўрсатилиши лозим бўлган бошқа ДХШ объектларининг тавсифи, улардан фойдаланиш мақсадлари ва муддатлари;

ДХШ лойиҳаси билан боғлиқ бўлган ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) муддатлари ва тартиби;

тарафларнинг тегишли инфратузилмага нисбатан ва ДХШ лойиҳаси бўйича ҳуқуқлари, шунингдек, уларни бошқа шахсга ўтказиш тартиби;

ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун талаб этиладиган ДХШ объектларини хусусий шерикка бериш тартиб-таомили ва бошқа шартлари;

хусусий шерик томонидан товарларга, бажариладиган ишларга, кўрсатиладиган хизматларга доир нархларни, тарифларни белгилаш ва уларни ўзгартириш шартлари;

тарафларнинг ўз мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш усуллари, миқдорлари ва муддатлари;

ДХШ битимининг муддати ва ушбу муддатни белгилаш тартиби;

ҳақ тўлаш, эркин фойдаланилиш учун тўлов, фойдаланганлик учун тўлов, хусусий шерикнинг Компанияга тўлови ва/ёки бошқа тўловларнинг шакллари, миқдорлари, муддатлари, шартлари, уларни тўлаш тартиби, шу жумладан,
ДХШ лойиҳаси амалга оширилиши муносабати билан даромадларнинг (фойданинг) тақсимланиши;

ДХШ битимига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тартиби;

ДХШ битимини тугатиш асослари, тартиби ва шартлари, муддатидан олдин тугатилганлик учун тўлов миқдори ва тартиби;

ДХШ лойиҳасининг амалга оширилишини мониторинг ва назорат қилиш тартиби;

ДХШ лойиҳасини суғурта қилиш бўйича мажбуриятлар;

ДХШ лойиҳаси доирасида лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича мажбуриятлар;

тарафларнинг ДХШ битимига доир мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлиги;

низоларни ҳал этиш тартиби;

Ўзбекистон Республикасида ходимларни ишга олиш ва меҳнатдан фойдаланишга нисбатан қўлланиладиган шартлар тўғрисидаги ишонтиришлар ва кафолатлар;

хусусий шерикнинг улушларига эгалик қилишга нисбатан талаблар ва хусусий шерикнинг ҳамда унинг аффилланган шахсларининг мол-мулкига нисбатан бошқа мулкий ҳуқуқлар;

махфийлик;

атамалар ва уларга доир тушунтиришлар;

амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа маълумотлар.

15. Компания ДХШ битимини тузиш ҳуқуқини барча ҳужжатлар расмийлаштирилгандан сўнг “E-auksion” электрон савдо платформасининг онлайн аукцион савдосига чиқаришга буюртма беради. Бунда “E-auksion” электрон савдо платформасига юклаш учун қуйидаги ҳужжатлар операторга тақдим этилади:

ДХШ лойиҳаси шартлари;

ДХШ объектининг ижара ҳуқуқини баҳолаш бўйича баҳоловчи ташкилотнинг ҳисоботи;

Андижон вилояти ҳокимлиги билан келишилган ДХШ битими лойиҳаси Компания томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда;

мавжуд бўлганда лойиҳа ҳужжатлари.

16. ДХШ битимини тузиш ҳуқуқини савдога чиқаришда қуйидагилар кўрсатилади:

ДХШ объекти тўғрисида маълумот ва унинг жойлашуви (локацияси);

ДХШ лойиҳаси қиймати;

ДХШ битимини тузиш ҳуқуқининг бошланғич қиймати ва уни тўлаш муддатлари;

ДХШ лойиҳасини амалга ошириш шартлари;

Компания белгилаган аудиторлик ташкилоти томонидан ДХШ лойиҳасини амалга ошириш жараёнининг аудитдан ўтказилиши;

“E-auksion” электрон савдо платформаси оператори хизматига тўловларнинг аукцион ғолиби томонидан амалга оширилиши.

Бунда аукционда шаклланган ДХШ битимини тузиш ҳуқуқи нархининг **35 фоизи** бир ой ичида, қолган қисми тенг улушларда ўн икки ой давомида тўланади.

17. Аукцион савдолари натижалари бўйича ДХШ битимини тузиш ҳуқуқини реализация қилишдан тушган маблағлар Компания томонидан Андижон вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Андижон вилоятини ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади.

18. ДХШ лойиҳаси бўйича аукцион савдосини ўтказишнинг ушбу Низом билан тартибга солинмаган қисми “E-auksion” электрон савдо платформасида электрон онлайн-аукцион ва танловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартибига мувофиқ амалга оширилади.

19. Савдо натижаларига кўра, аукцион ғолиби деб топилган шахсга Компания томонидан бир томонлама қўшимча мажбуриятларни юклашга йўл қўйилмайди.

3-боб. ДХШ лойиҳаларининг реестрини юритиш, амалга оширилишини мониторинг қилиш ва ҳисоботни тақдим этиш тартиби

20. ДХШ битими икки томонлама электрон рақамли имзо билан тасдиқлангандан кейин уч календарь куни мобайнида Компания расмий тартибда уч нусхадан иборат ДХШ битимининг электрон ва қоғоз кўринишдаги нусхаларини ваколатли давлат органига ДХШ лойиҳаларининг реестрига киритиш учун тақдим қилади.

21. ДХШ лойиҳаси реестрга олингандан сўнг 5 иш куни мобайнида Компаниянинг расмий веб-сайтига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси очиқ маълумотлар порталига (www.data.gov.uz) жойлаштирилади.

22. ДХШ лойиҳасининг реестрида жамланган маълумотлари ва ахборотларидан фойдаланиш ҳеч қандай тўловларсиз амалга оширилади.

23. Компания ДХШ лойиҳаси бажарилиши ва ДХШ битими шартларига риоя этилиши нуқтаи назаридан мониторингни амалга оширади.

24. Компаниянинг заруратга кўра, жойларда мониторинг амалга оширилиши учун ДХШ объектига кириши ва тегишли ҳужжатлардан фойдаланиши таъминланади.

25. Мониторинг ўтказиш учун Компания вазирлик, идора ва консалтинг компанияларидан мутахассисларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

26. Мониторинг қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

лойиҳани ўз вақтида ва самарали амалга оширишни таъминлаш;

ДХШ лойиҳасининг молиявий-иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари бажарилишини ўрганиш;

лойиҳани амалга оширишнинг барча босқичларида тўсқинлик қилаётган факторларни аниқлаш ва ўрганиш, бартараф этиш бўйича ҳамкорликда тезкор чоралар кўриш;

тасдиқланган муддатлар ва ҳажмларга мувофиқ равишда лойиҳаларни ўз вақтида молиялаштиришни таъминлаш устидан назорат ўрнатиш;

ДХШ лойиҳаси бўйича олинган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш.

27. ДХШ лойиҳасининг амалга оширилиши тўғрисидаги ҳисобот Компанияга хусусий шерик томонидан имзоланган ва тасдиқланган ҳолда ҳар олти ойда тақдим этилади. Бунда ҳисобот шакллари Компания томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

28. Хусусий шерик ҳисоботларнинг ўз вақтида тақдим этилиши, тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги учун жавобгардир.

29. Компания хусусий шерик томонидан тақдим қилинган ҳисоботларни умумлаштиради ҳамда якуни бўйича маълумотларни Андижон вилояти ҳокимлигига тақдим этади.

30. ДХШ лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги маълумотлар Компаниянинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

4-боб. Якунловчи қоида

31. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

QMMB: 09/26/112/0254-son
19.03.2026-y.

Андижон вилоятида давлат-хусусий шериклик
шартларида лойиҳаларни амалга оширишнинг
соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги
низомга
1-илова

Андижон вилоятида давлат-хусусий шериклик лойиҳалари соддалаштирилган тартибда амалга оширилиши мумкин бўлган объектлар
РЎЙХАТИ

1. Маданият ва истироҳат боғлари
2. Хиёбонлар
3. Сайилгоҳлар
4. Бульварлар
5. Аллеялар
6. Дарё, канал ва очиқ коллекторларнинг қирғоқ ҳудудлари
7. Кўприк ва йўл ўтказгичлар остидаги ҳудудлар
8. Ер ости пиёдалар ўтиш жойлари
9. Йўлнинг қатнов қисми орасидаги ҳудудлар
10. Автотураргоҳлар
11. Автомобиль йўллари
12. Паркоматлар
13. Бўш турган ер участкалари
14. Фойдаланилмаётган ёки кам қувватда фойдаланилаётган бино ва иншоотлар
15. Қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотлар

Андижон вилоятида давлат-хусусий шериклик шартларида лойиҳаларни амалга оширишнинг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги низомга 2-илова

Андижон вилоятида давлат-хусусий шериклик лойиҳасини соддалаштирилган тартибда амалга ошириш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Компания	1. ДХШ лойиҳасини амалга ошириш шартларини ишлаб чиқади. 2. Шартларни белгиланган тартибда тасдиқлайди. 3. ДХШ объектининг ижара ҳуқуқини баҳолаш учун баҳолаш ташкилотини жалб қилади. 4. ДХШ битими лойиҳасини тайёрлайди.	Заруратга кўра
2-босқич	Компания	ДХШ битимини тузиш ҳуқуқини барча ҳужжатлар илова қилинган ҳолда “E-auksion” электрон савдо платформасининг онлайн аукцион савдосига чиқаришга буюртма беради.	Заруратга кўра
3-босқич	“Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш” АЖ	Аукцион ўтказилиши тўғрисидаги хабарномани савдо платформасида эълон қилади.	Буюртмани олган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай
4-босқич		“E-auksion” электрон савдо платформасида электрон онлайн аукцион савдоларини ташкил этади ва ўтказади.	30 кун муддатда
5-босқич	Талабгорлар	“E-auksion” электрон савдо платформасида электрон онлайн аукцион савдоларида иштирок этиш учун таклифларни киритади.	Белгиланган муддатда
6-босқич	“Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш” АЖ	Аукцион ғолибини аниқлайди ва тегишли баённома билан расмийлаштиради.	Аукцион эълони тугагандан кейинги иш кунидан кечиктирмай

7-босқич	Компания	1. ДХШ лойиҳалари бўйича ДХШ битимини реестрга киритади. 2. ДХШ лойиҳасини Компаниянинг расмий веб-сайтига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси очиқ маълумотлар порталига (www.data.gov.uz) жойлаштиради. 3. ДХШ лойиҳаси бажарилишини ва ДХШ битими шартларига риоя этилишини мониторинг қилади.	3 иш куни мобайнида 5 иш куни мобайнида Заруратга кўра
8-босқич	Хусусий шерик	ДХШ лойиҳасининг амалга оширилиши тўғрисидаги ҳисоботни Компанияга тақдим қилади.	Ҳар 6 ойда
9-босқич	Компания	Хусусий шерик томонидан тақдим қилинган ҳисоботларни умумлаштиради ҳамда якуни бўйича маълумотларни Андижон вилоят ҳокимлигига тақдим этади.	

QMMB: 09/26/112/0254-son
19.03.2026-y.

Андижон вилоятида давлат-хусусий шериклик шартларида лойиҳаларни амалга оширишнинг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги низомга 3-илова

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Андижон Инвест компанияси” акциядорлик жамияти бошқарув раиси

_____ _____
(Имзо) *(Ф.И.О)*

20__ йил «___» _____

Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш шартларининг НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

I. Лойиҳа тавсифи

Лойиҳанинг номи _____
Тармоқ номи _____
Лойиҳа тури _____
Лойиҳа амалга ошириладиган жой (манзил) _____
_____

II. Дастлабки танлов натижалари

ДХШ лойиҳаси ҳақида маълумот ва лойиҳани амалга ошириш учун тасдиқловчи ҳужжатлар	
1.	
2.	
3.	
...	

III. ДХШ лойиҳасининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари

1.	ДХШ лойиҳасининг “E-auksion” электрон савдо платформасида электрон онлайн аукцион савдосига қўйиладиган бошланғич қиймати	а) ер участкасини баҳоловчи ташкилот томонидан баҳоланган бошланғич қиймат _____ минг сўм, ёки _____ АҚШ доллари
		б) ижарага бериладиган мол-мулкнинг тасдиқланган бошланғич ижара қиймати _____ минг сўм, ёки _____ АҚШ доллари
2.	ДХШнинг амал қилиш муддати ___ йил Аниқ маълумот бўлмаса, оралиқ муддатни белгиланг: 3–10 □ 11–20 □ 21–30 □ 31–49 □	ДХШ лойиҳасини амалга ошириш муддати ___ йил Аниқ маълумот бўлмаса, оралиқ муддатни белгиланг: 3–10 □ 11–20 □ 21–30 □ 31–49 □
3.	Лойиҳага киритиладиган инвестиция маблағлари _____ минг сўм, ёки _____ АҚШ доллари	Лойиҳанинг йиллик эксплуатация харажатлари _____ минг сўм, ёки _____ АҚШ доллари

QMMB: 09/26/112/0254-son
19.03.2026-y.

IV. ДХШ лойиҳасининг асосий самарадорлик (KPI) кўрсаткичлари

1.	Янги иш ўринларини яратиш	____та
2.	Давлат бюджети маблағларини иқтисод қилиш	_____ млн сўм
3.	Энергия (электр, газ, сув) сарфини тежаш	_____ кВт _____ $м^3$
4.	Замонавий технологияларни жорий қилиш	*(батафсил маълумот)*
5.	Инновацияларни жорий қилиш	*(батафсил маълумот)*
6.	Бошқа кўрсаткичлар	*(батафсил маълумот)*

QMMB: 09/26/112/0254-son
19.03.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “19” мартдаги 112-сон қарорига
4-илова

Андижон вилоятида шаҳарсозлик реновация лойиҳаларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Андижон вилоятида “Андижон Инвест компанияси” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Компания) томонидан Андижон вилоятида шаҳарсозлик реновация лойиҳаларини амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Мазкур низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

нотурар жой – турар жойлар сирасига кирмайдиган, шу жумладан, турар жойларга туташ ва (ёки) турар жойнинг таркибий қисми бўлган бино ва иншоотлар;

шаҳарсозлик реновация – аҳоли учун қулай яшаш муҳитини шакллантириш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида, авария ҳолатидаги мавжуд яроқсиз деб топилган, шу жумладан, ижтимоий ва муҳандислик-транспорт инфратузилмалари эскирган, эксплуатация муддати ўтган, яроқсиз ҳолга келган турар ва нотурар жойларни ҳамда яроқли турар ва нотурар жойларни замонавий талабларга мувофиқ қайта қуриш, капитал таъмирлаш, реконструкция қилишга қаратилган ва амалга ошириладиган интенсив қурилиш тадбирлари мажмуи (кейинги ўринларда – реновация);

шаҳарсозлик реновация лойиҳаси – Компания томонидан Андижон вилояти ҳокимлиги ҳамда кўчмас мулк мулкдорлари билан келишилган ҳолда, шу жумладан, Андижон вилоятида ташкил этиладиган техник ҳолатни аниқлаш комиссиялари хулосалари асосида алоҳида ёки бир-бирига қўшни бўлган икки ва ундан ортиқ турар ва нотурар жойларда бош режага асосан табиатга зарар етказмаган ҳолда амалга ошириладиган лойиҳалар (кейинги ўринларда – реновация лойиҳаси).

3. Реновация лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 февралдаги ПФ–26-сон Фармонида белгиланган талабларга мувофиқ қуйидаги асослардан бири ёки барчаси мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади:

реновация ҳудудида жойлашган турар ва нотурар жой объектлари эскирган ёки яшаш, фойдаланиш, ишлатиш учун яроқсиз бўлиб, авария ҳолига келиб қолганлиги, ҳудуд аҳолисининг ижтимоий ҳаётига жиддий таъсир қиладиган ҳолатларнинг мавжудлиги;

фавқулодда ҳолатларда Фавқулодда ҳолат режимини таъминлаш бўйича давлат комиссияси хулосалари асосида реновация лойиҳасини амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб топилган тақдирда;

Андижон вилоятида реновация лойиҳаларини амалга оширишга доир Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинганда;

Андижон вилоятининг тасдиқланган бош режаси ва туман (шаҳар) ҳудуди қисмларининг батафсил режалаштириш лойиҳалари (мастер режалар)га асосан реновация лойиҳасини амалга ошириш назарда тутилган тақдирда.

4. Реновация лойиҳаси қуйидаги шартлар бажарилган ҳолда амалга оширилади:

а) реновация лойиҳаси амалга ошириладиган реновация ҳудудининг аниқ чегараси аҳоли пунктларининг бош режаларига мувофиқ Андижон вилояти ҳокимининг тегишли қарори билан белгиланади;

б) реновация лойиҳаси амалга ошириладиган реновация ҳудудида қурилиш зарур бўлган ижтимоий инфратузилма объектлари белгиланади;

в) Компания буюртмасига асосан Кадастр агентлигининг Андижон вилояти бошқармаси томонидан реновация лойиҳаси амалга ошириладиган реновация ҳудудида янги қурилиш олиб борилиши режалаштирилаётган ер участкаларининг чегараларига тузатишлар киритилади;

г) турар ва (ёки) нотурар жой объекти бузилиши талаб этилганда, уларнинг мулкдорлари розилиги мавжуд бўлган тақдирда, бузилаётган объектлар ўрнига ушбу объектлар бузилаётган ҳудуддан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда уларнинг майдонидан кам бўлмаган майдон ҳажмида, аммо унинг майдонидан 1,2 баравардан ортиқ бўлмаган ҳажмда нотариал тартибда тасдиқланган келишув битими асосида мутаносиб турар ва (ёки) нотурар жой объекти билан беғараз таъминланади ёхуд мулкдорларнинг хоҳишига кўра бошқа турдаги компенсация тўланиши тартиби ва муддатлари белгиланади;

д) реновация ҳудудидаги хонадонлар мулкдорларига янги қурилган турар жойлардаги хонадонлар берилаётганда, мазкур мулкдорларга янги хонадонлар топширилгунга қадар уларнинг оила аъзолари билан бирга вақтинча яшаши учун турар жой билан таъминланади ёки ижара ҳақи тўлаб берилади;

е) бузилиши талаб этилган турар ва (ёки) нотурар жой объекти юзасидан мулкдорларнинг ипотека мажбуриятлари мавжуд бўлган тақдирда, мулкдорларга ушбу объектлар бузилаётган ҳудуддан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда нотариал тартибда тасдиқланган келишув битими асосида мутаносиб равишда тақдим этиладиган

янги турар ва (ёки) нотурар жой объектига нисбатан мулкдорларнинг ушбу ипотека мажбуриятлари ва шартлари ўзгартирилмасдан сақлаб қолинади;

ж) реновация лойиҳаси доирасида янги қуриладиган турар ва нотурар жойлар эгаллаган майдон ҳажмининг (автотураргоҳ қисми ва реновация ҳудудида жойлашган эскирган уйлардаги хонадонлар мулкдорларига бериладиган хонадонлар майдони бундан мустасно) ҳар бир куб метри учун тасдиқланган миқдордаги тўловлар реновация лойиҳасини амалга оширишга доир тегишли инвестиция шартномасида белгиланган муддатларда тўланади;

з) зарурат мавжуд бўлган тақдирда, турар жойлар уй-жой фондидан чиқарилади;

и) зарурат мавжуд бўлган тақдирда, турар ва нотурар жойлар ихтисослиги ўзгартирилади;

к) реновация лойиҳаси ҳудудида мавжуд мактабгача таълим ва умумий ўрта таълим мактабларида таҳсил олаётган болалар ҳамда ўқувчилар бошқа тегишли мактабгача таълим ва умумий ўрта таълим мактабларига навбатсиз жойлаштирилади;

л) реновация лойиҳасини амалга ошириш даврида ҳудуддаги жойларни бузишда давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарнинг қимматбаҳо навларини кесиш, кундаков қилиш, шикастлантириш ёки йўқ қилишга йўл қўйилмайди;

м) реновация лойиҳаси доирасида қурилиш ишларини амалга ошириш учун тадбиркорлик субъектларига мазкур бандга мувофиқ реновация ҳудудида жойлашган турар ва нотурар жойларни қуйидагилар асосида белгиланган тартибда бузишга рухсат берилади:

уларнинг мулкдорлари билан нотариал тартибда имзоланган битимлар;

Андижон вилоятида ташкил этиладиган Уй ёки турар жойнинг техник ҳолатини аниқлаш комиссияларининг тегишли хулосалари;

суд қарори.

5. Реновация лойиҳаси мазкур Низомга иловада келтирилган Реновация лойиҳасини амалга ошириш схемасига мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Реновация лойиҳасини ташаббус қилиш ва амалга ошириш тартиби

6. Реновация лойиҳаси Компания томонидан мустақил равишда, шунингдек, инвесторларни жалб қилган ҳолда, Ер участкалари негизида “Андижон Инвест компанияси” АЖ ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Инвесторни танлаб олиш натижасида Компания ва аукцион ғолиби ўртасида тегишли инвестиция шартномаси тузилади.

7. Реновация ҳудудида реновация лойиҳасини амалга ошириш учун барча мулкдорларнинг нотариал тартибда тасдиқланган ёзма розилиги олинган ёки реновация лойиҳаси қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз эллик минг бараваридан ошмаган ҳолатларда Компания ер участкасига ижара ҳуқуқини бериш учун электрон онлайн-аукцион ўтказмасдан, энг яхши таклифларни танлаб олиш орқали реновация лойиҳасини амалга ошириш юзасидан ҳамкорни танлаб олиш ваколатига эга.

Реновация лойиҳасини ташаббус қилиш ва тасдиқлаш тартиби Халқ депутатлари Андижон вилояти кенгаши томонидан белгиланади.

Энг яхши таклифлар асосида реновация лойиҳасини амалга ошириш учун ҳамкорни танлаб олиш натижасида Компания ва ҳамкор ўртасида тегишли инвестиция шартномаси имзоланади.

8. Реновация лойиҳасини амалга ошириш бошланишидан камида бир ой олдин Компания:

кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларга доир тегишли ёзувларни давлат реестрига киритиш учун Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатасининг тегишли туман филиалига;

коммунал тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китоб қилиш учун коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарига;

уйларни сақлаш харажатлари юзасидан мажбурий бадал ва тўловлардан мулкдорларнинг қарздорлиги бўйича қайта ҳисоб-китоб қилиш учун кўп квартирали уйларни бошқариш органларига;

тегишли солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китоб қилиш учун солиқ органларига хабарнома юборади.

9. Реновация лойиҳаси ҳудудида қурилиш ва (ёки) реконструкция қилиш ишларини бажариш, қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни белгилаш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

3-боб. Реновация лойиҳаси натижасида қурилган объектларни фойдаланишга қабул қилиш ҳамда тегишлича мулкдорларга ажратиш

10. Реновация лойиҳасини амалга оширувчи инвестор ёки Компания ўз номига давлат рўйхатидан ўтказилган фойдаланишга қабул қилинган уй-жойларни тегишлича мулкдорларга шартномага мувофиқ янги уй-жойни топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида ажратиб беради.

Янги уй-жойни топшириш-қабул қилиш далолатномаси ушбу уй-жойга мулк ҳуқуқининг вужудга келишини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади ҳамда ушбу уй-жойларни мулкдор номига қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказишга асос ҳисобланади.

Реновация ҳудудида кўп квартирали уй-жойлар қурилиш ишлари якунланганидан сўнг уч ой муддатда кўп квартирали уй-жойлар мулкдорларига мазкур уй-жойлар эгаллаган ва уларга туташ ҳудудлар доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилади.

11. Шартнома бўйича мажбуриятлардан ортган уй-жойлар инвестор томонидан мустақил тасарруф этилади.

4-боб. Якунловчи қоида

12. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

QMMB: 09/26/112/0254-son
19.03.2026-y.
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

Андижон вилоятида реновация лойиҳаларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга илова

Реновация лойиҳасини амалга ошириш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси, Андижон вилояти ҳокимлиги, мулкдорлар, кўп квартирали уйлар бошқарув органлари, Идоралараро махсус комиссия, Компания	Реновация лойиҳасини ташаббус қилади.	Ўз хоҳишига кўра
2-босқич	Компания	1. Реновация лойиҳаси юзасидан инвестиция лойиҳасини тайёрлайди. 2. Инвестиция лойиҳаси лотини шакллантиради ва лотни “E-auksion” электрон савдо платформасига жойлаштиради.	Белгиланган муддатларда
3-босқич	Инвестор	1. Хўжалик жамияти устав капиталида иштирок этиш орқали инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда аукцион савдоларида иштирок этади ва ғолиб бўлган тақдирда, Компания билан “E-auksion” савдоси ғолиби сифатида тегишли шартномани имзолайди. 2. Оддий ширкат шартномаси асосида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда аукцион савдоларида иштирок этади ва ғолиб бўлган тақдирда, лот қийматининг камида 10 фоизини закалат пули сифатида киритади. 3. Компания билан “E-auksion” аукцион савдоси ғолиби сифатида тегишли шартномани имзолайди.	Белгиланган муддатларда
4-босқич	Компания ва (ёки) инвестор	1. Компания томонидан мустақил равишда ёки инвестор билан ҳамкорликда лойиҳа амалга оширилади. 2. Қурилиши (реконструкцияси) якунланган кўчмас мулк объектини фойдаланишга топширади.	Ўрнатилган тартибда

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ

QMMB: 10/26/2166-10/0246-son
17.03.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2166-10
2026 - yil 16 - Mart

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING BUYRUG‘I

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi huzuridagi Oliy malaka komissiyasi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida

O‘zbekiston Respublikasining “Notariat to‘g‘risida”gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 13-apreldagi PQ–3666-son “O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi faoliyatini yanada takomillashtirishga doir tashkiliy chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi va 2025-yil 9-sentabrdagi PQ–280-son “Notariat institutini yanada rivojlantirish hamda sohaga zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy etishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarorlariga muvofiq buyuraman:

1. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2010-yil 21-dekabrdagi 304-mh-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2166, 2010-yil 21-dekabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2010-y., 51-son, 499-modda) bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi huzuridagi Oliy malaka komissiyasi to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq 2026-yil 1-apreldan boshlab kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 16-mart
11-mh-son

TASHKULOV AKBAR
DJURABAYEVICH

QMMB: 10/26/2166-10/0246-son
17.03.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi adliya
vazirining 2026-yil 16-martdagi
11-mh-son buyrug‘iga
ILOVA

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi huzuridagi Oliy malaka komissiyasi to‘g‘risidagi nizomga kiritilayotgan o‘zgartirish va qo‘shimchalar

1. Muqaddimadagi “31” raqami “3^1” raqami bilan almashtirilsin.

2. 1-banddagi “davlat notarial idorasi notariusini lavozimiga tayinlash bo‘yicha tanlov va xususiy notarial faoliyat bilan shug‘ullanish huquqini beruvchi litsenziya berish bo‘yicha malaka imtihonini” degan so‘zlar “notariuslikka talabgorlar uchun yagona tanlovni” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

3. 2-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Notariuslikka talabgorlar uchun yagona tanlovni o‘tkazishda hamda notarius qasamyodini qabul qilishda Notariuslikka talabgorlar uchun yagona tanlov o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomda (ro‘yxat raqami 3773, 2026-yil 11-fevral) tartibga solinmagan qismi bo‘yicha mazkur Nizom qoidalari qo‘llaniladi.”.

4. 9-bandning ikkinchi xatboshisidagi “Notariat, advokatura va huquqiy xizmatlar boshqarmasining soha” degan so‘zlar “Notariat, advokatura va mediatsiya boshqarmasining notariat sohasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

5. 10-bandning to‘rtinchi xatboshisidagi “davlat notarial idorasi notariusini lavozimiga tayinlash bo‘yicha tanlov va xususiy notarial faoliyat bilan shug‘ullanish huquqini berish bo‘yicha malaka imtihonida” degan so‘zlar “notariuslikka talabgorlar uchun yagona tanlovda” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

6. 14-bandda:

quyidagi tahrirdagi o‘ninchi xatboshi bilan to‘ldirilsin:

“notarius lavozimida bo‘lishning eng yuqori yosh chegarasini oltmish besh yoshdan yetmish yoshga uzaytirish to‘g‘risidagi murojaatlarni ko‘rib chiqish;”;

o‘ninchi xatboshi tegishli ravishda o‘n birinchi xatboshi deb hisoblansin.

7. Quyidagi tahrirdagi IV^1 bob bilan to‘ldirilsin:

“IV[1]. Notarius lavozimida boʻlishning eng yuqori yosh chegarasini oltmish besh yoshdan yetmish yoshga uzaytirish toʻgʻrisidagi murojaatlarni koʻrib chiqish

23[1]. Notarius lavozimida boʻlishning eng yuqori yosh chegarasini oltmish besh yoshdan yetmish yoshga uzaytirish istagidagi notarius bu haqda Oliy malaka komissiyasiga bevosita yoki adliya boshqarmalari orqali yozma yoki elektron shaklda murojaat qilishi mumkin.

Bunda ushbu notarius oltmish besh yoshga toʻlgan kundan boshlab bir oy muddat ichida murojaat qilishi lozim.

Oliy malaka komissiyasiga kelib tushgan murojaat Oʻzbekiston Respublikasi Adliya vazirligi devonxonasidan roʻyxatdan oʻtkaziladi hamda Oliy malaka komissiyasining navbatdagi majlisida koʻrib chiqiladi.

Murojaat Oliy malaka komissiyasining navbatdagi majlisida koʻrib chiqiladi.

Murojaat qilgan notariusga suhbat oʻtkazilish kuni haqida ishchi organ tomonidan komissiya majlisi oʻtkazilishidan kamida besh kun oldin yozma yoki elektron shaklda xabar qilinadi.

23[2]. Oliy malaka komissiyasi tomonidan murojaat qilgan notarius bilan suhbat oʻtkaziladi.

Suhbat davomida notariusdan faoliyatini yetmish yoshga qadar davom ettirish haqidagi oʻz qarorining mohiyatini toʻliq anglayotganligi (bunga qarori qat’iyligi), shuningdek sogʻligʻining holati qoniqarliligi haqida soʻraladi.

Bunda notarius faoliyatini yetmish yoshga qadar davom ettirish haqidagi qarorining mohiyatini toʻliq anglayotganligini (qarori qat’iyligini) bildirsa hamda sogʻligʻining holati qoniqarliligi boʻyicha Oliy malaka komissiyasi a’zolarida shubha tugʻilmasa, Oliy malaka komissiyasi notarius faoliyatini yetmish yoshgacha davom ettirishi mumkinligi haqida qaror qabul qiladi. Agar notariusning sogʻligʻi holati boʻyicha komissiya a’zolarida shubha paydo boʻlsa, qaror qabul qilish navbatdagi majlisga qoldirilib, ishchi organ tomonidan notariusning sogʻligʻi holatini aniqlash maqsadida Sogʻliqni saqlash vazirligi tizimidagi tegishli tibbiyot muassasasidan soʻrov yuborgan holda tibbiy ma’lumot olinadi.

Tibbiy ma’lumotga koʻra notariusning sogʻligʻi holati qoniqarli boʻlsa, Oliy malaka komissiyasining navbatdagi majlisida notarius faoliyatini yetmish yoshgacha

davom ettirishi mumkin yoki aksincha bo‘lsa, mumkin emasligi yuzasidan qaror qabul qilinadi.

23^3. Qaror qabul qilish ovoz berish yo‘li bilan majlisda qatnashgan komissiya a’zolarining ko‘pchilik ovozi asosida qabul qilinadi.

Ovoz berish natijasiga ko‘ra komissiya a’zolarining kamida uchdan ikki qismi notarius faoliyatini yetmish yoshgacha davom ettirishi mumkin deb hisoblagan taqdirda, notarius o‘z faoliyatini yetmish yoshgacha davom ettirishi mumkin deb topiladi.

Komissiya a’zolarining uchdan ikki qismidan kam ovoz olgan notarius faoliyatini yetmish yoshgacha davom ettirishi mumkin emas deb topiladi.

Ovozlar teng bo‘lganda, komissiya raisining ovozi hal qiluvchi hisoblanadi.

Oliy malaka komissiyasining qarori komissiya majlisi yakunida notariusga e’lon qilinadi.

23^4. Oliy malaka komissiyasining qaroridan ko‘chirma notariusga va tegishli adliya boshqarmasiga yuboriladi.

Adliya boshqarmasi tomonidan notariusning lavozimda bo‘lish yoshi uzaytirilganligi to‘g‘risidagi ma’lumotlar Notariatning yagona avtomatlashtirilgan axborot tizimiga kiritiladi.

23^5. Tegishli adliya boshqarmasi Oliy malaka komissiyasining qarori kelib tushgan kundan boshlab uch kun ichida uni ijro qiladi va bu haqida notariusni yozma yoki elektron shaklda xabardor qiladi.”.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3788
2026 - yil 16 - Mart

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING

BUYRUG'I

Davlat boshqaruvi tizimi takomillashtirilishi munosabati bilan vazirlik va idoralar tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida

O‘zbekiston Respublikasining 2025-yil 27-noyabrdagi O‘RQ–1099-son “Litsenziyalash, ruxsat berish va xabardor qilish tartib-taomillari yanada takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 18-noyabrdagi PF–217-son “Ekologiya va turizm sohalarida aholi talablariga tezkor javob bera oladigan boshqaruv tizimini yaratish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi va 2025-yil 19-noyabrdagi PF–219-son “O‘zbekiston Respublikasida uy-joy va ipoteka bozorini barqaror rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmonlari hamda 2025-yil 18-noyabrdagi PQ–343-son “O‘zbekiston Respublikasi Ekologiya va iqlim o‘zgarishi milliy qo‘mitasi faoliyatini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq buyuraman:

1. Vazirlik va idoralar tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 13-mart
9-mh-son

TASHKULOV AKBAR
DJURABAYEVICH

O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining
2026-yil 13-martdagi 9-mh-son buyrug‘iga
ILOVA

Vazirliklar va idoralar tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga kiritilayotgan o‘zgartirishlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Tabiatni muhofaza qilish davlat qo‘mitasi, Qishloq va suv xo‘jaligi vazirligi, Moliya vazirligining 2006-yil 27-noyabrdagi 11-1481, 10/8 va 91-son qarori (ro‘yxat raqami 1647, 2006-yil 25-dekabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2006-y., 51-52-son, 522-modda) bilan tasdiqlangan Boshoqli don ekinlari somonini yoqib yuborilishi natijasida yetkaziladigan zararni aniqlash hamda ushbu holatlarni sodir etgan yuridik va jismoniy shaxslarga nisbatan jarimalar qo‘llash bo‘yicha nizomda:

1) 1-banddagi “ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish davlat organlari” degan so‘zlar “ekologiya va iqlim o‘zgarishi organlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

2) 7-band va 9-bandning to‘rtinchi xatboshisidagi “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligi” degan so‘zlar “Ekologiya va iqlim o‘zgarishi milliy qo‘mitasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

3) 8-banddagi “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligi davlat inspektorlari” degan so‘zlar “Ekologiya va iqlim o‘zgarishi milliy qo‘mitasi davlat ekologiya inspektorlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. O‘zbekiston Respublikasi Parvozlar xavfsizligini nazorat qilish davlat inspeksiyasi boshlig‘ining 2007-yil 12-sentabrdagi 141-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1723, 2007-yil 29-sentabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2007-y., 41-42-son, 420-modda) bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi samoviy hududida fuqaro va eksperimental aviatsiyasining parvoz qilish aviatsiya qoidalarining (O‘zR AQ-91) 555-bandidagi “ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish organlarining” degan so‘zlar “ekologiya va iqlim o‘zgarishi organlarining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

3. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2007-yil 5-noyabrdagi M-44-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1754, 2007-yil 27-dekabr)

(Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2007-y., 52-son, 545-modda) bilan tasdiqlangan Vino ishlab chiqarish xodimlari uchun mehnat muhofazasi qoidalarida:

1) 225-banddagi “Energetika vazirligi huzuridagi Elektr energiyasi, neft mahsulotlari va gazdan foydalanishni nazorat qilish inspeksiyasi” degan soʻzlar “Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Elektr energiyasi, neft mahsulotlari va gazdan foydalanishni nazorat qilish inspeksiyasi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

2) 600-banddagi “Energetika vazirligi huzuridagi Elektr energiyasi, neft mahsulotlari va gazdan foydalanishni nazorat qilish inspeksiyasining” degan soʻzlar “Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Elektr energiyasi, neft mahsulotlari va gazdan foydalanishni nazorat qilish inspeksiyasining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

4. Oʻzbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2007-yil 5-noyabrdagi M-45-son buyrugʻi (roʻyxat raqami 1755, 2007-yil 27-dekabr) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2007-y., 52-son, 546-modda) bilan tasdiqlangan Spirt va likyor-aroq ishlab chiqarish xodimlari uchun mehnat muhofazasi qoidalarida:

1) 218-bandning ikkinchi xatboshisidagi “Energetika vazirligi huzuridagi Elektr energiyasi, neft mahsulotlari va gazdan foydalanishni nazorat qilish inspeksiyasi” degan soʻzlar “Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Elektr energiyasi, neft mahsulotlari va gazdan foydalanishni nazorat qilish inspeksiyasi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

2) 502-banddagi “Energetika vazirligi huzuridagi Elektr energiyasi, neft mahsulotlari va gazdan foydalanishni nazorat qilish inspeksiyasining” degan soʻzlar “Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Elektr energiyasi, neft mahsulotlari va gazdan foydalanishni nazorat qilish inspeksiyasining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

5. Oʻzbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi, Oliy sudi, Milliy xavfsizlik xizmati, Ichki ishlar vazirligi, Adliya vazirligi, Mudofaa vazirligi, Davlat bojxona qoʻmitasi, Davlat soliq qoʻmitasining 2010-yil 22-oktabrdagi 14-q/q, Q-87, 100, 17, 16, 7, 01-02/22-22, 2010-41-son qarori (roʻyxat raqami 2174, 2010-yil 29-dekabr) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2010-y., 52-son, 529-modda) bilan tasdiqlangan Tergovga qadar tekshiruv, surishtiruv, dastlabki tergov va sud muhokamasi davomida ashyoviy dalillar, moddiy qimmatliklar va boshqa mol-mulkni olib qoʻyish (qabul qilish), hisobga olish, saqlash, berish, sotish, qaytarish, yoʻq qilib tashlash tartibi

to‘g‘risidagi y o‘riqnomaning 35-bandi uchinchi xatboshisidagi “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligi” degan so‘zlar “Ekologiya va iqlim o‘zgarishi milliy qo‘mitasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

6. O‘zbekiston Respublikasi Tabiatni muhofaza qilish davlat qo‘mitasining 2012-yil 5-yanvardagi 3-son qarori (ro‘yxat raqami 2325, 2012-yil 6-fevral) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2012-y., 6-son, 67-modda) bilan tasdiqlangan Muhofaza etiladigan tabiiy hududlarni boshqarish rejalarini ishlab chiqish tartibi to‘g‘risidagi nizomda:

1) 2-banddagi “Qoraqalpog‘iston Respublikasi Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligi, Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligi viloyatlar va Toshkent shahar boshqarmalari” degan so‘zlar “Qoraqalpog‘iston Respublikasi Ekologiya va iqlim o‘zgarishi qo‘mitasi, viloyatlar va Toshkent shahar Ekologiya va iqlim o‘zgarishi bosh boshqarmalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

2) 6-banddagi “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligi, Qoraqalpog‘iston Respublikasi Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligi, Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligi viloyatlar va Toshkent shahar boshqarmalari” degan so‘zlar “Ekologiya va iqlim o‘zgarishi milliy qo‘mitasi, Qoraqalpog‘iston Respublikasi Ekologiya va iqlim o‘zgarishi qo‘mitasi, viloyatlar va Toshkent shahar Ekologiya va iqlim o‘zgarishi bosh boshqarmalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

7. O‘zbekiston Respublikasi Tabiatni muhofaza qilish davlat qo‘mitasi va Ichki ishlar vazirligining 2012-yil 29-martdagi 3, 9-son qarori (ro‘yxat raqami 2368, 2012-yil 22-may) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2012-y., 21-son, 240-modda) bilan tasdiqlangan Qarovsiz qolgan hayvonlarni otib tashlash tartibi to‘g‘risidagi y o‘riqnomada:

1) 8-bandning “a” kichik bandidagi “ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish davlat inspektorlari” degan so‘zlar “davlat ekologiya inspektorlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

2) 12-banddagi “va ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish organlarining” degan so‘zlar “hamda ekologiya va iqlim o‘zgarishi organlarining” degan so‘zlar bilan

almashtirilsin;

3) 26-bandning o‘n ikkinchi xatboshisidagi “va ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi organlari” degan so‘zlar “hamda ekologiya va iqlim o‘zgarishi organlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

4) 32-banddagi “ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi organlari (Qoraqalpog‘iston Respublikasi Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligi, viloyatlar va Toshkent shahar Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligi boshqarmalari)” degan so‘zlar “ekologiya va iqlim o‘zgarishi organlari (Qoraqalpog‘iston Respublikasi Ekologiya va iqlim o‘zgarishi qo‘mitasi, viloyatlar va Toshkent shahar Ekologiya va iqlim o‘zgarishi bosh boshqarmalari)” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

5) 44-banddagi “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligi” degan so‘zlar “Ekologiya va iqlim o‘zgarishi milliy qo‘mitasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

6) 47-banddagi “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligiga” degan so‘zlar “Ekologiya va iqlim o‘zgarishi milliy qo‘mitasiga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

7) 48-bandning ikkinchi xatboshisidagi “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligi” degan so‘zlar “Ekologiya va iqlim o‘zgarishi milliy qo‘mitasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

8. O‘zbekiston Respublikasi Tabiatni muhofaza qilish davlat qo‘mitasi va Ichki ishlar vazirligining 2012-yil 18-maydagi 5, 18-son qarori (ro‘yxat raqami 2373, 2012-yil 21-iyun) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2012-y., 25-son, 282-modda) bilan tasdiqlangan Aholi punktlarida yovvoyi hayvonlarni saqlash qoidalarida:

1) 7-banddagi “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligi” degan so‘zlar “Ekologiya va iqlim o‘zgarishi milliy qo‘mitasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

2) 9-banddagi “ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi organlarida” degan so‘zlar “ekologiya va iqlim o‘zgarishi organlarida” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

3) 10-banddagi “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim oʻzgarishi vazirligining” va “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim oʻzgarishi vazirligiga” degan soʻzlar tegishli ravishda “Ekologiya va iqlim oʻzgarishi milliy qoʻmitasining” hamda “Ekologiya va iqlim oʻzgarishi milliy qoʻmitasiga” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

4) 12-bandning ikkinchi va toʻrtinchi xatboshilaridagi “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim oʻzgarishi vazirligining” degan soʻzlar “Ekologiya va iqlim oʻzgarishi milliy qoʻmitasining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

5) 15-bandning ikkinchi xatboshisidagi “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim oʻzgarishi vazirligining” degan soʻzlar “Ekologiya va iqlim oʻzgarishi milliy qoʻmitasining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

6) 16-bandning “d” kichik bandidagi “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim oʻzgarishi vazirligining” degan soʻzlar “Ekologiya va iqlim oʻzgarishi milliy qoʻmitasining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

7) 17-bandning “v” va “d” kichik bandlaridagi “ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim oʻzgarishi organlari” degan soʻzlar “ekologiya va iqlim oʻzgarishi organlari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

8) 18-banddagi “ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim oʻzgarishi organlari” degan soʻzlar “ekologiya va iqlim oʻzgarishi organlari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

9) 22-banddagi “ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim oʻzgarishi organlari” degan soʻzlar “ekologiya va iqlim oʻzgarishi organlari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

9. Oʻzbekiston Respublikasi Tabiatni muhofaza qilish davlat qoʻmitasi, Favqulodda vaziyatlar vazirligi, Moliya vazirligi, Sogʻliqni saqlash vazirligining 2013-yil 28-yanvardagi 1, 1, 8 va 2-son qarori (roʻyxat raqami 2438, 2013-yil 20-mart) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2013-y., 12-son, 161-modda) bilan tasdiqlangan Zaharli kimyoviy va boshqa toksik moddalarni koʻmish hamda maxsus poligonlarni qoʻriqlash va saqlash tartibi toʻgʻrisidagi nizomda:

1) 8-banddagi “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim oʻzgarishi vazirligining” degan soʻzlar “Ekologiya va iqlim oʻzgarishi milliy qoʻmitasining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

2) 17-bandning ikkinchi xatboshisidagi “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim oʻzgarishi vazirligining” degan soʻzlar “Ekologiya va iqlim oʻzgarishi milliy qoʻmitasining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

3) 2-ilovaning matnidagi “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim oʻzgarishi vazirligining” degan soʻzlar “Ekologiya va iqlim oʻzgarishi milliy qoʻmitasining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

10. Oʻzbekiston Respublikasi Tabiatni muhofaza qilish davlat qoʻmitasining 2014-yil 3-noyabrdagi 01/06-4-son qarori (roʻyxat raqami 2628, 2014-yil 27-noyabr) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2014-y., 48-son, 577-modda) bilan tasdiqlangan Botanika kolleksiyalarini hisobga olish, toʻldirib borish, asrash, sotib olish va sotish, joʻnatish, shuningdek Oʻzbekiston Respublikasi hududiga olib kirish va undan olib chiqish qoidalarida:

1) 5-banddagi “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim oʻzgarishi vazirligi (bundan buyon matnda Vazirlik deb yuritiladi) yoki Qoraqalpogʻiston Respublikasi Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim oʻzgarishi vazirligi, viloyatlar va Toshkent shahar boshqarmalari” degan soʻzlar “Ekologiya va iqlim oʻzgarishi milliy qoʻmitasi (bundan buyon matnda Qoʻmita deb yuritiladi) yoki Qoraqalpogʻiston Respublikasi Ekologiya va iqlim oʻzgarishi qoʻmitasi, viloyatlar va Toshkent shahar Ekologiya va iqlim oʻzgarishi bosh boshqarmalari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

2) 6-bandda:

birinchi xatboshidagi “Vazirlik” degan soʻz “Qoʻmita” degan soʻz bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “Vazirlikka” degan soʻz “Qoʻmitaga” degan soʻz bilan almashtirilsin;

3) 7-bandning ikkinchi xatboshisidagi “Vazirlikka” degan soʻz “Qoʻmitaga” degan soʻz bilan almashtirilsin;

4) 10-bandning ikkinchi xatboshisi, 11-bandning birinchi xatboshisi, 12, 15, 16, 17, 18-bandlar, 19-bandning ikkinchi xatboshisi, 23, 25 va 26-bandlardagi “Vazirlik”

degan so‘z “Qo‘mita” degan so‘z bilan almashtirilsin;

5) 1-ilovaning matnidagi “**EKOLOGIYA, ATROF-MUHITNI MUHOFAZA QILISH VA IQLIM O‘ZGARISHI VAZIRLIGI**” degan so‘zlar “**EKOLOGIYA VA IQLIM O‘ZGARISHI MILLIY QO‘MITASI**” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

11. O‘zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo‘mitasi, Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi va Markaziy banki Boshqaruvining 2015-yil 9-noyabrdagi 2015-33, 136-mh, 337-V-son qarori (ro‘yxat raqami 2727, 2015-yil 13-noyabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2015-y., 45-son, 582-modda) bilan tasdiqlangan Davlat va xo‘jalik boshqaruvi organlari, mahalliy davlat hokimiyati organlari hamda tijorat banklari tomonidan ko‘rsatiladigan barcha turdagi xizmatlarda elektron raqamli imzodan foydalanish qoidalarining 1-bandidagi “Davlat soliq qo‘mitasi” degan so‘zlar “Soliq qo‘mitasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

12. O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligining O‘rta maxsus, kasb-hunar ta’limi markazi, Mehnat vazirligi va Xalq ta’limi vazirligining 2016-yil 15-apreldagi 38/qq, 6/qq, 4-mh-son qarori (ro‘yxat raqami 2779, 2016-yil 18-aprel) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2016-y., 16-son, 170-modda) bilan tasdiqlangan Yetim va ota-ona qaramog‘idan mahrum bo‘lgan, to‘liq davlat ta’minotida bo‘lmagan o‘rta maxsus va professional ta’lim muassasalari bitiruvchilarini “Mahalla” xayriya jamoat fondi tomonidan tanlab olish hamda ularga nafaqa to‘lash tartibi to‘g‘risidagi nizomning 7-bandi to‘rtinchi xatboshisidagi “Qoraqalpog‘iston Respublikasi Bandlik va mehnat munosabatlari vaziri, viloyatlar va Toshkent shahar Bandlik bosh boshqarmasi” degan so‘zlar “Qoraqalpog‘iston Respublikasi Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi, viloyatlar va Toshkent shahri kambag‘allikni qisqartirish va bandlik boshqarmasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

13. O‘zbekiston Respublikasi Tabiatni muhofaza qilish davlat qo‘mitasining 2016-yil 14-iyuldagi 20-son qarori (ro‘yxat raqami 2817, 2016-yil 26-iyul) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2016-y., 30-son, 367-modda) bilan tasdiqlangan “O‘zbekiston Respublikasining Qizil kitobi” to‘g‘risidagi nizomda:

1) 4-banddagi “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligi Hayvonot va o‘simlik dunyosini muhofaza qilish va undan foydalanish respublika davlat inspeksiyasining” va “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligi” degan so‘zlar tegishli ravishda “Ekologiya va iqlim o‘zgarishi

milliy qoʻmitasi “Bio meros” umummilliy loyihasini amalga oshirishga koʻmaklashish boʻlimining” hamda “Ekologiya va iqlim oʻzgarishi milliy qoʻmitasi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

2) 10-banddagi “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim oʻzgarishi vazirligi” degan soʻzlar “Ekologiya va iqlim oʻzgarishi milliy qoʻmitasi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

3) 11-bandning ikkinchi xatboshisidagi “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim oʻzgarishi vazirligining” degan soʻzlar “Ekologiya va iqlim oʻzgarishi milliy qoʻmitasining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

4) 15, 24, 26, 28, 29, 30 va 31-bandlardagi “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim oʻzgarishi vazirligi” degan soʻzlar “Ekologiya va iqlim oʻzgarishi milliy qoʻmitasi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

5) 16-bandda:

birinchi xatboshidagi “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim oʻzgarishi vazirligi huzuridagi “Oʻzbekiston Respublikasining Qizil kitobi”ni yuritish boʻyicha idoralararo komissiya” degan soʻzlar “Ekologiya va iqlim oʻzgarishi milliy qoʻmitasi huzuridagi Kamyob va yoʻqolib ketish xavfi ostidagi hayvonlar va oʻsimliklarni saqlab qolish boʻyicha idoralararo komissiya” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “Oʻzbekiston Respublikasining Qizil kitobi”ni yuritish boʻyicha idoralararo komissiyasi” va “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim oʻzgarishi vazirligi” degan soʻzlar tegishli ravishda “Kamyob va yoʻqolib ketish xavfi ostidagi hayvonlar va oʻsimliklarni saqlab qolish boʻyicha idoralararo komissiyasi” hamda “Ekologiya va iqlim oʻzgarishi milliy qoʻmitasi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

6) 25-banddagi “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim oʻzgarishi vazirligining” degan soʻzlar “Ekologiya va iqlim oʻzgarishi milliy qoʻmitasining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

14. Oʻzbekiston “Oʻzkommunxizmat” agentligi bosh direktorining 2016-yil 18-avgustdagi 99-son buyrugʻi (roʻyxat raqami 2825, 2016-yil 19-sentabr) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2016-y., 38-son, 452-modda) bilan tasdiqlangan Chiqindilarni qayta yuklash stansiyalaridan texnik foydalanish qoidalarining 37-bandidagi “Ekologiya,

atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim oʻzgarishi vazirligi” degan soʻzlar “Ekologiya va iqlim oʻzgarishi milliy qoʻmitasi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

15. Oʻzbekiston Respublikasi Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish davlat qoʻmitasining 2018-yil 26-iyundagi 6-son qarori (roʻyxat raqami 3041, 2018-yil 21-iyul) (Qonun hujjatlari maʼlumotlari milliy bazasi, 23.07.2018-y., 10/18/3041/1551-son) bilan tasdiqlangan Ekologik nazoratning jamoatchi inspektorligiga nomzodlarni maxsus tayyorgarlikdan oʻtkazish tartibi toʻgʻrisidagi nizomda:

1) 5-bandning birinchi xatboshisidagi “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim oʻzgarishi vazirligi (bundan buyon matnda Vazirlik deb yuritiladi)” degan soʻzlar “Ekologiya va iqlim oʻzgarishi milliy qoʻmitasi (bundan buyon matnda Qoʻmita deb yuritiladi)” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

2) 6-banddagi “Vazirlikning” degan soʻz “Qoʻmitaning” degan soʻz bilan almashtirilsin;

3) 9-banddagi “Vazirlik” degan soʻz “Qoʻmita” degan soʻz bilan almashtirilsin;

4) 12-bandning ikkinchi xatboshisidagi “Qoraqalpogʻiston Respublikasi Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim oʻzgarishi vazirligi, Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim oʻzgarishi vazirligi viloyatlar va Toshkent shahar boshqarmalari” degan soʻzlar “Qoraqalpogʻiston Respublikasi Ekologiya va iqlim oʻzgarishi qoʻmitasi, viloyatlar va Toshkent shahar Ekologiya va iqlim oʻzgarishi bosh boshqarmalari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

5) 15 va 20-bandlardagi “Vazirlik” degan soʻz “Qoʻmita” degan soʻz bilan almashtirilsin.

16. Oʻzbekiston Respublikasi Iqtisodiyot vazirligi va Moliya vazirligining 2018-yil 10-iyuldagi 24, 112-son qarori (roʻyxat raqami 3043, 2018-yil 25-iyul) (Qonun hujjatlari maʼlumotlari milliy bazasi, 25.07.2018-y., 10/18/3043/1572-son) bilan tasdiqlangan Qoraqalpogʻiston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyatlar va Toshkent shahri hokimliklari huzuridagi “Obod mahalla” jamgʻarmalarini tashkil etish, uning mablagʻlarini shakllantirish va ulardan foydalanish tartibi toʻgʻrisidagi nizomning 19-bandidagi “Oʻzbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Davlat moliyaviy nazorati inspeksyasining” degan soʻzlar “Oʻzbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamentining Davlat moliyaviy nazorati inspeksiyasi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

17. Oʻzbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2023-yil 26-iyundagi 44-son buyrugʻi (roʻyxat raqami 3445, 2023-yil 10-iyul) (Qonunchilik maʼlumotlari milliy bazasi, 10.07.2023-y., 10/23/3445/0465-son) bilan tasdiqlangan Geodeziya punktlarini roʻyxatdan oʻtkazish va hisobga olishni tashkil qilish tartibi toʻgʻrisidagi nizomda:

1) 2-bandning oltinchi xatboshisidagi “Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Kadastr agentligi” degan soʻzlar “Urbanizatsiya va uy-joy bozorini barqaror rivojlantirish milliy qoʻmitasi huzuridagi Kadastr agentligi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

2) 3 va 5-ilovalarning matnidagi “Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Kadastr agentligiga” degan soʻzlar “Urbanizatsiya va uy-joy bozorini barqaror rivojlantirish milliy qoʻmitasi huzuridagi Kadastr agentligiga” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

18. Oʻzbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2023-yil 4-noyabrdagi 82-son buyrugʻi (roʻyxat raqami 3483, 2023-yil 12-dekabr) (Qonunchilik maʼlumotlari milliy bazasi, 14.12.2023-y., 10/23/3483/0933-son) bilan tasdiqlangan Kadastr yigʻmajildining muqovasi va tarkibidagi elektron axborot tizimida shakllanadigan maʼlumotlarning namunaviy jadvallari, qaydnomalari va blankalari shakllarining matnidagi “**IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI HUZURIDAGI KADASTR AGENTLIGINING**” degan soʻzlar “**URBANIZATSIYA VA UY-JOY BOZORINI BARQAROR RIVOJLANTIRISH MILLIY QOʻMITASI HUZURIDAGI KADASTR AGENTLIGINING**” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

19. Oʻzbekiston Respublikasi ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim oʻzgarishi vazirining 2024-yil 18-noyabrdagi 19-mh-son buyrugʻi (roʻyxat raqami 3586, 2024-yil 19-dekabr) (Qonunchilik maʼlumotlari milliy bazasi, 23.12.2024-y., 10/24/3586/1046-son) bilan tasdiqlangan Atmosfera havosini ifloslantiruvchi manbalarni xatlovdan oʻtkazish hamda unga tashlanayotgan ifloslantiruvchi moddalar miqdorini belgilash toʻgʻrisidagi yoʻriqnomada:

1) 8-bandning ikkinchi xatboshisi, 9-bandning birinchi va ikkinchi xatboshilari, 10, 11 va 12-bandlardagi “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim oʻzgarishi vazirligining” degan soʻzlar “Ekologiya va iqlim oʻzgarishi milliy qoʻmitasining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

2) 36-bandning ikkinchi xatboshisidagi “ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish boʻyicha inspektor” degan soʻzlar “davlat ekologiya inspektori” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

20. Oʻzbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil 6- dekabrdagi 202-son buyrugʻi (roʻyxat raqami 3589, 2024-yil 24-dekabr) (Qonunchilik maʼlumotlari milliy bazasi, 24.12.2024-y., 10/24/3589/1055-son) bilan tasdiqlangan Koʻchmas mulkka boʻlgan huquqlarni davlat roʻyxatidan oʻtkazish boʻyicha bosh roʻyxatdan oʻtkazuvchi va roʻyxatdan oʻtkazuvchi lavozimlariga tanlov oʻtkazish tartibi toʻgʻrisidagi nizomda:

1) muqaddimadagi “Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Kadastr agentligining” degan soʻzlar “Urbanizatsiya va uy-joy bozorini barqaror rivojlantirish milliy qoʻmitasi huzuridagi Kadastr agentligining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

2) 1-bandda:

ikkinchi va uchinchi xatboshilardagi “Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Kadastr agentligi” degan soʻzlar “Urbanizatsiya va uy-joy bozorini barqaror rivojlantirish milliy qoʻmitasi huzuridagi Kadastr agentligi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

beshinchi xatboshidagi “Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Kadastr agentligining” degan soʻzlar “Urbanizatsiya va uy-joy bozorini barqaror rivojlantirish milliy qoʻmitasi huzuridagi Kadastr agentligining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

3) 6-banddagi “Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Kadastr agentligining” degan soʻzlar “Urbanizatsiya va uy-joy bozorini barqaror rivojlantirish milliy qoʻmitasi huzuridagi Kadastr agentligining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

4) 15-bandning toʻrtinchi xatboshisidagi “Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Kadastr agentligi” degan soʻzlar “Urbanizatsiya va uy-joy bozorini barqaror rivojlantirish milliy qoʻmitasi huzuridagi Kadastr agentligi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

5) 35-bandning birinchi xatboshisidagi “Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Kadastr agentligi” degan soʻzlar “Urbanizatsiya va uy-joy bozorini barqaror rivojlantirish milliy qoʻmitasi huzuridagi Kadastr agentligi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

6) 1-ilovaning matnidagi “Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Kadastr agentligining” degan so‘zlar “Urbanizatsiya va uy-joy bozorini barqaror rivojlantirish milliy qo‘mitasi huzuridagi Kadastr agentligining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

21. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 7-iyuldagi 269-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3649, 2025-yil 14-iyul) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 14.07.2025-y., 10/25/3649/0612-son) bilan tasdiqlangan Ko‘chmas mulkni ommaviy baholash uslubiyotida:

1) 1-banddagi “Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Kadastr agentligining” degan so‘zlar “Urbanizatsiya va uy-joy bozorini barqaror rivojlantirish milliy qo‘mitasi huzuridagi Kadastr agentligining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

2) 5-bandning birinchi xatboshisidagi “Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Kadastr agentligi” degan so‘zlar “Urbanizatsiya va uy-joy bozorini barqaror rivojlantirish milliy qo‘mitasi huzuridagi Kadastr agentligi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

22. O‘zbekiston Respublikasi ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirining 2025-yil 24-iyundagi 20-mh-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3652, 2025-yil 25-iyul) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 29.07.2025-y., 10/25/3652/0657-son) bilan tasdiqlangan “Yashil belgi” mahsulot va xizmatlarni yagona ixtiyoriy ekologik markirovkalash tartibi to‘g‘risidagi nizomning 1-bandi beshinchi xatboshisidagi “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligi” degan so‘zlar “Ekologiya va iqlim o‘zgarishi milliy qo‘mitasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

QMMB: 10/26/3789/0243-son
16.03.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGIDA DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3789
2026 - yil 16 - Mart

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING

BUYRUG‘I

Davlat boshqaruvi tizimi takomillashtirilishi munosabati bilan vazirlik va idoralar tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida

O‘zbekiston Respublikasining 2025-yil 27-noyabrdagi O‘RQ–1099-son “Litsenziyalash, ruxsat berish va xabardor qilish tartib-taomillari yanada takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 18-noyabrdagi PF–217-son “Ekologiya va turizm sohalarida aholi talablariga tezkor javob bera oladigan boshqaruv tizimini yaratish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi va 2025-yil 19-noyabrdagi PF–219-son “O‘zbekiston Respublikasida uy-joy va ipoteka bozorini barqaror rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmonlari hamda 2025-yil 18-noyabrdagi PQ–343-son “O‘zbekiston Respublikasi Ekologiya va iqlim o‘zgarishi milliy qo‘mitasi faoliyatini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq buyuraman:

1. Vazirlik va idoralar tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 13-mart
10-mh-son

TASHKULOV AKBAR
DJURABAYEVICH

QMMB: 10/26/3789/0243-son
16.03.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining
2026-yil 13-martdagi 10-mh-son buyrug‘iga
ILOVA

Vazirliklar va idoralar tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga kiritilayotgan o‘zgartirishlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi, Yer resurslari, geodeziya, kartografiya va davlat kadastri davlat qo‘mitasi, Davlat soliq qo‘mitasining 2008-yil 14-oktabrdagi 101, 113, 2008-43-son qarori (ro‘yxat raqami 1868, 2008-yil 11-noyabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2008-y., 46-son, 458-modda) bilan tasdiqlangan Aholi punktlarini borish qiyin bo‘lgan va tog‘li hududlar tarkibiga kiritish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaning 4-bandidagi “Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Kadastr agentligining” degan so‘zlar “Urbanizatsiya va uy-joy bozorini barqaror rivojlantirish milliy qo‘mitasi huzuridagi Kadastr agentligining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2025-yil 9-oktabrdagi 23-mh-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3686, 2025-yil 9-oktabr) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 09.10.2025-y., 10/25/3686/0927-son) bilan tasdiqlangan Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni tayyorlash, qabul qilish, huquqiy ekspertiza va davlat ro‘yxatidan o‘tkazish qoidalarida:

1) 74-banddagi “O‘zbekiston Respublikasi Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligi” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasi Ekologiya va iqlim o‘zgarishi milliy qo‘mitasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

2) 83-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“83. Vazirlik yoki idora rahbariga ikki yoki undan ortiq lavozimdagi vazifalarni bajarish yuklatilgan bo‘lsa, u holda hujjatning rekvizitlarida unga ushbu vazirlik yoki idora nomidan imzolash huquqini beruvchi lavozimi ko‘rsatiladi.

Vazirlik yoki idora rahbari vaqtinchalik mehnatga layoqatsizligi, ta’tildaligi yoki boshqa sababga ko‘ra bo‘lmaganida uning vazifasini bajarishni yuklash tegishli vazirlik yoki idora rahbari tomonidan imzolangan tashkiliy-boshqaruv hujjatida nazarda tutilgan bo‘lishi lozim.”.

QMMB: 10/26/3790/0247-son
17.03.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3790
2026 - yil 16 - Mart

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI,

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING

QARORI

Koʻchmas mulk va transport vositalarining oldi-sotdi shartnomalari boʻyicha hisob-kitoblarni amalga oshirish uchun notariuslar va banklar oʻrtasida elektron maʼlumotlar almashish tartibi toʻgʻrisidagi nizomni tasdiqlash haqida

Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 10-dekabrdagi PF–246-son “Naqdsiz hisob-kitoblarni ommalashtirish va yashirin iqtisodiyot ulushini qisqartirishga qaratilgan qoʻshimcha chora-tadbirlar toʻgʻrisida”gi Farmoniga muvofiq Oʻzbekiston Respublikasi Adliya vazirligi va Oʻzbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. Koʻchmas mulk va transport vositalarining oldi-sotdi shartnomalari boʻyicha hisob-kitoblarni amalga oshirish uchun notariuslar va banklar oʻrtasida elektron maʼlumotlar almashish tartibi toʻgʻrisidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur qaror Oʻzbekiston Respublikasi Notarial palatasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror 2026-yil 1-apreldan eʼtiboran kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 13-mart
1-son

TASHKULOV AKBAR
DJURABAYEVICH

Markaziy banki raisi
2026-yil 12-mart
7/1-son

ISHMETOV TIMUR
AMINDJANOVICH

QMMB: 10/26/3790/0247-son
17.03.2026-y.

Kelishildi:

Rais
2026-yil 11-fevral

ASHUROV DILSHOD
RUSTAMOVICH

QMMB: 10/26/3790/0247-son
17.03.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining
2026-yil 13-martdagi 1-son, Markaziy bank
boshqaruvining 2026-yil 12-martdagi 7/1-son
qaroriga ILOVA

Ko‘chmas mulk va transport vositalarining oldi-sotdi shartnomalari bo‘yicha hisob-kitoblarni amalga oshirish uchun notariuslar va banklar o‘rtasida elektron ma’lumotlar almashish tartibi to‘g‘risidagi NIZOM

Mazkur Nizom ko‘chmas mulk obyektlari, ishlab chiqarilganiga o‘n yildan oshmagan M, N, O va G toifaga kiruvchi transport vositalari hamda maxsus avtotransport vositalarining (bundan buyon matnda transport vositasi deb yuritiladi) oldi-sotdi shartnomalari (bundan buyon matnda shartnoma deb yuritiladi) bo‘yicha hisob-kitoblarni amalga oshirishda notariuslar va banklar o‘rtasida elektron ma’lumotlar almashish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Ushbu Nizom talablari shartnomani amalga oshirish jarayonida bank, notarius hamda xaridor, sotuvchi yoki ularning vakiliga (bundan buyon matnda taraflar deb yuritiladi) nisbatan tatbiq etiladi.

Mazkur Nizom uy-joy qurilishiga investitsiya kiritish shartnomalari asosida rasmiylashtiriladigan oldi-sotdi shartnomalariga nisbatan tatbiq etilmaydi.

Ko‘chmas mulk va transport vositalarining oldi-sotdi shartnomalari bo‘yicha hisob-kitoblarni amalga oshirish mazkur Nizomning 1-ilovasidagi sxemaga muvofiq amalga oshiriladi.

2. Bank, notarius va uning xodimlari hamda amalga oshirilayotgan notarial harakatlar to‘g‘risida xizmat vazifalarini bajarishi munosabati bilan xabardor bo‘lib qolgan shaxslar o‘z faoliyatini amalga oshirishi natijasida olingan ma’lumotlarning maxfiy saqlanishini ta’minlashi kerak.

3. O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi hamda Markaziy banki ushbu Nizom talablari ijrosi bo‘yicha doimiy monitoringni amalga oshiradilar.

2-bob. Taraflar bilan bank o‘rtasidagi munosabatlarni amalga oshirish

4. Taraflar o‘zaro kelishuvga erishgandan so‘ng, xaridor yoki uning vakili bankka yozma yoki elektron shakldagi ariza bilan murojaat qiladi.

5. Arizada quyidagilar ko‘rsatiladi:

taraflarning familiyasi, ismi va otasining ismi;

taraflarning shaxsini tasdiqlovchi hujjat raqami va seriyasi;

QMMB: 10/26/3790/0247-son
17.03.2026-y.

taraflarning jismoniy shaxsning shaxsiy identifikatsiya raqami (JShShIR), agar taraflar yoki ulardan biri yuridik shaxs bo‘lsa, uning nomi va soliq to‘lovchining identifikatsiya raqami (STIR);

shartnoma obyektining ma’lumotlari;

shartnoma summasi;

taraflarning bank rekvizitlari (bundan xaridor yoki uning vakili xizmat ko‘rsatuvchi bankda yangi eskrou hisobvarag‘i ochish holatlari mustasno).

6. Bank tomonidan ariza asosida xaridor yoki uning vakili bilan eskrou hisobvarag‘i shartnomasi tuziladi va eskrou hisobvarag‘i ochiladi.

Xaridor yoki uning vakili bir nechta bo‘lishidan qat’i nazar bitta shartnoma uchun bitta eskrou hisobvarag‘i ochiladi.

Eskrou hisobvaraqlarini ochish va yuritish banklarning mobil ilovalarida amalga oshirilishi mumkin.

Xaridor yoki uning vakilining bankdagi (bank kartasi, talab qilib olinguncha, elektron hamyon) hisobvaraqlaridan eskrou hisobvaraq sifatida foydalanilishi mumkin.

7. Eskrou hisobvarag‘i shartnomasida notarius tomonidan bankka shartnoma tasdiqlanganligi bo‘yicha “Notarius” avtomatlashtirilgan axborot tizimi (bundan buyon matnda Tizim deb yuritiladi) orqali ma’lumot taqdim etilganda, bank tomonidan eskrou hisobvarag‘iga qo‘yilgan pul mablag‘lari sotuvchining yoki uning vakilining hisobvarag‘iga (hisobvaraqlariga) avtomatik o‘tkazilishi nazarda tutilishi mumkin.

Bunda sotuvchilar yoki ularning vakillari ikki yoki undan ko‘p bo‘lganda ularning har biri uchun pul mablag‘larining tegishli miqdori aniq ko‘rsatiladi.

8. Eskrou hisobvarag‘i shartnomasi tuzilgandan so‘ng, xaridor yoki uning vakili tomonidan taraflar o‘rtasida shartnoma obyekti bo‘yicha kelishilgan pul mablag‘lari naqd yoki naqdsiz shaklda eskrou hisobvarag‘iga kirim qilinadi.

Shartnoma to‘lov majburiyatlarini kechiktirish sharti bilan amalga oshirilsa, xaridor yoki uning vakili tomonidan tegishli eskrou hisobvarag‘iga taraflar o‘rtasida kelishilgan (boshlang‘ich) pul mablag‘lari kirim qilinadi.

Shartnoma to‘liq yoki qisman kredit mablag‘lari asosida moliyalashtirilganda, bu haqda kredit ajratayotgan bank tomonidan notariusga elektron ma’lumot taqdim etiladi va kredit mablag‘lari shartnoma tasdiqlanganligi bo‘yicha ma’lumot olingandan so‘ng, dasturiy ravishda shu bank ish kunida (agar ma’lumot ish kuni tugagandan keyin kelib tushsa, keyingi ish kunida) sotuvchining yoki uning vakilining hisobvarag‘iga (hisobvaraqlariga) o‘tkaziladi.

9. Bank tomonidan pul mablag‘lari eskrou hisobvarag‘iga kirim qilingandan so‘ng bu haqida ushbu bankning avtomatlashtirilgan bank tizimida mazkur Nizomning 2-ilovasidagi elektron ma’lumotlar shakllantiriladi.

10. Eskrou hisobvarag‘i shartnomasini tuzgan bank Tizimdan shartnoma tasdiqlanganligi bo‘yicha ma’lumotni olgandan so‘ng, dasturiy ravishda memorial order bilan xaridorning yoki uning vakilining eskrou hisobvarag‘idagi pul

QMMB: 10/26/3790/0247-son
17.03.2026-y.

mablag‘larini shu bank ish kunida (agar ma’lumot ish kuni tugagandan keyin kelib tushsa, keyingi ish kunida) sotuvchining yoki uning vakilining hisobvarag‘iga (hisobvaraqlariga) o‘tkazadi.

Bunda sotuvchining yoki uning vakilining hisobvarag‘iga (hisobvaraqlariga) kirim qilingan pul mablag‘lari uning so‘roviga ko‘ra xizmat ko‘rsatuvchi bank tomonidan naqd shaklda taqdim etiladi.

3-bob. Shartnomaning hisob-kitoblari bo‘yicha notariuslar va banklar o‘rtasida elektron ma’lumotlar almashish

11. Eskrou hisobvarag‘iga taraflar o‘rtasida kelishilgan mablag‘lar kirim qilingandan so‘ng, taraflar qonunchilikda belgilangan tartibda notariusga murojaat qiladi.

12. Notarius shartnomani tasdiqlashdan oldin Tizim orqali xaridorning yoki uning vakilining eskrou hisobvarag‘ida mablag‘lar mavjudligi bo‘yicha mazkur Nizomning 2-ilovasidagi ma’lumotlarni dastlabki tarzda tekshirib olish uchun eskrou hisobvarag‘i ochilgan bankka elektron so‘rov yuboradi.

13. Bank tomonidan notariusning elektron so‘roviga mazkur Nizomning 2-ilovasidagi ma’lumotlar real vaqt rejimida taqdim etiladi.

Agar notarius tomonidan elektron so‘rov yuborilgunga qadar tegishli eskrou hisobvarag‘i yopilgan bo‘lsa, bank tomonidan tegishli eskrou hisobvarag‘i yopilganligi haqida Tizimga elektron ma’lumot yuboriladi.

14. Bank tomonidan taqdim etilgan ma’lumotlar notarius tomonidan ko‘rib chiqiladi hamda ularga nisbatan taraflarda e’tiroz mavjud bo‘lmagan taqdirda shartnoma tasdiqlanadi.

Bunda tegishli eskrou hisobvarag‘i yopilganligi yoki eskrou hisobvarag‘ida shartnoma summasida nazarda tutilgan pul mablag‘larining mavjud emasligi (yetarli emasligi) notarius tomonidan shartnomaning tasdiqlanishini rad etish uchun asos hisoblanadi, bundan mazkur Nizomning 8-bandi uchinchi xatboshisi mustasno.

15. Shartnoma tasdiqlangandan so‘ng, notarius tomonidan Tizim orqali eskrou hisobvarag‘i ochilgan bankka shartnoma tasdiqlanganligi bo‘yicha mazkur Nizomning 3-ilovasida ko‘rsatilgan ma’lumotlar elektron shaklda yuboriladi.

Shartnoma tasdiqlanmagan hamda bankka mazkur Nizomning 3-ilovasida ko‘rsatilgan ma’lumotlar yuborilmagan bo‘lsa, xaridor yoki uning vakilining so‘roviga asosan tegishli eskrou hisobvarag‘idagi pul mablag‘lari qaytarib beriladi.

4-bob. Yakuniy qoida

16. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda javobgar bo‘ladilar.

QMMB: 10/26/3790/0247-son
17.03.2026-y.

Ko‘chmas mulk va transport vositalarining oldi-sotdi shartnomalari bo‘yicha hisob-kitoblarni amalga oshirish uchun notariuslar va banklar o‘rtasida elektron ma’lumotlar almashish tartibi to‘g‘risidagi nizomga 1-ILOVA

Ko‘chmas mulk va transport vositalarining oldi-sotdi shartnomalari bo‘yicha hisob-kitoblarni amalga oshirish
SXEMASI

Bosqichlar	Subyektlar	Tadbirlar	Bajarish muddatlari
1-bosqich	**Xaridor yoki uning vakili**	Bankka yozma yoki elektron shakldagi ariza bilan murojaat qiladi	O‘z xohishiga ko‘ra
2-bosqich	**Bank**	1. Eskrou hisobvarag‘i shartnomasi asosida eskrou hisobvarag‘ini ochadi. 2. Taraflar o‘rtasida kelishilgan pul mablag‘lari kirim qilinadi.	Eskrou hisobvarag‘i shartnomasi tuzilgan kunda Tegishli pul mablag‘lari kirim qilingan vaqtda
3-bosqich	**Xaridor va sotuvchi yoki ularning vakili**	Oldi-sotdi shartnomasini rasmiylashtirish uchun notariusga murojaat qiladi. Tegishli hujjatlarni notariusga taqdim qiladi.	O‘z xohishiga ko‘ra
4-bosqich	**Notarius**	Tegishli bankka eskrou hisobvarag‘ida mablag‘lar mavjudligi bo‘yicha elektron so‘rov yuboradi. Mazkur Nizomning 2-ilovasidagi ma’lumotlarni oladi. Oldi-sotdi shartnoma tasdiqlanganligi bo‘yicha Tizim orqali bankka ma’lumot taqdim etadi.	Shartnomani tasdiqlashdan oldin Real vaqt rejimida Real vaqt rejimida
5-bosqich	**Bank**	Eskrou hisobvarag‘idagi mablag‘larni sotuvchi yoki uning vakilining hisobvarag‘iga o‘tkazadi hamda uning so‘roviga ko‘ra hisobvarag‘iga kirim qilingan pul mablag‘larini naqd shaklda taqdim etadi.	Bankka shartnoma tasdiqlanganligi bo‘yicha ma’lumot kelib tushgan bank ish kunida (ma’lumot ish kuni tugagandan keyin kelib tushsa, keyingi ish kunida)

QMMB: 10/26/3790/0247-son
17.03.2026-y.

Ko‘chmas mulk va transport vositalarining oldi-sotdi shartnomalari bo‘yicha hisob-kitoblarni amalga oshirish uchun notariuslar va banklar o‘rtasida elektron ma’lumotlar almashish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
2-ILOVA

Banklar tomonidan “Notarius” avtomatlashtirilgan axborot tizimiga taqdim etiladigan ma’lumotlar RO‘YXATI

1. Taraflarning familiyasi, ismi va otasining ismi.

2. Taraflarning shaxsini tasdiqlovchi hujjat raqami va seriyasi.

3. Taraflarning jismoniy shaxsning shaxsiy identifikatsiya raqami (JShShIR), agar taraflar yoki ulardan biri yuridik shaxs bo‘lsa, uning nomi va soliq to‘lovchining identifikatsiya raqami (STIR).

4. Shartnoma obyektining ma’lumotlari.

5. Shartnoma summasi.

6. Eskrou hisobvarag‘i ochilgan bank kodi.

7. Eskrou hisobvarag‘i raqami.

8. Eskrou hisobvarag‘iga kirim qilingan pul mablag‘lari miqdori.

9. O‘tkazib beriladigan kredit mablag‘lari miqdori (oldi-sotdi shartnomasi kredit mablag‘lari asosida moliyalashtirilganda).

10. Sotuvchiga yoki uning vakiliga o‘tkaziladigan pul mablag‘lari miqdori.

11. Sotuvchi yoki uning vakilining bank hisobvarag‘iga xizmat ko‘rsatuvchi bank kodi.

12. Sotuvchi yoki uning vakilining bank hisobvarag‘i (hisobvaraqlari).

13. Sotuvchi yoki uning vakilining tranzit hisobvarag‘i (hisobvaraqlari) (bank kartasiga o‘tkazilganda).

14. Sotuvchi yoki uning vakilining bank kartasi raqami (bank kartasiga o‘tkazilganda).

Izoh: Agar mablag‘lar bir nechta sotuvchilarga yoki ularning vakillariga o‘tkaziladigan bo‘lsa, har bir sotuvchi yoki ularning vakillari bo‘yicha ma’lumotlar yuboriladi.

QMMB: 10/26/3790/0247-son
17.03.2026-y.

Ko‘chmas mulk va transport vositalarining oldi-sotdi shartnomalari bo‘yicha hisob-kitoblarni amalga oshirish uchun notariuslar va banklar o‘rtasida elektron ma’lumotlar almashish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
3-ILOVA

Notariuslar tomonidan banklarning elektron tizimlariga taqdim etiladigan ma’lumotlar RO‘YXATI

1. Tizimda ro‘yxatga olingan shartnomaning reyestr raqami.
2. Shartnomaning Tizimda ro‘yxatga olingan sanasi (vaqti).
3. Shartnoma tuzilganligini yoki tuzilmaganligini tasdiqlovchi belgi.
4. Taraflarning familiyasi, ismi va otasining ismi.
5. Taraflarning shaxsini tasdiqlovchi hujjat raqami va seriyasi.
6. Taraflarning jismoniy shaxsning shaxsiy identifikatsiya raqami (JShShIR), agar taraflar yoki ulardan biri yuridik shaxs bo‘lsa, uning nomi va soliq to‘lovchining identifikatsiya raqami (STIR).
7. Shartnoma obyektining ma’lumotlari.
8. Shartnoma summasi.
9. Sotuvchiga yoki uning vakiliga o‘tkaziladigan pul mablag‘lari miqdori.
10. Sotuvchi yoki uning vakilining bank hisobvarag‘iga xizmat ko‘rsatuvchi bank kodi.
11. Sotuvchi yoki uning vakilining bank hisobvarag‘i (hisobvaraqlari).
12. Sotuvchi yoki uning vakilining tranzit hisobvarag‘i (hisobvaraqlari) (bank kartasiga o‘tkazilganda).
13. Sotuvchi yoki uning vakilining bank kartasi raqami (bank kartasiga o‘tkazilganda).

Izoh: Agar mablag‘lar bir nechta sotuvchilarga yoki ularning vakillariga o‘tkaziladigan bo‘lsa, har bir sotuvchi yoki ularning vakillari bo‘yicha ma’lumotlar yuboriladi.

QMMB: 10/26/1891-2/0258-son
19.03.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 1891-2
2026 - yil 19 - Mart

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ISTIQBOLLI LOYIHALAR MILLIY AGENTLIGI DIREKTORINING
BUYRUG‘I

Biznes sohasi uchun sug‘urta xizmatlari ko‘rsatishning yagona talablari va standartlari to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida

O‘zbekiston Respublikasining “Sug‘urta faoliyati to‘g‘risida”gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 23-iyuldagi 458-son “O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Sug‘urta xizmatlari bozorini yanada rivojlantirishning kompleks chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2024-yil 1-martdagi PQ-108-son qarorini amalga oshirish chora-tadbirlari haqida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2008-yil 26-dekabrdagi 120-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1891, 2009-yil 28-yanvar) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2009-y., 5-son, 47-modda) bilan tasdiqlangan Biznes sohasi uchun sug‘urta xizmatlari ko‘rsatishning yagona talablari va standartlari to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Direktor
13-Mart 2026-yil
02 son

LI DMITRIY ROMANOVICH

Oʻzbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi direktorining 2026-yil 13-martdagi 2-son buyrugʻiga
ILOVA

Biznes sohasi uchun sugʻurta xizmatlari koʻrsatishning yagona talablari va standartlari toʻgʻrisidagi nizomga kiritilayotgan oʻzgartirishlar

1. 5-bandning yettinchi xatboshisidagi “sug‘urta pulini” degan so‘zlar “sug‘urta to‘lovini” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. 11-bandning birinchi xatboshisidagi “sug‘urta pulining” va “sug‘urta pulini” degan so‘zlar tegishli ravishda “sug‘urta to‘lovining” va “sug‘urta to‘lovini” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

3. 12-bandda:

sakkizinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“sug‘urta shartnomasi – sug‘urtalovchi va sug‘urta qildiruvchi o‘rtasida yozma yoki elektron shaklda tuzilgan bitim bo‘lib, sug‘urta qildiruvchi unga muvofiq sug‘urta mukofotini (sug‘urta badalini) sug‘urta shartnomasida belgilangan tartibda, muddatlarda va hajmda to‘laydi hamda sug‘urta shartnomasida yoki qonunchilikda nazarda tutilgan boshqa majburiyatlarni bajaradi, sug‘urtalovchi esa sug‘urta shartnomasida ko‘rsatilgan muayyan voqea (sug‘urta hodisasi) yuz berganda sug‘urta tovonini (sug‘urta to‘lovini) to‘lash majburiyatini o‘z zimmasiga oladi;”;

o‘n ikkinchi xatboshidagi “sug‘urta puli” degan so‘zlar “sug‘urta to‘lovi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

o‘n oltinchi xatboshidagi “sug‘urta puli” degan so‘zlar “sug‘urta to‘lovi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

o‘n yettinchi va o‘n sakkizinchi xatboshilar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“sug‘urta mukofoti – sug‘urta qildiruvchi tomonidan sug‘urtalovchiga sug‘urta shartnomasida shart qilib ko‘rsatilgan tartibda va muddatlarda milliy valyutada yoki chet

el valyutasida to‘lanadigan sug‘urta uchun to‘lov;

sug‘urta tovoni (sug‘urta to‘lovi) – sug‘urta shartnomasida nazarda tutilgan sug‘urta hodisasi yuz berganda sug‘urta qildiruvchiga, sug‘urtalangan shaxsga (naf oluvchiga) har bir sug‘urtalangan shaxs uchun sug‘urta summasi doirasida to‘lanadigan pul mablag‘lari summasi;”.

4. 16 va 22-bandlardagi “sug‘urta puli” degan so‘zlar “sug‘urta to‘lovi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

QMMB: 10/26/2011-5/0268-son
19.03.2026-y.

11 (1239)-сон
247-модда

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2011-5
2026 - yil 19 - Mart

OʻZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TAʼLIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRINING BUYRUGʻI

Oʻrta maxsus taʼlim tashkilotlarida yakuniy davlat attestatsiyasini oʻtkazish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga qoʻshimcha va oʻzgartirishlar kiritish toʻgʻrisida

Oʻzbekiston Respublikasining “Taʼlim toʻgʻrisida”gi Qonuni, Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 25-noyabrdagi PF–231-son “Qonunchilikdagi huquqiy boʻshliqlarni bartaraf etish va tartibga solish yukini kamaytirish toʻgʻrisida”gi Farmoniga muvofiq buyuraman:

1. Oʻzbekiston Respublikasi Oliy va oʻrta maxsus taʼlim vazirligining Oʻrta maxsus, kasb-hunar taʼlimi markazi hamda Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazining 2009-yil 4-sentabrdagi 39/QQ va 27/QQ-son qarori (roʻyxat raqami 2011, 2009-yil 6-oktabr) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2009-y., 41-son, 443-modda) bilan tasdiqlangan Oʻrta maxsus taʼlim tashkilotlarida yakuniy davlat attestatsiyasini oʻtkazish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga ilovaga muvofiq qoʻshimcha va oʻzgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy eʼlon qilingan kundan eʼtiboran kuchga kiradi.

Vazir
10-Mart 2026-yil
100 son

SHARIPOV KONGRATBAY AVEZIMBETOVICH

QMMB: 10/26/2011-5/0268-son
19.03.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirining 2026-yil 10-martdagi 100-son buyrug‘iga
ILOVA

O‘rta maxsus ta’lim tashkilotlarida yakuniy davlat attestatsiyasini o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomga kiritilayotgan qo‘shimcha va o‘zgartirishlar

1. 25-band quyidagi mazmundagi ikkinchi xatboshi bilan to‘ldirilsin:

“Xorijiy tillar va umumta’lim fanlarini bilish darajasini belgilovchi milliy va xalqaro tan olingan sertifikatga ega bo‘lgan o‘quvchilar tegishli yakuniy attestatsiya topshiriladigan fandan davlat imtihonlarini topshirmaydi va ularga maksimal ball beriladi.”.

2. 30-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“30. Yakuniy attestatsiyani uch yil mobaynida ham topshirmagan o‘quvchilar O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 15-martdagi 140-son qarori bilan tasdiqlangan Umumiy o‘rta ta’lim to‘g‘risidagi nizomga muvofiq, davlat ta’lim standartlari doirasida umumiy o‘rta ta’lim dasturlarini mustaqil o‘zlashtirgan holda eksternat tartibida yakuniy davlat attestatsiyasini topshirish huquqiga ega bo‘ladi.

Yakuniy davlat attestatsiyasini eksternat tartibida muvaffaqiyatli topshirgan o‘quvchilarga belgilangan tartibda o‘rta ta’lim to‘g‘risidagi davlat namunasidagi shahodatnoma beriladi.”.

3. 33-bandda:

quyidagi mazmundagi ikkinchi xatboshi bilan to‘ldirilsin:

“Bunda ona tili va adabiyot hamda tarix fanlari chuqurlashtirib o‘qitiladigan ta’lim yo‘nalishlarida ona tili va adabiyot hamda Jahon tarixi fanlaridan og‘zaki imtihonlar ham o‘tkaziladi.”;

QMMB: 10/26/2011-5/0268-son
19.03.2026-y.

ikkinchi xatboshi uchinchi xatboshi deb hisoblansin.

4. 87-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“87. Yakuniy attestatsiya sinovlarida olgan bahosiga eʼtiroz bildirgan oʻquvchilarning arizalarini koʻrib chiqish uchun taʼlim tashkiloti direktorining buyrugʻi bilan tegishli oliy ta’lim tashkilotining professor-oʻqituvchilari hamda taʼlim tashkilotining rahbar va pedagog xodimlari tarkibidan 5 kishidan iborat Apellyatsiya komissiyasi tuziladi.

Apellyatsiya komissiyasi tarkibidan komissiya raisi va masʼul kotib tayinlanadi.

Bir shaxs bir vaqtning oʻzida Imtihon komissiyasi va Apellyatsiya komissiyasi aʼzosi boʻlishi mumkin emas.”.

5. 88-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“88. Oʻquvchilar yakuniy attestatsiya sinovlarida olgan baholaridan norozi boʻlgan taqdirda davlat imtihoni baholari eʼlon qilingan kundan boshlab uch ish kuni ichida Apellyatsiya komissiyasiga yozma yoki elektron shaklda apellyatsiya shikoyati berish huquqiga ega.

Apellyatsiya komissiyasi apellyatsiya shikoyatini, u kelib tushgan kundan boshlab uch ish kuni ichida koʻrib chiqadi.

Apellyatsiya komissiyasi apellyatsiya shikoyati qabul qilinganligi hamda apellyatsiya shikoyatini koʻrib chiqish kuni va vaqti toʻgʻrisida oʻquvchi yoki uning ota-onasi yoxud ularning oʻrnini bosuvchi shaxslarga xabarnoma yuboradi.

Apellyatsiya shikoyatini koʻrib chiqishda oʻquvchi yoki uning ota-onasi yoxud ularning oʻrnini bosuvchi shaxslar ishtirok etish huquqiga ega.”.

6. Quyidagi mazmundagi 88^1–88^5-bandlar bilan toʻldirilsin:

“88^1. Apellyatsiya shikoyatini koʻrishda oʻquvchilarning davlat imtihoni natijasida olgan ballarini pasaytirishga yoʻl qoʻyilmaydi.

88^2. Apellyatsiya shikoyatini koʻrib chiqish natijalari boʻyicha apellyatsiya komissiyasi tomonidan quyidagi qarorlardan biri qabul qilinadi:

davlat imtihoni natijalarini oʻzgarishsiz qoldirish;

davlat imtihoni natijalariga oʻzgartirish kiritish.

88[3]. Davlat imtihoni natijasini oʻzgarishsiz qoldirish toʻgʻrisidagi qaror apellyatsiya shikoyatida koʻrsatilgan dalillar oʻz tasdigʻini topmagan hollarda qabul qilinadi.

Davlat imtihoni natijalariga oʻzgartirish kiritish toʻgʻrisidagi qaror apellyatsiya shikoyatida koʻrsatilgan dalillar oʻz tasdigʻini topgan hollarda qabul qilinadi.

88[4]. Oʻquvchi Apellyatsiya komissiyasi yigʻilishida bevosita ishtirok etgan taqdirda komissiya qarori shikoyat koʻrib chiqilgan kunning oʻzida eʼlon qilinadi.

Oʻquvchi Apellyatsiya komissiyasi yigʻilishida ishtirok etmagan taqdirda komissiya qaroridan koʻchirma bayonnoma rasmiylashtirilgan kundan boshlab bir ish kuni ichida oʻquvchiga yuboriladi.

88[5]. Oʻquvchi apellyatsiya komissiyasi qaroridan norozi boʻlgan taqdirda, yuqori turuvchi organga yoki sudga shikoyat qilishi mumkin.”.

QMMB: 10/26/2117-3/0259-son
19.03.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2117-3
2026 - yil 19 - Mart

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MAKTABGACHA VA MAKTAB TA’LIMI VAZIRINING
BUYRUG‘I

5 – 11-sinf o‘quvchilarining bilimlari sifatini nazorat qilishning reyting tizimi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish kiritish haqida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 25-noyabrdagi PF–231-son “Qonunchilikdagi huquqiy bo‘shliqlarni bartaraf etish va tartibga solish yukini kamaytirish to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq buyuraman:

1. O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirligi va Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazining 2010-yil 8-iyundagi 23 va 11/QQ-son qarori (ro‘yxat raqami 2117, 2010-yil 25-iyun) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2010-y., 26-27-son, 215-modda) bilan tasdiqlangan 5 – 11-sinf o‘quvchilarining bilimlari sifatini nazorat qilishning reyting tizimi to‘g‘risidagi nizomning 5-bandi “v” kichik bandi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“v) o‘quvchilarning bilimlari, ko‘nikma va malakalarini baholashda haqqoniylik, ishonchlilik prinsiplariga hamda baholashning formativ va summativ usullariga rioya etilishini ta’minlash;”.

2. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir
16-Mart 2026-yil
31-mh-son

KARIMOVA E’ZOZXON
GAPIRJONOVNA

11 (1239)-сон
249-модда

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2502-1
2026 - yil 19 - Mart

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI QISHLOQ XO‘JALIGI VAZIRLIGI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI INVESTITSIYALAR, SANOAT VA SAVDO VAZIRLIGINING
QARORI

“Veterinariya dori vositalarini ishlab chiqarish uchun mo‘ljallangan import qilishda qo‘shilgan qiymat solig‘idan ozod qilinadigan xom ashyolar ro‘yxatini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarorni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish haqida

O‘zbekiston Respublikasining Soliq kodeksi, O‘zbekiston Respublikasining “Normativ-huquqiy hujjatlar to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Qishloq xo‘jaligi vazirligi, Iqtisodiyot va moliya vazirligi hamda Investitsiyalar, sanoat va savdo vazirligi qaror qiladi:

1. O‘zbekiston Respublikasi Qishloq va suv xo‘jaligi vazirligi, Iqtisodiyot vazirligi, Moliya vazirligi, Tashqi iqtisodiy aloqalar, investitsiyalar va savdo vazirligi, Davlat bojxona qo‘mitasining 2013-yil 7-avgustdagi 7/9, 39, 73, 10 va 01-02/8-25-son “Veterinariya dori vositalarini ishlab chiqarish uchun mo‘ljallangan import qilishda qo‘shilgan qiymat solig‘idan ozod qilinadigan xom ashyolar ro‘yxatini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarori (ro‘yxat raqami 2502, 2013-yil 22-avgust) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2013-y., 34-son, 464-modda) o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 4-mart
45-son

ABDURAXMONOV IBROXIM YULCHIYEVICH

Vazir
2026-yil 3-mart
335-son

KUCHKAROV DJAMSHID ANVAROVICH

Вазир
2026-yil 18-fevral
01-21-4-1240-son

KUDRATOV LAZIZ SHAVKATOVICH

11 (1239)-son
250-modda

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2515-6
2026 - yil 19 - Mart

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING BUYRUG‘I

“Auditorlik faoliyati to‘g‘risidagi ma’lumot shakli va uni to‘ldirish qoidalarini tasdiqlash haqida”gi buyruqqa o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida

O‘zbekiston Respublikasining “Auditorlik faoliyati to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq buyuraman:

1. O‘zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2013-yil 9-sentabrdagi 83-son “Auditorlik faoliyati to‘g‘risidagi ma’lumot shakli va uni to‘ldirish qoidalarini tasdiqlash haqida”gi buyrug‘iga (ro‘yxat raqami 2515, 2013-yil 9-oktabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2013-y., 41-son, 553-modda) ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston auditorlar palatasi hamda O‘zbekiston buxgalterlar va auditorlar milliy assotsiatsiyasi bilan kelishilgan

3. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 12-mart
344-son

KUCHKAROV DJAMSHID
ANVAROVICH

Kelishildi:

2026-yil 4-mart		XAMDAMOV BAXTIYOR UKTAMOVICH
2026-yil 4-mart		RASHIDOV FARRUX ISMOILOVICH

O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining
2026-yil 12-martdagi 344-son buyrug‘iga
ILOVA

“Auditorlik faoliyati to‘g‘risidagi ma’lumot shakli va uni to‘ldirish qoidalarini tasdiqlash haqida”gi buyruqqa kiritilayotgan o‘zgartirishlar

1. 1-ilovaning IV bobi 24-satri quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“

manbalari yuridik va jismoniy shaxslarning ajratmalaridan iborat bo‘lgan xayriya, jamoat fondlari va boshqa fondlar (bundan bir kalendar yilda bank hisobvaraqlarida pul aylanmasi mavjud bo‘lmagan jamoat fondlari mustasno)	24		

”.

2. 2-ilovaning 24-bandi sakkizinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“24-satrning 3 va 4-ustunlarida mos ravishda manbalari yuridik va jismoniy shaxslarning ajratmalaridan iborat bo‘lgan xayriya, jamoat fondlari va boshqa fondlar (bundan bir kalendar yilda bank hisobvaraqlarida pul aylanmasi mavjud bo‘lmagan jamoat fondlari mustasno) bo‘yicha ko‘rsatilgan xizmatlar soni va summasi ko‘rsatiladi;”.

QMMB: 10/26/2564-3/0261
19.03.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2564-3
2026 - yil 19 - Mart

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ISTIQBOLLI LOYIHALAR MILLIY AGENTLIGI DIREKTORINING
BUYRUG‘I

Sugʻurtalovchilar tomonidan yillik moliyaviy hisobotni eʼlon qilish tartibi toʻgʻrisidagi nizomning 1-bandiga oʻzgartirishlar kiritish haqida

Oʻzbekiston Respublikasining “Buxgalteriya hisobi toʻgʻrisida”gi va “Sugʻurta faoliyati toʻgʻrisida”gi qonunlari, Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 15-sentabrdagi PQ–282-son “Moliyaviy hisob tizimini xalqaro talab va standartlarga muvofiq takomillashtirish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. 1. Oʻzbekiston Respublikasi moliya vazirining 2014-yil 17-fevraldagi 9-son buyrugʻi (roʻyxat raqami 2564, 2014-yil 28-fevral) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2014-y., 9-son, 102-modda) bilan tasdiqlangan Sugʻurtalovchilar tomonidan yillik moliyaviy hisobotni eʼlon qilish tartibi toʻgʻrisidagi nizomning 1-bandida:

uchinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Oʻzbekiston Respublikasi buxgalteriya hisobining milliy standarti (1-sonli BHMS) “Moliyaviy hisobotni taqdim etish va hisob siyosati”da (roʻyxat raqami 3544, 2024-yil 6-avgust) belgilangan talablarga muvofiq ravishda tuzilgan, sugʻurtalovchi faoliyatining yakuniy natijalariga hisobot yilida taʼsir koʻrsatgan asosiy omillar bayon etilgan tushuntirish xati;”;

beshinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Xalqaro moliyaviy hisobot standartlariga muvofiq yillik moliyaviy hisobotni tuzuvchi sug‘urtalovchi, uni Xalqaro audit standartlariga muvofiq tashqi auditdan o‘tkazilganidan keyin e’lon qiladi.”.

2. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

11 (1239)-сон
251-модда

Direktor

13-Mart 2026-yil
03 son

LI DMITRIY ROMANOVICH

QMMB: 10/26/3097-11/0262-son
19.03.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3097-11
2026 - yil 19 - Mart

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FAVQULODDA VAZIYATLAR VAZIRINING BUYRUG‘I

Davlat yong‘in nazorati organlari faoliyatini tashkil etish va amalga oshirish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga o‘zgartirishlar kiritish haqida

O‘zbekiston Respublikasining 2025-yil 30-dekabrdagi O‘RQ–1109-son “Mahalliy davlat hokimiyati organlari faoliyati takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 14-apreldagi PF–66-son “Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi sohasida davlat nazoratini samarali tashkil qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni va 2025-yil 20-oktabrdagi PQ–310-son “Favqulodda vaziyatlar organlari faoliyatini yanada takomillashtirishga doir tashkiliy chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarori, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 22-oktabrdagi 666-son “O‘zbekiston Respublikasi Hukumatining ayrim qarorlariga qurilish sohasidagi normativ-huquqiy hujjatlarni takomillashtirishga qaratilgan o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq buyuraman:

1. O‘zbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirining 2018-yil 28-oktabrdagi 228-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3097, 2018-yil 11-dekabr) (Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 12.12.2018-y., 10/18/3097/2314-son) bilan tasdiqlangan Davlat yong‘in nazorati organlari faoliyatini tashkil etish va amalga oshirish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir

2026-yil 2-mart
46-son

IKRAMOV AZIZBEK
ISRAILOVICH

QMMB: 10/26/3097-11/0262-son
19.03.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi Favqulodda
vaziyatlar vazirining 2026 yil
2-martdagi 46-son buyrug‘iga
ILOVA

Davlat yong‘in nazorati organlari faoliyatini tashkil etish va amalga oshirish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga kiritilayotgan o‘zgartirishlar

1. 3-bandning uchinchi xatboshisidagi “va Toshkent shahar favqulodda vaziyatlar boshqarmalari” degan so‘zlar “favqulodda vaziyatlar boshqarmalari, Toshkent shahar va Toshkent viloyati favqulodda vaziyatlar bosh boshqarmalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. 54^1-banddagi “Loyiha-smeta hujjatlarini” degan so‘zlar “Loyiha-smeta hujjatlarining arxitektura qismini” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

3. 60-bandning oltinchi xatboshisidagi “qurilish-montaj ishlari tugallangan obyektdan” degan so‘zlar “qurilishi tugallangan obyektni topshirish-qabul qilish va” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

4. 62-banddagi “Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi vazirligi” degan so‘zlar “Vazirlar Mahkamasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

5. 64-bandda:

birinchi xatboshidagi “Qurilish ishlari tugallangan obyektlarni” degan so‘zlar “Qurilishi tugallangan obyektlarni” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “Qurilish ishlari tugallangan obyektning” degan so‘zlar “Qurilishi tugallangan obyektning” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

6. 65-banddagi “qurilish ishlari tugallangan obyektni” degan so‘zlar “qurilishi tugallangan obyektni” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

7. 66-banddagi “ShNQ 3.01.04 “Qurilish ishlari tugallangan obyektlarni foydalanishga qabul qilish” degan so‘zlar “ShNQ 3.01.04 “Qurilishi tugallangan obyektlarni foydalanishga qabul qilish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

8. 70-bandda:

birinchi xatboshidagi “Qurilish ishlari tugallangan obyektni DYON organi vakili uch ish kuni” degan so‘zlar “Qurilishi tugallangan obyektni DYON organi vakili o‘n ish kuni” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “aniq asoslarini” degan so‘zlar “ularni ko‘rib chiqishni rad etishning aniq asoslarini va qonunchilik hujjatlari normalarini” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

9. 72-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“72. Qurilishi tugallanganidan so‘ng, davlat sirlari yoki qonun bilan qo‘riqlanadigan boshqa sirlar bilan bog‘liq qurilishi tugallangan obyektlar, shuningdek davlat ahamiyatiga ega obyektlarda foydalanishga qabul qilish komissiyasi dalolatnomalarida DYON inspektorining imzosisiz yoki O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 20-apreldagi 200-son qarori bilan tasdiqlangan Qurilishi tugallangan obyektni topshirish-qabul qilish va foydalanish uchun ruxsatnoma berish bo‘yicha davlat xizmatlarini ko‘rsatishning ma’muriy reglamentida nazarda tutilgan obyektlarda QR-kodli xulosasisiz faoliyat ko‘rsatilayotganligi aniqlanganda, bu to‘g‘risida zudlik bilan mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlari, arxitektura va qurilish organlari hamda hududiy nazorat inspeksiyasi xabardor qilinadi.”.

10. 131-banddagi “mahalliy davlat hokimiyati organlaridagi” degan so‘zlar “mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlaridagi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

QMMB: 10/26/3299-2/0263-son
19.03.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3299-2
2026 - yil 19 - Mart

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI

IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING BUYRUG‘I

Budjet jarayonining ochiqligini ta’minlash maqsadida rasmiy veb-saytlarda ma’lumotlarni joylashtirish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida

O‘zbekiston Respublikasining Budjet kodeksi hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 28-noyabrdagi PQ–364-son “Soliqlarning yig‘iluvchanlik darajasini oshirish va faol soliq to‘lovchilarni rag‘batlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq buyuraman:

1. O‘zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2021-yil 27-apreldagi 26-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3299, 2021-yil 7-may) (Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 07.05.2021-y., 10/21/3299/0438-son) bilan tasdiqlangan Budjet jarayonining ochiqligini ta’minlash maqsadida rasmiy veb-saytlarda ma’lumotlarni joylashtirish tartibi to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Hisob palatasi va Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 10-mart
339-son

KUCHKAROV DJAMSHID
ANVAROVICH

Kelishildi:

Raisning birinchi o‘rinbosari 2026-yil 4-mart		ABDULLAYEV MEHRIDDIN RAZZOQOVICH
Direktor 2026-yil 27-fevral		BURXANOV AKMAL ESHONDEDAYEVICH

QMMB: 10/26/3299-2/0263-son
19.03.2026-y.

Oʻzbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining
2026-yil 10-martdagi 339-son buyrugʻiga
ILOVA

Budjet jarayonining ochiqligini taʼminlash maqsadida rasmiy veb-saytlarda maʼlumotlarni joylashtirish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga kiritilayotgan oʻzgartirish va qoʻshimchalar

1. 5-banddagi “Iqtsodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Soliq qoʻmitasi hamda Bojxona qoʻmitasi” degan soʻzlar “Soliq qoʻmitasi hamda Oʻzbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Bojxona qoʻmitasi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

2. 8-band quyidagi mazmundagi xatboshi bilan toʻldirilsin:

“Qoraqalpogʻiston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyatlar va Toshkent shahar, tumanlar va shaharlar hokimliklari tegishli mahalliy budjetlar qoʻshimcha mablagʻlaridan foydalanilishiga doir qarorlarni (farmoyishlarni) ular qabul qilinganidan soʻng uch ish kuni ichida majburiy tartibda oʻz rasmiy veb-saytlariga hamda “Ochiq budjet” axborot portaliga joylashtiradi.”.

3. 9-bandda:

quyidagi mazmundagi uchinchi va toʻrtinchi xatboshilar bilan toʻldirilsin:

“jismoniy shaxs tomonidan muayyan davrda toʻlangan daromad soligʻi, mol-mulk soligʻi va yer soligʻi toʻgʻrisidagi maʼlumotni doimiy ravishda;

toʻlangan soliqlar evaziga Davlat budjetidan amalga oshirilgan xarajatlar toʻgʻrisidagi maʼlumotlarni (xarajatlar yoʻnalishlari kesimida) doimiy ravishda;”;

uchinchi xatboshi beshinchi xatboshi deb hisoblansin.

QMMB: 10/26/3571-1/0264-son
19.03.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3571-1
2026 - yil 19 - Mart

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ISTIQBOLLI LOYIHALAR MILLIY AGENTLIGI DIREKTORINING
BUYRUG‘I

Sugʻurta xizmatlarini elektron shaklda koʻrsatish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga oʻzgartirishlar kiritish haqida

Oʻzbekiston Respublikasining “Sugʻurta faoliyati toʻgʻrisida”gi Qonuni, Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 1-martdagi PQ–108-son “Sugʻurta xizmatlari bozorini yanada rivojlantirishning kompleks chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi qarori, Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 28-fevraldagi 131-son “Oʻzbekiston Respublikasi Togʻ-kon sanoati va geologiya vazirligi huzuridagi Togʻ-kon sanoati va geologiya sohasini nazorat qilish inspeksiyasi faoliyatini tashkil etish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi va 2025-yil 30-iyundagi 400-son “Oʻzbekiston Respublikasi Hukumatining ayrim qarorlariga oʻzgartirish va qoʻshimchalar kiritish toʻgʻrisida”gi qarorlariga muvofiq **buyuraman:**

1. Oʻzbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi direktorining 2024-yil 12-sentabrdagi 9-son buyrugʻi (roʻyxat raqami 3571, 2024-yil 11-noyabr) (Qonunchilik maʼlumotlari milliy bazasi, 13.11.2024-y., 10/24/3571/0915-son) bilan tasdiqlangan Sugʻurta xizmatlarini elektron shaklda koʻrsatish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga ilovaga muvofiq oʻzgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Direktor
13-Mart 2026-yil
04 son

LI DMITRIY ROMANOVICH

QMMB: 10/26/3571-1/0264-son
19.03.2026-y.

Oʻzbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi direktorining 2026-yil 13-martdagi 4-son buyrugʻiga
ILOVA

Sugʻurta xizmatlarini elektron shaklda koʻrsatish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga kiritilayotgan oʻzgartirishlar

1. 6-bandning “a” kichik bandi ikkinchi va uchinchi xatboshilaridagi “Vazirlar Mahkamasi huzuridagi” degan soʻzlar chiqarib tashlansin.

2. 8-bandning “a” kichik bandi ikkinchi va uchinchi xatboshilaridagi “Togʻ-kon, geologiya va sanoat xavfsizligini nazorat qilish inspeksiyasi” degan soʻzlar “Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Sanoat, radiatsiya va yadro xavfsizligi qoʻmitasi va Oʻzbekiston Respublikasi Togʻ-kon sanoati va geologiya vazirligi huzuridagi Togʻ-kon sanoati va geologiya sohasini nazorat qilish inspeksiyasi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

QMMB: 10/26/3582-1/0265-son
19.03.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3582-1
2026 - yil 19 - Mart

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY STATISTIKA QO‘MITASINING QARORI

Bir yillik statistika dasturini hisoblash metodikasiga o‘zgartirishlar kiritish haqida

O‘zbekiston Respublikasining 2025-yil 30-dekabrdagi O‘RQ–1109-son “Mahalliy davlat hokimiyati organlari faoliyati takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi Qonuni hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 24-fevraldagi PQ–75-son “O‘zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo‘mitasi faoliyatini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo‘mitasi qaror qiladi:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi direktorining 2024-yil 5-dekabrdagi 13-mb-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3582, 2024-yil 10-dekabr) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 13.12.2024-y., 10/24/3582/1021-son) bilan tasdiqlangan Bir yillik statistika dasturini hisoblash metodikasiga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Rais
2026-yil 13-mart
1-mb-son

HAMRAYEV BEHZOD
SAYLIXONOVICH

Kelishildi:

Vazir
2026-yil 10-mart

KUCHKAROV DJAMSHID
ANVAROVICH

QMMB: 10/26/3582-1/0265-son
19.03.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo‘mitasi
raisining 2026-yil 13-martdagi 1-mb-son qaroriga
ILOVA

Bir yillik statistika dasturini hisoblash metodikasiga kiritilayotgan o‘zgartirishlar

1. 13-bandning ikkinchi xatboshisidagi “mahalliy davlat hokimiyati organlari” degan so‘zlar “mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. 21-banddagi “O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 4-martdagi PQ–114-son qarori bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligining Statistika kengashi to‘g‘risidagi nizomda” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 24-fevraldagi PQ–75-son qarori bilan tasdiqlangan Respublika statistika kengashi to‘g‘risidagi nizomda” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

11 (1239)-сон
256-модда

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3636-1
2026 - yil 19 - Mart

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUDOFAA VAZIRLIGI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MAKTABGACHA VA MAKTAB TA‘LIMI VAZIRLIGINING
QARORI

“Jasorat maktablari”ga oʻquvchilarni qabul qilish va oʻquv-tarbiyaviy jarayonni tashkil etish tartibi toʻgʻrisidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish haqida

Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 3-noyabrdagi 688-son “Umumiy oʻrta taʼlim muassasalarida chaqiruvga qadar boshlangʻich tayyorgarlik rahbari va “Jasorat maktablari” faoliyatini tashkil etish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi qaroriga muvofiq Oʻzbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi hamda Maktabgacha va maktab taʼlimi vazirligi qaror qiladi:

1. Oʻzbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi va Maktabgacha va maktab taʼlimi vazirligining 2025-yil 30-iyundagi 28 va 7-mh-son “Jasorat maktablari”ga oʻquvchilarni qabul qilish va oʻquv-tarbiyaviy jarayonni tashkil etish tartibi toʻgʻrisidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori (roʻyxat raqami 3636, 2025-yil 1-iyul) (Qonunchilik maʼlumotlari milliy bazasi, 03.07.2025-y., 10/25/3636/0566-son) o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

2. Mazkur qaror Oʻzbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi, Favqulodda vaziyatlar vazirligi hamda Milliy gvardiyasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Mudofaa vaziri
2026-yil 17-mart
6-son

XALMUXAMEDOV SHUXRAT
GAYRATDJANOVICH

Vazir
2026-yil 4-mart
27-mh-son

KARIMOVA E’ZOZXON GAPIRJONOVNA

Kelishildi:

Vazir
2026-yil 24-fevral

TASHPULATOV AZIZ ANVAROVICH

Vazir
2026-yil 21-fevral

IKRAMOV AZIZBEK ISRAILOVICH

Qo'mondon
2026-yil 18-fevral

TASHMATOV BAXODIR XAMIDOVICH

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3791
2026 - yil 19 - Mart

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI SANOAT, RADIATSIYA VA YADRO XAVFSIZLIGI QO‘MITASINING QARORI

Atom elektr stansiyasida vodorodli portlashdan himoyani ta’minlash qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 24-dekabrdagi PF–224-son “Sanoat, radiatsiya va yadro xavfsizligi sohasida davlat nazoratini takomillashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Sanoat, radiatsiya va yadro xavfsizligi qo‘mitasi **qaror qiladi:**

1. Atom elektr stansiyasida vodorodli portlashdan himoyani ta’minlash qoidalari ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Favqulodda vaziyatlar vazirligi, Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi vazirligi, Ekologiya va iqlim o‘zgarishi milliy qo‘mitasi, Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Atom energiyasi agentligi hamda Fanlar akademiyasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Qo'mita raisi
2026-yil 3-mart
41-son

RAFIQOV ABDUVAQQOS VOHIDOVICH

Kelishildi:

Vazir
21-Fevral 2026-yil

IKRAMOV AZIZBEK ISRAILOVICH

Раис
16-Fevral 2026-yil

ABDUXAKIMOV AZIZ ABDUKAXAROVICH

Вазир
09-Yanvar 2026-yil

XIDOYATOV SHERZOD SAIDJANOVICH

Direktor
07-Yanvar 2026-yil

AXMEDXADJAYEV AZIM ISRAILOVICH

Fanlar akademiyasi prezidenti
05-Yanvar 2026-yil

AYUPOV SHAVKAT ABDULLAYEVICH

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi
huzuridagi Sanoat, radiatsiya va yadro xavfsizligi
qo‘mitasining 2026-yil 3-martdagi
41-son qaroriga
ILOVA

Atom elektr stansiyasida vodorodli portlashdan himoyani ta’minlash QOIDALARI

Mazkur Qoidalar suv, suv-energetik reaktori (VVER) turidagi reaktorlar bilan jihozlangan atom elektr stansiyasini loyihalash, qurish va ekspluatatsiya qilish jarayonida vodorodli portlashdan himoya qilishga qo‘yiladigan talablarni belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur hujjatda quyidagi tushunchalar qo‘llaniladi:

ekspluatatsiya qiluvchi tashkilot – O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan tashkil etilgan hamda yadroviy qurilma va (yoki) saqlash punkti uchun mas’ul etib tayinlangan hamda o‘z kuchlari bilan yoki boshqa yuridik shaxslarni jalb etgan holda yadroviy qurilmani va (yoki) saqlash punktini ekspluatatsiya qilishga qodir bo‘lgan yuridik shaxs;

detonatsiya – yonuvchi gaz aralashmasida kimyoviy reaksiyaning zarba to‘lqini bilan bog‘langan holda tovush tezligidan yuqori tezlikda tarqalishi bilan tavsiflanadigan portlash jarayoni;

deflagratsiya – cheklangan hajmda vodorod saqlovchi aralashmada reaksiya frontining tovush tezligidan past tezlikda tarqalishi natijasida o‘rtacha bosim hamda issiqlik yuklamalari yuzaga kelishi bilan tavsiflanadigan portlash;

germetik to‘siq – yadroviy reaktor qurilmasi yoki radioaktiv moddalarni saqlovchi boshqa obyektlar atrofidagi fazoni ajratib turuvchi, atom elektr stansiyasi loyihasida nazarda tutilgan chegarani hosil qiluvchi qurilish va boshqa konstruksiya elementlari majmui;

loyihaviy avariyalar – atom elektr stansiyasi loyihasida ko‘zda tutilgan boshlang‘ich hodisalar natijasida sodir bo‘ladigan hamda ularning oqibatlarini cheklash uchun xavfsizlik tizimlari nazarda tutilgan avariyalar;

loyihadan tashqari avariyalar – atom elektr stansiyasi loyihasida ko‘zda tutilmagan sabablar yoki hodisalar ketma-ketligi natijasida yuzaga keladigan avariyalar.

2. Atom elektr stansiyasini loyihalash, qurish va ekspluatatsiya qilish jarayonida tashqi tabiiy hamda texnogen ta’sirlar hisobga olingan holda vodorod saqlovchi aralashmalar portlashidan himoyani ta’minlashga qaratilgan tashkiliy va texnik chora-tadbirlar ekspluatatsiya qiluvchi tashkilot tomonidan ushbu hujjat talablariga muvofiq ishlab chiqilishi lozim.

3. Ekspluatatsiya qiluvchi tashkilot atom elektr stansiyasida quyidagi holatlarning yuzaga kelishiga yo‘l qo‘yilmasligini ta’minlashi zarur:

normal ekspluatatsiya vaqtida germetik to‘siq bilan chegaralangan hajmdagi tizimlar, elementlar va xonalarda vodorod saqlovchi portlovchi aralashmalarning hosil bo‘lishiga;

loyihaviy avariyalarda germetik to‘siq bilan chegaralangan hajmdagi xonalarda vodorod saqlovchi aralashmalarning detonatsiyasi va deflagratsiyasiga;

loyihadan tashqari avariyalarda vodorod saqlovchi aralashmalarning detonatsiyasiga.

4. Atom elektr stansiyasida loyihadan tashqari avariyalarda deflagratsiyaga faqat atom elektr stansiyasi loyihasida belgilangan xavfsizlikni ta’minlovchi tizimlar o‘z funksiyalarini to‘liq bajarishi sharti bilan yo‘l qo‘yiladi.

5. Atom elektr stansiyasining normal ekspluatatsiyasi jarayonida germetik to‘siq bilan chegaralangan hajmlarda vodorod saqlovchi aralashmalar hosil bo‘lishining oldini olish maqsadida ekspluatatsiya qiluvchi tashkilot quyidagilarni ta’minlashi kerak:

atom elektr stansiyasidagi texnologik jarayonlarning loyiha hujjatlarida belgilangan chegaraviy parametrlar va ekspluatatsiya shartlariga muvofiq olib borilishini;

germetik to‘siq bilan chegaralangan hajmdagi xonalarga vodorod hamda vodorod saqlovchi aralashmalar boshqa tarkibiy qismlarining kirib kelishining oldini oluvchi yoki ularning kirib kelish darajasini atom elektr stansiyasi loyihasida belgilangan normalargacha kamaytiruvchi texnologik uskunalar konstruksiyasining germetikligini;

germetik to‘siq bilan chegaralangan hajmda vodorodli portlashdan himoyani ta’minlaydigan tizimlar (elementlar)ning ishlashi natijasida vodorod va vodorod saqlovchi aralashmalarning portlashga olib keluvchi konsentratsiyasining kamayishini;

vodorod saqlovchi aralashmalar konsentratsiyasining doimiy nazorat qilinishini.

6. Atom elektr stansiyasida vodorod saqlovchi aralashmalarning deflagratsiyasi va detonatsiyasining oldini olish ularning tarkibi va parametrlarini nazorat qilish hamda boshqarishga mo‘ljallangan aktiv va passiv tizimlar (elementlar)ni qo‘llash orqali ta’minlanishi zarur.

7. Atom elektr stansiyasida vodorod saqlovchi aralashmalarning deflagratsiyasi yoki detonatsiyasi yuz bergan taqdirda paydo bo‘ladigan issiqlik va mexanik ta’sirlarni kamaytirish maxsus texnik vositalar va tizimlar yordamida ta’minlanishi lozim.

2-bob. Atom elektr stansiyasini loyihalash va qurish jarayonida vodorodli portlashdan himoyani ta’minlash

8. Germetik to‘siq bilan chegaralangan hajmdagi xonalarda normal ekspluatatsiya, uning buzilishi hamda avariyaviy holatlarda quyidagilar belgilanishi zarur:

vodorod saqlovchi portlovchi aralashmalarning hosil bo‘lish manbalari;

vodorod saqlovchi portlovchi aralashmalarning tarkibi va vodorodning konsentratsiyasi;

vodorod va vodorod saqlovchi aralashmalarning parametrlarini nazorat qilish joylari va vositalari.

9. Atom elektr stansiyasida loyihadan tashqari avariyalarda vodorod saqlovchi aralashmalarning ehtimoliy portlashi natijasida tizimlar va elementlarga tushadigan mexanik va issiqlik yuklamalari ta’sirining ehtimoliy oqibatlari belgilanishi kerak.

10. Germetik to‘siq bilan chegaralangan hajmdagi xonalar, tizimlar va elementlarni vodorod saqlovchi aralashmalarning portlashidan himoya qilishga mo‘ljallangan maxsus konstruksiyalar bo‘lishi zarur.

11. Vodorod saqlovchi aralashmalarning portlashida vodorodli portlashdan himoyani ta’minlaydigan tizimlar va elementlar belgilanishi kerak.

12. Atom elektr stansiyasining normal ekspluatatsiyasi jarayonida germetik to‘siq bilan chegaralangan hajmdagi tizimlar, elementlar va xonalarda vodorod hosil bo‘lishiga ekspluatatsiya qiluvchi tashkilot tomonidan faqat quyidagi hollarda yo‘l qo‘yiladi:

konstruksiya materiallarning korroziyasi;

reaktorning faol zonasida suvning radiolizi;

yadroviy yoqilg‘ini saqlash havzasida suvning radiolizi;

ta’mirlash ishlari vaqtida birinchi konturning germetikligi buzilishi natijasida suvdan vodorodning ajralishi.

13. Atom elektr stansiyasining avariyaviy holatlarida germetik to‘siq bilan chegaralangan hajmdagi tizimlar, elementlar va xonalarda vodorod hosil bo‘lishiga quyidagi jarayonlar natijasida yo‘l qo‘yilishi mumkin:

faol zona va zona tashqarisida suv hamda suv bug‘ining radiolizi;

yadroviy reaktor konturlarida mavjud vodorod va kislorodning ajralishi;

suvdagi ammiakning parchalanishi;

dozalangan zaxira suvdan gidrazin va ammiak ajralishi;

xavfsizlik tizimlari baklari va suv sig‘imlaridan dozalangan gidrazinning ajralishi;

suvning issiqlik dissotsiatsiyasi (2000°C dan yuqori haroratda);

bug‘-sirkoniy reaksiyasi;

temir-bug‘ reaksiyasi;

issiqlik izolyatsiyasida va konstruksiya elementlaridagi alyuminiy yoki rux materiallarning korroziyasi;

bor kislotasi aralashmasida organik qoplamasi shikastlangan uglerodli po‘latning korroziyasi;

uran dioksidi bilan bug‘ning reaksiyasi;

yadroviy yoqilg‘i bilan betonning ta’siri kabi texnologik jarayonlarning xususiyatlari.

14. Atom elektr stansiyasi loyihasida vodorodli portlashdan himoyani ta’minlaydigan quyidagi tizimlar nazarda tutilishi lozim:

vodorod saqlovchi aralashmalarni yoqish tizimlari;

vodorodli muhitni chiqarib yuborish tizimlari (ishchi muhitni tozalash va atrof-muhitga chiqarishni o‘z ichiga olgan holda);

muhitlarni aralashtirish tizimlari;

avariya va avariyadan keyingi davrda vodorod saqlovchi aralashmani boshqa gazlar bilan suyultirish tizimlari.

15. Atom elektr stansiyasi loyihasida vodorodli portlashning oldini olish maqsadida quyidagi holatlarga yo‘l qo‘yilmasligi lozim:

xonalarning tutash hajmlaridan birida portlash xavfi bo‘lgan vodorodli aralashmalar to‘planishi;

germetik to‘siq bilan chegaralangan hajmlarda turg‘un zonalar shakllanishi.

16. Atom elektr stansiyasi loyihasida hamda atom elektr stansiyasi xavfsizligini asoslash bo‘yicha hisobotda vodorodli portlashdan himoya choralari asoslantirilishi lozim.

17. Vodorodli portlashdan himoyalanish loyihaviy yechimlar asosida asoslanishi hamda atom elektr stansiyasi xavfsizligini asoslash bo‘yicha hisobotda ko‘rsatilishi lozim.

18. Atom elektr stansiyasi loyihasida vodorod saqlovchi aralashmalar portlashining, shu jumladan elektrotexnika uskunalaridan foydalanish natijasida yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan portlash manbalarining oldini olishga qaratilgan tashkiliy-texnik chora-tadbirlar ko‘zda tutilishi lozim.

19. Germetik to‘siq bilan chegaralangan hajmdagi xonalarda joylashtirilgan uskunalar hamda qurilish konstruksiyalari normal ekspluatatsiya sharoitida va avariya holatlarida vodorod hosil bo‘lishining oldini oluvchi konstruksiya materiallardan tayyorlangan bo‘lishi yoki maxsus himoya qoplamalari bilan muhofazalangan bo‘lishi zarur.

20. Atom elektr stansiyasi loyihasida vodorod saqlovchi aralashma parametrlariga ko‘ra atom elektr stansiyasining normal ekspluatatsiyasi uchun chegaralar va shartlar belgilanishi hamda asoslantirilishi lozim.

21. Atom elektr stansiyasi loyihasida vodorod saqlovchi aralashmaning termodinamik parametrlarini o‘lchash vositalari blokli va zaxira boshqaruv punktlariga axborotni uzatib turishi lozim.

22. Germetik to‘siq bilan chegaralangan hajmdagi xonalarda vodorod saqlovchi aralashmalar parametrlarini nazorat qilish nuqtalarining soni vodorod to‘planishi mumkin bo‘lgan hududlarni inobatga olgan holda tanlanishi va atom elektr stansiyasi loyihasida asoslantirilishi lozim.

23. Atom elektr stansiyasi loyihasida vodorod saqlovchi aralashma parametrlarining qiymatlariga ko‘ra texnologik blokirovkalar ishga tushish shartlari belgilanishi va asoslantirilishi lozim.

24. Vodorod saqlovchi aralashma parametrlarini nazorat qilish tizimining o‘lchov kanallari o‘lchash diapazonining butun oralig‘i bo‘yicha metrologiya tekshiruvidan o‘tgan bo‘lishi hamda atom elektr stansiyasi loyihasida belgilanishi va asoslantirilishi shart.

3-bob. Atom elektr stansiyasining ekspluatatsiyasi jarayonida vodorodli portlashdan himoyani ta’minlash

25. Atom elektr stansiyasida vodorodli portlashdan himoyani ta’minlaydigan tizimlar va ularning elementlaridan foydalanish bo‘yicha yo‘riqnomalar ekspluatatsiya qiluvchi tashkilot tomonidan ishlab chiqilishi lozim.

26. Vodorodli portlashdan himoyani ta’minlaydigan tizimlar va ularning elementlaridan foydalanish bo‘yicha yo‘riqnomalar quyidagilarni o‘z ichiga olishi zarur:

dalolatnoma bilan rasmiylashtiriladigan tizimlar va ularning elementlariga texnik xizmat ko‘rsatish, ishlash qobiliyatini tekshirish hamda rejali ta’mirlashning hajmi va davriyligi;

tizimlar va elementlarning texnik holatini nazorat qilish tartibi, atom elektr stansiyasining xavfsizligi ta’minlangan holda eng kam zaruriy uskunalar tarkibini ta’mirlash, ishlash qobiliyatini tekshirish va texnik xizmat ko‘rsatishga chiqarish shartlari.

27. Atom elektr stansiyasida vodorodli portlashdan himoyani ta’minlaydigan tizimlar va ularning elementlari ta’mirdan so‘ng atom elektr stansiyasi loyihasida belgilangan parametrlarga muvofiqligi ekspluatatsiya qiluvchi tashkilot tomonidan tekshirilishi zarur.

28. Atom elektr stansiyasida vodorodli portlashdan himoyani ta’minlaydigan tizimlar va ularning elementlari yadroviy yoqilg‘ini yuklash vaqtida, yadroviy reaktorning barcha quvvat darajalarida, shuningdek oldindan rejalashtirilgan texnik xizmat ko‘rsatish davrida soz holatda bo‘lishi kerak.

29. Ekspluatatsiya qiluvchi tashkilot vodorodli portlashdan himoyani ta’minlaydigan tizimlar va ularning elementlarining texnik holati ustidan nazoratni amalga oshirishi lozim.

30. Atom elektr stansiyasini ekspluatatsiya qilish jarayonida vodorodli portlashdan himoyani ta’minlaydigan tizimlar va ularning elementlari uchun mas’ul xodimlarni tayyorlash hamda ularning ishga layoqatini muntazam nazorat qilish ekspluatatsiya qiluvchi tashkilot tomonidan ta’minlanishi kerak.

4-bob. Yakuniy qoida

31. Mazkur Qoidalarning buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda javobgar bo‘ladilar.

QMMB: 10/26/3792/0255-son
19.03.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3792
2026 - yil 19 - Mart

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ISTIQBOLLI LOYIHALAR MILLIY AGENTLIGI DIREKTORINING
BUYRUG‘I

O‘zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligining ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlariga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida

O‘zbekiston Respublikasining “Sug‘urta faoliyati to‘g‘risida”gi Qonuni va O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 23-iyuldagi 458-son “O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Sug‘urta xizmatlari bozorini yanada rivojlantirishning kompleks chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2024-yil 1-martdagi PQ–108-son qarorini amalga oshirish chora-tadbirlari haqida”gi qaroriga muvofiq buyuraman:

1. O‘zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligining ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlariga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Direktor
13-Mart 2026-yil
05- son

LI DMITRIY ROMANOVICH

Oʻzbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar
milliy agentligi direktorining 2026-yil
13-martdagi 5-son buyrugʻiga
ILOVA

Oʻzbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligining ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlariga kiritilayotgan oʻzgartirishlar

1. Oʻzbekiston Respublikasi moliya vazirining 2008-yil 20-noyabrdagi 107-son buyrugʻi (roʻyxat raqami 1882, 2008-yil 15-dekabr) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2008-y., 52-son, 529-modda) bilan tasdiqlangan Sugʻurtalovchilarning sugʻurta zaxiralari toʻgʻrisidagi nizomda:

a) 2-bandning oʻn oltinchi xatboshisi va 3-bandning birinchi xatboshisidagi “sugʻurta pulini” degan soʻzlar “sugʻurta toʻlovini” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

b) 4-bandning beshinchi xatboshisidagi “sugʻurta puli (pullari)” degan soʻzlar “sugʻurta summasi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

d) 22-bandning ikkinchi xatboshisidagi “sugʻurta pulidan” degan soʻzlar “sugʻurta summasidan” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

2. Oʻzbekiston Respublikasi moliya vazirining 2009-yil 20-noyabrdagi 108-son buyrugʻi (roʻyxat raqami 2058, 2009-yil 22-dekabr) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2009-y., 52-son, 582-modda) bilan tasdiqlangan Sugʻurtalovchining muvaqqat maʼmuriyati toʻgʻrisidagi nizomning 14-bandi va 20-bandi oltinchi xatboshisidagi “sugʻurta pulini” degan soʻzlar “sugʻurta toʻlovini” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

3. Oʻzbekiston Respublikasi moliya vazirining 2010-yil 27-dekabrdagi 111-son buyrugʻi (roʻyxat raqami 2190, 2011-yil 29-yanvar) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2011-y., 4-5-son, 46-modda) bilan tasdiqlangan Qayta sugʻurta qilish xizmatlari koʻrsatishning yagona talablari va standartlari toʻgʻrisidagi nizomda:

a) 8-bandning o‘ninchi xatboshisidagi “sug‘urta puli” degan so‘zlar “sug‘urta summasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

b) 9-banddagi “sug‘urta puli” degan so‘zlar “sug‘urta summasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

d) 12-bandda:

o‘n uchinchi, o‘n to‘qqizinchi, yigirma yettinchi, yigirma sakkizinchi, o‘ttiz sakkizinchi, qirq sakkizinchi – elliginchi xatboshilardagi “sugʻurta pulini” degan so‘zlar “sug‘urta to‘lovini” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

yigirma to‘qqizinchi xatboshidagi “sug‘urta puli” va “sug‘urta pulining” degan so‘zlar tegishli ravishda “sug‘urta summasi” va “sug‘urta summasining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

qirq to‘rtinchi xatboshidagi “sugʻurta pulini” degan so‘zlar “sug‘urta to‘lovini” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

e) 33-bandning ikkinchi xatboshisidagi “sugʻurta pulining” va “sugʻurta puli” degan so‘zlar tegishli ravishda “sugʻurta summasining” va “sug‘urta to‘lovi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

f) 35-banddagi “sugʻurta puli” degan so‘zlar “sug‘urta to‘lovi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

g) 37-bandda:

ikkinchi va beshinchi xatboshilardagi “sugʻurta pulini” degan so‘zlar “sug‘urta to‘lovini” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

oltinchi xatboshidagi “sug‘urta pulining” degan so‘zlar “sug‘urta to‘lovining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

h) 38-banddagi “sug‘urta pulining” va “sugʻurta puliga” degan so‘zlar tegishli ravishda “sug‘urta summasining” va “sug‘urta summasiga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

QMMB:10/26/3793/0256-son
19.03.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3793
2026 - yil 19 - Mart

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QURILISH VA UY-JOY KOMMUNAL XO‘JALIGI VAZIRINING
BUYRUG‘I

O‘zbekiston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida

O‘zbekiston Respublikasining Mehnat kodeksi, “Mehnatni muhofaza qilish to‘g‘risida”gi, “Ichimlik suvi ta’minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish to‘g‘risida”gi qonunlari hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 22-sentabrdagi 602-son “O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi sohasida nazorat qilish inspeksiyasi faoliyatini tartibga soluvchi normativ-huquqiy hujjatlarni tasdiqlash to‘g‘risida”gi va 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son “Mehnatni muhofaza qilish sohasiga oid ayrim nizomlarni tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarorlariga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga ilovaga muvofiq o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 27-fevral
1/2-7-son

XIDOYATOV
SHERZOD
SAIDJANOVICH

QMMB:10/26/3793/0256-son
19.03.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi
vazirining 2026-yil 27-fevraldagi 1/2-7-son buyrug‘iga
ILOVA

O‘zbekiston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga kiritilayotgan o‘zgartirish va qo‘shimchalar

1. O‘zbekiston “O‘zkommunxizmat” agentligi bosh direktorining 2014-yil 10-noyabrdagi 014-1/1294-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2631, 2014-yil 9-dekabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2014-y., 50-son, 597-modda) bilan tasdiqlangan Bug‘ va issiq suv quvurlari qurish va ulardan foydalanishda mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Qoidalar bug‘ va issiq suv quvurlari qurish va ulardan foydalanishda mehnatni muhofaza qilish qoidalarini belgilaydi.”;

2) 3-band “normativ hujjatlar” degan so‘zlardan keyin “, shaharsozlik normalari va qoidalari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin;

3) 4-banddagi “Mehnat muhofazasi bo‘yicha ishlarni tashkil etish to‘g‘risidagi namunaviy nizomga (ro‘yxat raqami 273, 1996-yil 14-avgust)” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Tashkilotlarda mehnatni muhofaza qilish ishlarini hamda mehnatni muhofaza qilish xizmati faoliyatini tashkil etish tartibi to‘g‘risidagi nizom talablariga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

4) 6 va 7-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“6. O‘zbekiston Respublikasi “Mehnatni muhofaza qilish to‘g‘risida”gi Qonunining 12-moddasiga muvofiq ishlab chiqarish faoliyatini amalga oshiruvchi, xodimlarining soni ellik kishi va undan ortiq bo‘lgan har bir tashkilotda mehnatni muhofaza qilish talablariga rioya etilishini ta’minlash, ularning bajarilishi ustidan nazoratni amalga oshirish maqsadida mehnatni muhofaza qilish xizmati tashkil etiladi yoki mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha tegishli tayyorgarlikka ega bo‘lgan mutaxassis lavozimi joriy etiladi. Ellikta va undan ortiq transport vositasi mavjud bo‘lgan tashkilotda yo‘l harakati xavfsizligi xizmati ham tashkil etiladi yoki yo‘l harakati xavfsizligi bo‘yicha mutaxassis lavozimi joriy etiladi.

Xodimlarining soni ellik nafardan kam bo‘lgan tashkilotda mehnatni muhofaza qilish xizmatini tashkil etish yoki mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha mutaxassis lavozimini joriy etish to‘g‘risidagi qaror ish beruvchi tomonidan mazkur tashkilot faoliyatining o‘ziga xos xususiyati hisobga olingan holda qabul qilinadi.

7. Mehnatni muhofaza qilish xizmati va yo‘l harakati xavfsizligi xizmati tashkilotning mustaqil tarkibiy bo‘linmalari bo‘lib, ular bevosita tashkilot rahbariga bo‘ysunadi.”;

5) 9-band “xodimlar salomatligining” degan so‘zlardan keyin “mehnat vazifalarini bajarish bilan bog‘liq” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin;

6) 11-banddagi “Mehnat muhofazasi bo‘yicha o‘qishlarni tashkil qilish va bilimlarni sinash to‘g‘risidagi namunaviy nizomga (ro‘yxat raqami 272, 1996-yil 14-avgust)” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi

QMMB:10/26/3793/0256-son
19.03.2026-y.

819-son qarori bilan tasdiqlangan Mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha yo‘l-yo‘riqdan o‘tkazish, o‘qitish va bilimlarni tekshirish, malaka oshirish hamda qayta tayyorlash to‘g‘risidagi nizom talablariga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

7) 12-banddagi “Mehnat muhofazasi bo‘yicha yo‘riqnomalarni ishlab chiqish to‘g‘risidagi nizomga (ro‘yxat raqami 870, 2000-yil 7-yanvar)” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha yo‘riqnomalarni ishlab chiqish to‘g‘risidagi nizom talablariga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

8) 31-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“31. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2023-yil 14-iyuldagi 290-son qarori bilan tasdiqlangan O‘n sakkiz yoshga to‘lmagan shaxslarning mehnatidan foydalanilishi taqiqlangan og‘ir ishlarning hamda zararli yoki xavfli mehnat sharoitlaridagi ishlarning ro‘yxatiga muvofiq, o‘n sakkiz yoshga to‘lmagan shaxslar og‘ir, zararli yoki xavfli mehnat sharoitlaridagi ishlarga qabul qilinmasligi lozim.”;

9) 32-band o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

10) 35-37-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“35. Tashkilot rahbariyati kasaba uyushmasi qo‘mitasi va sog‘liqni saqlash muassasasi bilan birgalikda har yili dastlabki (mehnat shartnomasini tuzayotganda) va davriy (mehnat faoliyati davomida) majburiy tibbiy ko‘rikdan o‘tishi lozim bo‘lgan xodimlarning ro‘yxatini tuzishi hamda xodimlarning tibbiy ko‘rikdan o‘tishini ta’minlashi lozim.

36. Majburiy tibbiy ko‘riklar tashkilotga tibbiy xizmatlar ko‘rsatuvchi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan, agar ular bo‘lmagan taqdirda tashkilot joylashgan joydagi hududiy davolash-profilaktika muassasalari tomonidan o‘tkaziladi.

37. Ish beruvchi majburiy tibbiy ko‘rikdan o‘tmagan yoxud majburiy tibbiy ko‘rik natijalariga ko‘ra tibbiy komissiyalar tomonidan berilgan tavsiyalarni bajarishdan bo‘yin tovlagan shaxslarni ishdan chetlashtirishi shart.”;

10) 41-bandning uchinchi xatboshisidagi “QMQ 2.01.05-98 “Tabiiy va sun’iy yoritish. Loyihalashtirish me’yorlari”ga” degan so‘zlar “ShNQ 2.01.05-24 “Tabiiy va sun’iy yoritish. Loyihalashtirish me’yorlari” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

11) 42-banddagi “QMQ 2.04.05-97 “Isitish, ventilyatsiya va konditsionerlash”” degan so‘zlar “ShNQ 2.04.05-22 “Isitish, ventilyatsiya va konditsiyalash” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

12) 44-banddagi “QMQ II 89-80 “Sanoat tashkilotlarining bosh plani”” degan so‘zlar “ShNQ 2.09.17-21 “Sanoat korxonalarining bosh rejalarini loyihalash” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

13) 52-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“52. Ishlab chiqarish binolari va inshootlari, yordamchi binolar va xonalar ShNQ 2.09.02-23 “Korxonalarning ishlab chiqarish hamda ma’muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga muvofiq bo‘lishi lozim.”;

14) 63-banddagi “12.1.003-89” va “12.1.012-90” raqamlari tegishli ravishda “12.1.003-2014” va “12.1.012-2004” raqamlari bilan almashtirilsin;

QMMB:10/26/3793/0256-son
19.03.2026-y.

15) 66-banddagi “QMQ 2.04.05-97 “Isitish, shamollatish va konditsionerlash”” degan so‘zlar “ShNQ 2.04.05-22 “Isitish, ventilyatsiya va konditsiyalash” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

16) 2-bobning 14-paragrafi nomidagi “kanalizatsiya” degan so‘z “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

17) 72-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“72. Suv ta’minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimi ShNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv ta’minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” shaharsozlik normalari va qoidalari talabiga mos kelishi zarur.”;

18) 75-banddagi “QMQ 2.01.05-98 “Tabiiy va sun’iy yoritish”” degan so‘zlar “ShNQ 2.01.05-24 “Tabiiy va sun’iy yoritish. Loyihalashtirish me’yorlari” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

19) 86-banddagi “SHNQ 2.09.04-09 “Tashkilotlarning ma’muriy va maishiy binolari”” degan so‘zlar “SHNQ 2.09.02-23 “Korxonalarning ishlab chiqarish hamda ma’muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

20) 97-banddagi “QMQ 2.04.07-99 “Issiqlik tarmoqlari” hamda QMQ 3.05.03-00 “Issiqlik tarmoqlari”” degan so‘zlar “SHNQ 2.04.07-22 “Issiqlik tarmoqlari” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

21) 111-banddagi “SHNQ 2.01.19-09 “Bino, xona va tashqi qurilmalarni portlash, yong‘in va yong‘in xavfliligi toifalarini aniqlash”ga” degan so‘zlar “ShNQ 2.01.19-22 “Portlab-yonish va yong‘in xavfi bo‘lgan xonalar, binolar va tashqi qurilmalar toifalarini aniqlash” shaharsozlik normalari va qoidalariga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

22) 120-banddagi “Iste’molchilarning elektr qurilmalaridan texnik foydalanish qoidalari (ro‘yxat raqami 1383, 2004-yil 9-iyul) hamda Iste’molchilarning elektr qurilmalaridan foydalanishda texnika xavfsizligi qoidalari (ro‘yxat raqami 1400, 2004-yil 20-avgust)” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrdagi 712-son qarori bilan tasdiqlangan Iste’molchilar elektr qurilmalarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalari va Iste’molchilar elektr qurilmalarini ekspluatatsiya qilishda xavfsizlik texnikasi qoidalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

23) 136-banddagi “QMQ 3.01.02-00 “Qurilishda xavfsizlik texnikasi”” degan so‘zlar “SHNQ 3.01.02-23 “Qurilishda xavfsizlik texnikasi” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

24) 137-banddagi “QMQ 3.01.03-97 “Issiqlik tarmoqlari”” degan so‘zlar “SHNQ 2.04.07-22 “Issiqlik tarmoqlari” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

25) 139-bandning birinchi xatboshisidagi “kanalizatsiya” degan so‘z “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

2. O‘zbekiston “O‘zkommunxizmat” agentligi bosh direktorining 2014-yil 26-dekabrdagi 140-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2650, 2015-yil 20-yanvar) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2015-y., 3-son, 34-modda) bilan tasdiqlangan Aholi punktlaridagi suv ta’minoti va oqova suvni chiqarish tizimlaridan foydalanishda ishlar xavfsizligi qoidalarida:

1) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

QMMB:10/26/3793/0256-son
19.03.2026-y.

“Mazkur Qoidalar aholi punktlaridagi suv ta’minoti va oqova suvni chiqarish tizimlaridan foydalanish tashkilotlari xodimlari uchun ishlar xavfsizligi qoidalarini belgilaydi.”;

2) 3-band “normativ hujjatlar” degan so‘zlardan keyin “, shaharsozlik normalari va qoidalari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin;

3) 4-banddagi “Mehnat muhofazasi bo‘yicha ishlarni tashkil etish to‘g‘risidagi namunaviy nizomga (ro‘yxat raqami 273, 1996-yil 14-avgust)” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Tashkilotlarda mehnatni muhofaza qilish ishlarini hamda mehnatni muhofaza qilish xizmati faoliyatini tashkil etish tartibi to‘g‘risidagi nizom talablariga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

4) 6 va 7-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“6. O‘zbekiston Respublikasi “Mehnatni muhofaza qilish to‘g‘risida”gi Qonunining 12-moddasiga muvofiq ishlab chiqarish faoliyatini amalga oshiruvchi, xodimlarining soni ellik kishi va undan ortiq bo‘lgan har bir tashkilotda mehnatni muhofaza qilish talablariga rioya etilishini ta’minlash, ularning bajarilishi ustidan nazoratni amalga oshirish maqsadida mehnatni muhofaza qilish xizmati tashkil etiladi yoki mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha tegishli tayyorgarlikka ega bo‘lgan mutaxassis lavozimi joriy etiladi. Ellikta va undan ortiq transport vositasi mavjud bo‘lgan tashkilotda yo‘l harakati xavfsizligi xizmati ham tashkil etiladi yoki yo‘l harakati xavfsizligi bo‘yicha mutaxassis lavozimi joriy etiladi.

Xodimlarining soni ellik nafardan kam bo‘lgan tashkilotda mehnatni muhofaza qilish xizmatini tashkil etish yoki mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha mutaxassis lavozimini joriy etish to‘g‘risidagi qaror ish beruvchi tomonidan mazkur tashkilot faoliyatining o‘ziga xos xususiyati hisobga olingan holda qabul qilinadi.

7. Mehnatni muhofaza qilish xizmati va yo‘l harakati xavfsizligi xizmati tashkilotning mustaqil tarkibiy bo‘linmalari bo‘lib, ular bevosita tashkilot rahbariga bo‘ysunadi.”;

5) 9-band “xodimlar salomatligining” degan so‘zlardan keyin “mehnat vazifalarini bajarish bilan bog‘liq” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin;

6) 11-banddagi “Mehnat muhofazasi bo‘yicha o‘qishlarni tashkil qilish va bilimlarni sinash to‘g‘risidagi namunaviy nizomga (ro‘yxat raqami 272, 1996-yil 14-avgust)” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha yo‘l-yo‘riqdan o‘tkazish, o‘qitish va bilimlarni tekshirish, malaka oshirish hamda qayta tayyorlash to‘g‘risidagi nizom talablariga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

7) 12-banddagi “Mehnat muhofazasi bo‘yicha yo‘riqnomalarni ishlab chiqish to‘g‘risidagi nizomga (ro‘yxat raqami 870, 2000-yil 7-yanvar)” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha yo‘riqnomalarni ishlab chiqish to‘g‘risidagi nizom talablariga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

8) 13-banddagi “17.2.3.02-78” raqamlari “17.2.3.02-2014” raqamlari bilan almashtirilsin;

9) 31-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“31. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2023-yil 14-iyuldagi 290-son qarori bilan tasdiqlangan O‘n sakkiz yoshga to‘lmagan shaxslarning mehnatidan foydalanilishi taqiqlangan og‘ir ishlarning hamda zararli yoki xavfli mehnat sharoitlaridagi

QMMB:10/26/3793/0256-son
19.03.2026-y.

ishlarning ro‘yxatiga muvofiq, o‘n sakkiz yoshga to‘lmagan shaxslar og‘ir, zararli yoki xavfli mehnat sharoitlaridagi ishlarga qabul qilinmasligi lozim.”;

10) 32-band o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin;

11) 35 va 36-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“35. Majburiy tibbiy ko‘riklar tashkilotga tibbiy xizmatlar ko‘rsatuvchi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan, agar ular bo‘lmagan taqdirda tashkilot joylashgan joydagi hududiy davolash-profilaktika muassasasalari tomonidan o‘tkaziladi.

36. Ish beruvchi majburiy tibbiy ko‘rikdan o‘tmagan yoxud majburiy tibbiy ko‘rik natijalariga ko‘ra tibbiy komissiyalar tomonidan berilgan tavsiyalarni bajarishdan bo‘yin tovlagan shaxslarni ishdan chetlashtirishi shart.”;

12) 40-bandning uchinchi xatboshisidagi “QMQ 3.01.05-98 “Tabiiy va sun’iy yoritish. Loyihalashtirish me’yorlari”ga” degan so‘zlar “ShNQ 2.01.05-24 “Tabiiy va sun’iy yoritish. Loyihalashtirish me’yorlari” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

13) 41-banddagi “QMQ 2.04.05-97 “Isitish, shamollatish va konditsionerlash”” degan so‘zlar “ShNQ 2.04.05-22 “Isitish, ventilyatsiya va konditsiyalash” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

14) 43-banddagi “QMQ II 89-80 “Sanoat tashkilotlarining bosh plani”” degan so‘zlar “ShNQ 2.09.17-21 “Sanoat korxonalarining bosh rejalarini loyihalash” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

15) 51-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“51. Ishlab chiqarish binolari va inshootlari, yordamchi binolar va xonalar ShNQ 2.09.02-23 “Korxonalarning ishlab chiqarish hamda ma’muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga muvofiq bo‘lishi lozim.”;

16) 62-banddagi “12.1.003-89” va “12.1.012-90” raqamlari tegishli ravishda “12.1.003-2014” va “12.1.012-2004” raqamlari bilan almashtirilsin;

17) 65-banddagi “QMQ 2.04.05-97 “Isitish, shamollatish va konditsionerlash”” degan so‘zlar “ShNQ 2.04.05-22 “Isitish, ventilyatsiya va konditsiyalash” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

18) 2-bobning 14-paragrafi nomidagi “kanalizatsiya” degan so‘z “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

19) 71-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“71. Suv ta’minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimi ShNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv ta’minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” shaharsozlik normalari va qoidalari talabiga mos kelishi zarur.”;

20) 74-banddagi “QMQ 2.01.05-98 “Tabiiy va sun’iy yoritish”” degan so‘zlar “ShNQ 2.01.05-24 “Tabiiy va sun’iy yoritish. Loyihalashtirish me’yorlari” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

21) 83-banddagi “SHNQ 2.09.04-09 “Tashkilotlarning ma’muriy va maishiy binolari”” degan so‘zlar “SHNQ 2.09.02-23 “Korxonalarning ishlab chiqarish hamda ma’muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

22) 91-banddagi “12.3.002-75” raqamlari “12.3.002-2014” raqamlari bilan almashtirilsin;

QMMB:10/26/3793/0256-son
19.03.2026-y.

23) 105-banddagi “SHNQ 2.01.19-09 “Bino, xona va tashqi qurilmalarni portlash, yong‘in va yong‘in xavfliligi toifalarini aniqlash”ga” degan so‘zlar “ShNQ 2.01.19-22 “Portlab-yonish va yong‘in xavfi bo‘lgan xonalar, binolar va tashqi qurilmalar toifalarini aniqlash” shaharsozlik normalari va qoidalariga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

24) 111-banddagi “Iste’molchilarning elektr qurilmalaridan texnik foydalanish qoidalari (ro‘yxat raqami 1383, 2004-yil 9-iyul) hamda Iste’molchilarning elektr qurilmalaridan foydalanishda texnika xavfsizligi qoidalari (ro‘yxat raqami 1400, 2004-yil 20-avgust)” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrdagi 712-son qarori bilan tasdiqlangan Iste’molchilar elektr qurilmalarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalari va Iste’molchilar elektr qurilmalarini ekspluatatsiya qilishda xavfsizlik texnikasi qoidalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

25) 142-bandning birinchi xatboshisidagi “QMQ 2.04.02-97 “Suv ta’minoti. Tashqi tarmoqlar va inshootlar. Amaldagi sanitariya qoidalarini loyihalashtirish me’yorlari”” degan so‘zlar “SHNQ 2.04.02-19 “Suv ta’minoti. Tashqi tarmoqlar va inshootlar” va amaldagi sanitariya qoidalarini loyihalashtirish me’yorlari” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

26) 165-banddagi “QMQ 2.04-02-97 “Suv ta’minoti tashqi tarmoqlar va inshootlar”ning” degan so‘zlar “SHNQ 2.04.02-19 “Suv ta’minoti. Tashqi tarmoqlar va inshootlar” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

3. O‘zbekiston “O‘zkommunxizmat” agentligi bosh direktorining 2015-yil 19-oktabrdagi 107-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2729, 2015-yil 17-noyabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2015-y., 46-son, 586-modda) bilan tasdiqlangan Ortiqcha bosimli suv isitish qozonlari, suv isitgichlar va bug‘ qozonlarini o‘rnatish va ulardan foydalanishda mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Qoidalar ortiqcha bosimli suv isitish qozonlari, suv isitgichlar va bug‘ qozonlarini o‘rnatish va ulardan foydalanishda mehnatni muhofaza qilish qoidalarini belgilaydi.”;

2) 3-band “normativ hujjatlar” degan so‘zlardan keyin “, shaharsozlik normalari va qoidalari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin;

3) 5-banddagi “Mehnat muhofazasi bo‘yicha ishlarni tashkil etish to‘g‘risidagi namunaviy nizomga (ro‘yxat raqami 273, 1996-yil 14-avgust)” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Tashkilotlarda mehnatni muhofaza qilish ishlarini hamda mehnatni muhofaza qilish xizmati faoliyatini tashkil etish tartibi to‘g‘risidagi nizom talablariga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

4) 7 va 8-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“7. O‘zbekiston Respublikasi “Mehnatni muhofaza qilish to‘g‘risida”gi Qonunining 12-moddasiga muvofiq ishlab chiqarish faoliyatini amalga oshiruvchi, xodimlarining soni ellik kishi va undan ortiq bo‘lgan har bir tashkilotda mehnatni muhofaza qilish talablariga rioya etilishini ta’minlash, ularning bajarilishi ustidan nazoratni amalga oshirish maqsadida mehnatni muhofaza qilish xizmati tashkil etiladi yoki mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha tegishli tayyorgarlikka ega bo‘lgan mutaxassis lavozimi joriy etiladi. Ellikta va

QMMB:10/26/3793/0256-son
19.03.2026-y.

undan ortiq transport vositasi mavjud bo‘lgan tashkilotda yo‘l harakati xavfsizligi xizmati ham tashkil etiladi yoki yo‘l harakati xavfsizligi bo‘yicha mutaxassis lavozimi joriy etiladi.

Xodimlarining soni ellik nafardan kam bo‘lgan tashkilotda mehnatni muhofaza qilish xizmatini tashkil etish yoki mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha mutaxassis lavozimini joriy etish to‘g‘risidagi qaror ish beruvchi tomonidan mazkur tashkilot faoliyatining o‘ziga xos xususiyati hisobga olingan holda qabul qilinadi.

8. Mehnatni muhofaza qilish xizmati va yo‘l harakati xavfsizligi xizmati tashkilotning mustaqil tarkibiy bo‘linmalari bo‘lib, ular bevosita tashkilot rahbariga bo‘ysunadi.”;

5) 10-band “xodimlar salomatligining” degan so‘zlardan keyin “mehnat vazifalarini bajarish bilan bog‘liq” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin;

6) 12-banddagi “Mehnat muhofazasi bo‘yicha o‘qishlarni tashkil qilish va bilimlarni sinash to‘g‘risidagi namunaviy nizomga (ro‘yxat raqami 272, 1996-yil 14-avgust)” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha yo‘l-yo‘riqdan o‘tkazish, o‘qitish va bilimlarni tekshirish, malaka oshirish hamda qayta tayyorlash to‘g‘risidagi nizom talablariga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

7) 13-banddagi “Mehnat muhofazasi bo‘yicha yo‘riqnomalarni ishlab chiqish to‘g‘risidagi nizomga (ro‘yxat raqami 870, 2000-yil 7-yanvar)” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha yo‘riqnomalarni ishlab chiqish to‘g‘risidagi nizom talablariga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

8) 32-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“32. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2023-yil 14-iyuldagi 290-son qarori bilan tasdiqlangan O‘n sakkiz yoshga to‘lmagan shaxslarning mehnatidan foydalanilishi taqiqlangan og‘ir ishlarning hamda zararli yoki xavfli mehnat sharoitlaridagi ishlarning ro‘yxatiga muvofiq, o‘n sakkiz yoshga to‘lmagan shaxslar og‘ir, zararli yoki xavfli mehnat sharoitlaridagi ishlarga qabul qilinmasligi lozim.”;

9) 33-band o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

10) 36-38-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“36. Tashkilot rahbariyati kasaba uyushmasi qo‘mitasi va sog‘liqni saqlash muassasasi bilan birgalikda har yili dastlabki (mehnat shartnomasini tuzayotganda) va davriy (mehnat faoliyati davomida) majburiy tibbiy ko‘rikdan o‘tishi lozim bo‘lgan xodimlarning ro‘yxatini tuzishi hamda xodimlarning tibbiy ko‘rikdan o‘tishini ta’minlashi lozim.

37. Majburiy tibbiy ko‘riklar tashkilotga tibbiy xizmatlar ko‘rsatuvchi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan, agar ular bo‘lmagan taqdirda tashkilot joylashgan joydagi hududiy davolash-profilaktika muassasasalari tomonidan o‘tkaziladi.

38. Ish beruvchi majburiy tibbiy ko‘rikdan o‘tmagan yoxud majburiy tibbiy ko‘rik natijalariga ko‘ra tibbiy komissiyalar tomonidan berilgan tavsiyalarni bajarishdan bo‘yin tovlagan shaxslarni ishdan chetlashtirishi shart.”;

11) 42-bandning uchinchi xatboshisidagi “QMQ 3.01.05-98 “Tabiiy va sun’iy yoritish. Loyihalashtirish me’yorlari”ga” degan so‘zlar “SHNQ 2.01.05-24 “Tabiiy va sun’iy yoritish. Loyihalashtirish me’yorlari” shaharsozlik normalari va qoidalariga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

QMMB:10/26/3793/0256-son
19.03.2026-y.

12) 43-banddagi “QMQ 2.04.05-97 “Isitish, ventilyatsiya va konditsionerlash”” degan so‘zlar “SHNQ 2.04.05-22 “Isitish, ventilyatsiya va konditsionerlash” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

13) 45-banddagi “QMQ II 89-80 “Sanoat tashkilotlarining bosh plani”” degan so‘zlar “SHNQ 2.09.17-21 “Sanoat korxonalarining bosh rejalarini loyihalash” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

14) 53-banddagi “QMQ 2.09.02-85 “Ishlab chiqarish binolari” talablariga, yordamchi binolar va xonalar QMQ 2.09.04-98 “Tashkilotlarning ma’muriy va maishiy binolari”” degan so‘zlar “SHNQ 2.09.02-23 “Korxonalarning ishlab chiqarish hamda ma’muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

15) 64-banddagi “12.1.003-89” va “12.1.012-90” raqamlari tegishli ravishda “12.1.003-2014” va “12.1.012-2004” raqamlari bilan almashtirilsin;

16) 67-banddagi “QMQ 2.04.05-97 “Isitish, shamollatish va konditsionerlash”” degan so‘zlar “SHNQ 2.04.05-22 “Isitish, ventilyatsiya va konditsiyalash” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

17) 2-bobning 14-paragrafi nomidagi “kanalizatsiya” degan so‘z “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

18) 73-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“73. Suv ta’minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimi ShNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv ta’minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” shaharsozlik normalari va qoidalari talabiga mos kelishi zarur.”;

19) 76-banddagi ““Tabiiy va sun’iy yoritish” QMQ 2.01.05-98” degan so‘zlar “ShNQ 2.01.05-24 “Tabiiy va sun’iy yoritish. Loyihalashtirish me’yorlari” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

20) 87-banddagi “SHNQ 2.09.04-09 “Tashkilotlarning ma’muriy va maishiy binolari”” degan so‘zlar “SHNQ 2.09.02-23 “Korxonalarning ishlab chiqarish hamda ma’muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

21) 95-banddagi “12.3.002-75” raqamlari “12.3.002-2014” raqamlari bilan almashtirilsin;

22) 104-banddagi “SHNQ 2.01.19-09 “Bino, xona va tashqi qurilmalarni portlash, yong‘in va yong‘in xavfliligi toifalarini aniqlash”ga” degan so‘zlar “ShNQ 2.01.19-22 “Portlab-yonish va yong‘in xavfi bo‘lgan xonalar, binolar va tashqi qurilmalar toifalarini aniqlash” shaharsozlik normalari va qoidalariga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

23) 114-banddagi “Iste’molchilarning elektr qurilmalaridan texnik foydalanish qoidalari (ro‘yxat raqami 1383, 2004-yil 9-iyul) hamda Iste’molchilarning elektr qurilmalaridan foydalanishda texnika xavfsizligi (ro‘yxat raqami 1400, 2004-yil 20-avgust)” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrdagi 712-son qarori bilan tasdiqlangan Iste’molchilar elektr qurilmalarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalari va Iste’molchilar elektr qurilmalarini ekspluatatsiya qilishda xavfsizlik texnikasi qoidalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

24) 166-banddagi “QMQ 2.04.13-99 “Qozonxona qurilmalari”” degan so‘zlar “SHNQ 2.04.13-24 “Qozonxonalar” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

QMMB:10/26/3793/0256-son
19.03.2026-y.

4. O‘zbekiston “O‘zkommunxizmat” agentligi bosh direktorining 2016-yil 18-avgustdagi 99-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2825, 2016-yil 19-sentabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2016-y., 38-son, 452-modda) bilan tasdiqlangan Chiqindilarni qayta yuklash stansiyalaridan texnik foydalanish qoidalarida:

1) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Qoidalar chiqindilarni qayta yuklash stansiyalaridan texnik foydalanish tartibini belgilaydi.”;

2) 3-banddagi “normativ hujjatlar” degan so‘zlardan keyin “shaharsozlik normalari va qoidalari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin;

3) 37-banddagi “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligi organlariga” degan so‘zlar “Ekologiya va iqlim o‘zgarishi milliy qo‘mitasiga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

4) 38-banddagi “kanalizatsiya” degan so‘z “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

5) 48-banddagi “Mehnat muhofazasi bo‘yicha ishlarni tashkil etish to‘g‘risidagi namunaviy nizomga (ro‘yxat raqami 273, 1996-yil 14-avgust)” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Tashkilotlarda mehnatni muhofaza qilish ishlarini hamda mehnatni muhofaza qilish xizmati faoliyatini tashkil etish tartibi to‘g‘risidagi nizom talablariga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

6) 50 va 51-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“50. O‘zbekiston Respublikasi “Mehnatni muhofaza qilish to‘g‘risida”gi Qonunining 12-moddasiga muvofiq ishlab chiqarish faoliyatini amalga oshiruvchi, xodimlarining soni ellik kishi va undan ortiq bo‘lgan har bir tashkilotda mehnatni muhofaza qilish talablariga rioya etilishini ta’minlash, ularning bajarilishi ustidan nazoratni amalga oshirish maqsadida mehnatni muhofaza qilish xizmati tashkil etiladi yoki mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha tegishli tayyorgarlikka ega bo‘lgan mutaxassis lavozimi joriy etiladi. Ellikta va undan ortiq transport vositasi mavjud bo‘lgan tashkilotda yo‘l harakati xavfsizligi xizmati ham tashkil etiladi yoki yo‘l harakati xavfsizligi bo‘yicha mutaxassis lavozimi joriy etiladi.

Xodimlarining soni ellik nafardan kam bo‘lgan tashkilotda mehnatni muhofaza qilish xizmatini tashkil etish yoki mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha mutaxassis lavozimini joriy etish to‘g‘risidagi qaror ish beruvchi tomonidan mazkur tashkilot faoliyatining o‘ziga xos xususiyati hisobga olingan holda qabul qilinadi.

51. Mehnatni muhofaza qilish xizmati va yo‘l harakati xavfsizligi xizmati tashkilotning mustaqil tarkibiy bo‘linmalari bo‘lib, ular bevosita tashkilot rahbariga bo‘ysunadi.”;

7) 53-band “xodimlar salomatligining” degan so‘zlardan keyin “mehnat vazifalarini bajarish bilan bog‘liq” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin;

8) 55-banddagi “2.09.04-09 “Tashkilotlarning ma’muriy va maishiy binolari”” degan so‘zlar “SHNQ 2.09.02-23 “Korxonalarning ishlab chiqarish hamda ma’muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

QMMB: 10/26/3794/0270-son
19.03.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3794
2026 - yil 19 - Mart

OʻZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING BUYRUGʻI

Oʻzbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni oʻz kuchini yoʻqotgan deb topish toʻgʻrisida

Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 8-fevraldagi 62-son “Tibbiy-ijtimoiy ekspertiza xizmati tashkiliy tuzilmasini va faoliyatini tashkil etishga oid normativ-huquqiy hujjatlarni tasdiqlash toʻgʻrisida”gi qarori hamda 2025-yil 16-sentabrdagi 587-son “Nogironlikni belgilash tizimi raqamlashtirilishi munosabati bilan Oʻzbekiston Respublikasi Hukumatining ayrim qarorlariga oʻzgartirish va qoʻshimchalar kiritish toʻgʻrisida”gi qaroriga asosan **buyuraman:**

1. Oʻzbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar ilovaga muvofiq oʻz kuchini yoʻqotgan deb topilsin.

2. Mazkur buyruq Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Ijtimoiy himoya milliy agentligi, Oʻzbekiston Respublikasi Sogʻliqni saqlash vazirligi hamda Kambagʻallikni qisqartirish va bandlik vazirligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy eʼlon qilingan kundan eʼtiboran kuchga kiradi.

Vazir
10-Mart 2026-yil
340-son

KUCHKAROV DJAMSHID
ANVAROVICH

QMMB: 10/26/3794/0270-son
19.03.2026-y.

Kelishildi:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори 02-Mart 2026-yil		OLLOYOROV MANSURBEK POLVONZODA
Vazir 24-Fevral 2026-yil		XUDAYAROV ASILBEK ANVAROVICH
Vazir 29-Yanvar 2026-yil		ZAXIDOV BOTIR ERKINOVICH

QMMB: 10/26/3794/0270-son
19.03.2026-y.

Oʻzbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2026-yil
10-martdagi 340-son buyrugʻiga
ILOVA

Oʻz kuchini yoʻqotgan deb topilayotgan idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar
ROʻYXATI

1. Oʻzbekiston Respublikasi moliya vazirining 2011-yil 16-avgustdagi 53-son “Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2010-yil 2-sentabrdagi 193-son qarori bilan tasdiqlangan Bosh, ixtisoslashtirilgan, tumanlararo va tuman (shahar) tibbiy-mehnat ekspert komissiyalari roʻyxatiga oʻzgartirishlar kiritish toʻgʻrisida”gi buyrugʻi (roʻyxat raqami 2261, 2011-yil 5-sentabr) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2011-y., 36-son, 372-modda).

2. Oʻzbekiston Respublikasi moliya vazirining 2013-yil 19-noyabrdagi 105-son “Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2010-yil 2-sentabrdagi 193-son qarori bilan tasdiqlangan Bosh, ixtisoslashtirilgan, tumanlararo va tuman (shahar) tibbiy-mehnat ekspert komissiyalari roʻyxatiga oʻzgartirishlar va qoʻshimcha kiritish toʻgʻrisida”gi buyrugʻi (roʻyxat raqami 2531, 2013-yil 2-dekabr) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2013-y., 49-son, 635-modda).

3. Oʻzbekiston Respublikasi moliya vazirining 2014-yil 10-oktabrdagi 66-son “Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2010-yil 2-sentabrdagi 193-son qarori bilan tasdiqlangan Bosh, ixtisoslashtirilgan, tumanlararo va tuman (shahar) tibbiy-mehnat ekspert komissiyalari roʻyxatiga oʻzgartirish va qoʻshimchalar kiritish toʻgʻrisida”gi buyrugʻi (roʻyxat raqami 2622, 2014-yil 14-oktabr) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2014-y., 42-son, 524-modda).

QMMB: 10/26/3795/0295-son
19.03.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3795
2026 - yil 19 - Mart

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRINING BUYRUG‘I

O‘zbekiston Respublikasi Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida

O‘zbekiston Respublikasi Mehnat kodeksi, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 14-iyuldagi PF–111-son “Davlat boshqaruvi tizimida samaradorlik, proaktivlik va natijadorlikni oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son “Mehnatni muhofaza qilish sohasiga oid ayrim nizomlarni tasdiqlash to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga ilovaga muvofiq o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 6-mart
3-2026/B-son

ZAXIDOV BOTIR
ERKINOVICH

O‘zbekiston Respublikasi kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2026-yil 6-martdagi 3-2026/B-son buyrug‘iga
ILOVA

O‘zbekiston Respublikasi Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga kiritilayotgan o‘zgartirish va qo‘shimchalar

1. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2007-yil 5-noyabrdagi M-44-son “Vino ishlab chiqarish xodimlari uchun mehnat muhofazasi qoidalarini tasdiqlash haqida”gi buyrug‘ida (ro‘yxat raqami 1754, 2007-yil 27-dekabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2007-y., 52-son, 545-modda):

1) buyruqning nomi va 1-bandidagi “mehnat muhofazasi” degan so‘zlar “mehnatni muhofaza qilish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

2) Qoidalarida:

nomi va 1–12-ilovalarning ilova belgisidagi “mehnat muhofazasi” degan so‘zlar “mehnatni muhofaza qilish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

quyidagi mazmundagi 7^1-band bilan to‘ldirilsin:

“7^1. Mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha nazorat O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Tashkilotlarda mehnatni muhofaza qilish ishlarini hamda mehnatni muhofaza qilish xizmati faoliyatini tashkil etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga muvofiq amalga oshiriladi.”;

10-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“10. Korxonalarda mehnatni muhofaza qilish borasidagi ishlarni tashkil qilish O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Tashkilotlarda mehnatni muhofaza qilish ishlarini hamda mehnatni muhofaza qilish xizmati faoliyatini tashkil etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga muvofiq amalga oshirilishi lozim.”;

quyidagi mazmundagi 10^1-band bilan to‘ldirilsin:

“10^1. O‘zbekiston Respublikasi “Mehnatni muhofaza qilish to‘g‘risida”gi Qonunining 12-moddasiga muvofiq ishlab chiqarish faoliyatini amalga oshiruvchi, xodimlarining soni ellik kishi va undan ortiq bo‘lgan har bir tashkilotda mehnatni muhofaza qilish talablariga rioya etilishini ta’minlash, ularning bajarilishi ustidan nazoratni amalga oshirish maqsadida mehnatni muhofaza qilish xizmati tashkil etiladi yoki mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha tegishli tayyorgarlikka ega bo‘lgan mutaxassis lavozimi joriy etiladi.

Xodimlarining soni ellik nafardan kam bo‘lgan tashkilotda mehnatni muhofaza qilish xizmatini tashkil etish yoki mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha mutaxassis lavozimini joriy etish to‘g‘risidagi qaror ish beruvchi tomonidan mazkur tashkilot faoliyatining o‘ziga xos xususiyati hisobga olingan holda qabul qilinadi.”;

quyidagi mazmundagi 12^1-band bilan to‘ldirilsin:

“12^1. Bevosita ishlab chiqarishda ishlarni tashkillashtirish va bajarish bilan bog‘liq ishchilar, rahbarlar, muhandis-texnik xodimlarning mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha bilimlarini sinovdan o‘tkazish O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha yo‘l-yo‘riqdan o‘tkazish, o‘qitish va bilimlarni tekshirish, malaka oshirish hamda qayta tayyorlash to‘g‘risidagi nizomga muvofiq amalga oshirilishi lozim.”;

14-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“14. Ishlarni texnologik reglament bo‘yicha xavfsiz yuritish yo‘riqnomalari O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha yo‘riqnomalarni ishlab chiqish to‘g‘risidagi nizomga muvofiq ishlab chiqiladi va ishlovchilar hamda ish joylarini shu yo‘riqnomalar bilan ta’minlash tuzilmaviy bo‘linmalar rahbarlari zimmasiga yuklatiladi.”;

37-banddagi “Mehnat muhofazasi bo‘yicha o‘qishlarni tashkil qilish va bilimlarni sinash to‘g‘risidagi Namunaviy nizom” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha yo‘l-yo‘riqdan o‘tkazish, o‘qitish va bilimlarni tekshirish, malaka oshirish hamda qayta tayyorlash to‘g‘risidagi nizom” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

181-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“181. Ishlab chiqarish, qoʻshimcha, shuningdek sanitariya-maishiy xonalar va ovqatlanish punktlari ventilyatsiyasi SHNQ 2.04.05-22 “Isitish, ventilyatsiya va konditsiyalash”, SanQvaN 0324-16 “Ishlab chiqarish xonalari mikroiqlimining sanitariya-gigiyenik normalari”, SanQvaN 0027-22 “Umumiy ovqatlanish korxonalariga qoʻyiladigan sanitariya-gigiyena talablari”ga muvofiq boʻlishi lozim.”.

2. Oʻzbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2007-yil 5-noyabrdagi M-45-son “Spirt va likyor-aroq ishlab chiqarish xodimlari uchun mehnat muhofazasi qoidalarini tasdiqlash haqida”gi buyrugʻida (roʻyxat raqami 1755, 2007-yil 27-dekabr) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2007-y., 52-son, 546-modda):

1) buyruqning nomi va 1-bandidagi “mehnat muhofazasi” degan soʻzlar “mehnatni muhofaza qilish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

2) Qoidalarida:

nomi va 1–12-ilovalarning ilova belgisidagi “mehnat muhofazasi” degan soʻzlar “mehnatni muhofaza qilish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

quyidagi mazmundagi 7^1-band bilan toʻldirilsin:

“7^1. Mehnatni muhofaza qilish boʻyicha nazorat Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Tashkilotlarda mehnatni muhofaza qilish ishlarini hamda mehnatni muhofaza qilish xizmati faoliyatini tashkil etish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga muvofiq amalga oshiriladi.”;

10-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“10. Korxonalarda mehnatni muhofaza qilish borasidagi ishlarni tashkil qilish Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Tashkilotlarda mehnatni muhofaza qilish ishlarini hamda mehnatni muhofaza qilish xizmati faoliyatini tashkil etish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga muvofiq amalga oshirilishi lozim.”;

quyidagi mazmundagi 10^1-band bilan toʻldirilsin:

“10^1. Oʻzbekiston Respublikasi “Mehnatni muhofaza qilish” toʻgʻrisidagi Qonunining 12-moddasiga muvofiq ishlab chiqarish faoliyatini amalga oshiruvchi, xodimlarining soni ellik kishi va undan ortiq boʻlgan har bir tashkilotda mehnatni muhofaza qilish talablariga rioya etilishini taʼminlash, ularning bajarilishi ustidan

nazoratni amalga oshirish maqsadida mehnatni muhofaza qilish xizmati tashkil etiladi yoki mehnatni muhofaza qilish boʻyicha tegishli tayyorgarlikka ega boʻlgan mutaxassis lavozimi joriy etiladi.

Xodimlarining soni ellik nafardan kam boʻlgan tashkilotda mehnatni muhofaza qilish xizmatini tashkil etish yoki mehnatni muhofaza qilish boʻyicha mutaxassis lavozimini joriy etish toʻgʻrisidagi qaror ish beruvchi tomonidan mazkur tashkilot faoliyatining oʻziga xos xususiyati hisobga olingan holda qabul qilinadi.”;

quyidagi mazmundagi 12^1-band bilan toʻldirilsin:

“12^1. Bevosita ishlab chiqarishda ishlarni tashkillashtirish va bajarish bilan bogʻliq ishchilar, rahbarlar, muhandis-texnik xodimlarning mehnatni muhofaza qilish boʻyicha bilimlarini sinovdan oʻtkazish Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Mehnatni muhofaza qilish boʻyicha yoʻl-yoʻriqdan oʻtkazish, oʻqitish va bilimlarni tekshirish, malaka oshirish hamda qayta tayyorlash toʻgʻrisidagi nizomga muvofiq amalga oshirilishi lozim.”;

14-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“14. Ishlarni texnologik reglament boʻyicha xavfsiz yuritish yoʻriqnomalari Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Mehnatni muhofaza qilish boʻyicha yoʻriqnomalarni ishlab chiqish toʻgʻrisidagi nizomga muvofiq ishlab chiqiladi va ishlovchilar hamda ish joylarini shu yoʻriqnomalar bilan taʼminlash tuzilmaviy boʻlinmalar rahbarlari zimmasiga yuklatiladi.”;

37-banddagi “Mehnat muhofazasi boʻyicha oʻqishlarni tashkil qilish va bilimlarni sinash toʻgʻrisidagi Namunaviy nizom” degan soʻzlar “Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Mehnatni muhofaza qilish boʻyicha yoʻl-yoʻriqdan oʻtkazish, oʻqitish va bilimlarni tekshirish, malaka oshirish hamda qayta tayyorlash toʻgʻrisidagi nizom” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

177-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“177. Ishlab chiqarish, qoʻshimcha, shuningdek sanitariya-maishiy xonalar va ovqatlanish punktlari ventilyatsiyasi SHNQ 2.04.05-22 “Isitish, ventilyatsiya va konditsiyalash”, SanQvaN 0324-16 “Ishlab chiqarish xonalari mikroiqlimining sanitariya-gigiyenik normalari”, SanQvaN 0027-22 “Umumiy ovqatlanish

korxonalariga qoʻyiladigan sanitariya-gigiyena talablari”ga muvofiq boʻlishi lozim.”.

3. Oʻzbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2008-yil 17-dekabrdagi 76-son buyrugʻi (roʻyxat raqami 1887, 2009-yil 19-yanvar) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2009-y., 4-son, 29-modda) bilan tasdiqlangan Farmatsevtika ishlab chiqarishi xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) quyidagi mazmundagi 3^1-band bilan toʻldirilsin:

“3^1. Mehnatni muhofaza qilish boʻyicha nazorat Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Tashkilotlarda mehnatni muhofaza qilish ishlarini hamda mehnatni muhofaza qilish xizmati faoliyatini tashkil etish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga muvofiq amalga oshiriladi.”;

2) 5-banddagi “jamoat” va “mehnat muhofazasi” degan soʻzlar tegishli ravishda “jamoatchilik” va “mehnatni muhofaza qilish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

3) 7-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“7. Korxonalarda mehnatni muhofaza qilish borasidagi ishlarni tashkil qilish Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Tashkilotlarda mehnatni muhofaza qilish ishlarini hamda mehnatni muhofaza qilish xizmati faoliyatini tashkil etish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga muvofiq amalga oshirilishi lozim.”;

4) quyidagi mazmundagi 7^1-band bilan toʻldirilsin:

“7^1. Oʻzbekiston Respublikasi “Mehnatni muhofaza qilish toʻgʻrisida”gi Qonunining 12-moddasiga muvofiq, ishlab chiqarish faoliyatini amalga oshiruvchi, xodimlarining soni ellik kishi va undan ortiq boʻlgan har bir korxonada mehnatni muhofaza qilish talablariga rioya etilishini taʼminlash, ularning bajarilishi ustidan nazoratni amalga oshirish maqsadida mehnatni muhofaza qilish xizmati tashkil etiladi yoki mehnatni muhofaza qilish boʻyicha tegishli tayyorgarlikka ega boʻlgan mutaxassis lavozimi joriy etiladi. Ellikta va undan ortiq transport vositasi mavjud boʻlgan korxonada yoʻl harakati xavfsizligi xizmati ham tashkil etiladi yoki yoʻl harakati xavfsizligi boʻyicha mutaxassis lavozimi joriy etiladi.

Xodimlarining soni ellik nafardan kam boʻlgan korxonada mehnatni muhofaza qilish xizmatini tashkil etish yoki mehnatni muhofaza qilish boʻyicha

mutaxassis lavozimini joriy etish toʻgʻrisidagi qaror ish beruvchi tomonidan mazkur tashkilot faoliyatining oʻziga xos xususiyati hisobga olingan holda qabul qilinadi.”;

5) quyidagi mazmundagi 13^1-band bilan toʻldirilsin:

“13^1. Bevosita ishlab chiqarishda ishlarni tashkillashtirish va bajarish bilan bogʻliq ishchilar, rahbarlar, muhandis-texnik xodimlarning mehnatni muhofaza qilish boʻyicha bilimlarini sinovdan oʻtkazish Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Mehnatni muhofaza qilish boʻyicha yoʻl-yoʻriqdan oʻtkazish, oʻqitish va bilimlarni tekshirish, malaka oshirish hamda qayta tayyorlash toʻgʻrisidagi nizomga muvofiq amalga oshirilishi lozim.”;

6) 101-banddagi “mehnat muhofazasi” degan soʻzlar “mehnatni muhofaza qilish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

4. Oʻzbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2008-yil 17-dekabrdagi 75-son buyrugʻi (roʻyxat raqami 1890, 2009-yil 24-yanvar) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2009-y., 5-son, 46-modda) bilan tasdiqlangan Balandlikda ishlaganda mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) quyidagi mazmundagi 4^1-band bilan toʻldirilsin:

“4^1. Mehnatni muhofaza qilish boʻyicha nazorat Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Tashkilotlarda mehnatni muhofaza qilish ishlarini hamda mehnatni muhofaza qilish xizmati faoliyatini tashkil etish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga muvofiq amalga oshiriladi.”;

2) 7-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“7. Korxonalarda mehnatni muhofaza qilish borasidagi ishlarni tashkil qilish Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Tashkilotlarda mehnatni muhofaza qilish ishlarini hamda mehnatni muhofaza qilish xizmati faoliyatini tashkil etish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga muvofiq amalga oshirilishi lozim.”;

3) quyidagi mazmundagi 7^1-band bilan toʻldirilsin:

“7^1. Mehnatni muhofaza qilish xizmati va yoʻl harakati xavfsizligi xizmati korxonaning mustaqil tarkibiy boʻlinmalari boʻlib, ular bevosita korxona rahbariga boʻysunadi.”;

4) quyidagi mazmundagi 11^1-band bilan to‘ldirilsin:

“11^1. Xodimlarning mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha bilimlarini sinovdan o‘tkazish O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 24-dekabrdagi 819-son qarori bilan tasdiqlangan Mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha yo‘l-yo‘riqdan o‘tkazish, o‘qitish va bilimlarni tekshirish, malaka oshirish hamda qayta tayyorlash to‘g‘risidagi nizomga muvofiq amalga oshirilishi lozim.”;

5) VI-bo‘limning nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“**VI. Mehnatni muhofaza qilish qoidalarini buzganlik uchun javobgarlik**”.